

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМЛИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

Ж. НОРБЕКОВ

ҒОЯЛАР ФАЛСАФАСИ

*Бакалавриат босқичи учун
(Тўлдирилган иккинчи нашр)*

ТОШКЕНТ – 2016

УЎК:
КБК

Ж. Норбеков. Ғоялар фалсафаси. –Т.: «Fan va texnologiya», 2016, 228 бет.

ISBN 978–9943–10–

Ушбу ўқув қўлланмада «Ғоялар фалсафаси» фанининг предмети, мақсад ва вазифалари, ғоялар фалсафасининг ривожланиш босқичлари, дунёнинг мафкуравий манзараси, мафкуравий онг ва дунёқараш ҳамда мафкуравий тарбия билан боғлиқ муаммоларнинг ечими батафсил ёритилган. Ўқув қўлланма бакалаврият босқичи учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Б. Тўйчиев – фалсафа фанлари доктори, профессор.

Муҳаррир:

А. Ҳотамов – фалсафа фанлари номзоди, доцент.

Такризчилар:

С.Абдухолиқов – фалсафа фанлари доктори, профессор;

П.Қулматов– фалсафа фанлари номзоди, доцент.

Ўқув қўлланма А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти илмий Кенгаши томонидан 2016 йил 14 апрел 6-сонли баённомага асосан нашр этилди.

ISBN 978–9943–10–

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2016.

СЎЗ БОШИ

Ғоялар фалсафаси фани фалсафий билимларнинг муайян соҳаси сифатида собиқ Иттифоқ замонасида ўз ўрнига эга бўлмаган, эътибордан четлаштирилган. Ваҳоланки, илмий йўналишлардан бири эди. Мустабид тузум даврида марксистик ғоялар инсоният тафаккурининг олий чўққиси сифатида эътироф этилар, коммунистик ғоялар мутлақлаштирилиб, мафкурани фақатгина «Илмий коммунизм» нуқтаи назаридан талқин ва тарғиб этиш устувор эди. Асл идеология, яъни ғоя ва мафкураларнинг миллий ва умуминсоний тамойил ҳамда қоидаларини амалиётга татбиқ этишга ҳаракат қилган мамлакатларда эса инсон қадри, фуқаролик жамиятига хос плюралистик дунёқарашни устувор этиш демократик жараёнларнинг асосий йўналишларидан бирига айланди. Бу эса, ўз ўрнида жамият тараққиётининг янги сифат босқичига кўтарилишига йўл очиб бермоқда.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ғоя ва мафкурага муносабат тубдан ўзгарди. Бу соҳага жамиятнинг маънавий-мафкуравий янгиланиш мезонларидан бири сифатида ижобий қараш ва ёндашув шаклланди. Замонавий ғояшуносликнинг ютуқларидан истиқбол манфаатлари йўлида фойдаланила бошланди. Қолаверса, дунёнинг мафкуравий манзараси мураккаб жараён сифатида тус олганлиги, дунё, минтақа, локал даражадаги ғоявий хуружлар, давлат ва миллатлар ўртасидаги ғоявий курашлар кенг авж ола бошлади. Бу эса, мамлакат доирасидаги хавфсизлик масаласига айланиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Президент И.Каримов томонидан Миллий истиқлол ғояси назарий асослаб берилди. Унинг тушунча ва тамойиллари, категориялари, намоён бўлиш шакллари, ўзига хос жиҳатлари ва амалиёт билан боғлиқ хусусиятларини атрофлича ўрганиш зарурати вужудга келди. Зеро, ушбу соҳани ўрганиш кишиларда, айниқса ёшларда мафкуравий тарбияни шакллантириш, уларда плюралистик дунёқарашни ҳосил қилишга хизмат қилиши табиий. Мазкур ўқув қўлланма педагогика институтларида

«Миллий истиқлол ғояси, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» йўналиши бўйича таҳсил олаётган бакалаврлар учун «Ғоялар фалсафаси» фанидан маърузаларда фойдаланиш учун тақдим этилмоқда.

1. Ғоялар фалсафасининг предмети, мақсад ва вазифалари

Таянч тушунчалар:

*Ғояшунослик, ғоя, мафкура, идея, идеология,
мафкуравий онг ва дунёқараш, мафкуравий тарбия.*

Ғоялар – инсон тафаккури маҳсули сифатида ижтимоий характерга эга бўлиб, инсон руҳиятига таъсир этувчи, инсон ва жамиятни муайян ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикрлардир. Аммо ҳар қандай фикр ва қараш ҳам ғоя бўла олмайди. Ғоялар гарчи тафаккурда пайдо бўлса-да, инсон ва жамият руҳиятига, одамнинг ички дунёсигача кириб бориб, уни ҳаракатга келтирувчи мақсад сари етакловчи руҳий-ақлий кучга эга бўлган ижтимоий ҳодисадир.

Мазмун ва намоён бўлиш шаклига қараб, ғояларни бир қанча турларга ажратиш мумкин. Улар: илмий ғоялар, фалсафий ғоялар, диний ғоялар, бадиий ғоялар, ижтимоий-сиёсий ғоялар, миллий ғоялар, умуминсоний ғоялар ва ҳоказо.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрлардан келиб чиқиб шуни айтиш керакки, ғояшунослик тушунчаси ўз моҳиятига кўра, турли хил ғояларнинг табиатини, яъни ғояларнинг табиий ва ижтимоий ҳодисаларга бўлган муносабатини ифода этадиган, қонун ва категорияларини ўрганувчи ғоялар тизими сифатида баҳоланиши мумкин.

Айни замонда кўпгина адабиётларда «ғоя», «мафкура», «идея» ва «идеология» тушунчалари ишлатилмоқда. Идея ва идеология кўпроқ ғарб давлатларида ҳамда рус тилидаги манбаларда учрайди. «Идея» ибораси юнон тилидаги «*idea*» сўзидан олинган, у идеология сўзининг ўзаги бўлиб ҳисобланади, яъни тушунча ёхуд фикр маъносини англатади. Идеология («*idea* ғоя, тушунча, «*logos*» - таълимот) атамаси эса ғоялар тўғрисидаги таълимотни англатади ва икки хил маънода ишлатилади.

1. Ғояларнинг мазмуни - моҳиятини, шаклланиши аҳамияти тўғрисидаги билимларни ифодалайди ва илмий соҳа бўлиб ҳисобланади.

2. Муайян ғояни амалга ошириш, мақсадга етишиш усуллари, воситалари, омиллари тизимини англатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, собиқ Иттифоқ даврида ғоялар дунёси, унинг ўзига хос қонуниятлари, уларнинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ўрганувчи алоҳида фан йўқ эди. Ҳатто шу соҳа мутахассисларини, яъни фалсафа бўйича кадрлар тайёрлайдиган университетларда ҳам бу борадаги мавзулар муайян фаннинг асосини ташкил этадиган илмий тизим сифатида ўқитилмасди. Бунинг асосий сабабларини қуйидагича изоҳлаш мумкин: собиқ марксча-ленинча мафкура тараққиётнинг асосий қонуниятларини тўғри тушунтириб берадиган ягона таълимотдир, деган ақида мутлақ ҳақиқат сифатида эътироф этилар эди. Натижада, айнан ана шундай қараш умуминсоний аҳамиятга молик бўлган ғоялар тўғрисидаги фан -«Идеология»-нинг ўрганмаслигига олиб келган эди. Зеро, ғоялар тўғрисидаги билимларни эгаллаш, бу соҳанинг ўз қонуниятлари ва амал қилиш тамойиллари борлигини яққол кўрсатиб қўйган бўлур эди. Бу эса табиий равишда, ана шу соҳада пайдо бўлган назария ва таълимотларнинг мазмун-моҳияти, қандай мақсадларга қаратилгани, кимларга хизмат қилиши тўғрисидаги аниқ тасаввур ва тушунчаларни шакллантирар эди. Бинобарин, бу – жамият тараққиётида антогонистик зиддиятларни мутлақлаштириш, инсониятнинг бир қисмини синф тарзида йўқ қилиб юбориш, қолган қисми устидан эса диктатура ўрнатиш орқали бу дунёнинг ҳаёлий жаннати – коммунизм қуришни тарғиб қиладиган сохта таълимотнинг асл қиёфасини ошкор қилиб қўяр эди.

Шу маънода, собиқ шўро даврида бу соҳадаги мутахассисларнинг онги ва дунёқарашини умуминсоний тамойиллар, қонун-қоидалар билан эмас, балки тоталитар мафкура ва мустабид тузумнинг мақсадлари йўлида шакллантиришга хизмат қиладиган баъзи «фан»лар сифатида таълим тизимига киритилди. Масалан, «Буржуа фалсафасига танқид», «Ҳозирги замон ғарб социологиясини танқид» каби ўқув курслари шулар жумласидандир. «Илмий коммунизм», «Илмий атеизм», «Сиёсий иқтисод» бўйича дарс олиб бориш барча олий ўқув юртларидаги таълим тизимининг таркибий қисми эди.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг бу борадаги ишлар кўлами, аҳволи тубдан ўзгарди.

«Социология», «Культурология», «Политология» каби фанлар таълим тизимининг таркибий қисмига айланди.

«Ғоялар фалсафаси» (Идеология) фани мазкур соҳа мутахассисларини тайёрлайдиган олий ўқув юртлари учун мўлжалланган бўлиб, ўз предмети, ўзининг категориялари, тушунча ва қонуниятлари, мақсад ва вазифаларига эга. *«Ғоя», «мафкура»ларнинг умуминсоний илдизлари», «мафкуравий онг ва дунёқараш», «ғоялар ва мафкуралар тизими», «ғоявийлик ва ғоясизлик», «мафкуравий фаолият», «мафкуравий таъсир ва акс таъсир», «мафкуравий майдон ва полигонлар», «ғоявий зиддият ва мафкуравий толерантлик», «мафкуравий инқироз ва ғоявий бўшлиқ», «мафкуравий профилактика ва иммунитет», «мафкуравий тарбия»* каби муаммоларни ўрганиш мазкур фаннинг предмети ҳисобланади.

«Ғоялар фалсафаси» (Идеология) фани ҳам бошқа фанлар қатори ўз олдига қўйган мақсадларидан келиб чиқиб, муайян вазифаларни бажариши керак бўлади. Масалан, ғоявий дунёқарашни шакллантиришдаги вазифаси: фалсафа илми билан узвий алоқада бўлиб, фалсафий билимларни чуқур ўзлаштиришни тақозо этади. Маълумки, ғоялар тўғрисидаги илмий билимлар кишиларнинг ғоявий дунёқарашини шакллантиришга хизмат қиладиган фалсафий тафаккурнинг муҳим қисмидир. Ғоявий дунёқарашнинг баҳолаш вазифаси: яъни инсон ўз ғоялари ва манфаатларидан келиб чиқиб, нарса ва ҳодисаларни яхши ёмон, фойдали-зарарли, савоб-гуноҳ каби тушунчаларга ажратади, уларни баҳолайди. Ғоявий дунёқараш инсон фаолиятини бир қатор усул-воситалар орқали бошқариш вазифасини бажаради. Булардан ташқари бирлаштириш вазифаси, мафкуравий иммунитетни шакллантириш вазифаларига эга.

Инсоният тарихи тажрибаси шуни кўрсатадики, бирон-бир жамият, халқ, миллат муайян ғоялар ва мафкурасиз тараққиётга эриша олмайди. Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, И.Каримов ташаббуси билан ўзбек халқи ҳам ўз олдига озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш каби буюк мақсадларни қуйди. Ана шу эзгу мақсадларни амалга ошириш, мамлакатимизда демократик тамойилларга асосланган жамиятни барпо этиш эҳтиёжи бизга ёт ва бегона ғояларга, уларнинг тажовузига қарши тура оладиган, ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга

етказиш, ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслик ва ниҳоят, юртимизнинг юксак тараққиётини таъминлашга қаратилган миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришни тақозо этмоқда.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон Республикаси халқи ўзини миллий-маънавий янгиланишда миллий истиқлол ғоясига таянишга алоҳида эътиборини қаратмоқда. Мустабид тузум даврида амал қилиб келинган, халқимизнинг миллий-маънавий руҳиятига тамомила зид бўлган «*коммунистик ғоя*»дан воз кечилди. Мустақил Ўзбекистон Республикаси халқи ўз миллий ғояси негизларига таянган ҳолда ўзига хос ривожланиш йўлини танлади, Бу эса ўзига хос сабаблар орқали изоҳланади.

Биринчидан, мустақиллик туфайли халқимиз ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаш ҳуқуқига эга бўлди. Бу эса халқимизнинг тарихан таркиб топган миллий-маданий меросларини, қадриятларини қайта тиклагани ҳолда ўз келажагини кўра олиш ва қуриш имкониятини берди.

Иккинчидан, тоталитар тузумнинг ғоявий асоси бўлган коммунистик мафкура тарғиботчилари миллатимиз руҳиятига, қадриятларига зид равишда бизга ёт бўлган қадриятларни сингдиришга уриниб келган. Бунинг асоратларидан халос бўлишга қаратилган маънавий-мафкуравий эҳтиёж мавжуд.

Учинчидан, маълумки ҳар қандай давлат ёхуд жамият мақсадсиз яшай олмайди. Шу маънода ўзининг мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган.

Ўзбекистон Республикаси халқи учун маънавий асос бўлиб хизмат қиладиган миллий ғояни ўрганишга бўлган зарурат деб қараш лозим.

Тўртинчидан, жамият тарихида ҳар хил ғоялар ҳукмронлиги бўлган. Демак, ғоя билан ғоянинг, мақсад билан мақсаднинг, фикр билан фикрнинг фарқини билиш ва англаш учун ҳам миллий истиқлол ғоясини ўрганиш зарур.

Бешинчидан, ғоялар таъсир кўлами билан ҳам бир-биридан фарқланади. Айрим ғоя тарафдорлари мутлақ ҳақиқатни эътироф этишга даъво қилиши мумкин. Улар ўз мақсадларини қандай йўл билан бўлмасин сингдиришга уринади. Демак, бу борада ҳам огоҳлик талаб этилади. Ёшларимиз ўз халқи, мамлакат тарихини, миллий-маънавий меросини, қадриятларини топтамаслига, ўзига хосликни йўқотмаслиги учун ҳам миллий ғояни ўрганиши,

билиши керак бўлади. Мустақилликни мустаҳкамлаш учун халқимизни бирлаштирадиган, унинг асрий эзгу мақсадлари бўлган «келажаги буюк давлат»ни барпо этиш, ҳар бир шахснинг ҳаётий манфаатларини ўзида мужассам этадиган миллий мафкурани шакллантириш ижтимоий-сиёсий ва маънавий тараққиётимизнинг муҳим шартига айланмокда. Шу ўринда И.Каримов: **«Олдимизга қўйган олижаноб мақсад-муддаоларимизга етиш, эски мафкуравий асоратлардан батамом халос бўлиш, ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслик, бегона ва ёт ғояларнинг хуружидан ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш зарурати халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос янги мафкурани шакллантиришни тақозо этмокда»¹.**

Шу маънода, халқимизнинг миллий мафкурасини шакллантиришда, ёшларнинг ғоявий тарбияси жараёнида бошқа ижтимоий-фалсафий билимлар қаторида **«Ғоялар фалсафаси»** фанининг дунё юзини кўриши ва уни ўрганиш орқали миллий мафкуранинг мазмун-моҳиятини яна ҳам теранроқ англаш имконияти кенгайиши муқаррар.

«Ғоялар фалсафаси» (Идеология) фанини фақат шу фанни ўрганиш асосидагина эгаллаш мумкин деб қараш бир томонлама ва нотўғри тасаввурдир.

«Ғоялар фалсафаси» фани билан барча ижтимоий-сиёсий фанлар, хусусан фалсафа, тарих, ижтимоий иқтисод, сиёсатшунослик, социологя, диншунослик, ахлоқшунослик ҳамда нафосатшунослик каби фанлар узвий боғлиқдир. Бу фанларнинг қандай ғояга асосланиши, уларни ўқитиш асосида ёшлар онги ва ишончига, қалбига қандай ғоялар сингдирилиши ҳар қандай жамият учун аҳамиятлидир. Айниқса, мустабид тузум даврида ижтимоий фанларни ўта мафкуралаштириб, миллий қадриятлар **«коммунистик мафкура»** қолипидан четга суриб қўйилганлигини эътиборга олиш лозим.

Барча ижтимоий-гуманитар фанларнинг **«социалистик реализм»** каби бир хил қолипга солинишига, ягона коммунистик ғоя ва мафкуранинг тарғиботчисига айланишига олиб келди. Оқибатда, ижтимоий-сиёсий фанлар ривожланишдан тўхтади.

¹ Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-т. –Т.: «Ўзбекистон», 2001. 220 -бет.

Фанларнинг эркин ривожланмаслиги оқибатида уларнинг самарадорлиги кескин пасайиб борганлиги маълум.

«Ғоялар фалсафаси» фанининг бошқа фанлар билан муносабати тўғрисида фикр юритилганда, аввало унинг ҳар қандай «ғоявий тазйик»лардан холи эканлигини эътироф этиш зарур. Айни пайтда, фикрлар хилма-хиллиги принципига асосланиш, халқнинг миллий-маданий мероси ва қадриятларига таяниши ҳамда умуминсоний тамойилларни эътироф этиш қондаси фанларнинг ривожига кенг имконият яратади. Ҳар бир фан йўналишлари (соҳалари) орқали **«Ғоялар фалсафаси» мезонларини** аниқлаб олиш мумкин. Масалан, ғояшунослик фанининг негизлари тарих фани билан чамбарчас, узвий боғлиқдир. Зеро, ҳар қандай ғоявий ҳодиса жамиятнинг муайян даврини ўз ичига олиши муқаррар. Ғояларнинг ички табиати, унинг фалсафий жиҳатларини фалсафа илми орқали, сиёсий-ижтимоий томонларини сиёсатшунослик фани орқали, муайян тарихий даврларда ҳукмрон мафкура даражасига кўтарилган у ёки бу диний таълимотлар аҳамияти ёхуд диний эътиқод сифатида инсонлар турмуш тарзига таъсир этувчи омил сифатида диншунослик орқали, социология, ижтимоий иқтисод, ахлоқшунослик ҳамда нафосатшунослик фанлари орқали миллий мафкуранинг шаклланишига фаол хизмат қилади.

«Ғоялар фалсафаси» (Идеология) фанини ўрганиш орқали инсон турли хил ғоялар орасидаги фарқни, уларнинг мақсад ва муддаоларини теран англаш имкониятига эга бўлиб, миллий истиқлол мафкураси ёшлар онгида илдиз отиб, уларнинг имон ва эътиқодига айланишида асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қилади.

«Ғоялар фалсафаси» фани фалсафий билимлар тизимига мансуб бўлганидан, ўзига хос илмий методологик вазифани ҳам бажаради. Яъни у ғоялари ўрганувчиларни ғоявий дунёқараш, умуммафкуравий тамойиллари билан қуроллантиради.

Назорат учун саволлар

1. Ғояшунослик, мафкура ва идеология атамалари, уларнинг моҳияти ва ўзаро алоқадорлиги.

2. Собик иттифоқ даврида ғоя ва мафкураларни ўрганувчи илмларнинг тақдири.

3. Мустақиллик даврида ғоя ва мафкураларнинг тубдан ўзгариши.

4. Ғояшуносликнинг тарбиявий имкониятларидан фойдаланиш вазифалари.

5. Ғояшунослик фанининг ижтимоий билимлар тизимидаги ўрни

I бoб. ҒOЯЛAP ФAЛCАФACИ PИBOЖЛAНИШИНИНГ TAPИXИЙ ШAKЛЛAPИ

1.1. Ғoялap фaлcафacининг Шapқoнa илдизлapи

Таянч тушунчалар:

Веда таълимоти, Упанишадалар, алмашинув гоёси, будда фалсафаси, жайнизм ва чорвакнинг фалсафий гоёлари, Конфуций, Мо Цзи, Дао таълимоти, Авесто, Моний, Моздак, Муҳаммад(с.а.в), тасаввуф, теурийлар, жадидалар.

Қадимги Шарқ маданияти ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни бекиёсдир. Қадимги Ҳинд, Хоразм ва қадимги Хитой маданияти ўз салоҳияти билан ғарб маданиятининг шаклланишига ўзининг сезиларли таъсирини ўтказганлиги илмий жиҳатдан исботланган.

Дастлабки ҳинд ёзма манбаларига Веда таълимотларига назар соладиган бўлсак, олам, коинот, жамият ва инсон тўғрисидаги илк ғоялар, диний ва мифологик қарашларга дуч келамиз. Қадимги Ҳиндистонда илк диний-фалсафий мактаблар асосан икки туркумга бўлинади. Бири Ведалардан келиб чиққан ва унга суянувчи мактаблар, иккинчиси Ведаларни тан олмайдиган, уларни рад этувчи мактаблардир. Ведалар (тахминан мил.авв. 1200-800 йй.) деб аталадиган энг қадимги санскрит матнларида қайд этилган. Юнон, скандинавия ва славян афсонавий ғоялари сингари унда ҳам худолар кўпинча табиий кучларга қиёс қилинади. Мазкур ғоялар коинот билан тартибсизлик (Хаос) ўртасидаги азалий кураш билан тавсифланарди. Веда матнларига кўра, бу курашда худоларнинг узил-кесил абадий ғалаба қилиши кафолатланмайди. Тартибсизликка қарши курашда худолар одамларнинг ёрдамига муҳтож бўлган. Қурбонликлар ва тўғри бажариладиган маросимлар коинотдаги тартибни тутиб туришга

катта ҳисса қўшиб туради. Упанишадлар эса Ведаларнинг танқидий жиҳатдан идрок этилишидир, Ведалар асосан мадҳиялардан иборат бўлса, унда Упанишадларга далил-асослар мувофиқ келади, яъни Упанишадлар янги диний-метафизик таълимотни эълон қилади.

«Упанишада» атамаси донишманднинг ўз шогирдларига таълим бериш жараёнини англатади. Вақт ўтиши билан бу атама шу жараёнда бериладиган мазмунни ифодаладиган фалсафий матн ифодасига айланди.

Упанишадаларнинг марказий мавзуларидан бири инсон туғилиши ва ўлимининг абадий «**алмашинуви**» ғоясидир. Бундай ғоялар тирик мавжудотларнинг ўлиmidан кейин яна қайта тирилишини назарда тутадиган, улар руҳларининг кўчиб юриши (**реинкарнация**) ҳақидаги таълимотга асос қилиб олинган. Туғилиш билан ўлим ўртасидаги абадий қайта ўтиб турадиган **цикл сансара (samsara)** дейилади. Ҳинд фалсафасида ахлоқий хатти-ҳаракатлар «*айланиши*»га киритилган: ...қайта тирилиш - ҳаёт - ўлим -қайта тирилиш - ҳаёт - ўлим... (сансара). Шундай қилиб, реинкарнация ғояси – бу специфик ҳиндча феномендир.

Грецияда Сукротгача бўлган фалсафа шаклланган давр билан тахминан бир вақтларда Ҳиндистонда буддизм, янги дин ва фалсафа шакллана бошлади. Ушбу контекстда «будда фалсафаси» ибораси у ёки бу даражада будда динининг ҳинд асосчиси Сиддхартга Гаутамага (тахминан мил.авв. 563-483 йй.) дахлдор бўлган диний эътиқодлар ва фалсафий ғояларни кўрсатади. У кўплаб ҳинд авлиёлари сингари уй-рўзғори, хотинини қолдириб, зоҳид ва донишманд сифатида зиёратга чиқиб кетган. Кўп йиллик зоҳидлик ва ўз-ўзини азоблашдан кейин ҳам инсон ҳаёти ҳақидаги фундаментал тасаввурлари барибир тўла ғафлатда (*avidya*) эканини сезган. Шунинг учун у ўз-ўзини азоблаш амалиётидан воз кечиш ва анъанавий мушоҳадага қайтишга қарор қилади. Бир оздан кейин Гаутаманинг онги тиниқлашиб кетади ва у бундай саволларга жавоб берадиган билимни эгаллайди. Кейинчалик у Будда (*ойдинлашган*) номи билан машҳур бўлади.

Будда таълимоти айна бир вақтда ҳам қийин, ҳам теран. Биз бу ўринда фақат унинг «*тўртта яхши ҳақиқат*» деган асосий қоидаларини кўриб чиқишимиз мумкин.

1. Дунё азоб-уқубатларга тўлиб кетган. Туғилиш - азоб, қарилик - азоб, касаллик ва ўлим - азоб. Ўзинг ёмон кўрадиган одам билан учрашиш - азоб, севимли кишидан жудо бўлиш - азоб, хоҳлаган нарсани қондириш учун курашиш - азоб. Аслида хоҳиш-истаклар ва эҳтирослардан озод бўлмаган ҳаёт ҳар доим азоб келтиради. Бу – азоб ҳақидаги ҳақиқат дейилади.

2. Яшашга нисбатан кучли иродага асосланган хоҳиш, агар ҳатто унинг излайдиган нарсаси баъзан ўлим билан тугаллансада, ўзи хоҳлаган нарсани излайди. Бу – азобларнинг сабаби ҳақидаги ҳақиқат деб аталади.

3. Агар инсоннинг барча эҳтирослари негизида ётган хоҳиш бартараф этиши мумкин бўлса, унда эҳтирос ўлади ва одамнинг азоблари ниҳоясига етади. Бу – азобларнинг тўхтатилиши ҳақидаги ҳақиқат деб аталади.

4. Хоҳиш-истаклар ва азоблар бўлмайдиган ҳолатга эришиш учун муайян йўлга амал қилиш лозим.

Яъни тўғри тафаккур, тўғри феъл-атвор, тўғри турмуш тарзи, куч- ғайрат ва ҳоказо. Бу – азобларнинг сабабидан халос бўлиш ҳақидаги ҳақиқатдир.

Иккинчи туркумга кирувчи мактаблар ичида жайнизм ва чорвак фалсафий ғоялари тирик ва нотирик дунё билан ифодаланади. Нотирик табиатга улар моддийликни киритадилар. Моддий нарсаларнинг ҳаммаси бўлинмас майда заррачалардан ташкил топган. Нотирик табиатга жайничилар яна макон, вақт, ҳаракат кабиларни ҳам киритганлар.

Жайнизм фалсафий ғояларига кўра, тирик табиат жондан иборат. Жоннинг асосий хусусияти онглиликдир. Онглилик турли жонларда турлича булади, унинг имконияти чексиздир. Бироқ жон тана билан боғлангандир. У эҳтирослар, хоҳиш-истаклар доирасига тушиб қолган. Бу эса унинг имкониятларини чеклаб қўйган. Шунинг учун ҳақиқий билим жонни танадан халос бўлишига ёрдам бериши керак.

Қадимги ҳинд фалсафасида чорвак таълимоти алоҳида ўрин тутди. Чорвак таълимотича, олам моддийдир. Моддий дунё тўрт унсур - сув, ҳаво, тупроқ ва оловдан ташкил топган. Органик табиат, шу жумладан, инсон ҳам ана шу моддий унсурлар бирикмасидан иборат. Инсон ақлли мавжудотдир, инсон ўз ақли ва сезгилари ёрдамида ташқи дунёдаги нарса ва ҳодисаларни

билишга қодир. Чорвак таълимоти кўпгина фалсафий муаммоларни ўртага ташлади ва уларни ҳал қилишга уринди. Бу қадимги Ҳиндистонда фалсафий ғоялар анча ривожланиб келганлигидан далолат беради.

Қадимги Хитойда ҳам ижтимоий-фалсафий ғоялар дастлаб вужудга келган ва тараққий этган. Қадимги Хитойда ижтимоий-фалсафий ғоялар милoddан аввалги VII асрларда вужудга кела бошлаган. Қадимги Хитойдаги ижтимоий-фалсафий фикр тарихида **Конфуций**нинг (551-479) ғоялари алоҳида ўрин тутади. У қадимий ёзма ёдгорликлардан *«Қўшиқлар китоби»*, *«Баҳор ва куз»* каби китобларни тузишда қатнашган. Илоҳий кучни тан олган Конфуций *«кишиларнинг ҳаёти тақдирга боғлиқ, бойлик ва улуглик эса илоҳ томонидан берилади»* деб уқдиради.

Конфуцийнинг фалсафий қарашларида ахлоқий масалалар марказий ўрин тутади. *«Ҳамма одамлар ўз табиатида кўра бир-бирига ўхшайдилар, тарбияга қараб улар бир-бирларидан фарқланадилар»*, *«янгини билиш учун эскини ўрганиш керак»*, *«мулоҳазасиз таълимот фойдасиздир, таълимотсиз мулоҳаза бўлмайди»* деган фикрлар Конфуцийнинг ахлоқ ҳақидаги таълимотида асосий ўрин олган.

Конфуций қарашларида Ли деган тушунча алоҳида аҳамият касб этади. Ли – тартиб, қоида деган маънони англатади. Ли бўлмаса жамият равнақ топмайди, тартиб-қоида ҳар қандай жамият ривожининг омилдир. Конфуций Ли тушунчасини ҳатто илоҳийлаштиришигача бориб этади.

Кейинчалик қадимги Хитойда конфуцийчилар таълимотига қўшилмаган моистлар мактаби вужудга келди. Бу мактабнинг асосчиси **Мо Цзи (Мо Ди)** ҳисобланади. У милoddан аввалги 479-400 йилларда яшаган. Унинг фикрича, инсон ўз ҳаёти давомида илоҳий куч белгилаган қоидаларга мос ҳолда яшаши керак. Илоҳ бахтиёр қилади, амал қилмаганларни жазолайди. Моцзи урушларни қоралайди, давлатлар ўртасидаги тинч-тотувликни қўллаб-қувватлайди.

Қадимги Хитойдаги йирик фалсафий мактаблардан бири даосизм мактаби эди. *Дао – қонун, йўл деган маънони билдиради. Даосизм мактабининг асосчиси Лао Цзи ҳисобланади (мил.авв. IV асрда яшаган).* Даосизм ғояларига кўра, олам моддий, моддий дунё дао қонунияти асосида тўхтовсиз ҳаракат ва ўзгаришда

эканлигини қайд этдилар. Даоистлар моддий дунёни билиш мумкинлигини, билиш сезгилардан бошланиб тафаккур билан якунланишини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдилар. Улар билишдан мақсад оламнинг моҳиятини, яъни даони билишдан иборат деб таъкидладилар.

Қадимги Турон заминида юзага келган адабий ёдгорликларда ҳам жамиятда вужудга келган ижтимоий тенгсизликлар, иқтисодий зиддиятлар акс этган, милоддан аввалги VI асрдан то милоднинг III асригача бу ерда зардуштийлик ва у билан боғлиқ бўлган дуалистик дунёқараш тарқалган эди. Зардуштийлик фақат диний таълимот бўлиб қолмай, балки ўша даврнинг ҳукмрон мафкураси, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-фалсафий қарашларнинг ифодаси сифатида кўрина бошлайди.

Президент И.Каримовнинг «**Ўзбек том маънода бунёдкордир**», деган сўзларида бунёдкорлик боқий ғоя сифатида ўз ифодасини топган. Бунёдкорлик халқимизга ота-боболардан меросдир. Инсоният тарихида одамлар онгига адолат, ҳақиқат, эзгулик, меҳнатсеварлик каби юксак ғоялар уруғини сепган зот, Сипийтмон Зардушт яратган муқаддас «**Авесто**» китобидаги юксак ғоялар буюк ватандошимиз Зардуштнинг ўлмас мафкураси эди.

Қарийб уч минг йил муқаддам – маърифат зиёсини жаҳолат булутлари қоплаб олган даврда буюк ватандошимиз Сипийтмон Зардушт яккахудолик ва эзгулик ғояларини тарғиб қилишни бошлаган эди. Сипийтмон Зардушт таълимотида инсонни эзгуликка даъват этувчи эзгу **фикр, эзгу калом, эзгу амал** каби ғоялар марказий ўринни эгаллайди.

Эзгулик ва ёвузлик кучлари ўртасидаги ғоявий кураш «**Авесто**»да ҳам баён этилган. Унда ҳарбий тўқнашувлар, босқинчилик, жониворларни азоблаш, одамларга адолатсизлик, хиёнат қилиш ғоялари қораланади, осойишта ҳаёт кечириш, меҳнат, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишга даъват этадиган ғоялар улуғланади. Зардуштийликда ер, сув, ҳаво, табиат эъзозланади, боғ-роғ яратган одам илоҳият раҳматига учрайди. Зардуштнинг бунёдкор ғоялари одамларни тинч-тотув яшашга, ҳалол меҳнат қилиб, юртини обод қилишга даъват этади.

«**Авесто**»да ватанпарварлик ғояси улуғланиб, одамларни баркамол бўлишга даъват этилган. *«Менга баркамол ва диногоҳ, ватансевар ва анжуманаро, аҳил, эзгу андишали, зулматдан,*

тангликдан қутқарувчи фарзандлар бағишла. Токи улар манзил, шаҳар, ўлка ва унинг ном ва овозини кўтарсинлар»¹.

«Авесто»да, «Заминни ҳаммадан кўпроқ бахтиёр қилган шахс, ҳаммадан кўп бугдой, гиёҳ ва мевали дарахтлар эккан зотдир! У қуруқ ерларга сув чиқарган ва сувли ерларни шудгор қилган зотдир...» - дейилади.

«Авесто»да акс этган «Эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амални олқишлайман! Ният, сўз ва амаллар ичидан мен қабих андиша, қабих сўз ва қабих амалдан юз бураман»², деган ҳикматли сўзлари бугун ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга. Бу ўлмас ғоялар кейинчалик пайдо бўлган динлар, жумладан, христианлик ва ислом томонидан ҳам қабул қилинди. Демак, бу муқаддас китоб ўз даврида шаклланган ғоялар тизимидан иборат бўлган жамият мафкураси эди.

Шаклланган ва ривож топган қадимги Шарқ жамияти асослари милоднинг II-III асрларига келиб, аста-секин емирила бошлади. Унинг заминида феодал муносабатлар ривож топди. Бу жараённинг мураккаб ва зиддиятли кечиши ўша даврлардаги фалсафий қарашларда ҳам акс этган. Шунинг оқибатида зардуштийликдан янги оқим – монийчилик келиб чиқди. Бу таълимотнинг асосчиси **Моний** бўлиб, у 216-217 йилларда Ботлда туғилган, 276 йилда Жундишопур шаҳрида қатл этилган.

Моний таълимотича, оламда нур дунёси – яхшилик ва зулмат дунёси – ёвузлик мавжуд. Улар ўртасида абадий кураш боради. Пировард натижада яхшилик тантана қилиши, инсон ўз хулқи ва бутун ҳаёти билан ёруғликнинг зулмат билан курашига ёрдам бериши ва яхшиликнинг тантанаси учун хизмат қилиши керак.

Моний таълимоти кулдорлик давлатига, шунингдек, хукмрон динга қарши қаратилгани учун унинг тарафдорлари қаттиқ қувғинга дучор бўлдилар.

V асрнинг охири ва VI аср бошларида Ўрта Осиё ва Эронда кучайиб бораётган зулмга қарши Маздак бошчилигида халқ кўзғолони кўтарилди. Бу ҳаракат аёвсиз равишда бостирилди. Маздакнинг ўзи эса даҳрийликда айбланди. Лекин маздакийликни бутунлай йўқ қилиб юбориш мумкин эмас эди. Чунки халқ

¹ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. А.Маҳкам таржимаси. –Т.: «Шарқ», 2001, 90–111 -бетлар.

унда ўзининг кўп асрлик орзу-умидларининг амалга ошиш йўллари кўрар эди.

Маздакчилар мафкураси жамоа ерларини босиб олиш ҳаракатини ҳимоя қилишга қаратилган эди. Шундай қилиб, *Маздак таълимотида ижтимоий зулмга қарши муқаддас вазифа сифатида талқин этилади ва унга диний тус берилади. Маздакчилар жамоага асосланган ҳолда ҳар бир киши мулкка тенг эга бўлиши керак деб ҳисоблайди.*

Тенглик гояси – маздакчилар таълимотининг асосий негизидир. Маздакчиларнинг бу гоясини шоир Фирдавсий ўзининг «Шоҳнома» асарида куйидагича ифодалайди:

Бойлик, бечоралик бўлмасин токим,

Тинчлик бўлсин жоҳон мулкида ҳоким.

Бир ҳолда яшасин қашшоқ билан бой,

Қашшоқда ҳам бўлсин, ошу-нон, уй-жой.

Лекин буни амалга ошириш учун Маздак таклиф этган зўравонликка қарши кураш йўли нотўғри. Қадимги Турон ва Эрон халқлари ўзининг бутун тарихи давомида тадрижий тараққиёт йўлидан борганлар. Монийчилик ва Маздакчилик зардуштийликнинг турли мазҳаблари ҳисобланган.

Милоддан аввалги II ва I асрларда Қадимги Турон заминида буддизм кенг тарқалган. Марв, Балх, Термиз, Сигноқ, Кува, Косон, Самарқанд, Бухоро каби шаҳар ва музофотларда ҳам буддачилик таълимоти ақида ва маросимларини талқин ва уларни бошқа Шарқ мамлакатларида тарғиб этишда алоҳида ўрин тутган марказлар бўлган.

Буддачиликнинг жаҳон динига айланишида 5 та катта туркий уруғ асос солган. Кушонлар салтанати, унинг шаҳаншоҳлари - Кадзула Кадфис, Вима Кадфис, Канишка, Васудева ва бошқалар ҳал қилувчи роль ўйнаганлар. Милоддан аввалги I аср ва милодий IV-V асрлари орасида Марказий Осиё, Турон-Эрон, Шимолий Ҳиндистон, Кавказнинг Осиё этакларидан «Садди чин»гача ўз ичига олган кушонлар салтанати Махаяна буддачилигини ўзининг ғоявий эътиқоди, мафкураси деб эълон қилган эди.

Буддачиликнинг диний-фалсафий ғоялари асосида тўртта қоида ётади. Булар: дунёда азобланиш, азоб-уқубат мавжуд, ҳар қандай азобланишнинг сабаби бор, азобланишдан халос бўлиш

мумкин, азобланишдан халос бўлишга олиб чиқувчи йўл бор. Азобланиш деганда буддачилик нафақат инсонни, балки барча тирик мавжудотнинг пайдо бўлишидан йўқ бўлишигача бўлган жараёни тушунади. Лекин азобдан қутулиш мумкин. Қутулиш деганда инсон ўз истакларидан воз кечишини, шу билан бирга тўла хотиржамлик, осойшталик, мутлақ масъудлик (Нирвана) ҳолатига эришишни тушунади.

Инсон ҳар томонлама пок бўлиши (бу «*ахимса*» деб аталади), ўзида энг олижаноб фазилатларни мужассамлаштириши лозим. Унинг ҳар бир ҳаракати, ўзгаларга муносабати фақат эзгулик нуқтаи назаридан баҳолангандагина, бутун ҳистуйғусини, фикр-ўйини Буддага қаратиб, қалбан Илоҳ билан яшагандагина, у мутлақ масъудлик ҳолатига эришиши мумкин.

Шундай қилиб, милoddан олдин Марказий Осиёда диний, ижтимоий-фалсафий ғояларнинг дастлабки куртаклари вужудга келди. Бу ижтимоий-фалсафий фикрлар диний руҳда бўлсада, ўша давр кишиларнинг олами, коинот, жамият ва инсон ахлоқи ҳақидаги қарашларни ўзида акс эттиради.

Араб халифалиги ислом байроғи остида аста-секин Арабистон чегарасидан чиқиб, Ўрта Шарқ томон юриш бошлаб, у ердаги мамлакатларни босиб ола бошлади. Бу жараён исломни ёйиш билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилди. VIII аср охири - IX аср ўрталарига келиб, араб халифалиги Шарқда энг кучли ривож топган салтанатга айланди. Ислomнинг вужудга келиши, мусулмон диний ақидаларнинг шаклланиши Макка шаҳрида туғилиб ўсган **Муҳаммад** (570-632) номи билан боғлиқ бўлиб, у 610 йилдан бошлаб ўз диний тарғиботини бошлаган, барча араблар қабиласи, жинси, ижтимоий мавқеи, иқтисодий аҳволдан қатъи назар ягона худога - Аллоҳга сиғиниш ва бўйсунишга тарғиб этиб, ўзини худонинг ердаги вакили - **«Пайғамбар»** деб эълон қилган.

Қуръон ва Ҳадис мусулмон илоҳиёти, дунёқараши, фалсафаси, маънавияти, ахлоқи, ҳуқуқи қабиларнинг асоси ҳисобланади. Муҳаммад пайғамбар якка худони, ҳамманинг ягона мақсадга бўйсунишини тарғиб қилиши билан бирга ўз давридаги тенгсизликларга, қабилалар ўртасидаги курашлар, қулдорлик, инсонни хўрлашларга қарши чикди; раҳм-шафқатли

бўлишга ундади, олдинги динларга, инсон эътиқодларига ҳурмат билан қарашга чақирди.

Шундай қилиб, VI асрнинг охирида Арабистон ярим оролида пайдо бўлган ислом дини ўртадаги ахиллик, биродарлик, ҳамжиҳатлик, эзгулик, яратувчилик ғояларини тарғиб қилганлиги сабабли дунёнинг юздан ортиқ мамлакатлари ўртасида тарқалди, уларнинг маънавий ҳаёти, турмуш тарзи ва маданиятига ижобий таъсир кўрсатди.

Тасаввуф ва тасаввуф фалсафаси Туркистон, Хуросон ва Эрон, Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари диний-фалсафий тафаккурининг энг муҳим ҳамда ўзига хос қисмини ташкил этади.

Марказий Осиёда биринчи вужудга келган тасаввуф оқими Яссавийликдир. Бу оқимга **Аҳмад Яссавий** (1105-1165) асос солган. Яссавий Ясси (Туркистон) шаҳрида туғилган. Унинг отаси Иброҳим Ясси Сайрам шаҳрида узоқ йил шайхлик қилган ва кўп муридларга эга бўлган. Яссавий таълимоти унинг туркий тилда ёзилган «**Девони ҳикмат**» асарида баён этилган. Унинг таъбирича, бахтсизликка, чидамлилиқка, оғир ҳаётга ўрганган одам ҳақиқий сўфий бўла олади, худо васлига эришади, бу дунё бевафодир. Яссавий ғоялари Марказий Осиёнинг турли шаҳарлари ва музофотларида тарғиб қилинди.

Марказий Осиёда шаклланган энг йирик сўфийлик оқимларидан яна бири кубровиядир. Унга Хоразмда XIII асрнинг бошларида **Нажмиддин Кубро** (1145-1221) асос солган ва у Ўрта ва Яқин Шарқнинг бошқа ўлкаларига ҳам кенг тарқалган. Мўғуллар босқини даврида ўз муридлари билан шаҳар ҳимоясида иштирок этиб, қурбон бўлган Кубро билишнинг махсус йўлини ривожлантириб, тасаввуф ривожига катта ҳисса қўшган. У ўзининг қатор рисоаларида кубравия биродарлиги (Орден)нинг қоидаларини ишлаб чиққан.

Бутун мусулмон Шарқда энг кенг тарқалган йирик тасаввуф оқими нақшбандийлик ҳам Марказий Осиёда шаклланди. Нақшбандийлик таълимотининг бошланғич куртаклари бухоролик машҳур тасаввуфчилар **Юсуф Ҳамадоний (XII)** ҳамда **Абдуҳолик Ғиждувоний (XII-XIII)** таълимотларида олға сурилди. Лекин бу шаклланаётган янги тасаввуф оқими **Баҳовуддин Нақшбанд (1318-1389)** томонидан қиёмига етказилди ва унинг номи билан маълум бўлди.

Хуллас, нақшбандийлик инсонни улуғлайди, унинг ҳаётга, табиатга фаол муносабатда бўлишни тарғиб қилади. Унинг ғояларида Аллоҳ ягона, икки хил олам йўқ, шунинг учун моддий олам талабларига мослашиб яшамоқ, унинг лаззатларидан баҳраманд бўлмоқ, фаол меҳнат қилиб, бойликка интилмаслик лозим, у мистикага берилишни тарғиб этмайди. У тўрт тамойил асосида ҳаёт кечиришни тавсия этади.

1. Хилват дар анжуман – инсонлар билан доимо мулоқотда яшамоқ, дардига, қувончига шерик бўлмоқ, бойликка интилмаслик, камбағалларга ёрдам бермоқ.

2. Сафар дар ватан – ҳаётни ўрганиш, сафарда бўлиш, табиатдан завқланиш, ҳис-туйғудан воз кечмаслик, билимни ошириш, ғам-аламга ҳадеб берилавермаслик.

3. Назар дар қадам – ҳар бир қадамни ўйлаб босиш, фойдали ишлар қилиш, яхшиликка меҳнат билан интилиш, вақтни бекорга ўтказмаслик.

4. Хуш дар дам – инсон бу оламнинг якуни, у ҳар доим табиатнинг ноз-неъматларидан баҳра олиши, қийинчиликдан кўркмаслик, ўз мақсадларини рўёбга чиқариш.

Ўрта аср илм-фани ривожига ниҳоятда муҳим ўрин тутган қомусий олимлар Хоразмий, Форобий, Беруний ва Ибн Синолар номи бутун Шарқ ва Оврупо ўрта асрида ниҳоятда ҳурмат билан тилга олинади.

Муҳаммад ибн Мусо ал Хоразмий (780-850) – Шарқнинг буюк олими, дунё риёзиёт илми ривожига беҳисоб илмий ғояларини қўшган алломадир. Хоразмий мусулмон дунёсида биринчи бўлиб риёзиёт, жуғрофия, тарих фанларининг ривожини бошлаб берди.

Шарқда, яъни қадимги Турон заминида жамият ривожига ва бунёдкорлик ғоялари хусусида **Абу Наср Форобий (873-990)** ғоялари ўзига хос ўрин тутди. У ўзининг «*Фозил одамлар шахри*», «*Фуқаролик сиёсати*», «*Бахт-саодатга эришув ҳақида*» каби асарларида олижаноб жамият, адолатли тузум ҳақида фикр юритиб, ўз даври учун изчил таълимот яратди. Олим ҳар томонлама етук, барча аҳолини бахт-саодатга, илм-маърифатга элтувчи юксак ахлоққа эга идеал жамоа ҳақидаги ғояларни илгари сурди. Форобий: «*Инсоннинг моҳияти ҳақиқий бахт-саодатга эришув экан, инсон бу мақсадни ўзининг олий ғояси ва*

истагига айлантириб, бу йўлда барча имкониятлардан фойдаланса, у бахт-саодатга эришади»¹, деб алоҳида таъкидлаган.

Абу Райхон Беруний (973-1048) Хоразмда туғилиб тарбия топган. У 150 га яқин турли соҳаларда – тиббиёт, риёзиёт, астрономия, астрология, жўғрофия, геодезия, метеорология, этнография, тарих, фалсафа, филологияга оид йирик асарлар ва рисоалар муаллифидир. Беруний билимларни мажозий ақлий талқини, ҳақиқатнинг илмий ҳолисона характери, сабаб-оқибат занжирига асосланувчи мантикий тафаккур ёрдамида қўлга киритилиши, инсон ўз ақли, илм-фан, фалсафа ёрдамида ҳақиқатни қидириб топишга ҳақли эканлигини исботлаган эди.

Абу Али ибн Сино (980-1037) Марказий Осиё халқлари маданиятини бутун дунёга танитган машҳур ҳаким, қатор табиий фанлар билимдони, қомусий алломадир. У яратган 450 дан ортиқ асарларидан бизгача 160 га яқин асарлари етиб келган. Ибн Сино ҳар бир нарсани кузатиш ва тажриба асосида ўрганишга, кейин ҳулоса чиқаришга интилан, барча бунёдкорлик инсоннинг меҳнатига боғлиқлигини таъкидлаган. Ибн Сино ҳам Форобий, Беруний каби файласуфлар инсоният жамиятини фозил жамиятга, инсонни қомил инсонга айлантиришлари зарурлиги, бу уларнинг илоҳий ва инсоний бурчлари эканлиги ғоясини олдинга сурганлар.

Амир Темур ва унинг авлодлари қурган Темурийлар салтанати она – Ватанимиз тарихида мавжуд бўлган давлатчилик анъаналарининг бевосита, юксак ворисий давоми эди. Амир Темур, Шохрух, Умаршайх Мирзо, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур қурган салтанатлар Туркистонда азалдан давом этиб келган туркий цивилизация, илм-фан, маданият, диний-фалсафий, бадий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий ғоялар, давлатчилик, идора ва бошқариш, қонунчилик тизимларининг янада тезкор ва узлуксиз тараққий этишини таъминлади.

Амир Темур (1336-1406) ижтимоий-сиёсий қарашларининг мағизи, уларнинг Марказий Осиё, жаҳон ижтимоий-сиёсий фикри тараққиётидаги ўрни, унинг ўлими олдида «Васияти»да мухтасар ифодаланган. У *«Биз ким, мулки Турон, Амири Туркистонмиз. Биз ким, миллатларининг энг улуғи, Туркнинг бош*

¹ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: 1993, 19-бет.

бўғинимиз», деган. Соҳибқирон ўғитларида она – Ватанимиз Туркистонга, миллатимизга муҳаббат, унинг шаъни-шавкати учун қайғуриш, бунинг учун масъулиятни чуқур англаш, халқимиз, миллатимизнинг жаҳондаги нуфузини юксак тутиш, ардоқлаш каби муқаддас ғоялар берилган.

Амир Темурнинг «Темур тузуклари» китобида давлат идораси ва аҳли фуқарога муносабатда адолат, инсоф, диёнат, эл-юрт тинчлиги ва ободлиги бош ғоя сифатида илгари сурилди.

Бу ғоялар темурийлар давлатининг ғоявий тамойилларининг устувор йўналиши эди. Амир Темурнинг бунёдкорлик ғоялари ва амалий фаолияти катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг асосий мақсади бунёдкорлик ва яратувчилик эди. Жумладан, у «Темур тузуклари»да: *«Агар фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишига қурби етмаса, керакли ускуналарни етказиб бериб, унга ёрдам берилсин»*, деб кўрсатма беради. Шу ўринда, И.Каримовнинг Амир Темур ўз давлатини ақл-заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган десак адолатдан бўлади, деган фикрлари ниҳоятда ўринлидир. Зеро, Соҳибқирон ўз бунёдкорлик мақсадига етишиш учун собит қадамлик билан ҳаракат қилган. Жумладан, бу ҳақда *«Темур тузуклари»да ёзганидек, «Бирор ишни бажаришни ўйласам бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим»*¹. Унинг Мовароуннаҳр, Хуросон ва бошқа жойларда бунёд этган иншоотлари, темурийлар сулоласи давридаги маданият, фан ва адабиёт соҳасидаги ютуқлар бунга мисол бўла олади. Барча давлатларда ва турли халқлар тарихида миллий ғоя ва мафкура ўзида гуманизм талабларини, халқнинг ирода ва интилишларини акс эттирган тақдирда жамиятни бирлаштириб, унинг салоҳияти ва имкониятларини тўла юзага чиқаришда беқиёс омил бўлади.

Темурийлар даврида фан, ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиётига катта таъсир кўрсатган шахслардан бири – буюк олим, давлат арбоби **Мирзо Улуғбек** (1394-1449) дир. У ўз даврида Самарқандда расадхона қурдириб, астрономик мактаб яратган олим. Илмий меросининг гултожи – *«Зижи жадиди Кўрагоний» асари бўлиб, «Бир даража синусини аниқлаш ҳақида рисола», «Тўрт улус тарихи»* асарлари билан машҳур бўлган. Улуғбек ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий қарашлари ва ғоялари, давлатни

¹ Темур тузуклари.– Т.: 1996, 17-бет.

бошқаришга оид муносабати «*Тўрт улус тарихи*» асарида ўз ифодасини топган. Бунда айниқса туркий-муғулий ясо – тузукларининг қўлланиш кўлами билан мусулмон ҳуқуқи – шариат қонунчилигининг қўлланиш ва таъсир кўламининг ўзаро муносабати диққатга сазовордир.

XV аср ва ундан кейинги даврларда Туркистондаги ижтимоий, фалсафий фикр ривожига Алишер Навоийнинг мероси муҳим ўрин тутди.

Алишер Навоий дунёқараши асосларини унинг «*Ваҳдат-ул вуҷуд*» (пантеизм) таълимотига қўшган ҳиссаси, калом, шариат, тасаввуфга бўлган муносабатининг фавқулодда жиҳатлари, орифлик дунёқараши ва ахлоқий-дидактик позицияси, сиёсат, давлат, фозил жамият, оила, комил инсон ва шахс тўғрисида бир бутун назариялари ташкил этади.

Алишер Навоий ўзининг одил подшо, фозил жамият, комил инсон тўғрисидаги ғояларида Форобий, Ибн Сино илгари сурган таълимотларидан келиб чиққан.

Шундай қилиб, **Алишер Навоий** (1441-1501)нинг ижтимоий-фалсафий, инсонпарварлик ғоялари тарихий анъаналарнинг юксак давоми, келажакдаги жамият маънавий камолотининг муҳим омили бўлди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-15290) темурийлар сулоласининг энг буюк вакилларида бири, Ҳиндистонда «Бобурийлар» салтанатини бунёд этган, туркий, араб-мусулмон, форс-тожик, хинд маданияти, бадий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ва диний-тасаввуфий фикрга катта ҳисса қўшган мутафаккирдир.

Бобурнинг ижтимоий-фалсафий, бадий-ахлоқий, сиёсий ва ҳуқуқий, ирфоний, ислоҳчилик ғоялари ниҳоятда кенг қамровли, чуқур дунёқарашни ифодалар эди. Бобур дунёқарашининг бош йўналиши инсонпарварлик, илм-маърифатпарварлик, санъат-севарлиги, бадиият, шеър санъати, ватанпарварлиги - ўз Ватанини севиш, қўмсаш, диний бағрикенглик, юксак шижоатлилик, мардлик, ахлоқий поклик, хайрли ишларни қилишдир. Унинг жаҳон оммасига машҳур бўлган шоҳ асари «**Бобурнома**», «**Мубаййин**», «**Хатти Бобурий**», «**Ҳарб иши**» каби асарлари ва гўзал шеърляти машҳурдир.

Шундай қилиб, темурийлар даври маданият, санъат, адабиёт сингари ижтимоий, сиёсий, фалсафий ғоялар тараққиётида ҳам ўзига хос бир босқич бўлди.

Юқоридагилардан умумий хулоса шуки, ўрта аср Араб Шарқи ва Кавказорти халқлари ижтимоий ҳаётида феодал муносабатларнинг кучайиши йирик халқ кўзғолонларига сабаб бўлиб, ижтимоий ва сиёсий тенгсизликка қарши илғор ижтимоий-сиёсий ғояларнинг вужудга келиши ўша даврнинг ўзига хос хусусиятини ифодалайди.

Қатор илғор фикрловчи мутафаккирлар томонидан кишиларнинг эркинлик ва тенгликка бўлган табиий ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, истибдод сиёсий тузум, феодал қонунчилиқнинг танқид остига олиниши бежиз эмас ва турли таълимотларнинг яратилиши, улардаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ғояларнинг негизида акс этган тенглик ғояларининг устуворлиги кўзга ташланади. Ҳукмрон синфлар орасидан чиққан сиёсий таълимотчилар марказлашган дунёвий давлат бунёд этиш ва маърифатлашган абсолютизм ғояларини асослашга ҳаракатини кўриш мумкин.

Шарқ халқларининг сиёсий ва ҳуқуқий мафкураларини ўрганиш чоғида шуни эътиборга олиш лозимки, илғор сиёсий фикрларни ўзида акс эттирган кўпгина тарихий асарлар бизгача етиб келган эмас, чунки улар ҳукмрон синфлар томонидан аёвсизларча йўқ қилинган. Лекин сақланиб қолинган сиёсий асарлар ва адабиётларнинг гувоҳлик беришича, ушбу мамлакатлар халқларининг илғор сиёсий-ижтимоий ғоялари муайян натижаларга эришганлигини эътироф этиш мумкин.

VII аср бошларида Арабистонда тарқоқ ва ўзаро ихтилофда бўлган қабилаларнинг бирлашиши араб давлатининг вужудга келишига олиб келди.

Ушбу жараёнга қулдорлик тузумининг емирилишга, араб савдогарларининг таназзули, қулдорлар ва қулар ўртасидаги зиддият, бадавийлар (кўчманчи қабилалар) ва ўтроқ қабилалар ўртасидаги келишмовчилик, бой аристократия ва қашшоқлашган жамоалар ўртасидаги қарама-қаршилик ҳамда синфий антогонизмнинг кескин кучайиши асосий омиллар сифатида ўз таъсирини ўтказади.

VII асрнинг бошларида араб давлатининг вужудга келиши диний-сиёсий мафкура - «ислом»нинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб ва бу мафкурага эргашганлар муслимлар (мусулмонлар) («ўзини худога топшириш») деган номга эга бўлдилар.

Исломнинг диний-сиёсий мафкураси ўзида чуқур ижтимоий зиддиятларни акс эттирган бўлиб, бу синфий жамият ва араб давлатчилигининг вужудга келиши билан боғлиқдир. Исломда эркин кишиларнинг расмий тенглиги ва судхўрликнинг қораланиши билан: бир қаторда қулдорлик ва хусусий мулкчиликка қонуний мақом берилиши эътироф этилган бўлиб, исломга эътиқод қилган мусулмонлар қул бўлишлари мумкин эмас эди.

Иудаизм, христианлик ва бошқа динлардаги диний-сиёсий тасаввурларни ўзига сингдирган ислом ўз моҳиятига кўра теократия ғояларини (*диний ҳокимиятнинг дунёвий ҳокимиятдан устунлиги*) асослашга ҳаракат қилади. Теократизм – Қуръонда акс этган сиёсий ғояларнинг ўзига хос характерли томони ҳисобланиб, Аллоҳ ягонадир, унинг вакили худонинг иродаси бўйича одамларни бошқариб, Қуръон асосида ҳокимият мавқеи ва вазифаларини белгилаб беради. Қуръонда таъкидланишича: *«Аллоҳга итоат этинг ва расулга итоат этинг ва орангиздаги ҳокимият эгаларига итоат этинг»* каби тартиблар шулар жумласидандир.

Қуръон ижтимоий ва сиёсий тенгсизликни асослашга интилар экан ва бу худо томонидан белгилаб қўйилганлигини шарҳлаб беради.

Дастлабки ислом мафкурасида таъкидланишича, барча диний ва дунёвий ҳокимият *«пайғамбарга тааллуқли бўлиб, унинг ўлиmidан сўнг халифалар қўлига ўтади. Аммо биринчи халифа даврида олий ҳокимият теократик характерга эга бўлиб, ҳатто давлат мулки ҳам худонинг мулки ҳисобланган бўлса, 945 йилдан сўнг ҳақиқий ҳокимият дунёвий ҳукмдорлар - султонлар қўлига ўтади ва бунда имомлар ва бошқа руҳонийлар фақат диний нуфузгагина эга бўладилар. Қуръоннинг сиёсий-ҳуқуқий мафкураси ислом тушунчаси билан тўлалигича ҳамоҳанг бўлиб, бунда бошдан оёқ итоат этиш ва сабр-бардош каби тамойиллар устувордир. Инсон мавжудлигининг мазмуни бу дунё эмас, балки нариги дунёдир. Шунинг учун ҳар бир имони бутун мусулмон*

жаннатга боришни истар экан, у ҳар қандай қашшоқлик ва бошқа кўнгилсизликларга сабр-бардошли бўлишлари лозим. Акс ҳолда унга бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам жазо муқаррар.

Халифаликдаги синфий курашлар ва зиддиятларнинг кучайиши натижасида ҳамда турли мусулмонлар ижтимоий гуруҳлари ўртасида вужудга келган қарама-қаршиликлар ва ниҳоят диний ва дунёвий ҳокимият вакилларининг ўзаро зиддиятлари ўлароқ исломда ҳар хил йўналишлар ва мазҳабларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Исломда пайдо бўлган икки асосий йўналиш *суннийлик ва шиаликдир. Суннанинг мазмуни «муқаддас ривоят» бўлиб, Қуръонга қўшимча сифатида ҳукмрон синфларнинг янги эҳтиёжларини ғоявий-мафкуравий жиҳатдан оқлашга уринишдир* ва бу Қуръонда акс этмаганлиги билан изоҳланади. Сунна муаллифларининг эътироф этишларича, унда баён этилган ғоялар пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) томонидан башорат қилинган. Суннийликнинг вакиллари ўз таълимотида мана шу икки манбани асос қилиб кўрсатадилар ва бу таълимот ўз моҳиятига кўра синфий тенгсизликни оқлашга қаратилган бўлиб, халифани ўзларининг диний бошлиғи сифатида эътироф этадилар.

Суннийликдан фарқли ўлароқ, *шиалар Ироқ ва Эронда ўзларининг анчагина таъсирига ва нуфузига эга бўлиб, Қуръоннинг бир қанча қоидаларини суннийларнинг «муқаддас ривоят»ига қарама-қарши таълимот сифатида талқин этадилар. Улар тўртинчи халифа Алининг авлодлари бўлмиш 12 имом ҳақидаги қоидаларни илгари сурадилар.*

Шиалик таълимотига кўра, ўн иккинчи имом бу дунёга яна қайтиб келиш ва ўзи билан адолат, тенглик ҳамда ҳақиқатни олиб келиш учун «яширинган». Шу маънода шиалик таълимоти халқ оммасини «яширинган» имомни кўриш мақсадида бу дунёнинг қийинчиликларига сабр-бардошли бўлишга чақиради.

Суннийликда ҳам айнан шундай ғоя мавжуд бўлиб, маҳди (Аллоҳ ҳақ йўлига бошлаган) бу дунёда тенглик ва ҳақиқатни ўрнатади. Бу ғоя эзилган халқ оммаси томонидан фойдаланилиб, феодалларга қарши ўзларининг орасидан илоҳий «халоскор»ни суришга интилиш мавжуд эди. Натижада маҳдийлик ғояси феодалларга қарши кўзғолонларда ғоявий байроқ сифатида ва босқинчиларга қарши кураш байроғи сифатида илгари сурилган.

Шундай қилиб, ҳар иккала йўналишда ҳам мазҳаблар вужудга келди ва улар у ёки бу даражада эзилган халқ оммасининг манфаатлари ифода этилган бўлиб, эксплуатациясига қарши фаол норозилик шакли сифатида майдонга чиқди.

Биринчилар қаторида хорижийлар мазҳаби вужудга келган бўлиб, улар халифа бутун мусулмонлар жамоаси томонидан сайланиши лозимлиги ҳақидаги ғояни илгари сурдилар. Айнан ушбу ғоялар меҳнаткаш омманинг тенглигини таъминлашга қаратилганлиги эътиборга лойиқдир. Хорижийлар ғояси ўз моҳиятига кўра ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этиб, мусулмон жамоалар сайлаб қўйилган ҳукмдорга итоат этиши каби тамойилни ўзида ифода этади.

Исмоилийлар мазҳаби шиалик йўналишидаги мазҳаб бўлиб, антифеодал ҳаракатдаги деҳқонлар ва шаҳар камбағалларига суяна эди. Ушбу мазҳабнинг таълимоти кўзғолончиларнинг мафкуравий қуролига айланди ва деҳқонлар ҳамда бадавийлар ҳаракати (IX-XI асрлар) Сурия, Хуросон, Бахрайн ва бошқа жойларда мулкнинг умумийлиги, ерларни қишлоқ жамоаларига бериш каби, ижтимоий тенглик каби ғояларни ўзида мужассам этган эди.

Илғор сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар араб шоири ва мутафаккири **Абу-ал-Ала-ал** томонидан ўз асарларида ривожлантирилди. У меҳнаткаш омманинг эзилишини хаспўшлаган диний дунёқарашни кескин танқид остига олган эди. Озарбайжонда феодализмнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши Марказий Осиёдаги каби халқ оммасининг эксплуатация қилиниши ва синфий курашларнинг кучайиши шароитида кечди. Шу билан бир қаторда VII-X асрлар давомида араб босқинчиларига курашлар ҳам халқ оммасини оғир аҳволга солиб қўйган эди. Чет эл босқинчиларининг зулми ва маҳаллий феодалларнинг эксплуатацияси, сиёсий ҳокимиятнинг зўравонликлари охир-оқибат халқ кўзғолонларининг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Феодалларга қарши ҳаракат сифатида, айти пайтда араб халифалигига қарши бошланган деҳқонлар уруши 816-837 йиллар давомида (хуррабийлар ҳаракати) Бобак бошчилигида олиб борилган бўлиб, бу ҳаракат маздакийлик ғояларига асосланган эди. Бобакнинг ғоялари нафақат феодалларга қарши, балки исломга ҳам қарши қаратилган йўналишга эга эди.

Кишиларнинг бойлар ва камбағалларга бўлиниши каби қоидалар барча ижтимоий фалокатларнинг сабаби деб билган Бобак феодалларга итоат этиш, уларнинг мулклари каби масалаларга қарши чиқиб, феодаллар ерларини деҳқон ва камбағалларга тенг бўлиб бериш каби ғоялар билан чиққан бўлиб, бу талаблар барчанинг тенглигини таъминлашга қаратилган эди.

Савдо йўлларининг туташган қулай шароитлари боис, XII асрга келиб Озарбайжонда савдо-сотиқ ривожланди янги шаҳарлар барпо этилди. Буларнинг барчаси озарбайжон халқининг маданияти янада ривожланиб, шу билан бир қаторда сиёсий фикрлар ривожига ўз таъсирини кўрсатди.

Шу даврнинг буюк мутафаккири **Низомий Ганжавий** (1141-1209) ўз даврининг феодал жамиятига хос бўлган ижтимоий ва сиёсий тузумни қаттиқ танқид остига олган эди. У Бобакнинг ғоявий давомчиси ва қўшни мамлакатлардаги илғор сиёсий ва ҳуқуқий ғояларни ёқлаб чиққан эди.

Низомий эзилган халқ манфаатларини қаттиқ ҳимоя қила туриб, ўша даврдаги ижтимоий ва сиёсий тузумнинг иллатларини фош қилди, ҳукмдор шоҳлар ва бошқа феодалларни ўз манфаатлари йўлида адолатни ниқоб қилиб олганликларини очиб ташлар экан, шоҳларнинг ҳокимияти зўравонликка асосланганлиги ва бу барча иллатларнинг сабабчиси деб ҳисоблар эди. Мутафаккир ҳаёти давомида халқлар ўртасида дўстлик ва тенглик ғояларини тарғиб қилар экан: жумладан, *«қора ҳам оқ ҳам замин фарзандидир»* дейди. Бу тенгликнинг таърифини Низомий шундай изоҳланган эди: *«Хабаиш темирдай қоп-қора, унинг танаси қора, лекин қалби оқдир»*. У меҳнатни улуғлайди: *«Биз бу дунёга меҳнат учун келганмиз...»* Мутафаккир ўз асарларида феодал ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий тузум иллатларини ва мафкурасини фош этиб, ушбу тузум зулми ва зўравонликларига қарши ўлароқ ўзининг идеали-ижтимоий сиёсий тузум шаклини илгари суришга ҳаракат қилган.

Дастлаб унинг идеали сифатида маърифатли монархия тузumi ҳисобланиб, унда ҳукмдор адолат асосида мамлакатни бошқариши ва кишиларни бахтли этишга эришмоғи лозим. Адолатга суянган давлат бошқарувидаги давлат тузumi мустаҳкам ва собит бўлади. Низомий (*«Хусрав ва Ширин»*, *«Етти гўзал»*) дostonларида идеал мутлақ ҳукмдорни тасвирлаб

беришга ҳаракат қилган. Унда Ширин киролича сифатида маҳкумларни озод этиб, халқ бошига кулфат келтирувчи солиқларни бекор қилади. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисига бирдай ғамхўрлик кўрсатади ва у ўз халқига шод-хуррамлик ва озодлик келтиради. Бу дostonда Низомий халқ ҳукмдорлар учун эмас, балки ҳукмдор халқ учун мавжуд бўлишлиги ҳақидаги ғояни илгари суради.

Лекин амалдаги ижтимоий ҳаёт, реал воқеълик Низомийнинг орзу-умидларини чиппакка чиқарадики, у ўзининг идеал *«мутлақ ҳукмдоридан»*юз ўгиради, натижада у ҳеч қандай ҳукмдор халқни бахтли қила олмаслигига ва зўравонлик, қийинчиликлардан халос қила олмаслигига амин бўлади. Фақатгина ижтимоий муносабатлар тубдан ўзгартирилсагина ҳар қандай зулм ва эксплуатациядан қутулиш мумкин, деган хулосага келади. Шундай қилиб, Низомий адолатли ижтимоий - сиёсий тузумнинг манзарасини тасвирлар экан ва бунинг асосида ижтимоий ҳаёлот (социал утопия)га мурожаат этади.

Низомий ўзининг сўнгги достони *«Искандарнома»*да афсонавий мамлакатни тасвирлаб, унда у идеал ижтимоий тузумни кўз олдида келтиради. Бу мамлакатда эксплуатация, зўравонлик, зулм, ўғрилик кабилар батамом тугатилган. Низомийнинг бу идеал жамиятида давлат мавжуд эмас, давлат аппарати йўқ, барча кишилар мулкӣ ва ижтимоий муносабатларда тенгдирлар. Бу ерда ҳукмдорлар бой ва камбағаллар йўқ, барча ҳамкорликда меҳнат қиладилар, истеъмол молларини ўзаро тенг тақсимлайдилар. Мамлакат аҳолиси ёлғон, ижтимоий адолатсизлик, ғаразлик каби эксплуататорлик жамиятига хос бўлган иллатларни тасаввурларига сиғдира олмайди. Бу мамлакатнинг аҳолиси дейди: *«Ҳамма нарсаларни тенг тақсимлаймиз, бойликка ҳирс қўйиш бизга бегона, барча адолатлидирлар, қонун олдида ҳамма тенгдирлар...»*

Шоир қатъият билан тинчликни ҳимоя қилади, урушларни қоралайди ва у таъкидлайдики: *«Босқинчиларнинг қадами ўзга юртда узоқ қолиб кетмайди»*.

Албатта, Низомийнинг ижтимоий - сиёсий ва ҳуқуқӣ ғоялари ҳаёлий бўлиб, амалга ошириб бўлмас идеалдан иборат эди. Лекин меҳнаткаш омманинг манфаатларини акс эттирган, ҳар қандай эксплуатациядан қутулишни орзу қилган халқнинг

кайфияти, шоирнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари ўзининг тари-хий чекланганлигига қарамасдан илғор аҳамиятга эгаллиги билан Шарқ халқлари ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий ғоялари тараққиётига муҳим таъсир кўрсатди. XII аср охири XIII аср бошларида феодал Грузиянинг иқтисодий ва сиёсий қудрати кучайиши юз беради. Шу даврда **Шота Руставелининг** ажойиб асари «**Қоплон терисини ёпинган паҳлавон**» поэмаси дунё юзини кўради.

Руставелининг сиёсий қарашлари феодал тузум шароитини ўзида ифода этар эди. У феодал тарқоқликнинг барча оғирликларини тушунган ҳолда иқтисодини ва маданиятини ривожлантира оладиган кучли, мустақил марказлашган давлат тўғрисидаги ғояни қаттиқ ҳимоя қилиб чиқди. Мутафаккир идеали сифатида маърифатли ҳукмдор ва унинг ҳокимияти донишманд давлат арбоблари кенгаши томонидан чекланиши лозимлиги ҳақидаги талабни кўйди.

Шота Руставелининг асосий поэтик мавзуси ташқи душманларга қарши курашни ўзида ифодалар эди. Грузиянинг унумдор ерлари ва қулай савдо йўллари араб босқинчилари салжуқий-турклар ва бошқаларнинг доимий равишда диққат марказида бўлган. Шунинг учун шоир ифодалаган қаҳрамонлик, жасоратлик ғоялари ўз даври учун улкан сиёсий аҳамият касб этган.

Шота Руставелининг поэмасида халқлар ўртасида дўстлик тарғиб қилинади. У кишиларга инсонпарвар муносабат, уларнинг шаъни, ор-номуси кабиларга ҳурмат - эҳтиром кўрсатиш тўғрисидаги ғояларни илгари суради.

Шота Руставелининг бу дунёдаги бахтли ҳаёт ҳақидаги ғоялари христиан дунёқарашида акс этган бўлиб, бу дунёдаги аскетизм ва итоатгўйлик орқали нариги дунёда илоҳийликка етишиш каби тамойилларга қаттиқ зарба берди. Шунинг учун унинг мазкур ғоялари расмий черков томонидан қаттиқ қаршиликка ва таъқибга учради.

IX-X асрларда Арманистонда юз берган меҳнаткашлар оммасининг ғалаёнлари ўша даврда кенг тарқалган тондракитларнинг ерес (диндан чекиниш) шаклидаги антифеодал мафкурасида ўз аксини топган. Тондракитлар черков тарғиб этаётган нариги дунёга бўлган ишончга қарши кураш олиб

борган эдилар. Улар меҳнаткаш омманинг манфаатларни ифода этар экан, зулм ва қашшоқлик гирдобиди бўғилган халқнинг ҳаётини у дунёда эмас, балки бу дунёда яхшилашни, шахс эркинлигини эркаклар ва шунингдек, аёллар ҳуқуқини ҳурмат қилинишини ва барча кишиларнинг тенглигини таъминлаш каби талаблар билан чиқдилар.

Тондракитлар черков томонидан эътироф этилган кишиларнинг табақаланишини инкор этиб, унинг ўрнига черковни демократлаштириш ғояси билан чиқдилар, яъни илк христианлик жамоаларида мавжуд бўлган тартибларнинг тикланиши лозимлиги тўғрисидаги ғояларни илгари сурдилар. Уларнинг фикрича, ерга бўлган феодал мулкчиликни тугатиб, мол-мулкнинг умумийлиги, кишиларнинг умумий тенглиги ва уларнинг жамоавийлик асосида ўрнатилиши зарурлигини талаб қилдилар.

IX-X асрлар давомида Арманистон Византия босқинчилари-салжукӣ-турк босқинчилари асоратларини бошдан кечирдилар ва маҳаллий феодалларнинг ўзаро урушлари феодал эксплуатациясининг янада кучайишига олиб келди, ўзга босқинчиларнинг босқинчилик сиёсатининг асосий юки оддий меҳнаткашлар бошига ёғилди.

Зулмга қарши кураш ва антифеодал мафкура арман халқ эпоси «**Давид Сасунский**»да ўзининг ёрқин ифодасини топган. Бу эпос ўзида маҳаллий феодаллар зулмидан қутулиш ва босқинчилардан озод бўлишда халқнинг ижодий кучига бўлган ишончни акс эттирган.

Туркистон халқларининг бой ижтимоий-фалсафий, диний-ахлоқий, маданий тараққиётида XIX асрнинг иккинчи ярми, XX аср биринчи чорагидаги давр ўзининг ниҳоятда сермазмун ва инқилобий суронлилиги, ғоявий-назарий ва мафкуравий ҳаракат шакллариининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Бу ҳолат ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос йўналиши эди. Айни чоғда Туркистон халқлари подшолик Россиясининг мустамлака зулмидан қутулиш, миллий давлатчиликни қуриш, ўз миллий, иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётига йўл очишга қатъий киришгандилар. Бу жараённинг етакчи кучи - миллий савдо ва саноат буржуазияси ҳисобланиб, у жуда катта қийинчиликлар билан бўлса-да, халқимизнинг туб иқтисодий-сиёсий ва маънавий

манфаатларини ҳимоя қиладиган назарий асос – жадинлар маърифатчилигини шакллантириб, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда эди. Жадинчилик маърифатчилиги ва мафкураси Туркистондаги анъанавий шарқона, Аҳмад Дониш, Муқимий, Аваз Ўтар ўғли, Фурқат, Бердақ номлари билан боғлиқ маърифатчиликни халқларнинг демократик ва миллий ватанпарварлик уйғонишига йўналтирган умуммиллий мафкураси даражасига кўтарди. Жадинлар асослаб берган ғоявий мақсадлар Мунавварқори, Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Завқий, Авлоний, Мулла Қилич, Ҳамза, Айний, Тавалло, Азжий ва бошқаларнинг таълимотида умуммиллий, умумтуркий манфаатларни акс эттирадиган, англаб етишга олиб келувчи мафкура даражасига кўтарилган эди. Туркистонда шаклланган жадинчилик ҳаракати ва унинг ғоявий меросида мустақиллик, миллий ватанпарварлик ғоялари умумбашарий демократик қадриятлар билан йўғрилган эди.

XX аср бошларида жадинчилик ҳаракати Туркистонда, Бухоро ва Хивада яна кенг кўламда ривожланди. Жадинчилик ҳаракати, унинг маърифатчилигининг бош йўналиши асосан янги усулда тезкор таълим-тарбия бериш, савод чиқариш, халқни маърифатли қилиш йўли билан халқни қулликдан озодликка олиб чиқишдан иборат бўлди.

Кейинги босқичларда жадинларнинг ҳаракатлари сиёсий ҳаракат, партия тузиш, миллий матбуотни янада жанговар қилиш билан характерланади. Энди асосий шиор, ғоя - «Туркистон Мухторияти» талаби илгари сурилди.

Қийинчилик билан бўлса-да, Туркистон давлатчилиги ғояси тикланиб, аввал Қўқонда Туркистон мухторияти тузилди. У тезда зўрлик билан қонга ботирилди. Чоризм емирилган бўлса ҳам, мустамлакачиликнинг ва миллий зулмнинг янги шакллари ниҳоятда қаттиққўллик билан ўрнатилди. Бу ҳол миллий озодлик ва мустақилликнинг маърифатчилик йўлини тарғиб этувчи янги ғоялар келиб чиқишига олиб келди.

Туркистондаги миллатпарвар Ф.Хўжаев, Т.Рисқулов, А.Икромов, С.Хожановлар ҳам миллий мустақиллик билан боғлиқ бўлган илғор ғояларни ўртага қўйдилар. Уларнинг мероси, ижтимоий-сиёсий фаолияти Туркистонда юксалаётган Миллий Уйғониш жараёни билан бевосита боғлиқдир. Ф.Хўжаев,

Т.Рискулов, С.Хожанов ва А.Икромовлар Туркистон халқларининг миллий бирлиги иқтисодий ва маънавий, сиёсий, диний ҳаётнинг барча жабҳалари ўзаро чамбарчас боғлиқлиги орқали рўёбга чиқишини кўрсатганлар. Бу жараёнлар 1918 йил февралидан 1924 йилгача, яъни Туркистон бўлиниб, парчаланиб ташлангунча бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр жаидлар большевикларнинг зўравонлигига қарамай, бир томондан Шўро ҳукумати ва коммунистлар фирқаси бўғинларига кириб олиш, иккинчиси эса, «Чигатой гурунги» уюшмасини тузиш орқали бутун таълим-тарбия, маориф ва маданият ишларини ўз қўлларига олишга интилиши билан характерланади. Большевиклар жаидчилик мафкураси ғоя ва қадриятлари йўли учун курашувчиларни жисмонан йўқ қилиш йўлига ўтгач, миллий озодлик ҳаракатининг ёрқин саҳифаларини ташкил этган, тарихда «босмачилик» деб ном олган қуролли миллий-озодлик кураши, истиқлолчилик ҳаракати бошланди. Ўз-ўзидан тушунарлики, ўша йилларда кучлар нисбати мутлақо тенг эмас эди.

Демак, истиқлол учун кураш ҳаракати 1931 йилдан 1937-38 йилларгача бўлган даврни, умумий ҳисоблаганда, 50-йиллар ўрталаригача таъқиб ва сургунлар давларини ўз ичига олади. Бу даврда Мунавварқори Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Усмон Носир ва бошқа саноксиз миллат фидойилари қатағон қурбонлари бўлдилар.

Назорат учун саволлар

1. Қадимги Шарқ ва Марказий Осиёда ғоялар такомили ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни.
2. Зардуштийлик ғоялари ривож ва такомили.
3. Марказий Осиёда ислом дини ғояларининг ёйилиши.
4. Тасаввуф фалсафий -диний таълимоти ва артодаксал ислом ўртасида номутаносиб ғоялар мазмуни.
5. Хоразмий, Форобий Беруний ва Ибн Сино илмий меросида ижтимоий тараққиёт тўғрисидаги ғоялар мазмуни.
6. Амир Темурнинг давлатчилик тўғрисидаги ва бунёдкорлик ғоялари.
7. Туркистонда Чор Россия босқинчилиги ва миллий - озодлик ғоялари.

8. Туркистонда жадидлар ҳаракати ва уларнинг маърифат-парварлик ҳамда сиёсий ғоялари.

1.2. Ғоялар фалсафасининг ғарбдаги ривожланиш босқичлари

Таянч тушунчалар:

Юнон фалсафаси, Қадимги Рим мафкураси, Афина демократияси, схоластика таълимоти, Фома Аквинский, Августин, Ж.Ж. Руссо, Европа Уйғониш даври, консерватизм, либерализм, социализм

Қадимги дунёда фалсафий фикр тараққий этган мамлакатлардан бири Юнонистон эди. Қадимги Юнонистонда фалсафа ижтимоий ҳаётнинг инъикоси сифатида табиат тўғрисидаги бир бутун дунёқарашни ўзида мужассамлаштирган эди. Қадимги Юнонистонда Милет фалсафий мактабининг асосчилари Фалес, Анаксимандр, Анаксименлардир. Милет мактабига мансуб файласуфлар учун содда дунёқараш характерлидир. Улар борлиқ асосига муайян бир моддий асосни қўядилар. Масалан, Фалес сувни, Анаксимандр апейронни (чексиз, чегарасиз моддий нарса), Анаксимен эса ҳавони. Уларнинг фикрича, оламдаги барча нарсалар мана шу моддий унсурларнинг турлича ҳолатидир. Гераклит фикрича, олам доимий ҳаракат жараёнидан иборат, бунинг сабаби ўт (олов) деб таъкидланган. Унинг фикрича, оқиб турган дарёга икки марта тушиб бўлмайди. Иккинчи марта тушганда олдинги сувлар аллақачон оқиб кетган бўлади. Бу – диалектика ҳақидаги дастлабки ғоялардандир. Қадимги Юнонистондаги атомистик дунёқарашнинг асосчиси Демокрит бўлиб, унингча оламнинг асоси атомлар (майда. бўлинмас, моддий заррачалар) ва бўшлиқдан иборат. Демокритнинг таълимоти кейинчалик Эпикур томонидан ривожлантирилди.

Қадимги Юнонистонда руҳни, ғояни оламнинг асоси сифатида талқин этувчи фалсафий ғоялар ҳам вужудга келиб, ривожланиб борди. Бу қарашларнинг асосчилари Пифагор, Сукрот, Афлотунлар ҳисобланади. Қадимги Юнонистонда бундай дунёқарашни ривожлантириб, муайян тизимга келтиришга ҳаракат қилган файласуф Афлотун эди. Унинг «Базм», «Теэтет», «Федон» номли диалогларида, сиёсий қарашлари эса «Давлат» ва «Қонунлар» номли асарларида баён этилган. Афлотун

таълимотича, оламда «*ғоялар дунёси*» бирламчи бўлиб, моддий дунё эса унинг маҳсули, соясидир. «*Ғоялар дунёси*» замон ва маконга боғлиқ бўлмай, мангу, ҳаракатсиз, ўзгармасдир, у – ҳақиқий дунёдир. Афлотун фикрича, «*ғоялар дунёсида*» энг олий *ғоя-яхшилик ва бахт ғояси* -худодир. Бошқа ғояларнинг ҳаммаси у билан боғлиқ. Ҳақиқатда эса Афлотун таъкидлаган «*Умумий ғоялар*» моддий дунёдаги нарсалар тўғрисидаги инсон тушунчаларидир.

Афлотун фалсафий қарашларини биринчи бўлиб танқид қилган унинг ватандоши, мутафаккир **Арасту** ҳисобланади (мил. авв. 384-322), унинг йирик асарлари «*Метафизика*» (ёки «*Биринчи фалсафа*»), «*Физика*», «*Жон тўғрисида*», «*Аналитика*», «*Категориялар*», «*Сиёсат*», «*Риторика*» ва бошқалардир.

Арасту Афлотуннинг «*ғоялари*» назариясини асоссиз деб ҳисоблайди. У Афлотун таълимотини танқид қилиш билан бирга, умуман унга қарши чиқа бошлайди. Унингча моддий олам абадий, объектив характерга эга бўлиб, у ҳеч қандай Афлотун «*ғоя*»сига муҳтож эмас. Табиат эса моддий асосга эга бўлган нарсалар йиғиндисидан иборат, у ҳам доим ҳаракатда ва ўзгаришда.

Арастунинг ва умуман қадимги Юнон файласуфларининг жамият ва инсон ҳақидаги қарашлари ўша даврдаги ҳукмрон ижтимоий муносабатларга боғлиқ эди. Улар жамиятга бўлган қарашларида қулдорлик тузумини мустаҳкамлашга уринадилар. Юнон файласуфларининг таълимотича, жамиятнинг қул ва қул эгаларига бўлинишини, қулдорларнинг ҳукмронлиги ва қулларнинг қуллиги табиий ҳолатдир. Қуллар бошдан қул бўлиб туғилганлар, шунинг учун ҳам улар жисмоний бақувват, жисмоний меҳнатга қобилиятлидирлар. Қуллар ўз табиатига кўра ахлоқий фазилатлардан маҳрум ва яхшиликка уқувсиз кимсалардир. Ахлоқий фазилатлар, яхши фаолият фақат эркин кишиларга, қул эгаларига хосдир.

Сукрот этикасининг асосий тамойилларини шундай ифода-лаш мумкин: «Саховат» ва «Билим» бир хилдир. Ниманинг «адолатли эканлигини ҳақиқатан ҳам биладиган киши» адолатли иш тутати. Адолатлиликнинг нима эканлигини биладиган ва адолатли иш тутадиган киши «бахтиёр» бўлади. Сукротнинг фикрича, диалог жараёнида адолатлилик, мардлик, яхшилик,

ҳақиқат, реаллик ва шу тушунчаларни таҳлил этиш ёрдамида вужудга келадиган тушуниш мустаҳкам ва ўзгармасдир.

Пифагордан Платонгача қадар математик фикрлаш тарзи фалсафа учун нечоғли муҳим аҳамият касб этишини кўриш мумкин. Юнон математиклари, жумладан, Пифагор, энг аввало математиканинг процедура ва операцион жиҳатларини ривожлантирадилар ҳамда даъволарни далиллаш тушунчасини ишлаб чиқади. Aksiомалар, ҳисоблаб чиқариш қоидалари ва улар ёрдамида олинган даъво (теорема)лардан ташкил топган тузумни биз аксиоматик - дедуктив тизим деб атаймиз.

Тарих шундан далолат берадики, марказлашган йирик давлат ва империяларнинг пайдо бўлиш жараёнида ғоя ва мафкура-ларининг аҳамияти янада ортади. Милоддан аввалги IV - I ва милоднинг бошларидаги Рим тарихи бунга яққол мисол бўлади. Ушбу шаҳар - давлатда унинг фуқаролари худолар томонидан энг олий мақомга эга кишилар сифатида тан олингани тўғрисидаги ғоя устувор эди. Бу ўз навбатида барча римликларнинг ўзаро тенглиги ғояси кенг шаклланишига сабаб бўлди. Ана шу мафкурага кўра, Рим аҳолиси роҳат-фароғатда яшаши, асосан мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумни сақлаб туриши, кўп минг сонли қуллар эса меҳнат қилиши лозим.

Тарихдан маълум ва машҳур бўлган Спартак бошчилигидаги қуллар қўзғолони ана шу тартибга қарши кўтарилган ҳаракат эди. Умуман олганда, қадимги Римда ўзига хос маъно-мазмунга эга бўлган (яъни *«Қуллар меҳнати – римликларнинг роҳат-фароғати» тамойили асосида*) тенглик ғояси аста-секин халқни оломонга, империя учун зарур бўлган аскарларга, юқоридаги тамойилни сўзсиз ҳимоя қилишга шай турган армияга айлантирган. Империяни яратадиган дунёқараш ҳамда мафкура шу тариқа шаклланган. Бу эса, ўз навбатида, ана шу армиянинг бошлиқлари Рим империясининг лашкарбошилари Юлий Цезар, Октавиан Августин ва бошқаларни тарих сахнасига олиб чиққан.

Ўша даврда Римнинг ёнгинасида Афина давлати ҳам гуллаб яшнаган бўлиб, унинг асосий ҳаёт тамойили эркинлик ғоясига таянар эди. Рим аримияси маданий тараққиёт жиҳатдан устун бўлган Афинани тез орада забт этди. Аммо ўз худудида Афинадагидек эркинлик ғоясини устувор тамойилга айлантира олмади. Чунки эркинлик ғояси тоталитаризм учун энг асосий

маънавий хавф бўлиб ҳисобланади. Ҳаёти эркинликка асосланган Афина инсоният маданиятининг тамал тошларидан бири, юксак маънавий кадриятлар устувор бўлган цивилизацияни дунёга келтирган эди.

Рим эса фан ва маданият бобида Афинага тенглаша олмади ва бу соҳаларда ундан устунроқ бўлган бирор кашфиёт ёки янгилик ярата олмади. У бор-йўғи дунёга даҳшат солган тажовузкор ва мустабид империяни ва зўравон армияни ярата олди. Француз файласуфи **Ж.Ж Руссо** ёзади: *«Сиёсий жиҳатдан тобе бўлган Афина ғоявий ва маънавий жиҳатдан Римни беихтиёр тиз чўкишга мажбур қилган эди. Римликлар бу борада ҳеч қачон Афиналикларнинг олдидан ўзларини ғолиб деб ҳисоблай олмаган»*. Яна бир француз адиби Андре Моруа куйидаги фикрни билдирган: *«Европа бу ғоя ва йўлларнинг қайси бири тўғри эканлигини тўла-тўқис ажратиб, ўз йўлини уларнинг бири асосида танлаб ололмади. Салиб юришлари домига тортилган ва ўрта асрлар сўнггида империяларни яратган Европа қадимги Рим йўлидан, Римнинг ҳалокатидан кейин мустақиллик ва миллий давлатчиликни ихтиёр этган Европа Қадимги Афина йўлидан борди»*. XX асрда фашизмни дунёга келтирган Европа биринчи йўлдан, шу юз йилликнинг охирига келиб демократик тараққиёт сари юз тутган Европа эса иккинчи йўлдан бормокда. Бир асрда, нисбатан қисқа давр орасида бундай ҳолнинг намоён бўлиши европаликларнинг қонида бу йўлларнинг иккаласи учун ҳам умумий генлар сақланиб қолганидан далолат беради.

Ўрта асрнинг асосий хусусияти шундан иборатки, бу даврда Ғарбий Европада христиан дини аста-секин ҳукмрон мафкурага айланиб боради. Дин барча бўлимларнинг соҳаларини, фалсафани ҳам ўзига бўйсундиради. Схоластик (мактаб) таълимотни яхлит тизимга келтирган файласуф Фома Аквинский ҳисобланиб, у кейинчалик католик черковининг пири, деб расмий равишда эълон қилинган эди. Унинг фикрича, дунёнинг мавжудлиги худога боғлиқ. У биринчи сабаб ҳисобланади.

Августин христианлик етакчи дин сифатида тан олинганидан ва Рим империяси бўлингандан кейинги даврда, герман қабилалари босқини натижасида ғарбий Рим парчаланиши арафасида яшади. Бу жаҳон империяси таназзулга юз тутган даврда турли черков ташкилотлари юзага келди. Императорлик

ҳокимияти заифлашган шароитларда сиёсий масъулиятни черков ўз зиммасига олди.

Августин Антик даврни христианлик даври билан боғлаган дастлабки буюк теологлардан эди. Шунинг учун Августинда янги христианча тасаввурлар: *«марказдаги инсон», тарихнинг чизиқли ривожланиши, йўқдан борлиқни яратган, жонлантирган худони кўрамиз. ... ҳамма нарсалар инсон атрофида марказлашган, зотан худо ҳамма нарсани инсон учун яратган ва Худо ўзига ўхшаб яратган...*

XV-XVI асрларда ғарбий Европада Уйғониш даври (Ренессанс, яъни антик маданиятнинг тикланиши) ҳисобланади. Бу даврда, дастлаб Италияда, сўнгра Европанинг бошқа давлатларида капиталистик ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожини табиат илмини, фалсафани тараққиётга олиб келди. Табиат – билишнинг ягона манбаи ва тараққиётнинг асоси бўлиб қолди. Ана шундай шароитда Ўрта аср схоластикасини инкор этувчи, инсон ақл-заковатини улуғловчи фалсафий қарашлар вужудга кела бошлади. Бундай ғояларнинг дастлабки ифодаси сифатида Николай Кузанскийнинг (1401-1464) таълимотини кўрсатиш мумкин. У ўзининг илғор фалсафий ғояларида *«борлиқ - бу ҳамма нарсадир»* дейди. Олимнинг илгари сурган ғояларига Н.Кооперник ва Г. Галилейнинг қарашлари ўз таъсирини ўтказди. Унинг *«бепоёнлик»*, *«чексизлик»* ҳақидаги ғоялари Н. Кооперник томонидан гелиоцентрик ғояни асослашда катта аҳамиятга эга бўлди. Унинг ҳамма нарсанинг бирлиги ҳақидаги пантеистик ғояси Жордано Брунонинг пантеистик фалсафасини келтириб чиқарди.

Ф. Бэкон ўзи, бахтли жамият, энг аввало, яхши праксисга муҳтож бўлади, деб ҳисоблаган Арасту ҳамда жаннатни у дунёга жойлаштириб, ер куррасини оз ёки кўп даражада ўзгармас деб кўздан кечирган ўрта асрлар мутафаккирлари ўртасидаги фарқни кўрсатиб берди. XVI-XVII асрларда қироллик ҳокимиятининг абсолют монархияга айланиш тенденцияси юз берди. Шу даврнинг вакили Никколо Маклавелли XV аср охири ва XVI аср бошларида Италияда яшаб ўтган. У «Подшоҳ» асарида абсолют монархиянинг ҳимоячиси, фикрларда эса бошқарувнинг республикача шакли ҳимоячиси сифатида иш тутди.

Маклавеллининг сиёсий назарияси «бошқарув механикаси» ҳақидаги таълимотдир.

Янги давр фалсафасида франциялик мутафаккирлар П.Гольбах (1723-1789), Д. Дидро (1713-1784), К. Гельвеций (1715-1771), Ж. Ламетри (1709-1751) ҳисобланади. Уларнинг таълимотича, ҳамма нарса материядир. Француз файласуфлари ижтимоий ҳодисаларни тушунишда ҳам бир қатор янги ғояларни илгари сурдилар. Уларнинг фикрича, киши ижтимоий муҳитнинг маҳсули, ижтимоий муҳит қандай бўлса, киши ҳам шундай бўлади.

Немис классик фалсафасининг асосий вакиллари И.Кант, И.Г.Фихте, Ф.Шиллинг, Г.Ф.Гегель ва Л.Фейербахлардир.

Кантнинг сиёсий қарашларига назар солсак, кўринадик, « ... давлатлар бир-бирига зид манфаатларга эга бўлиши мумкин. Улар турли иқтисодий тизимларга эга ва кўпинча турли сиёсий мафкураларга асосланади».

Давлатлараро муносабатларнинг тамойилларига ёндашувда Кант учун хос нарса шу бўлдики, у доимо давлатлараро муносабатлар масаласини диний ва мафкуравий масалалардан ажратишга ҳаракат қилди. Кант таъкидлайдики, мақсад барча халқларнинг ягона оиласини тузиш эмас, балки дунё ҳамжамиятини ташкил қилиш. Кантнинг тинчлик фалсафаси иккинчи жаҳон урушидан кейин БМТ тузилганда амалий ифодасини топди.

Гегель ўз фалсафий тизимини яратиб, мутлақ ғоя ўзининг бой мазмунини моддий олам - табиат ва жамият сифатида ифода этишини кўрсатар экан, аввало дунё узлуксиз тараққиётда эканлигини қайд этади. Диалектик тафаккур услубини ва унинг асосий қонунларини тадқиқ этиш билан Гегель фалсафий фикр тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшди. Гегелнинг тарих фалсафаси бу – ўзгаришлар фалсафасидир. Француз инқилоби ва бошқа кўплаб драматик воқеаларга замондош бўлган Гегель тарихга «сакраб юрувчи» ва ўзига ром этувчи форматив жараён сифатида қарашга ўрганган.

Биз тарихий ўзгаришларни, кейинроқ нималар юз бергани ҳақида ўйлабгина тушунишимиз мумкин. Донолик - кун ботиш олдидаги ғира-шираликдай, деган гап мансуб. Гегелнинг сиёсий қарашларида тоталитаризмга муносабати масаласига келсак,

айтиш мумкинки, у ўз замонасидаги (1820 йй) Прусс давлатини қўллаб-қувватлайди. Гегель томонидан ошкора баён қилинган идеал авторитар, лекин тоталитар ва фашистик эмас. У конституциявий кучли ҳукуматни қўллаб-қувватлайди, қонун ва ҳуқуқ асосида бошқариладиган давлат тарафдори.

Маркс сиёсатга ҳам, сиёсий мунозараларга ҳам энг кўп таъсир ўтказган сиёсий назариётчилардан биридир. Унинг ғояларига турли «манфаат гуруҳлари» нуқтаи назаридан баҳо бериш мумкин. Ғоялари Марксникичалик бузиб талқин қилинган сиёсий назариётчилар камдан-кам. Шунингдек, камдан-кам сиёсатчилар Марксчалик ҳурмат қозона олган.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Маркс икки соҳада:

– биринчидан, у хусусий-капиталистик муносабатлар оқибатида инсоннинг деградациялашувини (бегоналашуви, қашшоқлашувини) англади.

– иккинчидан, таъкидлашича, барча ижтимоий назариялар мафкура (онгнинг синфий манфаат туфайли деформациялашган шакли)нинг ифодасидир. Лекин Маркс ўзи айтаётган мана шу гаплар ҳам назария бўлгани учун унинг таърифи ўзининг оёғига болта урди. У капитализм бошқа ходисалар қатори ортиқча ишлаб чиқаришнинг оқибатида «портлаб кетади» деган эди. Капитализмнинг инқироzi революцияга олиб келди. Чунки капитализм ортиқча ишлаб чиқаришнинг олдини олиш учун ҳаддан ташқари иррационал. Бунда Маркс ноҳақ бўлиб чиқди. Ҳозирги кунда капитализм кўп истеъмолчилар жамиятларини тузиш йўли билан ана шундай кризислардан четлаб ўтишга мувофиқ бўлмоқда.

Айни пайтда иқтисодий муаммоларни оқилона ва самарали усул билан еча олмаган СССР ва собиқ Шарқий Европа социалистик мамлакатлари ўз маъно-мазмунига кўра ўтмиш саҳифаларидан жой олди.

XIX асрда ижтимоий-сиёсий ғоялар ривож ва уларнинг Европа сиёсий ҳаётида ва ижтимоий онгида акс этиши ҳамма вақт ҳам силлиқ кечган эмас. Натижада, кўпгина сиёсий ғоялар пайдо бўлиб, янги давр сиёсий ғояшунослигининг асосини ташкил этган эди. *Шундай қилиб, Европада учта асосий ғоявий-сиёсий оқим - консерватизм, либерализм ва социализм оқимлари вужудга келди.*

Консерватизм оқимининг кўзга кўринган арбобларидан Англияда Эдмунд Бёрк (1729-1797) француз публицисти ва жамоат арбоби Жозеф де Местр (1753-1821) ва бошқалар эди.

Консерватизм буюк француз инқилобига қарши ўлароқ пайдо бўлган оқим бўлиб, унда мазкур ижтимоий инқилоб хаос (тартибсизлик) ва бузилиш каби талқин қилинди. Улар эски ижтимоий тартибни тиклашга, феодал-аристократик тузумнинг анъанавий қадриятларини яна тиклашга чақирди. Консерваторлар таълимотига кўра, жамият ўз ички қонунларига кўра аста-секинлик билан такомиллашиб боради. Уларнинг таъкидлашича, ҳаётда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган нарсалар: урф-одатлар, анъаналардир. Шунинг учун, консерваторлар фикрича, ижтимоий тараққиётнинг асосий мезони халқнинг урф-одатлари ўзгаришдан иборатдир. Улар давлатнинг монархия бошқаруви билан боғлиқ бўлган сиёсий ҳаётнинг анъанавий укладини сақлаб қолиш заруратини асослашга ҳаракат қиладилар.

Консерватизм ижтимоий тараққиётни инкор этмайди, тадрижий тараққиётни ёқлаб чиқди, чунки ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг тадрижийлиги эски нарсаларнинг янгисига аста-секинлик билан мослашуви орқали кечади. Давлатнинг иқтисодий қудратининг асоси ва унинг табиий тараққиётининг асоси хусусий мулкчиликдир. Ҳеч ким мулк-бойлик тўплаш имконидан ва ҳуқуқидан маҳрум бўлиши мумкин эмас.

Либерализмнинг ғоявий-сиёсий оқим сифатида вужудга келиши XVII-XVIII асрларда Европада янги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожини билан боғлиқ. Либерализм мафкурасидаги асосий тамойил жамиятда инсон эркинлиги ғоясидир. Либерализм мафкураси жамиятда тезкорлик билан бозор муносабатларини шакллантиришга зарурий шарт-шароитлар яратилишига йўналтирилган эди. Бу оқимнинг асосчилари инглиз олимлари Джон Локк (1632-1704), Адам Смит (1723-1790), Иеремия Бентам (1748-1832), Джон Стюарт Милл (1806-1873) ва француз мутафаккири Бенжамен Констан (1767-1830) ва бошқалар эдилар.

XIX аср давомида либераллар жамиятининг табиий ривожланишини ёқлаб чиқдилар. Уларнинг фикрича, жамиятдаги ижтимоий муносабатларни бошқарилиши давлатнинг аралашу-висиз амалга оширилиши лозим, бу ерда давлат «қўриқчи»

ролини бажариш керак, ишлаб чиқарувчилар ўртасида эркин рақобатга шароит яратиши, фуқароларнинг мулкани қўриқлаши лозим. Эркин тадбиркорлик, парламент тузуми, шахснинг сиёсий эркинлиги, ошкоралик, плюрализм кабиларни ҳимоя қилиш баробарида либерализм замонавий цивилизация қиёфасини белгилайдиган умуминсоний қадриятларнинг шаклланишига кўмаклашдилар.

Назорат саволлар

1. Қадимги Юнонистонда олам ва борлиқ тўғрисидаги дастлабки фалсафий ғоялар.
2. Афлотуннинг «Ғоялар дунёси» таълимоти.
3. Сукрот ва Арастунинг дуалистик ғоялари.
4. Эркин Афина ва Спарта ғоялари.
5. Рим империясининг ғоялар тизими ва мафкураси .
6. Европада христианлик ғояларининг вужудга келиши ҳамда салиб юришларининг ғоя ва мафкуралари.
7. Европада Ренессанс даври ғоялари ва гуманизм.
8. Ғояшуносликнинг XVIII-XIX асрларда такомил босқичлари консерватизм ғоялари ва леберализм мафкурасининг моҳияти.

1.3. Қадимги Рус ва Рус марказлашган давлати даври сиёсий мафкуралари

Таянч тушунчалар:

Киев Руси давлати, «Ипатьев солномаси», «Новгород солномаси» , «Ипатьев солномаси» , «Қонун ва ҳақиқат ҳақида сўз», княз Монамах, крепостнойлик, «Москва учинчи Рим» назарияси, Феодосий Косой

Шарқ славянлари давлатчилигининг шаклланиши узок давом этган жараён бўлиб, ибтидоий жамоанинг емирилиши ва феодализмнинг вужудга келиши билан ифодаланади. VII —VIII асрларда ўрта Днепр олди қабилалари ва Руснинг Киев марказига

бирлашиши содир бўлди. VII-IX асрларда бу ерда биринчи бор Шарқий Европада славян давлати вужудга келди, сўнгра Новгород давлати ташкил топади ва 882 йилда бу икки давлат бирлашиб, Киев Руси деган ном олади.

Киев Руси ҳукмрон доиралари томонидан 988 йилда христианликнинг қабул қилинганлиги, пировардида бу диннинг давлат дини мақомига кўтарилиши муҳим мафкуравий ҳодиса бўлди. Ўз навбатида янги дин ривожланаётган феодал муносабатларни қўллаб-қувватлаганлиги боис Киев князларининг ҳокимияти кучайиб борди.

Қадимги рус адабиётининг илк ёдгорлигидан бири Иларионнинг «*Қонун ва ҳақиқат ҳақида сўз*» бўлиб, унда асосан сиёсий ва ҳуқуқий муаммоларга кенг ўрин берилган Иларион биринчи рус митрополита эди.

Киев Руснинг сиёсий ва ҳуқуқий ғоялари маълум солнома-ларда ўзларининг чуқур изини қолдирган. Бу солномаларда ҳукмрон синф манфаатлари акс этган бўлиб, маълум даражада қуйи табақаларнинг кайфияти ҳам, халқ оғзаки ижоди элементлари ҳам ўз ифодасини топган эди. Бизнинг давримизгача XIII -XIV асрларда «**Новгород солномаси**», XV аср бошларида «**Ипатев солномаси**» кабилар етиб келган.

Солномада акс этган марказий ғояларидан бири рус ерларининг бирлиги ҳақидаги ғоялар бўлиб, унда Ярослав Мудрий томонидан асос солинган давлат тузуми идеал давлат сифатида талқин этилади, барча князларнинг биродарлиги ва улар Киев буюк князига итоат этишлари каби ғоялар ўз аксини топган эди.

Лаврантев ва Ипатев солномаларида акс этган «Ўтган қиссаси»да князлар ўртасидаги келишмовчиликлар қораланади ва шу билан унда биринчи навбатда феодал манфаатлари ифода этилган бўлиб, оддий халқнинг кундалик ҳаёти ва ташвишлари ҳақида лом-лим дейилмайди.

Лаврантев солномасидан ўрин олган яна бир манба – князь Монамахнинг «**Панднома**»си бўлиб, у ҳам князларнинг ўзаро зиддиятларини қоралайди ва ўз «Панднома»сида идеал князни тасвирлашга ҳаракат қилган.

1136 йилда яратилган Новгород солномаси ўзига хос мазмунга эга бўлиб, унда солномачи ўз даври князларини

қадимги князларга қарама-қарши қўяди. Бу антикнязлик майллари (тенденцияси) мазкур солномада янада ривожлантирилди.

Феодал синфнинг сиёсий мафкураси «*Рус ҳақиқати*» ёдгорлигида ўз ифодасини топган бўлиб, XI-XIII асрларда камбағал халқнинг феодал зулми остида эзилиши ва бу жараёнинг кучайиши баробарида феодалларнинг ҳуқуқлари янада кенгайиши кузатилади. Масалан, оддий кишини ўлдирилиши 40 гривен ҳажмида вира (жарима) билан қопланса, князнинг ўлими икки баробар, яъни 80 гривен вира ҳисобида белгилаб қўйилган эди.

«Рус ҳақиқати» мазмунига халқ оммасининг эксплуатацияга қарши кураши ўз таъсирини кўрсатган эди. 1113 йилдаги Киев кўзғолонидан сўнг Владимир Мономах қарзлар учун тўланадиган феоизларни икки йиллик муддат билан чеклаб қўйишга мажбур бўлди.

Феодалларнинг тарқоқлиги шароитида қадимги рус адабиётининг ёрқин намунаси ҳисобланган «*Игорев полки ҳақида қисса*» поэмаси дунё юзини кўрди. Поэманинг моҳияти рус князларини бирлашишга даъват этиб, яқинлашиб келаётган мўғул босқинига қарши курашга чақириқдан иборат эди.

Бу поэма ўз моҳиятига кўра кучли князлик ҳокимияти тарофдори бўлиб, идеал князь яхшидаги тасаввурлар асосида Галицкий ва Суздал Владимир князларини бутун рус князлари бошлиғи сиёсати остида бирлашишга чақириқларни ўз ичига олган эди. Рус сиёсий фикри тарихида муҳим ўринга эга бўлган «*Даниел Заточникнинг мактуби*» ёдгорлиги ҳозирги кунга қадар кўпгина кўлёзмалар шаклида етиб келганлиги маълум. Бу асарнинг марказий мавзуси олий князнинг яқка ҳокимлигини эътироф этиб, заифларнинг ҳимоячиси бўлишга чақиради. Унинг фикрича, оддий инсоннинг ягона халоскори князь ҳимоясидир.

XIV-XV асрларда Русда феодал тарқоқлигини тугатиш жараёни давом этиб, рус ерларининг бирлашуви маркази Москва князлиги ихтиёрига ўтади. Марказлашган давлатнинг сиёсий мафкураси шакллана бошлайди ва унда Рус давлатининг дунё миқёсидаги ўрни ва роли ҳақидаги ғоялар асосий ўринни эгаллаган эди.

Рус давлатидан улуғланишига «*Москва учинчи Рим*» назарияси асос бўлиб, бу назариянинг вужудга келиши, 1453

йилдаги турклар томонидан Константинополнинг қўлга киритилиши билан боғлиқдир. Бу назария Псковдаги Елизаров монастири монахи Филофей томонидан ривожлантирилган бўлиб, унинг фикрича, инсоният тарихи – бу худо томонидан юборилган дунё подшоҳликларининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва таназзулидир. Биринчи дунё подшоҳлиги – Рим бўлган. Филофей католик черковининг арконларига суянар экан, Рим вориси Византия бўлиб, унинг пойтахти Константинополдир, лекин Византия проваславияга садоқат кўрсата олмагани боис худо томонидан жфохцучор бўлдилар ва турклар зулми остида ҳалокат топдилар. Унинг фикрича, проваславиенинг ягона ҳимоячиси рус халқи бўлиб қолди ва эндиликда Москва учинчи Римдир, дунёнинг охиригача шундай бўлиб қолади, деган ғояни илгари суради. Филофей тасаввурида Москва бутун проваслав дунёсининг маркази, унинг бошлиғи Москва ҳукмдоридир. У рус подшоҳига мурожаат қилиб: *«Барча проваслав христианлари подшоҳликлари сенинг ягона подшоҳлигинг остидадир, сен барча осмоноти христианлар подшоҳлиги орасида ягонасан».*

Филофей тасаввурлари кароматгўйлик характериға эға бўлиб, тарихий жараёнларнинг барчаси худо томонидан бошқарилишини эътироф этади.

XV-XVI асрларда феодал эксплуатациясининг кучайиши, крепостнойликнинг вужудға келиши оддий халқ оммасининг турмушини оғир аҳволға солиб қўйган эди. Шу боис эзилган омманинг синфий курашлари кучайиб XVII аср бошларида **И.И.Болотинков** бошчилигида деҳқонлар урушининг бошланишиға олиб келади.

Халқ оммасининг бу норозиликлари пировардида ерэсларда ўз аксини топади ва XVI асрдаги машҳур ерэсчилар **Матвей Башкин** боярлар авлодидан чиққан бўлиб, у расмий черковни инкор этади ва ўз қарашларини 1553 йилда руҳоний Симеон билан ўртоқлашади. Лекин Симеон бу суҳбат ҳақида подшоҳға хабар беради ва унда: «Башкиннинг айтишича, илоҳий қонунлар ўз яқинларингни, ўзингни севгандай севишни ўргатади, биз эса ўз христианларимизни кулликда сақламоқдамиз». Башкин кулликни бекор қилишни талаб қилади, ўз навбатида ўз қулларини озодликка чиқаради.

Тез орада Башкин қораланганидан сўнг, бошқа бир эркин фикрловчи шахс **Феодосий Косой** қўлга олинади, лекин у қамоқдан қочишга ва чет элда яширинишга муваффақ бўлади. Косой асли куллардан чиққан бўлиб, ўз хожаси ихтиёридан қочган ва монахликни қабул қилган эди. Монастирда яшаган даврида у ўзининг «Янги таълимоти»ни тарғиб қила бошлади. Кейинчалик Косой ҳам Россиядан қочиб аввал Литвада, сўнгра Беларусияда ўз қарашларини тарғиб қилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Косойнинг қарашлари Башкиннинг қарашларидан ўзининг радикалиги билан фарқ қилади. Косой расмий черков заруриятини, монахлик монастирни ва черковнинг ерга бўлган ҳуқуқларини инкор этади.

Дехқонлар норозилигининг энг олий кўриниши 1606-1607 йилларда содир бўлган **И.И. Болотников** бошчилигидаги деҳқонлар уруши эди. Улар мамлакатнинг катта қисмига ёйилган бўлиб, бу уруш Москва томон ҳаракатланар эди. Болотников томонидан тарқатилган варақаларда кўзғолоннинг мақсадлари баён этилган эди. Шундай қилиб, варақалар мазмуни феодаллар ва бойларни йўқ қилишга қаратилган бўлиб, давлат аппаратини тўлиқ янгилаш кўзда тутилган эди. Пировардида Болотниковчилар подшоҳни ағдариб ташлашга ва янги қонуний подшоҳни тахтга ўтказишга муваффақ бўлди.

Уруш чоғида деҳқонлар феодал эксплуатациясини фақат юмшатишни талаб қилиш билан чекланмасдан, балки стихияли равишда феодал системасини йўқ қилишга ҳаракат қилдилар. Кўзғолон ўз мақсадига ета олмади, лекин бу кураш мамлакатнинг кейинги ривожига сезиларли таъсир кўрсатди. Самодержавие ҳукумати бир неча ўн йиллар давомида крепостной ҳуқуқини узил-кесил ўрнатишга ботина олмадилар ва бу масала 1649 йилда Собор тузукларида ўз ифодасини топишга муваффақ бўлди.

Назорат учун саволлар

1. «Игорев полки ҳақида қисса» поэмаси қандай ижтимоий муаммони кўтариб чиққан?

2. Рус давлатидан улуғланишига қандай ғоялар асос бўлиб хизмат қилган?

3. Монах Филофей томонидан ривожлантирилган ғоялар мазмунини ёритинг.

4. Матвей Башкин ғоясининг марказида қандай масалалар кўрилган эди?

1.4. Мондиализм ғояси, унинг тарихий илдизлари ва ҳозирги замон

Таянч тушунчалар:

*«Мондиализм», «фитна назария», «Розенкрейцерлик»,
« Le monde», «Politica Hermetica» ассоциацияси, Сэвил
Роудс, лорд Натаниэл М. Ротшильд, «Доира Столи»
жамияти , «дунё ҳукумати»*

Сиёсатшунослик адабиётларида айнан бир мазмунга эга тушунчаларни фарқлашга интилишлар кўзга ташланади, масалан, «глобализм» (инглиз)ча «The Globe» – «шар», «ер шари» ва «мондиализм» (французча «Le monde»- дунё) маъноларини англатиб, мувофиқ равишда инглиз ва француз тили аудиторияларда амал қилинади. Инглиз тили кенг тарқалгани боис «глобализм» сўзи анчагина кўпроқ истеъмолда бўлса-да, французлар «мондиализм» атамасини қўллашни маъқул кўрадилар. Ва шунинг учун мазкур ташкилотлар, айниқса яширин ташкилотлар ҳақида гап кетганда одатда «мондиализм» атамаси қўлланилади, дейиш мумкин. Шундай қилиб, биз «мондиализм» ҳодисасига мурожаат қилиб ва бунда: бутун инсониятни ягона «глобал жамият»га бирлаштириш заруратини исботловчи назариялар ва концепцияларни ҳамда бу лойиҳалар позитив ва норматив аҳамият касб этишини англаш мумкин (глобаллашув қадрият сифатида талқин этилади); глобаллашувнинг ҳаётга татбиқ қилиш лойиҳасини ўз олдига вазифа қилиб қўйган ташкилотлар инсониятни ягона «дунё ҳукумати» бошқарув остидаги ягона дунё давлатига бирлаштиришни мақсад қилиб қўйганлар.

«Мондиализм» мавзусини ўрганиш мураккаб бўлиб, у классик социология усуллари асосида жуда кам ўрганилган, аксинча «дунё ҳукумати» ва яширин ташкилотлар барпо этаётган «фитна назария»си тарафдорлари томонидан улар таъқибга учрамоқда. «Фитна назарияси»нинг социологик таҳлили билан бугунги кунда Франциядаги Сарбонна университети бир гуруҳ социологлари тизимли равишда шуғулланмоқдалар бу «Politica

Hermetica» ассоциациясига бирлашган ва унга профессорлар Эмил Пуль ва Жан – Пьер Лоранлар раҳбарлик қилишмоқдалар.

Ҳозирда «мондиализм» мавзусини ўрганишда қўл келадиган илмий воситаларга эга ишончли илмий материаллар жуда ҳам кам. Қуйидаги келтираётган рационал, тарихий усулларга таянган аниқликка эга маълумотлар ва реконструкцияларнигина тақдим этишига ҳаракат қилинмоқда.

«Мондиализм» илдизлари Европа янги даврнинг илк босқичларига бориб тақалади.

Модерн феномени ҳисобланмиш «мондиализм» ўз доираси ва парадигмасидан ташқарида ўз мазмунини йўқотади. Янги даврга қадар инсониятни бирлаштириш ғояси империялар ва дунёвий динлар тамойилига татбиқ қилинган бўлиб, империячилик характериға эға эди, (буни биз глобаллашувнинг иккинчи шакли деб номладик).

Модерн парадигмаси марказида эса ўша даврда сиёсий соҳада антикатолик тамойил билан кучайтирилган антиимпериячилик тамойили турар эди. Бу ерда империялар суверен миллий давлатларға қарама-қарши қўйилган, католик универсализмға қарши эса секуляризм (дунёвийлик), диний бағрикенглик, эътиқод эркинлиги тамойили илгари сурилган эди. Ўрта аср анъанавий жамият парадигмасининг фарқли белгилари ҳисобланган норматив социал дин, империячилик тамойили ўрнини модерн парадигмасидаги «замонавий жамият» эгаллайди. Бунда дунёвийлик ва ташкиллашган давлат тушунчалари устувор унсурлар сирасиға киради. «Мондиализм» маданий ва ғоявий муҳитда пайдо бўлган бўлиб, империя тамойили ва империячилик универсализмиға қатъий равишда қарши туради. У янги давр маҳсули бўлиб, «замонавий» феномендир.

Модерн парадигмасини ҳаётға татбиқ қилишда таянч ҳисобланган ташкилот ёки ташкилот тармоғи XVIII асрдан бошлаб Европа масончилиги эди, олдинги босқичларда эса – «Розенкрейцер ордени» (Биродарлик) ва қатор герметик тугараклар бўлиб, неоплатонизм билан қизиқувчи тугаракларнинг «шаҳобчаларидан» эди. Британиялик нуфузли татқиқочи олима Франсес Йейтс (1899-1981) «Розенкрейцерлик», кейинчалик масон универсализми ва мондиализмнинг ўзига хос ғоялар шаклланишини синчковлик билан кузатган ҳамда булар ўрта аср

католицизми ва Европа консерватив сиёсий режимига қарши (айниқса феодал Испанияга ва Тридент саборига, чунки Европа контрреформацияси ана шулардан бошланган ва улар сабаб 1618-1648 йиллар оралиғида ўттиз йиллик уруш (протестантлар ва католиклар ўртасида уруш назарда тутилмоқда) бўлиб ўтган эди. «Розенкрейцерчилар», сўнгроқ масонлар «инсоният» тушунчасини Европа билан айнанлаштирилган эди, демак, бу ерда янги асосдаги «Европани бирлаштириш» тўғрисида гап борар эди. Улар католик идентификацияси (айнанлаштириш: мос, эҳтирос ва объектининг қўшилиб кетиши) ёки протестантизмдаги қандайдир бирор йўналишга қатъий мойиллик ўрнига умумлашган «Христианлик»ни таклиф қилар эди.

Ушбу «яширин ташкилотлар» ўз ғояларини амалиётда қўллашга ва бунинг учун Европадаги қироллик уйлари билан муносабат ўрнатишга, католик ва протестантларни ўзаро яраштиришга ҳаракат қилар эдилар; ўз ғояларини олимлар, зиёлилар ва файласуфлар орасида тарқатишга интилар эдилар. «Розенкрейцерчилар» ва масонлар таъсир кучи Европа маърифатпарварлиги даври жуда улкан бўлиб, бу даврда масон бўлмаган арбобни топиш қийин эди – Вольтердан, Гётегача, Руссодан Байронгача бўлган ёрқин арбоблар – барчаси масонлар эдилар. Шундай қилиб, «мондиализм» бошдан-бош Европа «мистик» ташкилотлари орасида «янги дунёни» барпо этиш ғоясига эътиқод қилувчилар бўлиб ақл, адолат, тинчлик, тенглик ва эркинлик тантанасига асосланган ижтимоий -сиёсий лойиҳа эди.

Мондиализм ва масонликнинг ўзаро алоқаси ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган, лекин ҳозирги замон масончилигидаги мистик доктриналар, рамзлар, ва маросимчилик аҳамияти паст даражада, дейиш мумкин. XIX асрдан бошлаб мондиализм аста-секинлик билан кўпроқ «дунёвий» қирраларига эга бўла бошлади, унинг масонлик ташкилотлари билан алоқалари эса кўпроқ анъаналарга содиқ қолиш қабиаларга айланди.

1891 йилда яна бир жамият, анчагина таъсир кучига эга бўлган, кенг қамровли «Танланганлар жамияти» деб номланган мондиалистик ташкилотга асос солинди ва у кейинчалик 1909 йилга келиб «Доира столи» (Round Table) деган номга эга бўлди. Унинг яратувчилари йирик инглиз саноатчиси, магнат «De Beers» компаниясининг асосчиси Сэсил Роудс (1853-1902), шунингдек

лорд Альфред Мильнер (1854-1925), журналист ва ношир Уильям Сид (1849-1912) ва лорд Натаниэл М. Ротшильдлар эдилар.

Бу жамият иезуитлар Ордени (биродарлиги)га ўхшаш шаклда ташкил этилган бўлиб, унинг етакчиси жамият генерали С. Роудснинг ўзи эди, У. Сид ва Н. Ротшельдлар эса унинг ворислари этиб тайинланган эдилар. Ундан кейин «Учлар Хунтаси» пайдо бўлиб, унинг таркибига У.Сид, Амильнер ва лорд Эшер Режинальд, Балиола Бреттлар (1852 -1930) кирган эдилар, кейинчалик «Бағишланганлар давраси» га асос солиниб, унга кардинал Маннинг, лор Артур Бальфур Гарри Жонстон ва бошқалар аъзо бўлиб кирган, унинг атрофида «кўмакчилар ассоциацияси» тузилди ва етти йилдан сўнг С.Роудс ўлимидан кейин «Доира Столи» жамияти таркибига Альфред Мильнер томонидан бирлаштирилди.

Ушбу ташкилот тарихини ва XX аср сиёсий тарихига бўлган таъсирни америкалик тарихчи, Жоржтаун университетининг халқаро муносабатлар профессори, глобалистик (мондиалистик) лойиҳасининг амалга ошиш босқичларини тадқиқ этган Кэрол Кивигли (1910-1977) батафсил ёритишга муваффақ бўлган эди. С.Роудс эътиқод қилган ғоя шундан иборат эдики, Буюк Британия Америка Қўшма Штатлари билан биргаликда «Дунё федерациясини» яратишлари лозим: унинг ишончли комил эдики, фақат англасоксонлик жамиятгина дунёнинг универсал бошқарувига йўл топа олади. Роудснинг ўзи жанубий Африкада қудратли иқтисодий империя яратди ва инглиз-бур урушининг илҳомчиси ва ҳомийси бўлган эди.

Сэвил Роудс биографи Сара Мимен сўзларига қараганда, унинг маслаҳи қуйидагилардан иборат эди: «Нима учун яширин жамиятни яратиш мумкин эмас»: Британия империяси манфаатлари йўлида Қўшма Штатларни тиклаш англасоксон ирқий ягона империясини барпо этиш учун бутун ноцивилизациявий дунёни Британияга бўйсиндириш лозим. Бу орзу, лекин унинг тўлиқ имконият бор. Мухими, Роудс ва унинг издошлари Сид, Мильнер, Бальфур ва бошқалар «Дунёнинг интеграцияси» англасоксон қадриятлари ва манфаатлари асосида барпо этиши лозим.

1915 йилга келиб «Доира столи» жамиятининг шўъбалари Англия, Жанубий Африка, Канада, Австралия ва АҚШда иш олиб борар эдилар. Америка шўъбасига кўпгина машхур арбоблар –

Жорж Луи Бир, Уолтер Липпман, Френк Айделотт Уит Шепардсон, Томас Ламонт, Эрвин Кэнхэм ва бошқалар аъзо бўлиб кирганлар эдилар.

Ушбу ташкилот ҳозир ҳам мавжуд ва фаолият юритмоқда, ҳамда мунтазам равишда «Round Table. The Commonwealth Journal of International Affairs» номидаги журнални нашрдан чиқариб туради.

Ҳозирги даврда дунёнинг турли нуқталарида юз бераётган ғоявий зиддиятлар, пировардида қон тўкилишлар, инсонларнинг ҳалок бўлиши бир томондан, дунё халқларига таъсир доирасини кучайтириш мақсадида муайян давлатлар, мамлакатларни ғоявий-сиёсий сиқувга олишга интилаётган кучли давлатларнинг хатти-ҳаракатлари иккинчи томондан, ҳеч кимга сир эмас. Халқаро муносабатларда ана шундай беқарорликни келтириб чиқараётган кучларнинг мақсадлари яширин эмас, балки очикдан-очик ўзини намоён қилмоқда.

Шу маънода, юқорида баён этилган дунёни бирлаштириш ғоялари билан суғорилган «яширин жамият»лар лойиҳаларини бугун замонавий усул-воситалар асосида воқеликка айлантиришга уринишлар юз бермоқда. Масалан, АҚШ маъмурияти ва Евроиттифок давлатлар иштирокида муайян давлатларни иқтисодий санкциялар исканжасида ушлаб туриш орқали уни яккалаб қуйиш ёки бирор мамлакатлар доирасида номаъқул ҳокимиятни алмаштириш мақсадида ўша ерда мухолиф кучларнинг вужудга келтириш, пировардида жамиятни парчалаб ташлашга уринишлар оқибатида бу ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда (Грузия, Қирғизистондаги рангли инқилоблар) ёки яқин ўтган йилларда Яқин Шарқдаги Миср, Тунис, Ливия, Сурия ва бошқа араб давлатларида юз берган «Араб баҳори» номли инқилоблар юз бериши албатта четдан туриб бошқарилган аниқ сценарийлар асосидаги воқеалар натижасидир.

Шу ерда қадимдан қолган тамойил ўз-ўзидан кўз олдимизда намоён бўлади. Қарангки, бу тамойил ҳали-ҳануз яшовчанлигини намоиш қилмоқда ва у замонавий мазмун билан бойитилмоқда, яъни «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил».

Россиянинг таниқли журналисти [Игорь Прокопенко](#)-нинг «Теории заговоров. Кто правит миром?» номли асарида «бугунги дунёни «дунё ҳукуматига» айлантириш ва ўзини

ҳукмрон давлат қиёфасида кўраётган АҚШ ва Европадаги кучли давлатлар дунёнинг тақдирини ўзгартиришга ҳаракат қилиб, улар ўзаро уюшмоқда ва сиёсий бирлашмоқдалар» – дейилади ўша асарда.

Дарҳақиқат, ушбу китобда келтирилган далилларга эътибор қаратилганда, шу нарса аён бўладики, ўзини яширишга ҳаракат қилаётган «Билдерберг клуби» унинг фаолияти эътиборни ўзига жалб қилади. Бу клуб аъзолари кучли ва етакчи давлатлар ҳисобланмиш мамлакат раҳбарлари ва сиёсий элитадан иборат бўлиб, улар вақти-вақти билан йиғилишиб, глобал масалаларни муҳокама қиладилар ва ҳамкорлик асосида «дунё ҳукумати» дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётда қўллаш каби масалаларни кўриб чиқадилар, айтиш мумкинки, уларнинг нигоҳи асосан Осиё ва Африка минтақаси мамлакатларга қаратилган ва қисман Шарқий Европа давлатлари ҳам шулар сирасига киради.

Дунёни бирлаштириш, аниқроғи дунё ҳукуматини барпо этиш йўлида иқтисодий танглик, инқилобларни келтириб чиқариш, номаъқул ҳокимиятини «яхшиси» билан алмаштириш, керак бўлса терроризмни яширинча молиявий қўллаб-қувватлаш каби чора-тадбирлар, юқорида саналган воситалар асосида у ёки бу мамлакатни заифлаштириш, пировардида ўзига тобе қилиш кабиларни ўз ичига олади.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, бугунги замонавий мондиализм ўзининг янги қирраларини очмоқда, лекин бу талвасалар жаҳон афкор оммасини хавотирга солмоқда, шу ўринда бу ғояларга қарши турмоқ ғоявий собит қадамликни талаб қилади. Зеро, ҳар бир давлат ўз мустақиллигини сақлаб қолиши шу давлатнинг эртанги куни ва тақдирidir.

Назорат учун саволлар

1. Глобаллашув ва мондиализм тушунчаларининг ўзаро фарқли жиҳатлари.
2. «Дунё ҳукумати» тушунчаси ва унинг мафкура сифатида функционаллашиб бориши.
3. Ҳозирги дунёнинг мафкуравий манзарисида мондиалистик ғояларнинг акс этиши.

4. Мондиалистик ғояларининг «сиёсий биродарчилик» билан ўзаро алоқадорлиги.

1.6. Ҳозирги даврда Марказий Осиё минтақасида мафкуравий жараёнлар

Таянч тушунчалар:

Минтақанинг мафкуравий манзараси, идеосфера, геосиёсий мақсадлар, геосиёсий жараёнлар, хавфсизлик-ка таҳдид, барқарорлик шартлари, икки қутбли мафкура, кўп қутбли мафкуралар, ислом уйғониши, ислом феномени, юрт тинчлиги ва ватан равнақи ғоялар

Дунё харитаси ва инсоният ҳаётида ҳар бир минтақанинг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Муайян минтақа давлатлари ва халқлари учун тарихий, маданий, инсоний яқинлик каби умумий омиллар мавжуд. Уларнинг бир-бирига ўзаро таъсири, алоқаси, тарихи ва тақдиридаги ўхшашлик қарийб барча минтақаларга хос хусусиятдир. Бир минтақада яшайдиган халқлар ва миллатлар орасидаги ўзаро муносабатлар шу жойдаги ғоявий таъсир ва акс таъсирлар ҳамда мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш хусусиятлари ва асосий йўналишларини белгилайди. Яъни муайян минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий қиёфаси қандай бўлса, мафкуравий манзараси ҳам худди шундай бўлиши табиий. Бу манзара, кўп жиҳатдан, тарихий давр, сиёсий жараёнлар, у ёки бу ҳудуддаги воқеалар ривож, ички ва ташқи омилларнинг таъсири билан узвий боғлиқ тарзда намоён бўлади. «Минтақанинг мафкуравий манзараси» тушунчаси мазкур жойдаги турли давлат ва халқларга хос ранг-баранг ғоялар ва мафкуралар, ташқи ва ички сиёсий тамойилларида намоён бўладиган ҳолатлар, икки ёки кўп томонлама муносабатларда акс этадиган иқтисодий, сиёсий, маданий, ҳарбий ва бошқа йўналишдаги доктриналар мажмуини ифодалайди.

Унинг амалиёти ва намоён бўлиши билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлари, барқарор ва беқарор ҳолатлари, мазкур манзарада асосий аҳамият касб этадиган устувор тамойиллари мавжуд. Айнан ана шу хусусиятлар, ҳолатлар ва тамойиллар мажмуини ўрганиш мафкуравий манзаранинг мазмун-моҳиятини англаб олиш имконини беради.

Минтақанинг мафкуравий манзараси шу жойнинг умумий идеосфераси ҳамдир. Бу идеосфера мазкур минтақада яшайдиган халқлар ва мавжуд давлатлар ўртасида ўзаро алоқа ва муносабатлар ҳамда ёнма-ён жойлашган мамлакатларда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, сиёсий жараёнлар туфайли барқарорлашуви ёки беқарорлашуви ҳам мумкин. Муайян минтақанинг мафкуравий манзарасида қатор ҳолатлардан бирини ёки бир нечасини кузатиш эҳтимоли бор. Аввало, минтақада бир ёки бир неча беқарорлик ўчоғи бўлса, бу мазкур ҳудуд, ундаги давлатлар ва халқларга таҳдид солиб турган ҳолларда мафкуравий манзаранинг барқарорлиги, уни ташкил этувчи элементларнинг уйғунлиги бўлиши амримаҳол. Шунингдек, минтақа давлатлари ва халқлари орасида ўзаро аҳиллик, келишув бўлмаган тақдирда ҳам бу жойда доимий мафкуравий беқарорлик устувор бўлади. Бундан ташқари, муайян давлат ёки халқ буюк давлатчилик ёки буюк миллатчилик шовинизми сиёсатини минтақага нисбатан ўтказаяётган бўлса, унда ҳам мафкуравий манзарадаги ҳақиқий барқарорлик йўқолади. Гоҳида барқарор бўлиб кўринган бундай ҳолат аслида ички мафкуравий кураш аста-секин кучайиб борадиган сохта ва алдамчи барқарорлик, ўз вақтида албатта рўй берадиган беқарорликнинг арафаси сифатида намоён бўлади. Минтақада икки ёки ундан ортиқ давлат, халқ орасидаги муттасил можаро рўй бериб турган ҳолларда мафкуравий манзарадаги кескин зиддият ва ғоявий кураш доимий характер касб этади, қарама-қаршилик у манзаранинг асосий жиҳатига айланади. Шу нуқтаи назардан олганда биз яшаётган минтақада ҳам мураккаб мафкуравий жараёнлар рўй бермоқда.

Маълумки, XX асрнинг сўнггида жаҳон сиёсий харитасидаги ўзгаришлар Марказий Осиё минтақасида ҳам кескин ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Минтақамизда намоён бўлаётган ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар ана шу ўзгаришлар билан узвий боғлиқдир. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида жаҳон, Марказий Осиё минтақаси ва республикамызда қайси омиллар хавфсизликка қандай таҳдид солаётгани аниқ кўрсатиб берилган. Ҳозирги пайтда минтақада турли сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва экологияга оид муаммолар тўпланиб қолган. Бу жойдаги ялпи хавфсизликка

минтақавий, миллий, маҳаллий можаролар, диний экстеремизм таҳдид солмоқда. Бундай қарама-қаршиликларда четдаги айрим йирик мамлакатларнинг ўз манфаатларини ва таъсир доираларини сақлаб қолиш, кучлар мувозанатини ўз фойдаларига ўзгартириш учун олиб бораётган ҳаракатлари ҳам ўз ўрнига эга.

Таҳдид туғдирувчи сабаблардан яна бири минтақа ўзининг жўғрофий – сиёсий ҳолати жиҳатидан жамоа хавфсизлик тизими изчил йўлга қўйилмаган ҳудудда жойлашганлиги билан боғлиқ. Яқин йилларда бутун дунё, Европа ва Осиё келажаги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган энергия, газ ва нефтга бой конлар Марказий Осиёда жойлашган. Бунинг устига биз Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг манфаатлари бир-бирига мос келмайдиган минтақанинг бир қисмимиз. Бизнинг ҳудудимиздан кўпгина қудратли мамлакатлар ҳам ўз манфаатларини излайди.

Яна бир таҳдид манбаи Ўзбекистонни этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммолар юки остида қолган баъзи мамлакатлар қуршаб турибди. Бунинг устига, юртимиз минтақадаги диний экстремизм, этник муросасизлик, наркобизнес ва ҳар хил ташқи кучлар томонидан рағбатлантириб келинаётган, ички можаро авж олган Афғонистон каби беқарорлик ўчоғи билан чегарадош.

«Геополитик мақсадлар – муайян давлатнинг ўз мавқеи ва таъсирини ўзга ҳудуд ва минтақаларда кучайтиришга қаратилган сиёсатни ифодалайди. Бугунги кунда халқаро майдонда турли шаклларда намоён бўлаётган бундай мақсадлар мафкуравий сиёсат билан қўшилиб бормоқда. Инсон қалби ва онги учун кураш – бу жараённинг асосий йўналишларидан биридир». Минтақавий низолар кўпинча терроризм ва зўравонлик, наркобизнес ва қурол-яроқ билан қонунсиз савдо қилиш, инсон ҳуқуқларини оммавий суратда поймол этиш каби хавфли таҳдидларнинг доимий манбаига айланиб бормоқда. Айрим давлатлар ядро қуролига эга бўлишга ошкора интилаётганлиги халқларни ташвишга солмоқда. Ўзбекистон эса Марказий Осиё минтақасини ядровий қуроллардан холи ҳудуд деб эълон қилинишига эришиш учун ҳаракат қилмоқда.

Хуллас, хавфсизликка солинаётган таҳдидлар сиёсий экстремизм, шу жумладан диний руҳдаги экстремизмни, миллатчилик ва миллий маҳдудликни, этник, миллатлараро,

махаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик асосидаги зиддиятларни, коррупция ва жинойтчиликни, экология муаммоларини ўз ичига олади. Улар гарчи турлича намоён бўлса-да, ҳар биримизни ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундайди.

Мазкур мавзу учун Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари асосий манба бўлиб ҳисобланади. Мазкур асарда Ислом Каримов томонидан кўрсатиб берилган хавфсизликка таҳдидлар, уларнинг умумбашарий ва минтақавий хусусиятлари орасида минтақавий жиҳат муҳим аҳамият касб этади.

Бу масала муайян минтақадаги давлатларнинг геосиёсати билан узвий боғлиқ. «Геосиёсат» тушунчаси ўзида («гео» – «ер», «сиёсат» эса – «давлат» ва «ижтимоий иш») маъноларини англатади. «Геосиёсат» атамасида геосиёсий муддаолар, уларнинг кўринишлари, турли хил давлат ва халқларнинг манфаатлари тизими, унга бўлган ёндашув услублари, воситалари у ёки бу давлатнинг ҳудудий жойлашуви, салоҳиятига бўлган муносабатда ифодаланган мақсадлар ҳамда улар асосида шаклланган мафкуравий тамойиллар ўз ифодасини топади. «Геосиёсат» узок тарихга эга бўлса-да, у тушунча сифатида XX асрнинг бошларида шаклланган. Бу атама Р. Челлен томонидан муомалага киритилган бўлиб, ҳозирги даврда давлатлар ва дунё мамлакатлари халқаро сиёсатида, фалсафада, сиёсат фалсафаси ва бошқа фанларида кенг қўлланилмоқда. Геосиёсат кўп қиррали тушунча сифатида турли манфаатларни ўзида мужассам этади. Ҳозирги даврда геосиёсий мақсадлар кўпроқ мафкуравий сиёсат билан ҳамоҳанглигини алоҳида таъкидлаш зарур. Бунда мафкуравий таъсир кўрсатиш геосиёсатнинг энг таъсирчан воситаси сифатида намоён бўлмоқда. Яъни хилма-хил давлатларнинг мақсадлари халқнинг турли қатламлари, хусусан ёшлар онги ва қалбига мафкуравий таъсир кўрсатиш орқали, уларнинг фаолиятини ўз таъсирига, яъни манфаатларига йўналтирилган мафкуравий муҳитни яратишни кўзлаган ҳолда амалга оширилмоқда. Ушбу жараёни тўғридан-тўғри кўриш, унинг қандай амалга ошишини аниқ билиш қийин ва мураккабдир. Ана шу сабабдан ҳам Президентимиз мафкуравий полигонлар ядро полигонларига қараганда хавфлироқ бўлиб қолганлигини алоҳида таъкидлаганлар.

Ҳарбий полигонларни қаерда жойлашганини, уларнинг қуввати, қандай мақсадга йўналганлигини муайян даражада аниқ билиш мумкин. Аммо ёвуз, ёт мафкуравий мақсадларни қаердан ҳамда қандай йўллар билан ва қайси инсонлар қалбини эгаллаб олаётганлигини осонликча билиб бўлмайди. Бугун «икки қутбли мафкура» ўртасидаги зиддиятга барҳам берилган бўлсада, аммо дунёда мафкуравий курашлар тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча, жаҳон майдонларини мафкуравий бўлиб олишга уринишлар турли йўллар билан содир бўлмоқда. Масалан, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан кейин мафкура соҳасида ҳаёт осонликча кечмади. Миллий манфаатларимизга зид бўлган ёт ва бегона ғоялар кириб келишга ва ёшларимиз онгини эгаллашга, уларни мамлакатимизда белгиланган улуғ мақсадларни амалга оширишга қарама-қарши қўйишга уринишлар бўлганлигининг гувоҳимиз. Бундай ҳаракатларнинг тарафдорлари ўзларини «дўст», «миллатдош», «ватандош», «диндош» этиб кўрсатиш ниқоби билан ўз ғояларини амалга оширишга уриндилар. Натижада, ҳақиқий кадриятларимизга зид бўлган турли хил оқимлар аҳоли, айниқса ёшлар онгини эгаллашга ҳаракат қилди.

Жаҳон геосиёсатида халқларни маънавий-мафкуравий жиҳатдан тобе этишга интилиш ва бугунги кунда дунёни шундай асосда бўлиб олишга уринишлар давом этмоқда. Бунинг учун улар ҳозирги замон оммавий ахборот воситалари, уларнинг ютуқларидан ҳамда турли хил марказлар, айти пайтда ўзаро ҳамкорликка йўналтирилган ижтимоий, маданий, иқтисодий воситалардан фойдаланиш орқали дунёнинг турли ҳудудларида ўзларига мос мафкуравий муҳитни шакллантириш мақсадларини ҳам кўзламоқдалар.

Мафкуравий жараёнлар фикр ва ғоялар намоён бўлишининг амалий тизими сифатида инсон онгига йўналтирилганлиги, ўзига хос мақсадлари борлиги билан характерланади. Улар кўплаб одамлар қалби ва онгини эгаллаб олиш орқали ўзига хос таъсир кўрсатиш майдонини яратади. Бу майдон ичида турли халқлар, инсонлар фаолияти мужассамлашади.

Маърифий ривожланиш ва дунё халқлари ривожини шуни тақозо этадики, геосиёсат ҳам маълум бир мақсадларни кўзлар экан, у фақат инсоният орзу қилиб келган тинчлик ва барқарорликка, мамлакатлар ва халқлар раванқига, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш

ғоясига мос бўлиши керак. У Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик ғояларини ўзида мужассам этиб, ҳозирги геосиёсий мақсадларнинг бош мезонига айланиб бориши лозим. У носоғлом мафкура ва ғояларни бошқа халқлар онгига, қалбига сингдириб, мафкуравий жиҳатдан дунёни бўлиб олишга эмас, ўзаро манфаатли ҳамкорликка, дунёвий муаммоларни ўзаро ҳамжиҳатлик билан ҳал этишга хизмат қилиши керак. Шу маънода, геосиёсатга янгича ёндашув XXI асрда янгича маъно ва аҳамият касб этади ва дунё тараққиётига хизмат қилади.

XX асрнинг охирида собиқ иттифоқнинг парчаланиши, унинг ҳукмрон мафкурасининг барбод бўлиши ва республикаларнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши минтақамизда нафақат ижтимоий-сиёсий жиҳатдан, балки янги мафкуравий вазиятни ҳам вужудга келтиради. Ушбу вазиятнинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, собиқ шўролар ҳукмронлиги шароитида коммунистик мафкура, минтақа халқлари азалдан қон-қардош бўлишларига қарамасдан, уларни зўрма-зўраки «бирлаштириб» турган эди. У минтақа халқлари онгига зўравонлик билан «СССР – ягона Ватан» ва Совет халқи – янги тарихий «бирлик» деган тушунчаларни сингдиришга зўр бериб уринар эди. Минтақа халқлари бундан қанчалик норози бўлмасин, ўзларининг тарихий ва маънавий яқинлигига интилмасин, аммо бу интилишларга нисбатан мафкуравий тазйиқ бениҳоя кучли эди.

Минтақадаги собиқ иттифоқдош республикалар ўзларининг мустақиллигини қўлга киритиши билан бу мафкура барбод бўлди. Уларнинг ҳар бири олдида ўзларининг ички ҳаёти ва истиқлолини мустаҳкамлаш, барқарорликни таъминлаш ва ўзлари учун мақбул бўлган тараққиёт йўлини белгилаб олишдек жуда мураккаб вазифалар юзага келди. Бу жараён минтақа мамлакатларининг ўзаро муносабатларини уйғунлаштириб туришга хизмат қиладиган маънавий-мафкуравий омиллар шаклланишига таъсир ўтказиши табиийдир.

Иккинчидан, минтақадаги мамлакатлар ўз мустақиллигини қўлга киритган бўлишига қарамасдан, 1991 йил ўрталаригача собиқ марказ ҳали ўз ҳукмронлигини қайтадан тиклашга мойил эди. Шунинг учун ҳам у минтақа мамлакатларини бир-бирига

қарама-қарши қўйиш, миллатлараро зиддиятларни келтириб чиқариш каби сиёсатни давом эттирди. Бу ўз навбатида, ўша даврда, маълум даражада, минтақа халқларининг ўзаро муносабатларига ҳам муайян таъсир кўрсатди.

Учинчидан, мустақилликни қўлга киритган минтақамиз мамлакатларини ўз таъсир доирасига ўтказиш учун яна бошқа бир қатор мамлакатлар ҳам ҳаракатни бошлаб юбордилар. Уларнинг кўпчилиги ташқаридан беғараз ёрдам кўрсатаётгандай бўлиб кўринсаларда, аслида ҳар бир кўрсатаётган «ёрдамлари» эвазига минтақада ўз мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилдилар. Аслида бундай ҳаракатларнинг бўлиши табиий ҳолдек кўринади. Аммо уларда ҳам минтақа давлатлари ва халқларини бир-бирига қарама-қарши қўйишга интилишлар йўқ эмас. Демак, ана шу интилишлар ҳам минтақа мамлакатларининг мустақиллик шароитида юзага келган муаммоларни ўзаро яқдиллик билан ҳал қилишга хизмат қиладиган умумий омилнинг юзага келишига ўзининг таъсирини ўтказди.

Тўртинчидан, минтақада юзага келган муаммоларни ҳал этишга хизмат қилувчи янги маънавий-мафкуравий муҳитни шакллантириш эҳтиёжи ҳам ошиб борди. Бу борада узоқ вақт мустамлака сифатида яшаган республикалар, зўравонлик билан ўтказиб келинган умумий тамойиллардан воз кечиб, ўзига хос тараққиёт йўлига ўтиб олдилар. Бу жараёнда Афғонистонда уруш алангаси ўчмагани фақат бизнинг мамлакатимиз учунгина эмас, балки бутун минтақадаги барча мамлакатлар учун ҳам катта хавф-хатарни вужудга келтирди.

Бешинчидан, Ўзбекистон ўзининг иқтисодий салоҳияти, хом-ашё ресурсларга бойлиги, ишчи кучи ва демократик имкониятлари, кўп жиҳатдан геополитик жойлашувига кўра ҳам, минтақада етакчи ўринда турганлиги билан ажралиб туради. Бинобарин, Ўзбекистонга нисбатан бўладиган ҳар қандай хавф-хатар, албатта, бутун минтақага таъсир қилади. Шу маънода ҳам турли сиёсий кучлар ва ҳаракатлар Афғонистондаги уруш оловини кучайтириш ва минтақадаги вазиятни мураккаблаштириш ҳамда минтақа давлатларини унга жалб қилишнинг турли йўлларини ва услубларини ишга солди. Аслида бу уринишларга минтақа мамлакатлари ва халқлари ўртасида мавжуд бўлган

азалий дўстликка путур етказишга қаратилган мафкуравий ҳаракатлар деб баҳо бериши мумкин.

Инсоният цивилизациясининг ривожланиш тарихи, айниқса, ҳар жихатдан бир-бирига боғлиқ бўлиб қолган ҳозирги дунё воқелиги шундан далолат бериб турибдики, алоҳида олинган бир давлатдаги ҳеч бир можаро узоқ вақт давомида миллий чегаралар доирасида қолиб кетмайди. Бир қанча сабабларга кўра бундай можаро назорат қилиб бўлмайдиган даражада ёйилиб кетиши муқаррар. Бу эса эртами-кечми кўшни давлатлар олдига барча салбий оқибатлари билан бирга қатор муаммоларни кўндаланг қилиб қўяди. Ҳатто минтақадаги вазиятни беқарорлаштириш даражасига бориб етади. Шу нуқтаи назардан қараганда, можаронинг яширин ва ошкора тарзда байналмилаллашуви тангликни чуқурлаштиради. Чунки турли мақсадларни кўзлайдиган ва танглик мавжуд бўлган ҳудудда ўз манфаатларини таъминлашга интиладиган ташқи кучлар ҳамма вақт шай туради.

Марказий Осиё мамлакатлари ўз мустақиллигини қўлга киритиб, тараққиёт сари қадам ташлаётган ҳозирги шароитда ҳам жаҳондаги маълум бир сиёсий кучлар, мафкуравий полигонлар улкан иқтисодий салоҳият ва қулай геополитик мавқега эга бўлга бу минтақани ўз манфаатлари доирасига тортиш ҳаракатларидан тўхтагани йўқ. Улар ўз мақсадларига эришиш учун таъсир ва босим ўтказишнинг барча шакллари кўлламоқдалар. Жумладан, Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро муносабатлари жараёнига тўсқинлик қилиш, уларда турли сабабларга кўра (масалан, трансчегаравий дарёлар туфайли) бир-бирларидан норозилик кайфиятини ўйғотиш каби мафкуравий таъсир ўтказиш ҳолатлари содир бўлаётганлигини таъкидлаш мумкин. Бу мақсадда минтақада тарихан шаклланган ижтимоий-иқтисодий, маданий, маърифий алоқаларни издан чиқариш, дўст ва биродар давлатлар, халқлар ва миллатлар ўртасига низо солиш, кескинлик ўчоқларини келтириб чиқариш учун турли ғоявий, диний ва мафкуравий воситалар ишга солинмоқда. Айниқса, халқларимиз дунёқараши ва маънавиятида ислом динининг мустаҳкам ўрин эгаллаганидан фойдаланиб, уларга исломий «сабоқ» бериш, исломни қайта тиклаш байроғи остида минтақада диний экстремизм ва фундаментализмни кенг тарқатиш борасида олиб борилаётган қўпоровчилик ҳаракатлари содир этилмоқда.

Аслида «фундаментализм» ва «экстремизм» ғояларининг Марказий Осиёга кириб келишидан кўзланган мақсад – диннинг қадриятларини қайтадан тиклаш эмас, балки ана шу ғоялардан восита сифатида фойдаланиш орқали минтақада беқарорликни, диний ва миллатлараро низоларни вужудга келтириш, охиروقибат эса ҳокимиятни қўлга киритишдир. Бу уринишларда тузатиб бўлмас фожиаларга олиб келиши мумкин бўлган, тарих саҳифасида қолиб кетган халифаликни тиклаш ғоясига ҳам зўр берилмоқда. Ана шу йўлда ислом фундаментализми вакиллари, ҳатто диний эътиқод даражасида, инсон қалби маънавий бойлигининг ажралмас қисми бўлган миллий ўзига хосликни «қурбон» қилиш ғоясидан ҳам тоймаяптилар. Айнан ана шу хатти-ҳаракатлар бугунги кунда ўз обрўсидан бутунлай маҳрум бўлган марксизм-ленинизм таълимотини эслатиб туради. Масалан, Россияда марксистларнинг энг жангари оқими-большевиклар, миллати ва ирқидан қатъи назар, дунёда яшаётган барча халқларни бирлаштириш ғояларини илгари суриб, террор йўли билан ҳокимиятни қўлга киритган эдилар. Уларнинг асосий фожеаларидан бири ҳам миллий омилнинг ва тадрижийликнинг аҳамиятини тан олмаганларида эди. Шунинг учун ҳам улар тарихда зўравон экстремистик ғоялар соҳиби сифатида ном қолдирдилар.

Бугун диний экстремизм ва фундаментализм томонидан Марказий Осиёда олиб борилаётган қўпоровчилик ва террористик ҳаракатлар ҳам ана шундай мақсад, йўл ва услубларга таянмоқда. Диний экстремизм ва фундаментализмининг минтақамиз, хусусан мамлакатимиз тараққиётига хавф туғдираётганлигини Президентимиз теран англаб, бу қандай даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан ҳаммамизни огоҳ қилган эди. Тошкентда февраль фожеалари содир этилмасдан икки йил олдин Президент И.А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли фундаментал асарида шундай ёзган эди: «Кўплаб сиёсатчилар, олимлар, журналистлар XX аср охирида юз берган «Ислом уйғониши», «қайта исломланиш», «ислом феномени» ва бошқа турли-туман номлар билан аталган ҳодисанинг сабабларини тушунтириб беришга ҳаракат қилдилар. Бу тушунчалар ҳақида мунозарага киришмаган ҳолда, эътиборни

жаҳон ҳамжамияти ҳаётида ислом кадриятларини тиклаш байроғи остида рўй бераётган ҳодисалар ғоят хилма-хил, кўп қиррали, баъзан зиддиятли ва ҳатто қарама-қарши қутбли эканлигига қаратмоқчиман. Шу билан бирга аниқ-равшанки, жаҳон жамоатчилиги бу жараёнларга жуда катта қизиқиш билан қарабгина қолмаяпти. Унинг диний экстремизм ва фундамен-тализм каби кескин ҳодисалар муносабати билан безовталанаёт-ганлиги баъзан эса, ҳатто хавфсираётгани ҳам кўзга ташлан-моқда. Афсуски, ҳозирги замон шароитида ана шу ўта кескин кўринишлар жиддий можароларни, зиддиятларни келтириб чиқариши, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлигини инсониятни чўчитяпти. Шундан дарак берувчи фикрлар анча-мунча тўпланиб қолган. Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги нуқтаи назардан қараганда, бу ҳодисалар бизда ҳам жиддий ташвиш туғдирмоқда». Бу фикр ҳақиқат бўлиб чиқди. Экстремистлар 1999 йилнинг 16 феввалида ўзларининг қора ниятларига эришиш мақсадида Тошкентда кўпоровчиликни амалга оширдилар. Бу кўпоровчилик ҳаракатлари орқасида катта кучлар борлиги аён бўлиб, уларнинг мақсади, – Президентимиз таъкидлаганидек, – халқимизнинг тинчлигини бузиш, қўрқитиш, юрагига ваҳима солиш, юритаётган сиёсатимизга ишончни сўндириш, амалга ошираётган улкан ишларга зарба беришдан иборат эди.

Хўш, нима учун бу фожеалар Ўзбекистонда содир этилди, унинг Марказий Осиёдаги бошқа давлатларга таъсири бўлиши мумкинми? Унинг Тошкентда содир этилишига асосий сабаб шуки, юртимизда олиб борилаётган сиёсатнинг ютуқлари жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда. Нисбатан қисқа давр ичида Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий жиҳатдан барқарор, умуминсоний кадриятлар устувор бўлган, маънавий меросни ва диний кадриятларни тиклаб, инсон ҳуқуқларини устувор соҳа даражасига кўтара олган мамлакатдир. Халқининг Президентга, давлатга ишончи ниҳоятда мустаҳкам бўлган Ўзбекистон Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш ва минтақа давлатларининг ўзаро интеграциялашуви жараёнида етакчилик қилмоқда. Худди мана шу ўта катта аҳамиятга эга бўлган омиллар, асосланган истиқболдаги ютуқлар халқимиз ва

мамлакатимиз тараққиётининг душманларини ваҳимага солмоқда.

Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликнинг нақадар зарурлиги, умуминтақавий мафкуравий тамойилларга эҳтиёж Ўзбекистоннинг бу жараёндаги ўрни ва роли нақадар катта эканлиги яқинда Қирғизистонда, унинг жанубида, Ўш ва Жалолобод ҳудудларида рўй берган можаролар мисолида янада яққол намоён бўлди. Турли муаммолар ва можаролар исканжасига тушган бу жойлардан ҳаёти хавф остида қолган 150 мингдан ортиқ қочоқлар мамлакатимиздан ўз юртларига қайтиб кетганларига қадар бошпана топдилар. Марказий Осиёни «ёқиб» юбориш мумкин бўлган уруш хавфининг олди олинди, мамлакатимиз аҳолиси ҳаётида устувор бўлган Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва Халқ фаровонлиги ғоялари устувор бўлган миллий истиқлол мафкурасининг қадри ва аҳамияти намоён бўлди. Агар минтақада душманларимиз мўлжаллаган мақсадлар амалга ошса, бу нафақат бизда, балки бутун минтақа давлатларида ҳам жуда катта ўзгаришларнинг содир бўлишига сабаб бўлиши, минтақавий интеграция жараёнларига ўзининг улкан салбий таъсирини ўтказиши мумкин эди. Ғанимларнинг амалга оширган ҳаракатлари кўзлаган мақсадига етмади ва етолмайди ҳам.

Умуман Марказий Осиё халқлари мустаҳкам дўстлигининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки, минтақа туб халқларининг маънавий илдизлари бир, руҳи, турмуш тарзи яқин, улар ана шу бой манбадан бирдек баҳра оладилар. Шу маънода ҳам улар бирлигини мустаҳкамлаш умуминтақавий маънавий юксалишимизга ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб тураверади. Бу жараёнга қарши қаратилган ҳар қандай мафкуравий таъсир ёки террористик ҳаракатлар умуминтақавий қаршиликка учрамоғи ва барбод бўлмоғи лозим.

Марказий Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнлар тизимида Афғонистонда давом этаётган уруш ҳам алоҳида ўрин эгаллаб турибди. Ўттиз беш йилдан буён давом этиб келаётган ҳарбий мажоралар оқибатида умуминсоний цивилизациядан узилиб қолган Афғонистон ҳудуди халқаро террорчилик ва диний экстремизм, қурол-яроғ ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ўчоғи бўлиб қолди. Бу эса турли зарарли ғояларнинг

террорчилик, таҳдид ва таҳлика йўли билан бутун минтақага ёйилиш хавфини туғдирмоқда. Мустақил тараққиёт, эркин ва фаровон ҳаётга бўлган ишонч - эътиқодни мустаҳкамлаш йўлида хавф-хатарларнинг олдини олиш учун муттасил огоҳ бўлиб яшаш, биргаликда кураш олиб бориш минтақа халқлари учун ҳаётий заруриятга айланиб қолди.

Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги учрашувлари умумий хавфсизликни таъминлаш, минтақа халқларининг ўзаро дўстлигини мустаҳкамлаш ва мавжуд иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имкониятини беради. Шу маънода Марказий Осиё мамлакатларининг тинчлиги ва барқарорлигига, мазкур минтақада яшовчи халқларнинг хавфсизлигига дахл қилувчи тажовузларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасидаги ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг бу йўлдаги саъй-ҳаракатлари, имкониятлари ва салоҳиятларини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш, айниқса муҳимдир.

Хуллас, бугунги кунда минтақанинг мафкуравий манзарасини соғломлаштириш, умумий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш минтақадаги барча мамлакатларнинг истиқболини ҳам бир қадар белгилаб беради. Шунинг билан бирга бу – минтақада яшаётган халқларнинг азалий қонқариндошлиги, ҳамкорлиги ва маънавий-руҳий яқинлигини мустаҳкамлашда ҳам ўта муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб қолаверади. Худди шунингдек, минтақага қарши қаратилган мафкуравий таъсирларга қарши курашни кучайтиришда умумминтақавий бирликни мустаҳкамлашнинг аҳамияти ҳам ошиб бораверади.

Назорат учун саволлар

1. Марказий Осиё ва Ўзбекистонда хавфсизликка таҳдид солаётган омиллар.
2. Ҳозирги даврда Марказий Осиё минтақасининг мафкуравий манзараси.
3. Минтақадаги геосиёсий жараёнларни ўрганишда Ислом Каримовнинг « Ўзбекистон XX аср бўсағасида: хавфсизликка

тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарининг ўрни.

4. Дунёни мафкуравий бўлиб олишга уринишлар ва улардан кўзланаётган геосиёсий мақсадлар.

5. Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашда умумминтақавий омилларнинг ечими.

II боб. ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҒОЯ ВА МАФКУРАЛАР БИЛАН ЎЗARO АЛОҚАДОРЛИГИ

2.1. Мафкуравий онг ва дунёқараш ҳақида умумий тушунча

Таянч тушунчалар:

Мафкуравий онг, мафкуравий дунёқараш, ижтимоий гуруҳ, индивид, миллий мафкура, ишонч, эътиқод, мустақиллик.

Инсон тафаккури воқеликни идрок этиш мобайнида турли фикрлар, қарашлар, ғоялар ва таълимотлар яратади. Мафкуравий онг эса муайян қарашлар, назарияларнинг идрок этилиши ва уларнинг индивид томонидан англаб олиниши натижаси сифатида шаклланиб боради. Мафкуравий онг ҳақида гап кетганда умуман алоҳида олинган инсоннинг индивидуал онгининг муайян соҳаси сифатида баҳолаш тўғри бўлар эди. Шу ўринда индивидуал онгнинг тузилишига назар солсак, муайян гуруҳ, элат, миллатга мансуб бўлган алоҳида шахснинг онги бўлиб, жамиятдаги воқеълик ва реал борлиқнинг алоҳида олинган шахс онгида акс этишидир. Фалсафа илмидан маълумки, алоҳида индивид онги ижтимоий онг билаи узвий алоқада ва бир-биридан фарқ қилади. Ижтимоий онг ўзига хос шаклларга эга бўлиб, улар ахлоқий, диний, фалсафий, ҳуқуқий, сиёсий, эстетик онг ва бошқаларни ўз ичига олади. Шу ўринда ижтимоий онгнинг юқори даражаси мафкура бўладиган бўлса, мафкуравий онг соҳиби инсондир. Мафкуравий онгнинг шаклланиши муайян

элат, миллат ва халққа мансуб қадриятлар, мақсад - муддаолар, ҳаётнинг идеаллари мужассам бўлган ва муайян ғоялар асосида ҳаётга татбиқ қилиниб кишиларнинг маслағига айланиши воситасида рўй беради.

Мафкуравий онг муайян ижтимоий гуруҳ, элат, миллатга мансуб алоҳида индивидга нисбат қилиниб қараладиган бўлса, уни бевосита миллий онг ва миллий ўзликни англаш тушунчаси билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Миллий онг - миллатнинг мавжудлиги унинг тарихий тараққиёти ва истиқболи билан боғлиқ ижтимоий омил ҳисобланади. У миллатнинг шаклланиши, тараққий этиши ва абадийлигини таъминлайди. Миллий онг миллатнинг ўзи билан бирга шаклланиб боради. Шундай қилиб, *миллий онг деб, миллатнинг тарихи, тақдири ва истиқболи билан боғлиқ бўлган манфаатлар ва мақсадларни ифодаловчи миллат вакиллари фаолиятини мақсад, йўналишлар томон бошқариб турадиган ғоялар, фикрлар тизимига айтилади.* Шу маънода мафкура тушунчасига эътибор берадиган бўлсак: муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу истаклари ва мақсад - муддаоларини ифодаловчи ғоявий - назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими мафкурага берилган нисбат бўладиган бўлса, бу таърифлар ўртасида узвий яқинлик борлиги аён бўлади. Демак, *мафкуравий ўз маъно - моҳияти билан муайян бир мафкуранинг инъикоси маълум бир миллат мафкурасининг реал воқеликда намоён бўлиши жараёнида субъектнинг фаол хатти-ҳаракатида ўз ифодасини топадиган индивидуал воқеликдир.*

Юқорида таъкидланганидек, мафкуравий онг миллий онг, миллий ўзликни англаш категориялари билан яқиндан муносабатга киришади, у фаол бўлиб, муайян шахснинг фаолиятида маълум мақсадлар, интилишларни жамият соҳасида таъминлашга қодир бўлган руҳий куч сифатида майдонга чиқади.

Инсон «бир парча гўшт» бўлиб дунёга келади ва у дастлаб табиий инстинктлар билан яшайди. Секин-аста ўзи яшайдиган оила муҳити, маҳалла, таълим даргоҳи, жамият таъсирида инсон дунёқараши шаклланади, шахсга айланади ва шу билан бирга муайян мафкура таъсирида таълим - тарбия топади. Мафкуравий онг ўзликни англашдан, миллатнинг руҳидан озиқланади ва акс

таъсир сифатида миллий ўзликни тарбиялаш, кадрлаш, сақлаб қолиш омили сифатида майдонга чиқади.

Демак, кишининг инсон мартабасига эришмоғи ўзлигини танишда маънавий-мафкуравий муҳит ва жамиятда орттирган тажрибаси, билимлари, тарбия маҳсулидир. Инсон тарбияси доимий равишда мақсадли шакллантирилади. Мақсадлар ғояларда намоён бўлади, ғоялар амалга ошиши мафкурада намоён бўлади. Мафкуранинг воқеликка айланиши алоҳида олинган шахс, сўнгра жамиятда ўз ифодасини топади.

Шунинг учун ҳам миллий мафкуранинг воқеликка айланиши, тараққиётга хизмат қилиши учун миллий-маънавий тикланиш замирида фуқароларимиз мафкуравий онгини шакллантириш, ўстириш зарур. Миллий мафкурада акс этаётган кадриятлар, унга бўлган ҳар бир фуқаронинг туйғуси мафкуравий тарбияга жуда ҳам боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз зарур. Демак, мафкуравий тарбия мафкуравий онгининг мавжудлигини таъминлаши муқаррар. Бирор - бир мақсадни кўзлаб олиб борилган тарбия шакли ғоявий - мафкуравий тарбия демакдир. Абдулла Авлонийнинг *«тарбия бизлар учун ё ҳаёт ё момот, ё нажот - ё фалокат масаласидур»*, - деган сўзлари бунгунги кунда янги мазмун касб этиб, ўз долзарблигини йўқотган эмас. Токи миллат бор экан, унинг мафкураси бўлади, муайян ғоялар асосида шаклланган мафкура ўша миллат фуқароларининг имон-эътиқодига айланса, унинг онги маълум кадриятлар асосида шаклланиши мафкуравий онгининг мавжудлигини таъминловчи омилдир.

Маълумки, ғоялар тўғрисидаги илмий билимлар кишиларнинг дунёқарашини шакллантиришга хизмат қиладиган фалсафий тафаккурнинг муҳим қисмидир. Улар кишиларнинг оламни билиш, ўзлаштириш, фаровон ҳаёт кечириш ва ўз инсоний моҳиятини намоён этиш эҳтиёжлари билан узвий боғлиқ. Мафкуравий дунёқараш мураккаб тузилишга эга. У бир қанча таркибий қисмларни - мафкура соҳасидаги муайян билимлар, ғоя ва мақсадлар, табиий ва ижтимоий фанларнинг ютуқлари, тасаввурлар, кадриятлар, мақсад-муддаоларни, ишонч, эътиқод, имон, фикрлар, ҳиссиёт ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Мафкуравий дунёқараш таркибида эътиқод муҳим аҳамиятга эга. У инсоннинг ўз қарашлари ва ғоялари тўғрилиги, орузумидларининг асосли эканлиги, фаолиятга хатти-ҳаракатининг

умумий мақсадларга ва талабларга мослигига бўлган чуқур ишончдан пайдо бўлади, кишининг ҳиссиёти, иродаси ва фаолият йўналишларини белгилайди, уларни бошқаради, шахсни омилкор, амалий фаолиятга ундайди. Бирор партия ёки гуруҳ ўз мақсадларига етишиш учун жамиятдаги мавжуд маънавий ҳаётда салмоқлироқ жой эгаллашга ёки уни ўз манфаатлари йўлида ўзгартиришга ҳаракат қилади. Умуман, ҳаётда ўз мақсадига эри-шишнинг энг осон ва кам ҳаракат талаб қиладиган йўли – ўзга-ларнинг дунёқарашига кириш, уни ўз мақсадлари томон ўзгарти-ришдир. Чунки азалдан ҳар қандай мафкура ғоявий дунёқарашга оид саволларга жавоб тариқасида дунёга келган.

Мафкуравий дунёқарашнинг юқорида кўрсатилган тамо-йиллари унинг вазифаларини белгилаб беради. Улар жамиятнинг умумий мақсад ва манфаатларидан келиб чиқади ҳамда одамларнинг ҳаёти ва фаолияти учун умумметодологик аҳамият касб этади. *Мафкуравий дунёқараш вазифалари ҳақида гапирганда, унинг объекти, предмети сифатида аввало муайян инсон ва жамият назарда тутилади. Чунки дунёқараш жамиятдаги маънавий ҳолат ва инсоний муносабатларнинг онгдаги ифодасидир.* Шу ўринда эслатмоқ жойизки, мафкуравий онг, мафкуравий дунёқарашнинг манбаи ҳисобланади ва шу жиҳатдан мафкуравий онг мафкуравий дунёқарашнинг инсон томонидан бошқаларга, жамиятга, ҳаётга бўлган муносабатини таъминлайдиган омил бўлиб хизмат қилади. Шундай қилиб, мафкуравий онг ва мафкуравий дунёқараш узвий яхлитликка эга эканлигини англаш лозим. Бу мафкуравий дунёқарашнинг баҳолаш вазифасини англатади, яъни инсон ўз ғоялари ва манфаатларидан келиб чиқиб, нарса - ҳодисаларни яхши - ёмон, фойдали зарарли, савоб - гуноҳ, уят-андиша, каби категорияларга ажратади, яъни уларни баҳолайди.

Мафкуравий дунёқараш инсон фаолиятини бир қатор усул - воситалар орқали бошқариш вазифасини бажаради. Мафкуравий дунёқарашнинг инсон фаолиятини назорат қилиш вазифаси ҳам бор. Бунда мафкуравий дунёқараш жамоатчилик фикри тарзида намоён бўлиши кўзда тутилмоқда. Кўп ҳолларда назорат қилиш вазифаси муайян фаолият учун бирор ғоянинг маънавий мезон вазифасини бажаришни ҳам назарда тутати. Мафкуравий дунё-

қарашнинг бирлаштириш (коммуникатив) вазифаси ҳам бор. Масалан, жамият турли қатлам ва партиялар манфаатлари нуқтаи назаридан муайян фарқлар бўлиши табиий. Бундай шароитда мафкуравий дунёқараш уларни доимий муросага келтиришга хизмат қилади, умумий мақсадлар йўлида бирлаштиради. Ҳар қандай манфаат шакллари ва даражалари муайян ғояларда, назарияларда ўз ифодасини топади. Шу нуқтаи назардан ғоялар ва назариялар ўртасида курашлар бўлиши табиий. Президентимиз таъбир билан айтганда: **«Ҳаётнинг турли - туман ғоялар курашидан, баҳс-у мунозаралардан иборат. Тараққиётнинг маъно - мазмуни, керак бўлса фалсафаси ҳам шунда. Ўз мустақил фикрига эга бўлган, ўз кучига, ўзи танлаган йўлининг тўғрилигига ишонган инсон доимо келажакка ишонч билан қарайди. У жамиятдаги фикрлар хилма-хиллигидан чўчимайди, балки замонавий билим ва фалсафий қарашларга, ҳаёт ҳақиқатига суянган ҳолда ҳар қандай ғаразли ният, таҳдид ва интилишларни фош қилишга қодир бўлади»¹.**

Миллий истиқлолимизнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш қонуниятларининг, жамият сиёсий-иқтисодий, ижтимоий муносабатлардаги туб ўзгаришларининг кишилар онгидаги илмий инъикоси, объектив оламда содир бўлган ва бўлаётган мураккаб жараёнларнинг ва ҳодисаларнинг фалсафий умумлаштирилиши сифатида юзага келган янги ғоялар, янги назариялар, янгича сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар, янгича илмий билим ва тасаввурлар кишилар онгига сингиб имон-эътиқодига, дунёқарашига айланмаса, давлатимиз мустақиллигининг замини бўш бўлади. Олдимизда вазифа бўлиб турган стратегик мақсад – муддаоларимизга, озод ва обод Ватан қуришдек эзгу ниятларимизга етишишнинг имкони бўлмайди, унинг барқарорлигини таъминлаш фақатгина орзулардан иборат бўлиб қолиши мумкин.

Одамлар ўзларига тавсия этилаётган ғоялар, янги қоидалар, назарияларни тўла англаб етмай, унинг афзаллиги муҳим ва устуворлигига ишонч ҳосил қилмай туриб, уларни амалга ошириш ишига онгли равишда ва виждонан киришмайдилар.

Бирор - бир ғоянинг омманинг онгига зўрлаб, уларни кўрқитиб тазйиқ остида сингдириб бўлмайди. Ўзи ишонмаган

¹ Каримов И. Дошшманд халқимнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «ФИДОКОР», 2000 йил, 8 июнь.

ғоянинг кетидан ҳеч ким бормаиди. Ишонч - эътиқод бўлмаган ишда ҳеч қандай самара бўлмайди.

Давлатимиз мустақиллиги ҳақидаги ғоялар ўтмишда бўлганидек, олис-олисларда яратилиб, сўнгра Ўзбекистонга четдан олиб келинган эмас. Мазкур ғоялар Ўзбекистон заминида дунёга келиб, халқимиз кўз ўнгида шаклланган, илмий ишлаб чиқилган ғоялардир.

Миллий истиқлол ҳақидаги ғоялар ва назарий қоидаларнинг моддий - маънавий ҳаётимиз ривожланишига ўз таъсирини кўрсатишнинг, жуда катта ташкилотчилик, сафарбарлик, ўзгартирувчанлик, одамларни жипслаштирувчилик сингари мақсад ва вазифаларни амалга оширишнинг асосий йўли ва бирдан - бир шарти уларнинг халқ томонидан ўзлаштириб олиниши ва ҳаётга татбиқ қилинишидир.

Миллий истиқлол ғоялари ўз-ўзидан татбиқ этилмайди. Бу анча мураккаб, масъулиятли жараёндир. Шошма-шошарлик қилиш, ўйламасдан расмийчилик, ўзи бўларчилик асосида ҳаракат қилиш, юксак масъулиятни унутиб қўйиш, миллий истиқлол ғояларини турмушга жорий этиш масаласига катта зиён келтириши ҳеч гап эмас.

Ҳозирги пайтда асосий вазифа ана шу назарий қоида, йўл - йўриқларини мукамал ўзлаштириб, қалбан чуқур ҳис этиб, уларни ҳаётга удабуронлик билан қўллаш, уларга суяниб, асосланиб, бунёдкор ғояларни ҳаётга дадил татбиқ этишдан иборатдир.

Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб - ташвиқ қилиш, оммада мафкуравий онг ҳосил қилишда халқимизнинг зукко фарзандлари, шоиру ёзувчилар, олиму санъаткорлар, зиёлилар зиммасига катта масъулият юклатилади.

Халқнинг мафкуравий онги ва дунёқарашни шакллантиришда, миллий ғояни тарғиб - ташвиқ қилишда бадиий адабиёт ҳозирги пайтда ўзининг сезиларли таъсирларини кўрсатяпти. Шу боисдан ҳам у ҳалоллик, поклик, имон-эътиқод, раҳим-шавқат, мурувват каби халқимизнинг ноёб маънавий кадриятларини, миллийликни, миллий ғурур ва ифтихорни, миллий урф-одатларимизни ёшлар қалбига чуқур сингдиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб олган. Халқнинг руҳини кўтаришда порлок

истикбол учун курашга чорлашда ўзбек халқининг бадиий адабиёти ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Ижтимоий онг шаклларида бир бўлган бадиий адабиёт ёш авлоднинг фикри ва ҳиссиётларига таъсир этиб, ҳаётни чуқур ўрганиш ва ўзгартиришга, мустақилликка эришиш ва уни мустаҳкамлашдаги ўзига хос зиддиятлар, қийинчиликлар ва мураккабликларни илмий, бадиий идрок этишга ёрдам беради. Ўзбек бадиий адабиёти миллий истиқлолнинг мақсадлари, инсонпарварлик моҳияти ҳақидаги тасаввурларимизни бойитади ва чуқурлаштиради. Шу орқали миллий ғояни ҳаётга татбиқ этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Миллий ғояларнинг ҳаётга жорий этилиб, катта ижтимоий кучга айланиши, мафкуравий онг ва дунёқараш устидан фикр юритганда таълим - тарбия ишлари бу масалада ўта муҳим аҳамият касб этишини унутмаслик керак.

Жамият тараққиёти ва шахс камолоти учун зарур бўлган маънавий ва ахлоқий покланиш, имон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат, кексаларга, давлатимиз рамзларига ҳурмат сингари чинакам инсоний фазилатлар ёшларимизда ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ҳаммасининг заминида ёш авлодга оилада, таълим тизимининг барча босқичларида сидқи дилдан бериладиган чуқур таълим - тарбия ётади.

Жамиятнинг, давлатнинг, инсоннинг келажаги оиладан бошланади. Оилада сингдирилган тарбия Ватан, эл-юрт, мустақиллик, озодлик ҳақидаги бериладиган илк тушунча ва тасаввурлар боланинг мурғак қалбида бир умрга муҳрланиб қолади.

Мактабгача болалар муассасалари оила билан ҳамкорликда кичкинтойларни ҳар томонлама камол топтириши ва тарбиялашга даъват этилган. Мактабгача таълимнинг вазифаси бола камолоти асосларини шакллантиришдан, унинг билимига қизиқишини, маданий-ахлоқий эҳтиёжларини, дастлабки меҳнат кўникмаларини, илмга муҳаббат қўйишни ўстиришдан, саломатлигини мустаҳкамлашдан иборат.

Мустақиллик шароитида ёшларда миллий қадриятларнинг бизга мақбул бўлган томонларини шакллантиришда уларга миллий тилимиз, тарихимиз, маданиятимиз, маънавиятимиз ва дунёвий фанлардан пухта билим беришда ҳамда миллий истиқлол мафкураси руҳидаги асосий ғоялар орқали ёшларга

мафкуравий онг ва дунёқарашни шакллантиришда умумтаълим мактаблар, академик лицейлар ва коллежлар, олий таълим, шунингдек, маҳалла, қавм-қариндошлар, қўни-қўшнилар кенг жамоатчилик алоҳида ўрин тутати.

Миллий мафкурамиз асосида халқимиз мафкуравий онг ва дунёқарашини шакллантиришда энг муҳим ва зарур шартлардан яна бири – халқимизнинг тарихини чуқур ва мукаммал, уни қандай бўлса шундайлигича ўрганишни йўлга қўйиш, бунинг учун зарур бўлган барча имконият ва шарт - шароитлар яратишдан иборат.

Яқин ва олис ўтмишимизнинг энг даҳшатли фожиаларидан бири – ватанимиз тарихи, халқимиз ҳаёти ва турмуш тарзи сох-талаштирилганидандир. Мустақиллик буларнинг ҳаммасига чек қўйди, тарихий ҳақиқатни тиклади. Тарихга мурожаат қилар экан-миз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол инсон бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган миллатнинг келажаги ҳам бўлмайди.

Миллий ғоянинг муҳим хусусиятларидан бири давлатимиз сиёсий тизими ўзида ифода этганлигидандир. Шунинг учун ёшларимиздан мафкуравий онг ва дунёқарашни шакллантиришда сиёсий билимларни кенг ёйиш, тарғиб - ташвиқ этиш катта ўрин тутати. Сиёсий билимлар қанчалик мукаммал бўлса, миллатнинг мафкуравий онги шунча кўп ўсади, фаоллашади. Сиёсий маданияти, миллий онги, ватанпарварлик туйғуси ўсган, ўзини англаб етган халқ ва миллат ўзининг истиқболини аниқ кўра билади.

Миллий ғоянинг ишлаб чиқилгани ва унинг миллатимиз онгига сингдириш ва ҳаётга татбиқ этишда ижтимоий фанлар ва уларнинг вакиллари – файласуфлар, иқтисодчилар, педагоглар, психологлар, ҳуқуқшунослар, тарихчиларнинг хизматлари улкан-дир. Бу фанлар олам, ижтимоий-тараққиёт, мустақиллик, унинг моҳияти, тарихий аҳамияти, пайдо бўлиши ва ривожланишининг умумий қонуниятлари ва ўзига хос жиҳатлари ҳақида назарий билимлар бериш билан ёшларнинг мафкуравий дунёқарашини шакллантириш ва турмушга жорий этишда етакчи роль ўйнайди.

Мустақиллик шароитида жамият тараққиётининг илмий назарий асосларини, миллий истиқлол мафкурасининг шакллани-

шида фалсафа юксак масъулиятга эга. Фалсафа фани ҳозирги пайтда ҳаётдан ажралиб қолган мавҳум назарий масалалар билан эмас, балки воқеъликдан, мустақиллигимиз эҳтиёжларидан келиб чиқадиган, ҳам назарий, ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга молик бўлган долзарб муаммолар билан шуғулланмокда. Унинг асосий вазифаси инсон онгида табиат ва жамият тараққиёти қонуниятларини фалсафий жиҳатдан англаш маданиятини шакллантиришдан иборат.

Фалсафанинг умумийлик ва алоҳидалик, сабаб ва оқибат, шакл ва мазмун, имконият ва воқеълик каби категорияларидаги назарий қоида, йўл-йўриқларига қатъий амал қилиши ишчи ва деҳқон учун ҳам, шифокор ва ҳуқуқшунос учун ҳам, олиму санъаткор учун ҳам, каттаю-кичик ҳар бир раҳбар учун бир хилда фойдалидир.

Миллий истиқлол ғоясини ҳаётга татбиқ этиш учун халқ ўртасида иқтисодий билмлар ташвиқотини кучайтириш лозим. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилаётган ҳозирги даврда жамиятимиз ҳар бир аъзоси ўзининг яшаши, фаровонлиги учун имкон бераётган манбаларнинг қаердан ва қандай тарзда ярати-лаётганлигини тўғри тасаввур қила билса, ана шу манбаларнинг қадрига етади. Бир сўз билан айтганда, иқтисоддан, жамиятнинг иқтисодий ривожланиш қонунларидан бохабарлик жамиятнинг олға силжишига кўмак беради, жамият аъзоларида эса бурч ва масъулият туйғуларини шакллантиради. Шунинг учун ҳам иқтисодий билимлар тарғиботи Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлашга миллий истиқлол мафкураси руҳидаги дунёқараш ва мафкуравий онг шаклланишига имконият яратилади.

Миллий истиқлол мафкурасининг ҳаётга кенг ва атрофлича жорий этиш борасида ғоялар ва қарашлардан, биринчи навбатда, ислом динида мавжуд бўлган имкониятлардан ўз ўрнида оқилона ижобий фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Дин одамларни ҳаром-хариш йўллардан узоқ юришга, покликка, ўзидан яхши из қолди-ришга ундайди. Ислом дини одамлар дилига инсоф, сабр-тоқат, ҳалол меҳнат, аҳиллик туйғуларини жо этади. Шу тариқа мустақил Ўзбекистон Республикаси тараққиётга, илм-фан, техника равна-қига ўз ҳиссасини қўшаяпти. Диннинг халқни маънавий бойитиш, ахлоқий тарбиялаш борасидаги хизмати ҳам эътиборга сазовордир.

Президентимиз таъбири билан айтганда, «Бугунги кунда дин барча иллатлардан, ёлғон ва риёкорликдан покланишга, юксак ахлоқий негизлар ва маънавий фазилатларни қайта тиклашга кўмаклашмоқда. Ислom ота-боболаримиз мусулмонларнинг онги, туриш-турмушининг моҳияти, ҳаётнинг ўзидир»¹.

Алоҳида шуни таъкидлаш жоизки, мафкуравий ишлар умумхалқ, умумдавлат ишидир. Мафкуравий ишларнинг йўлга қўйилиши, унинг кўлами ва мазмуни, аҳамияти, авваломбор ана шу ишга мутасадди бўлган кадрларнинг масъулиятни қанчалик чуқур ҳис қилишлари, билим бойликлари, амалий тажрибаларига боғлиқ.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф-одатлари, тили ва руҳи, негизига қурилган миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиши уларни Ватанга муҳаббат инсонпарварлик руҳида тарбиялаши, ҳалолликни мардлик ва сабр-бардошликни, адолат туйғусини, билим ва маърифатга интилишини тарбиялаш йўлида хизмат қилмоғи лозим. У давлат фуқароларининг буюк мақсад йўлида маънавий яқинлашувига кўмаклашмоғи керак»².

Озодлик, эркинлик, мустақиллик йўли бизлар учун орқага қайтмайдиган йўлдир, нажот йўлидир. Шу йўлдан оғишмай дадиллик билан борсак, миллатимиз албатта муродига етади. Асрий орзуларимиз ижобат бўлади.

Назорат учун саволлар

1. «Мафкуравий онг» тушунчаси ва унинг ўзига хослиги.
2. Мафкуравий онг ва миллий онгнинг ўзаро алоқадорлиги.
3. Мафкуравий онгнинг мавжудлигини таъминлашда мафкуравий тарбияни ўрни.

¹ Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. –Т.: «Ўзбекистон», 1996, 29-бет.

² Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: «Ўзбекистон», 1995, 21-бет.

4. «Мафкуравий дунёқараш» тушунчаси ва унинг таркибий қисмидаги унсурлар тизими.
5. Мафкуравий дунёқарашнинг вазифалари.
6. Мафкуравий онг ва мафкуравий дунёқарашнинг ўзаро боғлиқлиги.
7. Мустақиллик шароитида бунёдкор ғояларга асосланган мафкуравий онг ва дунёқарашни шакллантириш вазифалари.

2.2. «Ғоя» ва «мафкура» категориялари таснифи

Таянч тушунчалар:

«Ғоя» категорияси, фикр, мафкура, мақсад, идеал, ғоя ва дунёқараш, «Мафкура категорияси», мафкуранинг фалсафий, дунёвий, диний илдизлари, Алишер Навоий, Махатма Ганди.

Инсон ва жамият ҳаётида муҳим ўзгаришларни амалга оширишда муайян ғоялар алоҳида ўрин тутди. Жамият тараққиётининг маълум даврларда тезлашуви, секинлашуви, жамият ҳаётида ижобий ёки салбий ҳолатларнинг рўй бериши жамиятда қандай ғоялар ҳукмронлик қилиши, улар қандай кучларни ҳаракатга келтириши, кимларнинг, яъни қайси бир ижтимоий қатламнинг манфаатларига хизмат қилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

«Ғоя» категориясининг моҳияти ҳақида гап кетганда инсон ўзининг онги, ақл-заковати, имон-эътиқоди ва ижодий меҳнати билан бошқа жонзотлардан фарқ қилади.

Инсон тафаккури воқеликни идрок этиш мобайнида турли фикрлар, қарашлар, ғоялар ва таълимотлар яратади. Демак, **биринчидан**, ғоя инсон тафаккурининг маҳсулидир.

Иккинчидан, ғоя олдин мавжуд бўлмаган, ўзида янгиликни ташувчи хусусиятга эга бўлган фикрдир.

Учинчидан, ғоя олдин пайдо бўлади, ундан кейин ғоялар асосида мафкура, мафкура асосида тизим, сиёсат пайдо бўлади.

Илмий-фалсафий адабиётларда «ғоя», «мафкура», «идея» ва «идеология» тушунчалари ишлатилмоқда. «Идея ва идеология» кўпроқ; гарб давлатларида ҳамда рус тилидаги манбаларда учрайди. «Идея» ибораси юнон тилидаги «*idea*» сўзидан олинган «идеология» сўзи учун ўзак бўлиб ҳисобланади. Идеология (*idea-ғоя, тушунча, logos-таълимот*) атамаси эса ғоялар тўғрисидаги таълимотни англатади ва икки хил маънода ишлатилади.

1. Ғояларнинг мазмуни, шаклланиши, аҳамияти тўғрисидаги билимларни ифодалайди ва илмий соҳа ҳисобланади.

2. Муайян ғояни амалга ошириш, мақсадга етиш усуллари, воситалари, омиллари тизимини англатади.

Соғлом ва носоғлом, эзгу ҳамда ёвуз, бунёдкор ёки вайронкор ғоялар инсоният тарихи мисолида кўплаб учрайди. Ғояларнинг оддий фикрлардан фарқи шундаки, булар гарчи тафаккурда пайдо бўлсада, кенг жамоатчиликнинг, муайян ижтимоий қатламнинг мақсадларини ифода этади. Уларнинг ишончи ва эътиқодига айланиб, эътироф этилганлигини билдиради, инсон ва жамият руҳиятига, ҳатто уларнинг туб қатламларигача сингиб боради. Ғоя шундай қувватга эгаки, у одамларнинг ички дунёсигача кириб бориб, уни ҳаракатга келтирувчи, мақсад сари етакловчи руҳий-ақлий кучга айланади. Уларни муайян мақсадга йўналтиради, сафарбар этади, жипслаштиради, ҳамжихат ва ҳамкорликка ундайди.

Ҳар қандай ғоя ижтимоий аҳамият касб этиб, одатда муайян ғоялар, алоҳида олинган шахслар онгида пайдо бўлади. Маълум бир муддатдан кейин эса жамиятнинг турли қатламларига тарқалади, турли элатлар ва миллатлар орасида ёйилади, янги авлод жамиятда мавжуд ғоялар таъсирида тарбияланади. Муайян қарашлар ва ғояларни ўз эътиқодига сингдиради, ўз навбатида янги ғояларни яратади ва тарғиб қилади. Ғоялар миллий-маданий меросни, умуминсоний қадриятларни, ижтимоий-маънавий ҳаётни, теварак оламни ўрганиш, билиш жараёнида дунёга келади.

Ижтимоий онгнинг барча шакллари илм-фан, фалсафа, дин, санъат ва адабиёт, ахлоқ, сиёсат ва ҳуқуқ муайян бир ғояларни яратади, уларга таянади ва уларни ривожлантиради.

Шундай қилиб, *«ғоя, инсон тафаккурида вужудга келадиган ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга таъсир ўтказиб, жамият ва инсонларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикр»*.

Ғояларнинг объекти ва субъекти. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, ғояни шакллантирадиган, юқорида таъкидланганидек, унинг вужудга келишига туртки берадиган объектив реаллик – ташқи олам, дунё ва унинг ҳодисалари, инсоният, жамият ҳаётига тегишли воқеалар мавжуд. Сўнгра эса, ана шу ҳодиса, воқеа ва жараёнларни англаб оладиган, ўз ҳаётини уларнинг қонуний оқимига мослайдиган ва ўзи ҳам уларга акс таъсир этадиган одамзод ҳам мавжуд. Ғоя ана шу икки томон, яъни ташқи реаллик ва одамзод орасидаги муносабат (таъсир ва акс таъсир) натижасида шаклландиган субъектив ҳодиса, объектив реалликнинг

субъектив натижаси, инсон онгида ташқи олам, дунё ва ҳаёт ҳодисаларини акс этиш шаклларида биридир. Ғоя гносеология нуқтаи назаридан баҳоланар экан, куйидаги маъноларни англатади:

- инсон онгининг таркибий қисми;
- ташқи оламнинг образли инъикоси ва акси;
- инсоннинг воқеа ва ҳодисаларни англаш шакли;
- инсон онгининг ташқи олам ва ҳаёт ҳодисаларига нисбатан акс таъсирнинг намоён бўлиш шаклларида бири.

Ғоянинг «*фикр*» ва «*мафкура*», «*мақсад*», «*идеал*» тушунчалари билан алоқаси. «*Ғоялар*» аслида фикр шаклида бўлиб, ўзининг ижтимоий залвори билан ғоя даражасига кўтарилиши мумкин, акс ҳолда жуъзий таснифга эга бўлса, фикр бўлиб қолаверади. *Мафкура* эса муайян ғоялар тизимини ўзида ифода этиб, уларни амалга ошириш усул воситаларини англатади. Ҳар қандай ғоялар муайян халқнинг мақсад-муддаоларини ифодалайдиган, ҳаракатга келтирадиган куч бўлиб, ҳар қандай *мақсад ғоялар* воситасида намоён бўлади, Идеал – орзу-интилишнинг олий мақсади ҳисобланиб, бу ҳам ғояларда ўз ифодасини топади.

Ғоя ва дунёқараш. Ғоя тушунчаси ва мафкура дунёқараш тушунчаси билан алоқадор. Ўзвий ғоялар тизими воситасида вужудга келадиган мафкура, миллий онг, миллий ғоя, миллий ғурур кабиларни, умуман, маънавиятни, ғояни амалиётда асослайдиган куч деб қарайдиган бўлсак, ғояни дунёқарашдан ташқари алоҳида ўрганиш ва кўриш мумкин эмас. Энг муҳими миллий ғоямиз инсонни ҳалол ва пок ҳаёт кечириш, бевабечоралар, қаровсиз қолган болаларга нисбатан эътиборли бўлиш каби юксак инсоний фазилатларни шакллантиришга асосланган дунёқарашга мезон бўлиб хизмат қилади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, фалсафий дунёқарашнинг асосида ҳам фалсафий ғоялар, диний дунёқараш асосида эса диний ғоялар ётиши юқоридаги фикрларимизга далил бўла олади.

«*Мафкура*» категорияси арабчадаги «*муфаккур*», «*муфаккира-тун*» сўзларидан олинган бўлиб, чуқур маъноли, теран мазмунли деган маънони англатади. Мафкура тушунчасини таърифлашда фалсафий адабиётлар, луғатларда бир қанча фикрлар берилган. Мафкура тушунчасига файласуф олимлар

томонидан берилган таърифлар шакл ва мазмун жиҳатдан бир хил.

Мафкурага жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар, ғоялар мажмуасидир -деб таъриф берилади. Демак, мафкура – муайян ижтимоий гуруҳ ёки қатламнинг, миллат ёки давлатнинг жамият эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий ривожланиш тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалар тизимидир.

Ҳар қандай назария ва таълимот бир тизимга солинган ғоялар мажмуидан иборат бўлади. Шу сабабли дунёқарашнинг асосини ва муайян ишонч-этиқоднинг асосини ҳам ғоялар ташкил этади.

Одамлар, ижтимоий синф ва қатламларнинг, миллат ҳамда давлатларнинг манфаатлари ва мақсадлари ҳам ғояларда ифода этилади. Ўз олдига қўйган мақсади қандай жамият қурмоқчи экани, бунга қандай йўллар билан эришмоқчи бўлаётгани ҳақидаги ғоялар тизими ҳар бир миллат, халқ ва жамиятнинг миллий мафкурасининг асосини ташкил этади¹.

«Ғоя» ва «мафкура» тушунчалари бир-бирига яқин бўлса-да, уларни айнанлаштирмаслик керак.

Биринчидан, мафкура ғояга нисбатан мазмун жиҳатдан кенгроқ тушунчадир,

Иккинчидан, ҳар қандай мафкурада ижтимоий воқеликни сақлаб қолиш ёки ўзгартиришга қаратилганлик, яъни мақсадлар ботиний эмас, балки зоҳирий таркибда мавжуд бўлишини ва мафкуранинг ўзагини ташкил этишини таъкидлаш, жоиз.

Учинчидан, ҳар қандай ижтимоий ғоя фақат маълум бир мафкура доирасидагина ўзининг уюштирувчилик ва сафарбарлик салоҳиятини, жозибадорлик кучини намоён қила олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси халқининг миллий истиқлол мафку-раси жамиятни жипслаштиришга, буюк келажак йўлида ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилишга, барпо этилаётган кучли фуқаролик жамиятида ҳар бир юртдошимизнинг ўзига хос ўрни бўлишига сафарбар этади.

Президент И.Каримов жамият мафкурасига шундай таъриф берган: **«Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу**

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари. –Т.: 2001, 27-бет.

халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан»². Бинобарин, миллий мафкура ҳар қандай халқни-халқ, миллатни-миллат қила-диган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан чароғон этадиган маёқдир.

Инсоният тарихида турли шаклда жуда кўплаб мафкуралар яратилган, хилма-хил ижтимоий-сиёсий кучлар, ўз ғоялари ва таълимотлари орқали мақсад ва ниятларига етишмоқ учун интилган. Мафкуралар моҳиятига кўра, фалсафий, дунёвий, диний ва бошқа турли таълимотлар асосида яратилади.

Мафкуранинг фалсафий илдизлари. Бунда фалсафа «илмий хулосаларига асосланиши назарда тутилади ва ҳар бир халқнинг ўзига хос. фалсафий мероси, қарашлари, ғоялари уларнинг мақсадларида ўз ифодасини топади. Шарқ ва ғарб фалсафаси бунга ёрқин мисол бўла олади. Қадимги Хитой файласуфи Конфуций таълимоти ушбу мамлакатда XX асрнинг 50-йилларигача ўзининг миллий мафкура даражасида тура олганини яхши биламиз. Рим империяси парчалангандан кейин ўз давлатчилигига эга бўлган халқларнинг ўзига хос қадриятлари ва менталитети заминида вужудга келган миллий фалсафалар асосида шаклланди. Шу боис, ўша даврдаги италян, инглиз, француз, немис фалсафаси ўзи мансуб бўлган жамиятни бирлаштиришга хизмат қилди. Жумладан, ҳақиқий миллий хусусиятига эга бўлган Гегель фалсафаси, Австрия-Венгрия империясидан ажралиб, мустақил Прусс монархиясининг давлат мафкураси даражасига кўтарилган.

Мафкуранинг дунёвий илдизлари - маърифий дунёга хос сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий муносабатлар мажмуидан иборатдир. Умумэътироф этилган тамойиллар ва қонун устуворлиги, сиёсий плюрализм, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби ғоялар дунёвий жамиятнинг асосини ташкил этади. Бундай жамиятда инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари, жумладан, виждон эркинлиги ҳам қонун йўли билан кафолатланади. Дунёвийлик дегани большевиклар ва ақидапарастлар айтганидек, динни инкор қилиш ёки «дахрийлик»

² Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. –Т.: 1999, 7-жилд. «Ўзбекистон», 89-бет.

дегани эмас, балки ундаги ахлоқий ва фалсафий таълимотлардаги эзгу ғоялардан, кадриятлардан ўринли фойдаланиш учун кенг имконият яратишдир.

Мафкуранинг диний илдизлари - инсон онги ва руҳияти билан узвий боғлиқ экани ва шу боис унинг ғоявий илдизлари диний таълимотларига бориб тақалиши тушунилади. Яъни кўпгина мафкураларда «Авесто», «Веда» ва «Упанишада»лар, «Инжил» ва «Қуръон» каби муқаддас китобларда акс этган эзгу ғоялар ўз ифодасини топганини кўрамиз. Дунёвий ва диний кадриятлар бир-бирини бойитиб борган шароитда тараққиёт юксак босқичга кўтарилади. Башарият тарихида ўчмас из қолдирган Мусо ал-Хоразмий, Имом Мотуридий ва Абу Райхон Беруний, Имом Ғаззолий ва Форобий, Имом ал-Бухорий сингари буюк заковат соҳиблари ёнма-ён яшаб, фаолият кўрсатган давр ёрқин мисол бўла олади.

Илмий кашфиётлар ҳам мафкура ривожига катта таъсир ўтказди. Жумладан, бугунги кунда, космонавтика, бионика, биофи-зика, кибернетика, ахборотлаштириш каби кашфиётлар одамлар тасаввурини кескин ўзгартирмоқда.

Мафкураларнинг мавжудлиги кўп жиҳатдан унга асос бўлиб хизмат қиладиган ғояларга боғлиқ. Айни пайтда ғоялар ўз мазмунига кўра, бир-бирини тўлдироладиган, бойитадиган жиҳатларига эга бўлишлари керак. Акс ҳолда мафкура бўш ерда шаклланмайди.

Ғоялар эса, мафкура воситасида амалга ошишини эътиборга оладиган, бўлсак, у мафкура доирасидагина яшаб қолиши ва реалликка айланишини таъкидлаш лозим.

Ғоя — инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти жуда муҳим фалсафий масаладир. Инсон ўзи ғояларни яратади, улардан куч-қувват олади. Ўзи яратган ғоялар инсоннинг онги ва шуурини, тафаккури ва эътиқодини эгаллаб, унинг соҳибига айланади. Юксак ғоялар одамларни олижаноб мақсадлар сари етаклайди. Ғояси етук, эътиқоди бутун, кадриятлари юксак инсонгина мардлик намуналарини кўрсата олади.

Ҳар бир халқнинг тарихи шу халқдан етишиб чиққан буюк сиймолар, мард қаҳрамонлар ва фидойи инсонлар тарихи асосида битилади. Халқимизнинг Широқ, Тўмарис, Спитамен, Муқанна,

Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур Мирзо каби мард фарзандлари – буюк ғоя соҳибларидир.

Минг йиллар ўтса ҳам, улуғ аجدодларимизнинг матонати ва қаҳрамонлиги халқнинг хотирасидан ўчмайди. Чунки улар юксак ғоялар -Ватан озодлиги, эл-юрт бахт-саодати, илму урфон ривожини йўлида жон фидо қилганлар. Аҳмад Яссавий бутун умрини ҳақ ишқидан ўтказганида ҳам, Нажмиддин Кубро мўғул босқинчиларига қарши кўлида туғ кўтариб борганида ҳам улуғвор ғоялар уларга сабр-бардош ва матонат ато этган. Жордано Бруно жисму жонини эгаллаган гулхан алангасида ҳам буюк ғоя туфайли ўз эътиқодидан қайтмаган. Насимий товонидан сўйсалар ҳам, ишқи Илоҳий деб жон берган.

Жаҳон тарихидан, жумладан, халқимизнинг ўтмишидан ҳам, қайси соҳада бўлмасин, мардлик ва жасорат кўрсатиш учун инсонга албатта улуғвор ғоя керак эканлигига кўплаб мисоллар топилади.

Бутун дунё тараққиётига улкан таъсир кўрсатган назарий таълимот ва мафкураларни яратиш учун инсоният тарихининг турли давларида улкан ақл-заковат, истеъдод ва теран тафаккур соҳиблари мислсиз заҳмат чекканини кўрамиз. Сукрот ва Афлотун, Конфуций ва Зардушт, Алишер Навоий ва Махатма Ганди каби буюк мутафаккирлар фаолияти бунинг яққол мисолидир. Уларнинг ҳар бири ўз даврида ўзи мансуб халқни бирлаштирадиган улкан аҳамиятга молик ғояларни яратганлар. Бу ғояларга таяниб бунёдкорлик йўлида, эзгу мақсадларга эришиш учун ҳормай-толмай меҳнат қилганлар. Бу борада инсониятга **«Ўзини англамоқ буюк саодат»** эканлигини англатган Сукрот ҳам, **«халқни якқалам қилдим»**, дея қониқиш ҳиссини туйган Алишер Навоий ҳам, Ҳиндистон ва Покистон озодлиги йўлига умрини бахшида айлаган Махатма Ганди ҳам бугунги авлодлар учун ибрат намунаси бўлган улуғ инсонлардир.

Хуллас, инсоният тарихи хилма-хил ғоя ва мафкураларнинг вужудга келиши, амалиёти, бир-бири билан ўзаро алоқадорликда бўлган узлуксиз жараёндир. Бу жараёнда турли ғоялар ва мафкуралар у ёки бу кучларга хизмат қилиши, ўзига ишонган кишиларга қандай мақсадлар томон етаклашига қараб бир-биридан фарқланади. Эзгу мақсадларга хизмат қиладиган мафкураларга бунёдкор ғоялар асос бўлса, вайронкор ғояларга

таянган мафкуралар халқлар ва давлатларни таназзулга етаклайди, инсонлар учун сон-саноксиз кулфатлар келтиради. Бу эса, ўз навбатида, ғоявий жараёнлар тарихини ўрганиш, улар замиридаги мазмун-моҳиятни билиб олишни заруратга айлантиради.

Назорат учун саволлар

1. «Ғоя категорияси», унинг мазмуни ва таърифи.
2. Ғояларнинг «фикр», « мафкура», «мақсад», идеал каби тушунчалар билан алоқадорлиги.
3. Мафкура категорияси ва унинг ташкил этган унсурлар.
4. Ғоя ва мафкуранинг узвий алоқадорлиги ўзаро таъсири ва акс таъсири ғоясиз мафкура бўлмаслиги мафкурасиз ғоянинг амалга ошмас тамойили.
5. Ғоя ва мафкура категорияларининг мазмун моҳиятини ўрганишнинг тарбиявий аҳамияти.
6. Юксак ғоя ва мафкуралар олижаноб мақсадлар ифодаси эканлиги.

2.3. Ғоя ва мафкураларнинг намоён бўлиш шакллари

Таянч тушунчалар:

Тарихий, миллий, умуминсоний ғоя ва мафкуралар, бунёдкор, вайронкор ғоялар, миллий мустақиллик, миллий давлатчилик, мустамлакачилик, империалистик ва шовинистик ғоялар, илмий, фалсафий ва диний ғоялар.

Инсон тафаккурининг маҳсули сифатида ғоя миллий-маданий меросни, умуминсоний қадриятларни, ижтимоий-маънавий ҳаётни, теварак оламни ўрганиш, билиш жараёнида вужудга келади. Ижтимоий онгнинг барча шакллари: илм-фан, фалсафа, дин, сиёсат, санъат ва бадиий адабиёт, ахлоқ ва ҳуқуқ муайян бир ғояларни яратади, уларга таянади ва уларни ривожлантиради. Шу маънода, ғоя ва мафкуралар мазмун ва намоён бўлишига қараб, бир қанча турларга бўлинади, яъни

илмий ғоялар, фалсафий ғоялар, диний ғоялар, бадий ғоялар, ижтимоий-сиёсий ғоялар, миллий ғоялар, умуминсоний ғоялар ва ҳ. к.

Илмий ғоялар – *фан тараққиётининг самараси, илмий кашфиётларнинг натижаси сифатида пайдо бўладиган, тур-ли фан соҳаларининг асосий тамойиллари, устувор қоидаларини ташиқил қиладиган илмий фикрлардир.* Фан тараққиёти узлуксиз ва чексиз бўлиб, бу жараёнда амалиётда тасдиқланмаган, эскирган қарашлар янги илмий ғоялар билан ўрин алмашаверади. Қадимги юнон файласуфи Демокрит жисмларнинг энг кичик бўлинмайдиган зарраси сифатида «атом» тушунчасини киритган эди. Птолемей, Аристотел, Улуғбек астрономиясигача дунёнинг маркази ер деб ҳисоблаб келганлар. Евклид геометрияси, Ньютон механикаси, Дарвин таълимоти ҳам ўз даврининг энг илғор илмий ғояларига асосланган эди.

Бугунги илм-фан тараққиёти атомнинг протонларга бўлинишини, коинот маркази ер эмаслигини ҳам ишончли далиллар билан исботлади; квант механикаси, ирсият назарияси ва бошқа кўплаб кашфиётлар яратилди.

Фалсафий ғоялар *ҳар бир фалсафий таълимотнинг асосини ташиқил этадиган, олам ва одам тўғрисидаги энг умумий тушунча ва қарашлардир.* Улар бизни ўраб турган дунёни билиш жараёнида, кишилиқ жамиятининг тараққиёти мобайнида тўплаган билимларини умумлаштириш, инсон ҳаётининг маъно-мазмунини, унинг бахт-саодати каби масалалар устида мулоҳаза юритиш асосида шаклланади.

Инсоният тарихида турли халқларнинг ақл-заковат соҳиблари, доно файласуфлари турли хил ғоялар яратганлар. Аммо жаҳон фалсафий тафаккури ривожига беқиёс ҳисса қўшган ўзбек мутафаккирлари яратган меросни ёдга олмаслик мумкин эмас.

Фаробийнинг фозил шаҳар тўғрисидаги, тасаввуф даҳоларининг комил инсон ҳақидаги, Абу Али ибн Синонинг тана ва рух муноса-батига оид, Алишер Навоийнинг адолат ва инсонийлик борасидаги теран фикрлари фалсафий ғояларнинг ёрқин намунасидир.

Диний ғоялар *деб, ҳар бир диний таълимот ва оқимнинг асосини, диний имон-эътиқоднинг негизини ташиқил этувчи ғояларга айтилади.* Масалан, ҳиндларнинг диний тасаввурларига

кўра жон кўчиб юради, бу ҳаётда у инсонда бўлса, кейинги ҳаётда бошқа жонзотга ўтиши мумкин.

Илоҳларнинг кўплиги ҳақидаги фикрга таянадиган политеизм динлари вақти келиб монотеистик - яккахудолик ғояси асосидаги динларга ўз ўрнини бўшатиб берди.

Яккахудолик ғояси миллий динларда (масалан, иудаизмда), айниқса жаҳон динлари - христианлик ва исломда ўз ифодасини яққол топган. Хусусан, ислом динида Аллоҳнинг ягоналиги ғояси асосида унинг барча ақидалари, рукнлари, талаб ва мажбуриятлари шаклланиган.

Бадий ғоя – *адабиёт ва санъат асарининг асосий маъно-мазмунини ташкил этадиган, ундан кўзланган мақсадга хизмат қиладиган етакчи фикрлардир.* Улар ҳаётдан олинали, бадий талқинлар асосида баён этилади, ўқувчида муайян таассурот уйғотади. «Қаҳрамон»ларни севиш, уларга эргашиш ҳоллари ҳам шу асосда рўй беради. У катта таъсир кучга эга бўлиб, шахс руҳиятига таъсир ўтказади, одамларни ҳаракатга келтиради. Миллий истиқлол ғоясини тарғиб этишда, одамлар қалби ва онгига уни сингдиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий-сиёсий ғоялар – *ҳар бир халқ ва умуман, башариятнинг орзу-умидларини, мақсад-муддаоларини ифодалайди, эркин ҳаёт ва адолатли тузумни тараннум этади. Озодлик ва мустақиллик, адолат ва ҳақиқат, тинчликсеварлик ва инсонпарварлик ғоялари шулар жумласидандир.* Асрлар мобайнида бундай буюк, ўлмас ғоялар халқларга куч-қувват ва илҳом бағишлаб, уларни ўз эрки учун курашга сафарбар этиб келган. **Озодлик ғояси** – *мазлумларни ўз эрки учун курашга чорлайдиган, қуллик ва қарамликнинг ҳар қандай кўринишини инкор этадиган ғоядир. Мустақиллик ғояси - энг улуг ва эзгу ғоя.* Ҳар бир халқ истиқлол туфайли ўзига ёт ва бегона тузумдан, ижтимоий тазйиқлардан халос бўлади, ўзи истаган ва ўзи танлаган йўлдан бориш имкониятини қўлга киритади. Адолат ва ҳақиқат ғоялари – *инсоннинг табиатини ва ижтимоий тузумнинг моҳиятини белгилайдиган, қудратли кучга эга бўлган ғоялардир.* Одамлар асрлар мобайнида одил жамиятни орзу қилиб, ҳақиқат тантанаси учун курашиб келган. Адолат бузилган ерда умидсизлик ва тушкунлик ҳукм суради. Адолат тантана қилган ерда жамият юксакликка кўтарилади.

Бунёдкор ғоя – инсонни улуглайдиган, унинг куч-ғайрати ва салоҳиятини ошириб халқи, ватани, бутун инсоният учун фойдали ишлар қилишга сафарбар этадиган, ўзида тараққиёт, маърифат дўстлик, тинчлик, адолат, ҳалоллик, поклик каби эзгу ҳис-туйғуларнинг уругини мужассам этадиган ғоядир.

Одамзодга азалдан ақл-заковат билан қалб бунёдкорлиги хос фазиладир. Унинг қалби билан қўли бир маромда ишласа, ҳақиқий мўъжизалар бунёд этилади. Неча асрлардан буён дунёни ҳайратга солиб келаётган Миср эҳромлари, Шаҳрисабздаги Оқсарой, Самарқанддаги Бибихоним, Регистон майдонидаги мадрасалар, Ҳиндистондаги Тожмаҳал ёдгорлиги, Париждаги Эйфель минораси ва бошқа қанчадан-қанча санъат ва маданият дурдоналари - барчаси ана шундай бунёдкорлик намунасидир.

Буюк бобокалонимиз Баҳоуддин Нақшбанд **«Дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин»** дея яратувчиликка даъват этганларида, ҳар қандай ишни ақл ва эътиқод билан бажаришни назарда тутганлар. Ушбу шиорда инсон кўнглида Аллоҳга эътиқод қўйиб, ўзи ҳалол меҳнат билан тирикчилик ўтказиш ва илм-ҳунар ўрганиб, Ватанни обод қилишга даъват этилади.

Бунёдкорлик ғоялари юртни обод, халқни фаровон қилишдек олижаноб мақсадлар билан ажралиб туради. Улар инсоният цивилизацияга эришган даврлардан буён жамият ҳаётининг энг эзгу ғоялари сифатида яшаб келмоқда. И.Каримовнинг **«Ўзбек том маънода бунёдкордир»**, деган сўзларида ҳам ана шу боқий ғояларнинг маъно мазмуни ўз ифодасини топган. Бундай бунёдкорлик халқимизга ота-боболардан меросдир. Соҳибқирон Амир Темурнинг бунёдкорлик ғоялари ва амалий фаолияти катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг асосий мақсади бунёдкорлик ва яратувчилик эди. Жумладан, у **«Темур тузуклари»**да: *«Агар фуқародан бирининг уй иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарни етказиб бериб, уйга ёрдам берилсин»*, деб кўрсатма беради. Шу ўринда, Президент И.Каримовнинг *«Амир Темур ўз давлатини ақл-заковат ва ҳуқуқий асос билан ифода этган десак адолатдан бўлади,»* деган фикрлари ниҳоятда ўринлидир. Зеро, Соҳибқирон ўз бунёдкорлик мақсадига эришиш учун собитқадамлик билан ҳаракат қилган.

Бунёдкорлик ақл-заковат, қалб бунёдкорлигига айланганда чинакам кадр-қиммат касб этади, Масалан: собиқ шўролар

даврида инсонлар қалбидаги бунёдкорлик туйғуларини сўндирган тузум ўзича кўп ишларни, улкан режаларни амалга оширишга уриниб кўрди. Лекин қалб бунёдкорга айланмагани учун қилинган ишларда барака ва самара бўлмади. Қалб бунёдкорлиги эса эътиқод билан, пок ният билан нафақат бугунни ва эртани, балки олис келажакни ўйлаб яратишдир.

Вайронкор ғоялар – жамият, халқ ва давлатларнинг таназзулига сабаб бўлади, зайриинсоний мақсадларга хизмат қилади. Ғоялар ва мустабид мафкуралар тарихида бундан фойдаланган собиқ коммунистик таълимот алоҳида ўрин тутади. У ташқи жиҳатдан адолатли кўринсада, оқибатда мустабид жамиятни шакллантириши мафкурасига айланди.

Большевизм билан бир қаторда, XX аср бошларида мустабид ғоя ва мафкурага таянган фашизм (*фашио* - *боғлам, бирлашма*) пайдо бўлди. Собиқ социалист Б.Муссолин Италияда фашистлар ҳаракатининг асосчиси бўлди. Германияда миллий социалистик партия тузган А.Гитлер эса фашизмнинг «маънавий ота»сига айланди. Фашизм II жаҳон уруши оловини ёқди, 50 млн. дан ортиқ киши қирилиб кетди. Бизнинг мамлакат ҳам мотам либосига ўралди. **Большевизм ва фашизм мафкуралари** ўртасида кўплаб ўхшаш жиҳатлар мавжуд. Айти пайтда жиддий тафовутлар ҳам кўзга ташланади. Асосий фарқлардан бири, бу миллат омилининг турлича баҳоланишидир. Агар коммунистик таълимот халқларнинг миллий-этник ўзига хосликларини йўқотиш бўлса, фашизм бир ҳукмрон миллатнинг «*ирқий этник софлиги*»ни мутлақлаштиришни тарғибот этади. У ирқчиликнинг ҳомийси ҳисобланади.

Буюк давлатчилик шовинизми – бир давлатнинг бошқа давлат ёки давлатлар устидан сиёсий-мафкуравий, иқтисодий ва ҳарбий ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилган назария ва амалиёт.

Хусусан, XIX аср охиридан бошлаб Россия империясининг ҳукмрон доиралари бошқа халқларга, жумладан, Ўрта Осиё халқларига нисбатан ана шундан сиёсат олиб бордилар. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврларда ҳам бир қанча мамлакатлар буюк давлатчилик сиёсатини хилма-хил кўринишда олиб бордилар.

Президент И.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик халқимизга таҳдид солаётган муаммолардан бири эканлигини алоҳида таъкидлаган: «Ўтган мустақил ривожланиш йиллари давлатимизнинг суверенитети ва барқарорлигига таҳдид сақланиб қолмоқда, деб айтиш учун асос бўла олади. Бу таҳдид буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик руҳидаги шиорларда, билдирилаётган фикрларда, шарҳларда ва муайян хатти-ҳаракатларда намоён бўлмоқда»¹.

Буюк давлатчилик шовинизми ғайриинсоний хусусиятга эга бўлиб, бошқа халқларни қарам қилиш, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётда уларни камситишнинг ўзига хос шаклидир. Шовинизм, охир-оқибат ўз давлатига зарба беради, унинг пойдеворини заифлаштиради, ички зиддиятларни кучайтиради. У жамиятни парчалаб юборишга ва унинг учун оғир бўлган оқибатларни келтириб чиқаришга қодир. Гарчи тарихий даврлари ва шарт-шароитлари турлича бўлса-да, Рим, Усмонлилар, Германия, Россия ва Совет империялари тарихи бунга мисол бўлади.

Мустамлакачилик ғояси – *кучли давлатлар томонидан зўрлик билан эгалланган мамлакат ёки ҳудудни сиёсий ва иқтисодий мустақилликдан маҳрум этиб, ўзига бўйсундириши, қарам қилиши ғояси асосидаги ўзга халқ ёки мамлакатни босиб олиши, талаши сиёсати*. Тарихан мустамлакачилик империяларнинг шаклланиши ва ўзга давлатларни босиб олиниши билан боғлиқ эканлиги маълум.

XX аср бошига келиб, деярли бутун дунё йирик мустамлакачи давлатлар (Буюк Британия, Франция, Италия, Испания, Нидерландия, Португалия, АҚШ, Япония, Россия) томонидан босиб олинган эди. Ўзбек халқи ҳам ўз бошидан мустамлакачиликнинг аянчли даврини ўтказди. Аввал Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати, сўнгра собиқ совет империясининг сиёсати мамлакатимиз тараққиёти учун тўсиқ бўлди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган бўлсада, қўлга киритилган истиқлолни ҳар томонлама

¹ Каримов И. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1998, 64-бет.

мустаҳкамлаш бугунги куннинг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда.

Ирқчилик ғояси – «оқ танли»ларнинг афзаллиги, уларнинг азалдан «олий ирқ» этиб танлангани, бошқа ирқлар эса «оқ»ларга қараганда номукаммал яратилганлиги ва ҳамиша тараққиётнинг қуйи поғоналарида туришини «асослаб» беради. Унинг асосий ғояси ўзининг «илоҳий» табиатига кўра «оқ» ирқларни «қуйи» ирқлар устидан ҳукмронлик қилишига даъват этишига қаратилган бузғунчи ғоядир. Ирқчилик миллий мансублиги ва терисининг рангига қараб фарқланиб турувчи кишиларга тазйиқ ўтказиш уларни ҳақ-ратлаш, уриш, ўлдириш каби ҳаракатларда намоён бўлади. Ирқчилик (расизм) буюк давлатчилик, ашаддий шовинизм, «танланган» халқларнинг миллий афзаллиги ғоялари билан чамбарчас боғланиб кетади. Ирқчилик инсониятга қарши ғоядир. Ирқчилик оқими ҳозир ҳам АҚШ, Ғарб давлатларида ўз фаоллигини йўқотган эмас.

Бугунги кунда инсониятга катта таҳдид солаётган яна бир ёвуз ғоялардан бири – терроризмдир. **Терроризм** (лотинча «Террор» — қўрқув, даҳшат) – маълум ёвуз мақсад йўлида куч ишлатиб, одамларни жисмоний йўқ қилишдан иборат бўлган ғояга асосланган зўравонлик усули. У иқтисодий, сиёсий, диний, ғоявий, ирқий, миллий, гуруҳий, индивидуал шаклларда намоён бўлиши мумкин. Ўзбекистонда 1999 йилги февраль воқеалари, АҚШда 2001 йил 11 сентябрь воқеалари, дунёнинг турли мамлакатларида содир этилаётган хунрезликлар террорчилар ўз мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан тап тортмасликларини кўрсатиб турибди.

Дарҳақиқат, терроризм қандай байроқ кўтариб чиқмасин, унинг реакцион, жинояткорона моҳиятини фарқлаб олиш, ёвуз ниятини очиб ташлаш онгли, ҳур фикрли ҳар бир ватанпарвар фуқаронинг бурчи ҳисобланади.

Диний ақидапарастлик ғояси – сиёсий мақсадлар йўлида мавжуд ижтимоий муаммоларни илк, яъни мазкур дин пайдо бўлган пайтдаги арконлар асосида ҳал этмоқ ниятидаги ҳаракат ва қараишлардан иборат. Ислом арконларини ниқоб қилиб олган ақидапарастларнинг асосий ғояси – «соф ислом» қатъиятларига (принципларига) қайтиш, мақсади эса исломий давлат жорий этишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида диний экстремизм ва ақидапарастликнинг ислом дини ниқобидаги экстримизми ва ақидапарастлик шакли мавжуд, айнан шу омил миллий хавфсизлигимизга таҳдиддир.

Диний экстремизм – маълум сиёсий мақсадлар йўлида ва дин ниқоби остида мутассиблар ёки уларнинг иродасига кўра иш кўрувчи гуруҳлар томонидан олиб бориладиган ўнга ашаддий ҳаракатлар ва қарашлар мажмуини англатади. Бошқачароқ айтганда, диний экстримизм муайян диний йўналиш ва ашаддий мутассиб унсурлар сиёсий фаолиятининг мафкураси. Масалан, «**Мусулмон биродарлари**» ва ундан ажралиб чиққан кўплаб диний экстримистик руҳдаги гуруҳ ва ташкилотлар таянадиган асосий ғояларни эслаш мумкин. «**Мусулмон биродарлари**» ҳеч қандай маъмурий-жуғрофий ҳудудни тан олмайдилар, ер юзидаги барча мамлакатларда ягона мусулмонлар бирлиги ва уларнинг диний ва дунёвий ҳоқимиятини ўзида мужассамлаштирган «**халифа**» раҳбарлигидаги ягона мусулмон давлати қуришни кўзлайдилар. Бу шартни бажармоқ учун, ниятга етмоқ учун ҳар қандай хунрезликка ва биродаркушликка фатво берилади.

Миллий мустақиллик ғояси – мустамлакачилик асоратида бўлган миллат ва халқларни, уларга мансуб бўлган илгор кишиларни озодликка, ўз эркини қўлга киритишга ундайдиган ғоя. Ана шу ғоя асосида улар эзгулик ва озодлик учун курашга отланадилар. Масалан, милоддан аввалги македониялик Искандар ёки ўрта асрларда Чингизхон босқинидан сўнгги Россия, Шўролар истибдодидан қутулиш учун халқимизнинг кураши ана шундай тамойилларни акс эттиради. Мустақиллик ғояси асосидаги кураш ниҳояси истиқлолга эришилгандан сўнг бу ғоя ушбу мустақил-ликни мустаҳкамлаш, авайлаб-асраш йўлидаги маънавий омилга айланади.

Миллий давлатчилик ғояси – муайян миллатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий қадриятларига, манфаатларига асосланган, жамият ижтимоий-тарихий жараён натижасида шаклланган давлатнинг бир шакли. Тутқун халқларнинг, жумладан, Ўзбекистон халқининг мустақилликка эришиб, миллий давлатчиликни шакллантириш миллатимиз тақдирида ҳал қилувчи ҳодиса бўлди. Минг йиллар давомида шаклланган, халқимиз менталитетига мос бўлган миллий давлатчилик

анъаналарига асосланиб, мустақил миллий давлат пойдевори қурилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, давлатсиз миллат бўлмайди, деган қоидадан ҳар бир миллат ўзининг алоҳида мустақил давлатини қуриш керак, деган ҳулоса келиб чиқмайди.

Миллий давлат унга ном берган миллат учунгина эмас, давлатда яшовчи барча халқлар, миллий гуруҳлар тақдири учун тарих олдида масъулдир.

Миллий ғоя – *миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатларини ва мақсадларини ифодалаб, тараққиётга хизмат қиладиган ижтимоий ғоя шакли.*

Миллий ғоя ўз моҳиятига кўра, халқ, миллат тақдирига дахлдор бўлган, қисқа ёки узоқ муддатда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ва мўлжалларни ҳам акс эттиради. Ўз даврида (1941-1945 йиллар) фашистлар босиб олган Францияда «қаршилик кўрсатиш» миллий ғоя даражасига кўтарилгани ва Франциянинг озод этилиши билан ўз аҳамиятини йўқотгани фикримиз далили бўлади. Мамлакатимиз учун миллий ғоя ҳақидаги масаланинг бугунги амалий аҳамияти шундаки, биз ўтиш даврини бошдан кечирмоқдамиз. Айнан шундай пайтда аҳолининг турли қатламлари манфаатларини шаклланишига шароит туғилиши мумкин. Шундай экан, миллат, жамиятнинг пароканда бўлиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ислоҳотлар ўз аҳамиятини йўқотади. Баъзи собиқ иттифок давлатларида жамиятнинг бир-бирига қарама-қарши турувчи кучларга бўлиниб кетиши ёки айрим қўшни мамлакатларда маҳаллийчилик заминида жамиятни бўлиб юборишга уринишлар ҳам катта сабоқ бўлмоғи лозим. Мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли бизда ана шундай бўлинишларнинг олди олинди. Бугунги кунда ана шундай натижаларни мустаҳкамлаш, иқтисодий ва сиёсий барқа-рорликни, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни сақлаб қолиш ҳам қарз, ҳам фарздир. Бунинг йўли эса битта, у ҳам бўлса, жамиятнинг барча қатламлари, ҳар бир аъзоси учун бирдай қадрли бўлган миллий ғоя ва унга ишончни шакллантиришдир.

Давлат мафкураси – *муайян давлатда амал қиладиган, баъзан расман белгилаб қўйиладиган ғоявий-назарий ва сиёсий қарашлар тизимидир. Давлат мафкураси деганда, давлат*

томонидан жамият ҳаётини бошқарилишининг, давлат аппарати ишини ташкил этишининг гоёвий-назарий, сиёсий-ҳуқуқий асослари тизими тушунилади.

Мафкуранинг ишлаб чиқиши, ривожлантирилиши ва ижтимоий онга сингдирилишида давлатни роли ниҳоятда каттадир. У ёки бу мафкуранинг давлат мафкураси даражасига кўтарилиши эса, фикр эркинлигининг бўғилишига, жамият ҳаётининг барча соҳаларининг ялпи назорат қилинишига олиб келиши мумкин: ўз вақтида Германияда фашизм давлат мафкураси, бир қатор мамлакатларда марксизм-ленинизмнинг давлат мафкурасига айланиши натижасида муайян давлатларда тоталитар, яккаҳокимлик тузumi вужудга келиши, охир-оқибат жамиятнинг таназзулга дучор бўлиши каби салбий жараёнлар буни яққол тасдиқлайди.

Назорат учун саволлар

1. Ғоялар ва мафкураларнинг хилма-хиллиги, тарихий, миллий, умуминсоний ғоялар ва мафкуралар.

2. Бунёдкор ғояларнинг намоён бўлиш хусусиятлари. Миллий озодлик, миллий мустақиллик, миллий давлатчилик ғоялари.

3. Либерализм ва консерватизм ғоялари.

4. Вайронкор ғоялар, уларнинг намоён бўлиш шакллари.

5. Миллий, ижтимоий-сиёсий ғоялар ва «Давлат мафкураси» ўртасидаги фарқлар.

6. Тоталитар мафкуралар: коммунизм ва фашизм ғоялари. Ақидапарастлик, экстремистик ҳамда террористик ғоялар таҳдидлари, уларга қарши курашиш зарурлиги.

2.4. Тарихни идеологик тушуниш, ғоя ва мафкураларнинг тараққиётга боғлиқлиги

Таянч тушунчалар:

Умунинсоний қадриятлар, демократия, Хоразм, Сўғдиёна, Бақтрия, Кушон, Темурийлар салтанатлари, салб юришлари, диний фанатизм, фашизм, коммунизм, мустақиллик, Темур тузуклари, Марказий Осиё Уйғониш даври алломалари.

Инсоният тарихида ғоя ва мафкуралар ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Улар инсоннинг ўзи каби азалийдир. Кўп минг йиллик тарихи давомида одамзод хилма-хил ғояларни вужудга келтирган. Улар инсоннинг оғир жисмоний меҳнатини бир неча баробар енгиллаштирувчи иш қуроллари, ускуналар, иншоотлар яратишга илҳомлантирган. Яратувчанлик ғоялари билан қуролланган кишилар фаровон ҳаёт, эркин жамият қуриш учун кураш олиб борганлиги тарихдан маълум. Бундай жараён ижобий ғояларнинг туғилишига, улар эса ўз навбатида элатлар, халқлар, миллатлар манфаатларини ифодаловчи ҳаёт тарзининг шаклланиши учун асос бўлган. Шунингдек, миллий давлатларнинг юзага келишида бу ғоялар етакчи ва йўналтирувчи аҳамият касб этган. Буни биз ўзбек давлатчилиқ ғояларининг шаклланиши ва такомили мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Мамлакатимизда қадимги Хоразм, Сўғдиёна, Бақтрия, Кушон ҳамда кейинчалик теурийлар давлатига асос солинишида бу ғоялар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Аксинча, умуммиллий манфаатлар ўрнига тор ва чекланган шахсий сулолавий манфаатларнинг устун қўйилиши, ўзбек халқининг таназзулга, мустақилликни қўлдан бериб, халқимиз бошига мустамлакачилик азоби солинишига олиб келди.

Умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланган ғояларнинг ривожланиб бориши инсонда жуда катта орзу-умидлар туғдиради. Чунки умуминсоният манфаатлари учун хизмат қилувчи бундай ғояларнинг рўёбга чиқиши жаҳон миқёсида тинчлик ва тараққиёт, инсон эркинлиги, миллий ва диний тотувликнинг тантана қилишига, охир-оқибатда инсоннинг бахт-саодатга эришувига олиб келади. Бу эса инсониятнинг асрий орзусидир. Лекин минг афсуски, тарихда доимо ҳам шундай бўлавермаган.

Ўрта асрдаги салиб юришлари, диний фанатизм, фашизм ва большевизм асос бўлган ғайриинсоний бузғунчи ғоялар халқлар бошига чексиз кулфатлар келтирган. Ана шундай бузғунчилик мафкуралари ҳозирги кунда ҳам инсониятнинг тинчлиги, осойишталигига раҳна солиб, одамлар бошига турли балолар ёғдирмоқда. Афғонистонда йигирма йилдан ортиқ давом этаётган биродаркушлиқ уруши, собиқ Югославиядаги бўлинишлар ҳамон

мустаҳкам тинчлик ўрнатишга эришилмаётганлиги ана шундай ғайри инсоний ғоялар натижасидир.

Йигирманчи аср охирида жаҳон ижтимоий-сиёсий тараққиётида юз берган туб ўзгаришлар капиталистик ва социалистик лагерлар каби икки қутбли дунёнинг барҳам топиши, жаҳоннинг нисбий мувозанатини бузиб, унинг мафкуравий манзарасини тубдан ўзгартириб юборди. Коммунистик мафкура ғояларидан халос бўлган, ўз мустақиллигини қўлга киритган халқлар ўз миллий давлатларини тикладилар.

Энди ўсиб келаётган миллий ғояларга қарши улуғ давлатчилик шовинизми, тажовузкор миллатчилик, неофашизм, ирқчилик мафкуралари бетиним таҳдид солмоқда. Аслида, бу мафкураларнинг баъзилари бир вақтлар халқларни алдаб-авраб, уларга жаннат ваъда қилиб, ҳокимиятга эришгач, дунёни дўзахга айлантириб, жаҳон уруши оловини ёққани инсоният хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди.

Аммо етарли билим, малака, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, ўз тарихи, аجدодларининг кимлигидан беҳабар, соддадил, ишонувчан ёшлар, юқорида таъкидланган биз учун ёт, бегона бўлган ғоялар тузоғига илиниши эҳтимолдан ҳоли эмас. Буларнинг олдини олиш учун уларга қарши ёшларнинг онги ва қалбида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш долзарб муаммодир.

Ана шу вазифаларни самарали бажариш учун ғоя ва мафкуралар тарихини яхши англаш ва билиш зарур. Бу эса жаҳонда мавжуд бўлган ёки туғилаётган янги ғоя ва мафкураларнинг мазмун-моҳиятини англаш, уларнинг мақсад-муддаоларини тўғри идрок этиш учун ёрдам беради. Шаклланаётган миллий истиқлол мафкурасининг халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун имон-эътиқод мақомини олишда етакчи воситалар сифатида намоён бўлиши муқаррар.

Ер юзида дастлаб одамзод пайдо бўлиб, унинг уруғ, жамоа ёки халқ сифатида шаклланиши рўй берган дастлабки даврлардаёқ уларни бирлаштириб турган умумий ғоя ва мафкураларга эҳтиёж туғилади. Президент И.Каримов таъкидлаганидек **«мафкура – жамиятда яшайдиган**

одамларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради»¹.

Мафкуравий (идеологик) жараёнлар, ўзгаришлар тарихий ва ижтимоий шарт-шароитлар билан узвий алоқадор бўлиб, даврлар ўзгариши билан улар ҳам янгилик томон ўзгариб боради ёки идеологик ўзгаришлар ижтимоий ўзгаришларини юзага келтиради. Буни қадимдан Турон ва Туркистон минтақаси деб номланган, бугунги кунда унинг маркази ҳисобланган ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юз берган ғоявий-мафкуравий ўзгаришлар ижтимоий ўзгаришларни юзага келтиради. Таъкидлаш жоизки, бу ҳудудида юз берган ғоявий-мафкуравий ўзгаришлар ва ижтимоий ўзгаришларнинг узвий алоқада бўлганлигини, эскиларининг инкор этилиши, янгиланиш, олдинги ғояларнинг янги ғоялар билан алмашинуви, улардаги ворислик жараёнларини тарихий мисоллар билан исботлаш мумкин.

Маълумки, миллий ғоя ва мафкураларнинг тарихий шакллари ва кўринишлари халқимизнинг кўп минг йиллик ўтмиши даврида ўзгарди, ривожланиб келди. Қадимги Хоразм, Сўғдиёна, Бақтрияда шаклланган дастлабки ёзма манба - «**Авесто**»да ҳам эзгулик ғоялари илгари сурилиб, унда яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги азалий кураш акс эттирилган. Зардуштийлик ғоялари минтақамизга ислом дини кириб келгунга қадар кўк тангрисига (осмон ва қуёшга) сиғиниш (шомонлик) ва буддавийлик ҳам диний эътиқод сифатида зардуштийлик билан ёнма-ён яшаб келди. Кушон давлати даврига келиб, зардуштийлик билан бир қаторда буддавийлик ҳам давлат дини вазифасини ўтай бошлади.

Милоддан аввалги VI-IV асрларда аҳамоний шоҳлари, 329-327 йилларда Александр Македонскийнинг босқинчилик юришлари минтақада мавжуд бўлган мустақил давлатчиликка маълум муддатга чек қўйиб, минтақада ижтимоий ҳаёт издан чиқди. Аждодларимиз мустақиллик учун кураш олиб борди. Мустақиллик ғоялари, миллий давлатчиликни тиклаш учун кураш ўша пайтдаги аждодларимиз орзу-умидлари, уларнинг ғоя ва мафкурасини ташкил қилади. Уларга асосланган

¹ Каримов И. Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва келажакка ишончдир. «Фидокор» газетаси, 2000 йил 8 июнь.

аждодларимиз Кушон подшолиги ва Буюк Турк ҳоконлиги каби улкан салтанатларга асос солди.

VII аср охири VIII аср бошларида араб босқинчилари қадимги Туронни босиб олиши, бунда истилога қарши кураш ғоялари ягона мақсад йўлида Туронни араб истилочиларидан озод қилиш учун жангларда бирлаштирувчи ғоя бўлди. Муқанна қўзғолони унинг озодлик учун кураш ғоялари, истилочиларга қарши курашда мафкура вазифасини бажарди.

Мовароуннаҳрда (ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида) ислом динининг тарқалиши халқнинг ягона маслакка бирлаштиришдек тарихий вазифани бажарди. IX-XII асрларда сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, салжукийлар, хоразмшоҳлар сулолалари томонидан минтақада асос солинган давлатлар нафақат ўзбек халқи, балки жаҳон халқлари тарихида ҳам чуқур из қолдирди. Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби алломаларнинг ўлмас асарлари жаҳон фанини бойитди. Мутасаввуфлар: Хожа Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдухолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро; муҳаддислар: Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизийларнинг таълимотидаги комил инсон ғоялари, адолат ҳақидаги қарашлар жамиятнинг соғлом маънавий-ахлоқий руҳини сақлашга хизмат қилди. Бу ғоялар Ватан ва халқ манфаати йўлида фидойилик ва инсонпарварликни улуғлади.

Бу ғоялар ўзбек давлатчилигининг ривожланишида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асарларида давлат идораси ва аҳли фуқарога муносабатда адолат, инсоф, диёнат, эл-юрт тинчлиги ва ободлиги бош ғоялар сифатида илгари сурилди. Бу ғоялар темурийлар давлати мафкуравий тамойилларининг устувор йўналиши эди.

XVII-XIX асрларда умуммиллий манфаатлар ўрнига тор ва чекланган, шахсий ва сулолавий манфаатларнинг устун қўйилиши, жамият ҳаётида маънавий-ахлоқий қадриятларнинг, шунингдек, маърифатнинг қадрсизланиши ўзбек давлатчилигининг таназзулга яна бир бор юз тутишига, мустақилликнинг бой берилишига, Туркистонда мустамлакачилик тузуми ўрнатилиб, пировардида миллий давлатчиликнинг яна бир бор тугатилишига

олиб келди. Шунга қарамасдан, чуқур тарихий илдизларга эга бўлган миллий ғоялар тамомила йўқ бўлиб кетмади. Аксинча, мустамлакачилик шароитида улар миллий давлатчиликни тиклаш, миллатнинг ижтимоий тараққиёти ва истиқболи учун кураш байроғи сифатида яна илгари сурила бошлади.

Бу интилишлар XIX асрда маърифатпарварлик ғоялари билан чиққан Аҳмад Донишнинг илғор қарашларида, XX аср бошида юзага келган жадидчилик ҳаракатининг тараққийпарвар намояндалари - Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Мунаввар Қори, Абдулла Авлониёв ва бошқаларнинг ижоди ва амалий фаолиятида яна ҳам кучайди. Жадидлар Туркистондаги халқларни бирлаштириш ва бутун ўлканинг миллий мустақиллиги учун кураш ғоясини илгари сурдилар. Туркистонда большевиклар ва совет тузумига қарши кўтарилган истиқлолчилик ҳаракатининг мафкурачилари ҳам айнан жадидчилар бўлдилар. Бироқ мустабид совет тузumi бу ғояларга қарши ғайриинсоний мафкурани илгари суриб, халқ манфаатларини инкор этди. Бу утопик, хаёлий ғоялар реал ҳаёт талабларига жавоб бермас, халқнинг анъанавий турмуш тарзига, жамият тараққиёти қонунларига мутлақо зид эди. Улар миллий истиқлолни тан олмас, миллий қадриятларни топтар, диний эътиқодга қарши кураш асосига қурилган эди. Лекин мустабид ҳукумат уларни халққа тан олдириш учун жон-жаҳди билан курашди. Бу сиёсат аёвсиз курашлар, таъқиб, тазйиқ ва зўравонликлардан иборат бўлиб, ўша йиллардаги машъум катағонлар бу курашнинг фожеалари ифодаси эди.

Зўравонлик билан ўрнатилган бу ғоялар жамиятнинг яқкаюягона ва ҳукмрон мафкурасига айланди. Бутун оммавий ахборот воситалари, маданият, адабиёт ва санъат, ижтимоий фанлар шу мафкурани тарғиб қилиш ва сингдиришга бўйсундирилди, давлат ташкилотлари унинг ҳукмронлигини куч ва зўрлик билан таъминлаб турдилар. Лекин бу ғоялар барибир халқ қалбидан чуқур жой олмади, халқимизнинг миллий ғоя ва асрий қадриятларини йўқ қила олмади. Халқнинг асрий орзуси бўлган миллий ғоялар давлатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан изчил ва жасорат билан яна кун тартибига қўйилди, Ватанимиз озодлиги ва мустақилликни қўлга киритишда муҳим омил бўлди.

Ғоялар ва мафкуралар ўзгариши ижтимоий ўзгаришлар ифодаси сифатида қараладиган бўлса, уларнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган ғоявий инкор, ғоявий янгилиниш, ғоявий ворислик каби жиҳатлар муҳим роль ўйнайди. Юқоридаги тарихий мисолларда таъкидланганидек, муайян ғоя ва мафкураларнинг инкор этилиши икки омилга, ички ва ташқи, яъни объектив ва субъектив омиллардан иборат бўлади. Ғоялар ҳамма вақт давомийлик характериға эға бўлмаслиғи мумкин, ўз маъно-мазмунига кўра умрини ўтаб бўлган, давр талабларига жавоб бера олмайдиган ғоялар ўрнини янги ғояларға бўшатиб беради, бу ғоявий инкорнинг объектив томони бўлса, унинг субъектив томони муайян ғоялар сунъий усуллар воситасида маълум манфаатлар таъсирида инкор этилиши мумкин. Ғоявий янгилиниш эса тарихи анъанавий илдизларға эға бўлган миллий-ижтимоий, илмий ғояларнинг давр талаблари асосида янги мазмун билан бойитилиши, янги талабларға мослаштирилишини ўзида ифода этади. Ғоявий ворислик ўз маъно-мазмунига кўра ҳамма даврларда ҳам бирдек ўз долзарблигини йўқотмайдиган ва ўзида муҳим хусусиятларни сақлаб қолинган ғоя ва мафкурада ўз аксини топади, булар илмий, диний, ижтимоий-сиёсий, миллий ғоялардир. Масалан, Демокритнинг атомлар ҳақидаги таълимоти кейинчалик атомлар ҳақидаги назарияни келтириб чиқарган бўлса, яккахудолик ҳақидаги дастлабки диний қарашлар насронийлик, иудаизм, ислом каби диний таълимотларға асос бўлди мустақиллик, озодлик, адолатпарварлик, тинчлик каби устувор умуминсоний ғоялар ўз моҳиятиға кўра инсоният тарихида ҳамма замонларда ҳам қанчалик зиддиятли шароитларда бўлсада, безавол халос бўлиб, яна ижтимоий ҳаётнинг энг устувор ғоялари сифатида сақланиб қолади, чунки улар башариятға дахлдор бўлган, уларнинг табиий-маънавий – руҳий интилишларини ифода этадиган феномендир.

Мустақиллик туфайли ўз тарихий тараққиётининг тамомила янги босқичиға қадам қўйган Ўзбекистон Республикаси олдида ҳозирги пайтда ҳал этилиши зарур бўлган муҳим, ўта жиддий масала турибди. Бу – миллий истиқлол, миллий тикланиш мафкурасини ҳаётға татбиқ этиш ҳақидаги масаладир.

Мафкура оммани, халқни янги жамият қуришға йўналтиради ва уюштиради. Халқнинг фаоллиғи, ўз меҳнати, орзу-умидларини

муайян мақсадлар билан боғлай олиши илғор мафкурага қанчалик эътиқод қилаётганига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Миллий истиқлол мафкурамиз жамият тараққиётининг объектив талабларидан келиб чиқиб, миллатлар ва халқнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий, сиёсий манфаатларини ўзида акс эттиради ва ҳимоя қилади.

Шунингдек, унда жамиятимиз тараққиётнинг туб, устувор муаммолари ҳал этилишининг илмий асосларини белгиловчи ғоя ва қарашлар ишлаб чиқилади. Президент И.Каримов таъкидлаганидек, ўз умрини ўтаб бўлган эски мафкура ўрнида янги ижтимоий муносабатларни, халқнинг асл мақсад-муддаоларини ифода этувчи илғор ва бунёдкор мафкура шаклланмас экан, жамиятда ғоявий вакуум – бўшлиқ юзага келади. Бундай бўшлиқлар ғоялар билан тўлдирилмаса, уни халқ ҳаёти учун ёт ва бегона бўлган мафкуравий таъсирлар эгаллаб олиши мумкин.

Буни яхши англаган Юртбошимиз истиқлолнинг биринчи кунларидаёқ бу борада зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқишга катта эътибор берди. Шу боис ҳам эски мафкурадан воз кечиш натижасида пайдо бўлган бўшлиқни миллий истиқлол ғояси тушунча ва тамойиллари билан тўлдириш ва шу тариқа зарарли ғоявий тажовузларнинг олдини олишга киришади.

Ана шу бало-қазолардан ҳимояланиш учун тажовузкор ғояларга қарши иммунитет ҳосил қилиш, кишиларимизни жамият тараққиёти қонуниятларини тўлиқ акс эттирадиган соғлом, инсон-парвар мафкура билан қуроллантириш зарур. Айниқса, бу ўта му-раккаб ва калтис тарихий шароитда халқимизнинг тарихий ютуғи – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини кўз қорачиғидек асраш, пировард мақсадлар йўлида одамларни сафарбар қилиш – уюштириш, жипслаштириш учун ана шундай соғлом мафкура ниҳоятда зарур ва бу жараён амалга оширилмоқда.

Инсоният тарихи шундан далолат берадики, муайян жамият тараққиёт жараёнида бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишида турмушнинг барча соҳаларида, хусусан, иқтисодиёт, ижтимоиёт ва сиёсатда бўлгани каби, ғоявий-мафкуравий соҳада ҳам муайян муаммоларни ҳал қилиш зарурати пайдо бўлади. Чунки ўзига хос янги давр, шароит, вазият анъанага айланиб қолган ғоялар, қарашлар, муносабатларни

ўзгартирмасдан, маълум мафкурага асосланмасдан, янги мақсадлар сари қадам ташлай олмайди. Бу эса янги ғоя, қараш, муносабат, мафкурани ишлаб чиқишни талаб этади.

Президент И.Каримов таъкидлаганидек: **«Ўз ҳаётини, олдига қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз ке-лажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя, миллий мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Мафкура бўлмаса ҳар қайси давлат ва жамият, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши муқаррар»¹. «... Мустақилликка эришганимиздан сўнг биз сохта мафкуранинг якка ҳокимлигидан қутулдик. Маънавиятни, мафкурани зуғумлардан озод қилиб, эркин фикрга, миллий тафаккурга кенг йўл очдик.**

Эндиги асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўла олмайди»².

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида истиқлол билан боғлиқ бўлган қатор муаммоларни ҳал этишда олимларни, зиёлиларни, барча илғор кучлар ҳамда ёшларни сафарбар этиш, уюштиришда мафкуравий ишларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Зеро, пойдевори баланд ва бақувват бўлган бино гирдоб бўлганда ҳам, бурон турганда ҳам, даҳшатли зилзилада ҳам қуламасдан мустаҳкам ва собит турганидек маънавий, ахлоқий, фалсафий, илмий замини мустаҳкам бўлган, фан, қонунлари ва уларнинг илмий хулосаларига, сўнгги ютуқларига асосланган мафкура ҳам умри боқийдир. Бизнинг миллий истиқлол мафкурамиз ана шундай мафкура бўлади. Узоқ тарихга ва буюк ғояларга эга бўлган миллий ва умуминсоний қадриятлар Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол мафкурасининг маънавий, илмий пойдеворидир.

Ҳозирги даврнинг ниҳоятда мураккаб ва масъулиятли вазифаси – Ўзбекистон Республикасининг миллий истиқлол мафкурасини жуда катта ақл-идрок ва тафаккур билан илмий-назарий жиҳатдан, жамиятнинг тараққиёт қонунларини билишни,

¹ Каримов И. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: 2000, 40-бет.

² Каримов И. Ўзбекистоннинг сийсий ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. –Т.: 1993, 31-бет.

мамлакатимизнинг нафақат ўтмиши ва ҳозирги даври, балки истиқболини ҳам илмий фаҳмлашни тақозо этади. Бунинг учун илмий-назарий, интеллектуал кучларнинг, сиёсий-иҷтимоий фанлари вакиллари, давлат ва жамоат арбоблари, адабиёт аҳли, хуллас, жамиятимизнинг турли табақаларининг ўзаро ҳамкорликдаги саъй-ҳаракати даркор бўлади.

Назорат учун саволлар

1. Тарих ва тараққиётни мафкуравий тушуниш.
2. Ғоя ва мафкураларнинг халқлар тақдирига таъсир этиши ва бунда эзгулик ғоялари ва чекланган тор ва шахсий манфаатлар акс этган ғояларнинг тараққиётга тўсқинлиги.
3. Умумиҷтимоий ўзгаришларнинг умуммафкуравий ўзгаришлар билан алоқадорлиги
4. Ғоявий ва мафкуравий жараёнларда инкор, янгиланиш ва ворислик масалалари.
5. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиётида инкор ва янгиланишнинг асосий тамойиллари.

2.5. «Ғоявийлик» ва «ғоясизлик» тушунчалари

Таянч тушунчалар:

Ғоявийлик, ғоясизлик, мезонлар ва меъёрлар, утопик ғоялар, миллий истиқлол ғояси, ёт ва бегона ғоялар, ғоявий бўшлиқ.

Ғоявийлик ўз маъно-моҳиятига кўра, инсоннинг муайян ғоялар тизими тарафдори бўлиб, иҷтимоий, ахлоқий, эстетик идеалларга бўлган садоқатини англатади. Ғоявийлик инсон ички оламининг яхлитлиги ҳисобланиб, ғоянинг маънавий мазмунини англатадиган иҷтимоий ҳодиса. Шунинг учун ғоявийлик ҳамма даврларда ҳам том маънодаги шахс ғоявийлиги ҳисобланиб, илғор ғоялар мазмунини ўз ичига қамраб оладиган, шахснинг маънавий мўлжалини, бутун ҳаётини англатувчи ва унинг ўз

замонасининг илғор кучлари томонида туришни онгли равишда танлаганликда намоён бўлади.

Ғоявийлик ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида намоён бўлиши мумкин, яъни илмий ғоявийлик, диний ғоявийлик, фалсафий ғоявийлик, ижтимоий-сиёсий ғоявийлик, миллий ғоявийлик ва умуминсоний ғоявийликни ўз ичига қамраб олади.

Ғоявийликни акси эса ғоясизлик ҳисобланиб, инсон ўз олдига қўйган идеалларига эга бўлмаган, аниқ мақсад муддаолари бўлмаган шахс ҳисобланиб, у атрофида кечаётган жараёнларга бефарқ муносабатда бўлади.

Шахс ғоявийлиги ўз олдига аниқ мақсадларни қўйган, онги ва қалбида муайян фикрлар мавжуд бўлган ҳаётий қадриятларни тўлиқ англаб ололган кишиларга хосдир. Ғоявий шахс нафақат табиий эҳтиёжлар, балки у ҳаётдаги эзгу орзу-интилишларга эга бўлади. Юқорида таъкидланганидек, ғоявийлик маънавияти юксак, имонли-этиқодли бўлиб, ўз ўтмиши, аждодлари, тарихий хотирага юксак ҳурмат туйғуси билан яшаб, миллати, халқи, она - Ватани учун керак бўлса жонини ҳам аямайдиган инсонларга хос фалсафий категориядир.

Ғоявийлик ва ғоявий тарбия тушунчалари бир-бирини тўлдирувчи ва тақозо этадиган тушунчалардир. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, собиқ коммунистик мафкурадан воз кечилди ва унинг ўрнини миллатимизнинг бахт-саодатли ҳаётини таъминлаб беришга қаратилган миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш жараёни кечмоқда. Ёшларни ана шу мафкура асосида тарбиялаш бугунги куннинг асосий масаласи бўлиб турган пайтда, жамиятимизнинг илғор маънавий кучлари, зиёлилари, кўпни кўрган тажрибали отахон-онахонлар, умуман жамиятимизнинг олдинги сафида турган имони бутун, этиқоди соғлом, миллатпарвар, ватанпарвар инсонлар ёшларимизнинг ғоявий тарбиясида ўз меҳнатларини аямаслиги даркор.

Ғоясизлик – бирор шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг онги ва қалбида муайян мақсад сари етакловчи фикрнинг йўқлигидир. Ғоясизлик одатда ҳали ўзлигини англаб етмаган, ўз манфаат ва имкониятларини ифода эта олмайдиган, мақсад-муддаолари ва ҳаётий қадриятларни англаб етмаган кишилар ва тоифаларда учрайди.

Ҳаётда юксак ғояси, эзгу орзу-интилишлари бўлмаган одам фақат табиий эҳтиёжлари доираси билан чегараланиб қолади. Шахс ғоясизлиги маънавияти тубан, имон-эътиқоди суст, мафкураси бузуқ кимсаларни юзага келтиради. Ўз ўтмиши ва насл-насабини билмаслик, тарихий хотирани унутиш ҳам ғоясизликнинг бир кўринишидир. Бундай кимсалар ота-онасига қўл кўтариши ҳам, ўз она - Ватанини сотиши ҳам мумкин.

Ғоясизлик ижтимоий хатарли ҳодиса бўлиб, шу жамият ва халққа ёт бўлган бегона кучлар бундай одамлардан мафкуравий таъсир ва руҳий тазйиқ остида ўз ғаразли ниятларига етишиш мақсадида фойдаланадилар.

Миллий истиклол мафкураси ўзининг ҳаётбахш ғоялари билан, буюк мақсадлари билан ғоясизликнинг ҳар қандай кўринишини инкор этади. У ўз куч-қудрати, ақл заковати ва ҳатто ҳаётини юксак ғоялар йўлига бахшида этишга тайёр комил инсонларни тарбиялашга хизмат қилади.

Ғоявийлик мезонлари. Ғоявийлик аввало билимга таянади. Билим эса, муайян соҳаларнинг илғор, етакчи қарашларини ўрганиш ва ўзлаштириш орқали юзага келади. Шахснинг муайян эътиқодга бўлган дахлдорлиги ҳам ғоявийликнинг мезонларидан бири ҳисобланади. Чунки эътиқодсизлик ғоясизликни келтириб чиқаради. Ғоявийликнинг мезонларидан яна бири масъулият туйғуси билан яшашдир. Масъулият одамнинг ҳар бир амали, фаолият маҳсулини тўлиқ англаш қобилиятидир. Мақсад эса кишиларни доимий равишда ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланиб, юқорида айтилган мезонларни шаклланишига ўз таъсирини ўтказади.

Ғоясизлик мезонлари эса юқорида таъкидланган ғоявийликнинг акси бўлиб, муайян шахс, тоифада учрайдиган чуқур билимга эга бўлмаслик, эътиқоднинг сустлиги, масъулиятсизлик, аниқ мақсади йўқлиги каби мезонларга таянади. Ғоясизлик охиरोқибат шахс, тоифа, қатламларнинг ўзга, бегона, ёт ғоя ва мафкуралар таъсирига берилишига олиб келади. Унинг фикрида фақатгина маиший муаммолар: ейиш, кийиниш ва бошқа шаклдаги ўй-хаёллар унинг ҳаётида устувор ҳисобланиб, бошқа қадриятлар унинг олдида ўз қадрини йўқотади.

Ғоявийликнинг мезонлари бузилса, қадриятлар қадрсизланади, ўз аҳамиятини йўқотади.

Ғоясизликнинг шахсий, миллий, умуминсоний даражалари мавжуд бўлиб, улар охир-оқибат муайян жамиятда ғоявий парокандаликни, у эса ўз навбатида ғоявий қарамликни келтириб чиқаради.

Ғоясизлик ва ғоявий бўшлиқнинг алоқадорлиги. Мазкур тushунчалар ўз мазмун-моҳиятига кўра бир-бирини тақозо этадиган ҳодисалар ҳисобланади. Ғоявий бўшлиқ - муайян шароитда жамият, ундаги тоифа ва қатламларнинг онгида содир бўладиган ғоясизлик, вакуум ҳолатидир.

Муайян ақидалар, фикр ва ғоялар замон танқидига учраганда ёки янги пайдо бўлган ижтимоий-сиёсий кучлар томонидан инкор этилганда, давр талабига жавоб берадиган ғоя ва мафкура тўла шаклланмаган, шаклланиб улгурмаган ҳолатларда жамиятда ғоявий бўшлиқ пайдо бўлади.

Агар давлат ёки миллат, ижтимоий гуруҳ ёхуд қатлам ўз манфаатларини, мақсад-муддаоларини аниқ-равшан ифода этадиган ғояларини кишилар, айниқса, ёш авлод онгига сингдирмаса ғоявий бўшлиқ пайдо бўлади, ишонч-этиқод сусаяди, мафкуравий таҳдидлар кучаяди. Ғояси йўқ, мақсадсиз, этиқоди бўш одамлар эса, таъсирга тез берилувчан бўлади, ўз йўлини йўқотиб қўяди. Ғоявий бўшлиқ, имонсизлик, манқуртлик жамият учун жиддий хавф туғдиради. Агар ғоявий бўшлиқ пайдо бўлса, сўзсиз унинг ўрнини шу халққа бегона бўлган турли хил мафкуравий, тазйиқлар эгаллаб олиши ва ўз таъсирини ўтказиши муқаррар. Ғоявий бўшлиқнинг юзага келиши чуқур ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий омиллар билан боғлиқ. Одатда, янги ғоялар турлича таъсир кучига эга бўлади. Айрим гуруҳлар уларни тез қабул қилади, баъзи тоифалар эса аввалги мафкуравий ақидалардан юз ўгириши ва янги ғояларни қабул қилиши қийин кечади. Ғоявий бўшлиқнинг пайдо бўлишини яна бир манбаи – жамиятда бу соҳадаги тарбиянинг етарли эмаслиги, мафкуравий жараёнларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги билан ифодаланади.

Шунинг учун ўз келажагини ўйлаган ҳар бир давлат ва жамият ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслик, эскирган ақидалар ва бегона қарашларни инкор этиш билан бирга, илғор фикрлар, улуғвор мақсад ва эзгу ғояларни халқнинг, айниқса ёшларнинг онги ва қалбига сингдиришга ҳаракат қилади.

Миллий истиқлол мафкураси ғоявий бўшлиққа йўл қўймайди, маънавий ҳаётни бутун халқ ва ҳар бир фуқаронинг манфаатига мос келадиган юксак ва жозибали ғоялар билан бойитади. Бу, ўз навбатида, фуқароларда эртанги кунга ишонч ва келажакка умид ҳиссини мустаҳкамлайди.

Инсон бирор касалликка чалинса, уни даволаш мумкин. Миллат маънавиятининг заифлиги, унинг характеридаги ҳафсаласизлик, бефарқлик, ғайратсизлик ўзаро ички муносабатларда алдамчилик, қўполлик, жоҳиллик, худбинлик, ялқовлик ва бошқа нуқсонларда намоён бўлади. Демак, ҳозирги ўзимизни баркамол қилишимизга тўсқинлик қилаётган маънавий жароҳатларимизни даволашимиз учун масалага аниқ, яъни реал миллий характери ўрганиш ва ўзгартириш омили сифатида ёндашмоғимиз зарур.

Натижада, миллатнинг ўз аҳволига, ўзининг муносабати, ижобий жиҳатларини ошириш ва қусурларни маърифий йўл билан даволаб, кучлантириб, жаҳоннинг илғор миллатлари сафига қўшилиши мумкин.

Ғоявий тортишувларда таҳдид солувчи ҳам, ўзини ҳимоя қилувчи ҳам, ғояни оммалаштириш услубларидан фойдаланади. Бу – мафкуравий тарбия услубларидир. Демак, қайси томоннинг енгинини илмга асосланган тарғибот ва ташвиқот ҳал қилади. Шу тариқа мафкуралар тортишуви – тарғибот ва ташвиқот тортишувига айланади дейиш мумкин. Шу сабабли *«Миллий истиқлол мафкураси том маънодаги мафкурага айланиши учун қатор талабларга жавоб бериши зарур. Ана шундай талаблардан бири – ҳар қандай ёвуз ғояга қарши жавоб бера олишидир»*¹ шундагина миллий истиқлол ғояларининг қадрсизланишининг олдини олиш мумкин.

Жамиятга ёт, бегона мафкуравий ғоялар бирданига кира олмайди. Улар аввало, маҳв қилишни керак бўлган, миллат азалдан ишониб келган нарсаларга ишончини, умидини сўндиради. Бунинг учун миллат ишониб келган нарсалар ёмонланади, обрўсизлантирилади. Натижада, мафкуравий иммунитетни синдиришнинг биринчи босқичи амалга ошади – миллат ўзи ишониб келган ғоялар, қадриятларга бефарқ муносабатда бўлади. Азалий қадриятларга амал қилинмай қўйилади, одамларда уларга нисбатан лоқайд муносабат урф бўлади. Қадриятлар, ғоялар

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: 2001. 111-бет.

кадрсизланади, аҳамиятсиз нарсаларга айланиб қолади. Бўшлик ана шундай яратилади, «очиб олинади».

Ғоявий бўшлиқ очиб олингач, энди унинг ўрнини тўлдириш учун ўз ғоясини жозибали қилиб тасвирлай бошланади. Бузғунчи ғояга хос «янгилик» ва бераётган ваъдалар одамлар қулоғи ҳамда кўзи орқали онг ва қалбига кира бошлайди. Мафкуравий бўшлиқ шу тариқа тўлдира бошланади. Ёлғон ғоя одамлар онгига кирса, у ҳам катта кучга айланади. Жаҳон тажрибасидан ўтган, ўзимизнинг тарихимиздан ҳам муайян тарихий даврларда миллатимизнинг мафкура, ғояларига таҳдид солиб, уларнинг обрўсини кадрсизлан-тиришга ҳаракат қилган, айрим ҳолларда ўз мақсадларига етган бегона мафкураларнинг таҳдидлари ҳақида тарихий манбалардан керагича маълумот олишимиз мумкин.

Миллий истиқлол мафкурасининг кадрсизланишига йўл қўймаслик, ғояларнинг ҳаётбахш мазмуни, миллатимиз ва халқимизнинг эртанги тақдирига дахлдор эканлиги; озод ва обод Ватан барпо этишдек тарихий вазифани ўз зиммасига олган, юртдошларимизнинг азалий орзу-ниятларини амалга оширадиган муқаддас миллий ғояларимизнинг кадрсизланишига йўл қўймаслик, аввало кишиларни, жумладан, ёшларни ана шу ғоялар асосида тарбиялашни тақозо этади.

Жамият ҳаётининг барқарор бўлишида юрт тинчлиги, миллатлар ва элатлар орасидаги ҳамжиҳатлик, ижтимоий ҳамкорлик каби миллий ғоялар асосий ўринни эгаллайди.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларининг барчаси Президент И.Каримовнинг мустақиллик йилларида олиб бораётган сиёсати туфайли амалга ошаётганини қайд этиш мумкин. Чунки ислохотлар жараёнида бунёдкор ғоялар ва мафкуравий тамойилларнинг устуворлигини таъминлаш имконияти учун шарт-шароитлар мавжуд.

Шу маънода, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, тарбиявий ишларни юқори босқичга кўтариш борасида эришилган муваффақиятлар Ватан равнақини таъминлайди. Фаровон ҳаётга эга бўладиган фуқаролар фақат равнақ топган мамлакатдагина бўлиши мумкин. Фаровон ҳаёт эса ҳар бир шахснинг ва умуман, бутун жамият аъзоларининг жисмоний ва интеллектуал камолини таъминлайди.

Назорат учун саволлар

1. «Ғоявийлик» ва «Ғоясизлик» тушунчалари, уларнинг мезонлари ва меъёрлари.
2. Ғоявийлик ва ғоясизликнинг шахсий, миллий ва умуминсоний даражаси.
3. Ғоясизлик ва ғоявий бўшлиқнинг алоқадорлиги.
4. Ғоялар қадрсизланиши мафкуравий жараён эканлиги.
5. Миллий истиқлол ғояларининг қадрини сақлаш зарурлиги.
6. Ёшларда эзгу ғояларга садоқат туйғусини тарбиялаш вазифалари.

2.6. Мафкуравий фаолият ва ғояларнинг амалга ошиш жараёни

Таянч тушунчалар:

Мафкуравий фаолият, мафкуравий тарбия, мафкуравий сиёсат, миллий ва диний бағрикенглик, турмуш тарзи, урф-одат, анъаналар, маданият, шовинизм, агрессив миллатчилик, бунёдкорлик, вайронкорлик.

Жамият тараққиётининг турли босқичлари: ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам ва эртанги истиқболда ҳам инсоният муайян ғоялар асосида ўз ҳаётини қурганлар, қурмоқдалар ва шу маънода олдинга интилиб яшайдилар, зеро, бу ҳаётнинг, инсониятнинг мавжудлигини белгилайдиган муҳим шартлардан бири ҳисобланади.

Ғоя инсон тафаккурининг маҳсули ҳисобланар экан, инсон онгида ғоянинг олдин пайдо бўлиши, кейин ғоя асосида мафкуранинг шаклланишида, мафкура асосида тизим ва сиёсатнинг пайдо бўлиши тамойилига асосланиб мушоҳада қиладиган бўлсак, пировард натижада ғоянинг вақти соати келиб амалга ошиши, яъни воқеъликка айланиши маълум фаолиятнинг ифодаси сифатида майдонга чиқишини кўришимиз мумкин. Зеро, ҳар қандай ғоя муайян мақсадли ва мўлжалли ҳаракатни келтириб чиқаради.

Албатта, ғояларнинг амалга ошиши ўз-ўзидан содир бўлмайди. Инсон томонидан амалга ошириладиган ҳар қандай саъй-ҳаракат аввало қадрият сифатида англолмоғи лозим, ғоя сифатида ишончга айланмоғи керак, шундагина инсон ғояни воқеъликка айлантиришга, амалга оширишга киришади. Мажбурий тарзда ғоялар ортидан эргашиш мумкин эмас, эртами - кечми у албатта акс таъсирини кўрсатиши муқаррар.

Демак, ғояларнинг амалга ошиши, ҳаётга татбиқ бўлиши мафкуранинг шаклланишига олиб келар экан, «*ҳар қандай ғояни амалга ошириш жараёни мафкуравий фаолиятдир*» деган хулосани келтириб чиқаради ва бу хулоса мафкуравий аксиомадир.

Шу ўринда миллий истиқлол ғоясининг амалга ошиши индивидуал даражада қараб чиқиладиган бўлса, миллатимизнинг халқимизнинг энг олий мақсадларини ўзида акс эттирганлиги ва бу жамиятимизнинг барча аъзоларига дахлдор эканлигини назарда тутган ҳолда айтишимиз мумкинки, миллий ғоянинг ёшларимиз, қолаверса, бутун Ўзбекистон Республикаси халқи онига ва қалбига сингдириши алоҳида олинган ҳар бир инсон, жамиятимиз ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий жараёни ифодаловчи – мафкуравий фаолиятнинг таъминланишидир.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мақсадли ва мўлжалли бўлмаган фикр ғоя бўла олмаганидек, унинг амалга ошиши ҳам мумкин эмас. Бундай ҳолат мафкуравий фаолиятни вужудга келтира олмайди. Мафкуравий фаолият ҳақида гап борар экан, ғоя ва мафкура жамиятнинг ўз олдига қўйган аниқ мақсади бўлиб, бусиз жамият ўз йўлини йўқотади.

«Мақсад дегани, деб ёзган эди Президент И. Каримов – халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур, ифтихорини, керак бўлса қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни-халқ, миллатни-миллат қила билсин, қўлимизда енгилмас кучга айлансин»¹.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар қандай мафкуравий фаолият ижтимоий воқеяликни сақлаб қолиши ёки ўзгартиришга қаратилганидек, яъни мақсадлар ботиний эмас; балки зоҳирий таркибда мавжуд бўлиши лозимлигини тақозо этади.

«Мафкуравий фаолият» тушунчаси **«мафкуравий тарбия»** тушунчаси билан узвий алоқадорликда бўлиб, мафкуравий тарбия ўз моҳияти билан мафкуравий фаолиятнинг негизини ташкил этади. Чунки ҳар қандай ғоявий-мафкуравий тарбия муайян мақсадга қаратилганини эътиборга оладиган бўлсак, ушбу мақсадни амалга ошириш мақсадида инсон онига муайян ғоя сингдирилади ва шу йўл билан мафкуравий тарбия амалга

¹ Каримов И. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: 2000. 6 - бет.

оширилади, муайян ғоя руҳида тарбияланган шахс унинг воқеъликка айланишини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги мустақиллик шароитида, уни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган миллий истиқлол ғоясининг маъно мазмуни миллатимизнинг асрий орзу-истаклари, мақсад-муддаоларини акс эттириши ҳамда бу мақсад-муддаоларнинг амалга ошишида ёшларнинг ғоявий тарбияланганлик даражаси, қолаверса, бу жараёнда бутун халқимизнинг фаол муносабати мафкуравий фаолиятнинг нақадар долзарб ва зарурлигини ифодалайди.

Мафкуравий фаолият ўз табиатига кўра муайян тизимга, яъни структуравий элементларига уни ташкил этишга қаратилган усуллар, ғоядан мафкурага, ундан амалий фаолиятга томон бориш диалектикасига эга, унда индивидуаллик ва ижтимоийлик намоён бўлади. Мафкуравий фаолият тушунчаси мақсадли ва мўлжалли ғоялар асосида вужудга келар экан, у бевосита мафкуравий мақсад тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Шу маънода, мазмун-моҳиятига кўра, эзгу ниятларнинг ўзида акс эттирадиган, халқ томонидан эътироф этиладиган, қўллаб-қувватланадиган ижобий ёки зарарли ниятларни ифодаладиган салбий, шаклига кўра ички ҳамда ташқи ёки геосиёсий мафкуравий мақсадлари бўлиши мумкин. Ҳар иккала шароитда ҳам мафкуравий фаолиятни ҳаракатга келтирувчи кучлар бевосита ушбу мақсадлар ҳисобланиб, мафкуравий фаолиятнинг ички тузилишини ташкил этадиган асосий элементлардан бири ҳисобланади.

Миллий мафкурамизнинг асосий стратегик мақсади озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишидир, халқ оммасини мана шу миллий ғоя атрофида бирлаштириш, кишиларни маънавий-руҳий жиҳатдан улугвор ишларга тайёрлаш ва сафарбар этишдан иборат.

Пировард натижага эришишнинг йўллари, воситалари ва усуллари ҳам ушбу мақсаддан келиб чиқади. Ташқи ёки геосиёсий мафкуравий мақсаддан ҳам ўз мазмун - моҳиятига кўра давлатнинг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган бўлиб, бундай мақсадлар ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган бўлса – ижобий, бошқа халқлар ва давлатларга мафкуравий тазйиқ ўтказишга қаратилган бўлса –

салбий ҳарактер касб этади. Бу бевосита муайян давлатнинг халқаро майдондаги мафкуравий фаолиятини ўзида ифода этади.

Мафкуравий фаолиятнинг иккинчи структуравий элементи мафкуравий сиёсат бўлиб, у ҳар қандай мафкуранинг тарбиявий қудратига, унинг тасирчанлиги ва умуминсоний қадриятларнинг муштараклигига асосланиши билан белгиланади. Миллий мафкура эса жамият аъзоларининг миллат манфаатлари, мақсадлари, орзу-умидлари, истак-хоҳишларини ўзида мужассамлаштиради. Зеро, мафкуравий сиёсатни ва мақсадларни ҳаётга татбиқ этиш, амалга ошириш учун ҳаракат тарзида тушуниш лозим бўлади. Бу мақсадлар муайян мамлакат ёки халқнинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни, нуфузи, халқаро иқтисодий, сиёсий, дипломатик алоқаларидаги мавқеи, тараққиёт даражаси каби бир қатор кўрсаткичлардан келиб чиқади. Масалан, мустақил Ўзбекистон Республикаси шароитида миллий истиқлол мафкурасини яратиш орқали миллий хавфсизликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш масаласи долзарб аҳамиятга эга.

Мафкуравий фаолиятни ташкил этувчи ички ва ташқи мафкуравий сиёсат бир-биридан фарқ қилади. Ички мафкуравий сиёсат мамлакат халқининг ўз олдига қўйган стратегик мақсадларидан келиб чиқиб, тараққиётнинг янги бир босқичга кўтарилиши учун фуқароларни сафарбар қилиш вазифасини ўтайди. Мафкуравий сиёсатнинг ташқи томони ўз халқи ва мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаш, мустақил тараққиётнинг халқаро муносабатлар билан боғлиқ жиҳатларини таъминлаш ҳамда бегона мафкураларнинг тазйиқи ва таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган бўлади.

Мафкуравий сиёсатнинг самарадорлиги унинг қандай воситалар, усуллар ва шаклларда юритилишига боғлиқ. Бу ўринда ижтимоий тараққиётдаги турли гуруҳлар, синфлар, катламлар манфаатларининг ҳисобга олиниши муҳим аҳамиятга эгадир. Мафкуравий таъсир ўтказиш йўллари омма учун қанчалик яқин, тушунарли ва табиий бўлса, ижтимоий-гуманитар фанлар ютуқла-рига таянган ҳолда ташкил этилса, мафкуравий сиёсат шунчалик самарали бўлиб, у мафкуравий фаолиятнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ғоядан мафкурага, ундан амалий фаолият томон бориши бевосита мафкура тадрижийлиги билан изоҳланади. Мафкуравий тадрижийлик - муайян мақсад ва манфаатларни ифода этувчи ғоявий-назария қарашлари тизимининг вужудга келиши, ривожланиши ва интиҳога етиши жараёнини ифодаловчи тушунчадир. Ушбу тушунча мафкуравий мақсад ва мафкуравий сиёсат каби катерогияларни ўз ичига қамраб олади.

Ҳар қандай мафкура жамиятда янги пайдо бўлган ижтимоий - сиёсий кучларнинг талаб - эҳтиёжлари ва мақсад - муддаоларини ифода этувчи янги ғоявий тизим сифатида вужудга келади. Мазкур миллат ёки ҳаракатнинг етакчи кучлари, сиёсий арбоблари, идеологлари ижтимоий онгдаги орзу - интилишлар ва руҳиятдаги ҳис-туйғуларни бир тизимга соладиган таълимот ва дастурлар яратадилар. Бу ғоялар кўпчилик онгини эгаллагач, уларни ҳаракатга келтириб, мақсад сари етаклайдиган кучга айланади. Мафкура вақти келиб, ўз соҳиблари тарих майдонидан тушсалар ҳам, мафкуравий мерос сифатида янги даврда ҳам ўз таъсирини сақлаб қолиши мумкин. Бу нафақат эзгуликка хизмат қиладиган, балки ўз моҳиятига кўра ғайринсоний бўлган мафкура шаклларига ҳам тегишлидир.

Шу тариқа ғоялар пайдо бўлади, инсонлар онгига сингдирилади ва онгни эгаллагач, улар ҳаракатга келтириб, ғоявий мақсадларнинг воқеъликка айланиши таъминланади. Буларнинг барчаси индивидуал ва ижтимоий даражадаги мафкуравий фаолиятда ўз ифодасини топади.

Индивидуал даражаси билан белгиланган мафкуравий фаолият ўз моҳиятига кўра алоҳида олинган шахсга дахлдор бўлиб, унинг бевосита фаолият жараёнга тортилганлиги билан изоҳланади. Булар мазкур жамиятнинг етакчи кучлари сиёсий арбоблари, мафкурачилари ҳисобланади.

Мафкуравий фаолиятнинг ижтимоий даражада намоён бўлиши, бу бевосита ижтимоий-сиёсий гуруҳлар, миллат ва халқнинг бу жараёндаги иштироки ва фаоллиги билан характерланади. Ижтимоий онгдаги янги ғоявий ўзгаришлар ижтимоий даражадаги мафкуравий фаолиятнинг фаоллашувига олиб келади.

Ҳар қандай мафкуравий фаолиятни ташкил этишда расмиятчилик, кампаниябозлик, қоғозбозлик каби хатти-ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмайди. Буларнинг барчаси ўзининг акс таъсирини

намоён қилиб, тескари самара бериши муқаррар. Мафкуравий фаолиятнинг тўғри йўлга қўйилиши изчиликни, ғоявий саводхонликни ва албатта онгли муносабатни талаб этади.

Миллий истиқлол ғояси ўз моҳияти билан бунёдкор ғояларни амалга оширишга қаратилган мафкуравий фаолиятни юзага чиқариши табиий. Унда яратувчанлик, гуманизм, плюрализм ва бағрикенглик, эзгулик томон ҳаракат каби тамойиллар устувор ҳисобланади.

Миллий истиқлол ғояси – инсонпарварлик, яъни инсон қадр-қиммати, шаъни ва ор-номуси, ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари устуворлиги тамойилига таянади. Бу тамойил ўткинчи характерга эга бўлмай, балки Ўзбекистон Республикасининг демократик ривожланишини ўзида мужассам этади. Бунда миллий ғоянинг инсонпарварлик ва демократик тамойиллари инсон ҳамда жамият манфаатлари уйғунлигини белгилаб берувчи таянч нуқта ва жипслаштирувчи омил вазифасини ўтайди. Демак, миллий ғоя икки муҳим, бир-бири билан боғлиқ негизга таянади.

Бу, бир томондан, Ўзбекистон Республикаси халқининг тарихи, турмуш тарзи, урф-одат, анъаналари, маданияти билан боғлиқ миллий - маданий мерос бўлиб, унинг асоси, бош негизи, таянчи ҳисобланади. Иккинчиси, дунё халқлари эътироф этиб, фақат эзгуликка, бунёдкорликка, ўзаро тотувлик ва ҳамжиҳатликка хизмат қилиб келаётган умуминсоний тамойиллардир. Шу маънода миллий истиқлол ғояси умумбашарий қадриятларни эътироф этади.

Миллий қадриятларга содиқлик - миллий ғоянинг таянч негизларидан биридир. Бу тамойил Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг ўз миллий қадриятларини асраб-авайлаб, келажак авлодларга етказиш учун тўла имкониятлар яратилишини ифодалайди.

Ўтмишдан қолган буюк маданий бойликларимиз, мумтоз қадриятларимиз, уларни ҳурмат қилиш, ижодий ўрганиш – бу тамойилнинг муҳим жиҳатидир. Халқ, миллатнинг руҳияти, миллий - маданий мероси орқали унинг ҳаётида, мақсад ва орзуларида, жамият қурилишида ўзининг аниқ ифодасини топади. Ижтимоий тараққиёт натижасида у ёки бу халқларга хос бўлган миллий-маънавий қадриятларнинг умуминсоний моҳияти

дунё халқлари ривожига учун умумбашарий қадриятлар эса, миллий маънавий негизда шаклланади.

Миллий истиқлол ғоясининг бунёдкор ғояларни амалга оширишга қаратилган фаолият тамойилларидан яна бири фикрлар ва ғоялар хилма-хиллигини тан олади. Жамиятнинг якка-ягона мафкураси бирон-бир фикр, ғояни эътироф этмайди. Миллий ғояда фикр эркинлиги ва ғоялар хилма-хиллигига асосланиши тараққиётни таъминлаб турувчи, инсон салоҳиятини оширувчи ноёб имконият эканлиги эътироф этилади.

Миллий ғоянинг асосий ғояларидан бири миллий ва диний бағрикенгликни таъминлаш масаласидир. Республикамизда истиқомат қилаётган турли миллат-элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлаш, мавжуд диний конфессиялар ўртасида ўзаро чидамлилик ва бағрикенгликни таъминлаш барқарорлик шартларидан биридир.

Буларнинг барчаси эзгулик томон ҳаракат қилаётган мафкураравий фаолиятнинг маъно-мазмунини ифодалайди.

Вайронкор (бузғунчи) ғоялар асосидаги мафкураравий фаолият тамойиллари: бузғунчилик, тоталитаризм, ижтимоий-психологик қарахтлантириш, оммавий алдаш, якка ғоя ҳукмронлигини таъминлашга интилиш; ақидапарастлик, экстремизм ўз ичига олади.

Бунёдкор ғояларга зид бўлган, ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиладиган ғоялар мажмуасини ифодалайдиган тушунча: инсонни ва жамиятни тубанликка бошлайдиган, одамларни ғаразли ният ва қабих мақсадларга ундайдиган, халқлар ва давлатларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этадиган ғоялардир.

Ўзининг тор шахсий ёки тор ижтимоий манфаатини бошқалар ҳисобига қондириш, босқинчилик ва талончилик, тажовузорлик ва манфаатпарастлик ғоялари шулар жумласидандир. Улар инсонпарварлик тамойилига зид бўлган, бир миллатни бошқасидан устун қўядиган, олий ирқ даъвосида бошқа халқларни қирғин қилишга чақирадиган, жамиятни тарафқашларга ажратиб, бўлиб ташлайдиган ғоялардир. Диний ақидапарастлик ва жангари ирқчилик (расизм), буюк давлатчилик шовинизмни ва ашаддий (агрессив) миллатчилик, фашизм ва якка ғоя ҳукмронлигига даъво қилувчи большевизм мафкуралари ана

шундай вайронкор ғоялар тизимини ифода этувчи мафкуравий фаолият ҳисобланади.

Президент Ислом Каримовнинг куйидаги фикрлари бу масаланинг таҳлилида алоҳида эътиборга молик: **«Аслида, менинг назаримда, одамнинг қалбида иккита куч – бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиша ўзаро курашади. Афсус билан таъкидлашим лозим: тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатидаги инсонийликдан кўра вахшийлик, ур-йиқит инстинктлари, яъни хатти - ҳаракатларини кўзғотиб юбориш осонроқ»**. Бундай ғоялар таъсирига берилмаслик, ёшларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантириш масалалари Юртбошимизнинг **«Миллий истиқлол мафкураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир»** асарида чуқур илмий таҳлил қилиб берилган.

Ҳозирги пайтда жаҳон жамоатчилиги томонидан кескин қораланаётган диний халқаро террорчилик ва мафкуравий тажовузлар, экстремизм ва жаҳолатпарастлик ҳам бузғунчи ғояларга асослангандир.

Миллий истиқлол ғояси вайронкор, бузғунчи ғояларнинг ҳар қандай кўринишини кескин рад этади. Уларга қарши бунёдкор ғоялар воситасида курашишга чақиради, У халқимиз, айниқса, ёшларнинг қалби ва онгига эзгу ғояларни сингдиришга ёвуз ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантиришга хизмат қилади.

Назорат учун саволлар

1. «Мафкуравий фаолият» тушунчаси, унинг мазмуни.
2. Ҳар қандай мафкуравий фаолият-муайян ғояни амалга ошириш жараёнида, деган хулоса мафкуравий аксиома сифатида.
3. Мафкуравий фаолият тизими, унинг структуравий унсурлари.
4. Мафкуравий фаолиятни ташкил этишнинг усуллари ва йўллари.
5. Ғоядан мафкурага, ундан амалий фаолият томон бориш диалектикаси.

2.7. Мафкуравий таъсир ва акс таъсир

Таянч тушунчалар:

Мафкуравий таъсир, акс таъсир, макробосқидаги таъсирлар, микро босқичдаги таъсирлар, мустақиллик психологияси, мафкеуравий таъсир, воизлик санъати, Воиз Кошифий, Дейл Карнеги.

Мафкуравий таъсир тушунчасининг маъно - мазмуни шундан иборатки, у мафкуравий жараёнларнинг энг муҳим таркибий элементларидан бири бўлиб, икки асосий – тўғри, бевосита ва ўзаро алоқадорликка асосланган билвосита шакллар ёрдамида амалга оширилади. Мафкуравий таъсир самарадорлиги мафкуравий таъсир объекти ва субъектига кўп жиҳатдан боғлиқ. Чунончи, мафкуравий таъсир самарадорлиги мафкуравий таъсир ўтаказилиши лозим бўлган кишиларнинг (объект) маълумот даражаси, маданий савиясига боғлиқ бўлса, ўз навбатида мафкуравий таъсир идоралар, тарбиявий муассасалар, тарғибот ва ташвиқотчилар (субъект) амалга ошираётган мафкуравий тадбирлар мазмуни ва шаклига, мафкура ходимларининг профессионал маҳоратига, уларнинг шахсий фазилатлари, хислатларига боғлиқ бўлади. Мафкуравий таъсир ўтаказилиши лозим бўлган кишиларнинг маълумот даражаси, маданий, ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий савияси қанча баланд бўлса, мафкуравий таъсир самарадорлиги шунча юқори бўлади. Ўз навбатида мафкуравий таъсир самарадорлиги унинг объекти билан субъекти орасидаги ўзаро - алоқадорлик механизмининг мустаҳкамланишига боғлиқ бўлади. Бундан ўзаро алоқадорлик механизмининг мазмунида бир-бирга ўргатиш, бир-биридан ўрганиш, бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд тамойиллари ётмоғи керак. Бунда ҳолатдан ҳар бир киши мафкуравий таъсир доирасига тушади ва ўша таъсир асосида фаолият кўрсата бошлайди.

Инсон жамият аъзоси экан, доимо турли гуруҳ ва жамоаларнинг вакили сифатида уларнинг таъсири остида бўлади. Яъни ҳар бир шахснинг феъл - атворида, хатти-ҳаракатларида у мансуб бўлган миллат, халқ, профессионал тоифа, жамоа ва оиланинг

ижобий ёки салбий таъсири бўлади. Тарихий шарт - шароит, давр, давлат тузуми ва ўша жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий таъсирлар уларнинг дунёқараши, фикрлаш тарзи тафаккурида ўз аксини топади. Бундай таъсирларнинг икки хили мавжуд:

- **макробосқичдаги** ёки кенг маънодаги ижтимоий - маънавий, сиёсий ҳамда иқтисодий муҳит таъсирлари; **микробосқичдаги** ёки бевосита инсон боласи туғилиб ўсадиган оила, таълим-тарбия масканлари, меҳнат жамоаси, маҳалла, дўстлар муҳитидаги таъсирлар.

Бир қарашда инсон феъл-атворини иккинчи босқич таъсирларигина белгилайдигандек туюлади. Чунки, «қуш уясида кўрганини қилади», деганларидек, айниқса, ўзбекчиликда одамлар оиласи, насл-насаби, маҳалласи, таълим олган билим даргоҳига катта эътибор берилади ва бундай муносабат ижтимоий ҳаётда ўзини оқлайди ҳам. Лекин макробосқичдаги таъсирларнинг аҳамиятини камситиш асло мумкин эмас. Масалан, шўролар тузуми жамият аъзоларининг муте, тобе, ихлоссиз, баъзи бир жиҳатдан имонсиз бўлиб шаклланишига замин яратди.

Юқорида таъкидланган фикрлар шундан далолат берадики, ўша муҳитдаги носоғлом, инсон қадрини ерга урувчи иқтисодий сиёсат, коммунистик мафкура сабаб бўлган. Умуман, тарихдан маълумки, қайси давлат ва мамлакатни олмайлик, босқинчилик сиёсати юргизилган жамият аъзоларининг психологияси мустақил юрт фуқаролари психологиясидан кескин фарқ қилади.

Мустақиллик психологияси шундайки, унда ҳар бир фуқаро ўзининг эркин меҳнати билан ўзи ва ўзгалар манфати ҳақида бирдай қайғуради, чунки фидокорона меҳнат ёки тинимсиз изланишсиз на бир шахснинг, на бир жамоанинг бири икки бўлмайди. Ўз истиқлол йўлини танлаган Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган туб ислохотлар ҳам айнан шу юрт, шу заминда туғилиб, яшаб, меҳнат қилаётганлар манфаатини кўзлашини ҳар бир эркин фуқаро тўла англайди.

Зеро, бу мақсадлар ва манфаатлар ўз моҳияти билан миллий истиқлол ғоясининг бош стратегик мақсадидир. Мақсадлар ҳақида гап кетганда, шуни англаш лозимки, ҳар қандай мафкуравий таъсирлар муайян бир мақсадга йўналтирилган фаолиятдан

иборатдир. Муайян мақсадлар мафкуравий таъсирларнинг шахсий ва ижтимоий даражаларида намоён бўлади.

Мафкуравий таъсир ўз маъно - моҳиятига кўра кенг қамровли бўлиб, бир томондан, муайян ғояларда акс этган миллатнинг, халқнинг эртанги истиқболи ҳақидаги мақсад - муддаолар ифодаси бўлса, иккинчи томондан бошқа давлатлар ва ўзга мафкуравий таҳдидларнинг муайян халқ ёки давлатда ўз мавқеини мустаҳкамлаш орқали ўзларининг геосиёсий мақсадларини амалга оширишларида қўл келадиган хатти - ҳаракатлардир.

Ушбу ҳаракатлар шакл ва мазмунига кўра муайян бир миллат ёки жамиятга қаратилган мафкуравий тажовуздир.

Мафкуравий тажовуз – муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тузумни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи ғоявий -назарий қарашлар ва унга асосланган амалиёт мажмуи. Мафкуравий тажовуз ёвуз кучлар ва ҳар хил марказлар томонидан бирон-бир мамлакатга нисбатан ичкаридан ёки ташқаридан туриб бевосита амалга ошириладиган ғоявий бузғунчиликнинг бир шаклидир. Бугунги кунда улар ўз жирканч мақсадларига эришиш учун ҳар қандай усуллардан, одамларнинг диний, миллий ҳиссиётлари, ҳаётда мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлардан, шунингдек, замонавий техника, телекоммуникация воситаларидан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Шундай қилиб, мафкуравий тажовуз деганда, аҳолининг маълум бир қатламлари, айниқса, ёшларнинг қарашларини ўзларига маъкул бўлган йўналишда ўзгартириш, бузғунчи ғоялар, диний экстремизм, ахлоқсизлик ғояларни сингдиришга ҳаракати бўлган ғаразли мақсадлар тушунилади. Миллий истиқлол ғояси ўзининг мазмун моҳияти билан ана шу каби мафкуравий тажовузларга қарши тура оладиган кишиларни тарбиялашга хизмат қилади. Зеро, бу тарбия ҳар қандай ташқи ва ички мафкуравий тажовузларни ўзида ифода этувчи мафкуравий таъсирларга қарши мафкуравий акс таъсир вазифасини бажариб, мафкуравий иммунитет, яъни мафкуравий ҳимояни вужудга келтириши муқаррардир.

Мафкуравий таъсирнинг шахсий даражада намоён бўлиши, ҳар бир шахсга эзгу ғояларга содиқлик ва бу ғояларнинг кишилар имон-эътиқодига айланиши ва уларнинг авайлаб асрашга интилиши туйғусини шакллантириш каби вазифаларни ўз ичига камраб олади.

Жамиятнинг ўз эртаси ва келажагига ишончи ўз - ўзидан ҳосил бўлмайди. Бунинг заминида миллат бахт-саодати йўлида ҳар бир фуқаро манфаатидан келиб чиқувчи махсус фаолият - ғоявий тарбия ётади. Ғоявий тарбия ўз навбатида мафкуравий таъсир ва акс таъсир натижаси ўлароқ вужудга келади. Мафкуравий таъсир ўтказишда ҳам, акс таъсир ўтказишда ҳам ғояни оммалаштириш услубларидан фойдаланилади. Демак, қайси томоннинг енгишини пировард натижада холисликка асосланган мантиқий фикрлар ҳал қилади. Шу тариқа мафкуралар тортишуви тарғибот ва ташвиқот тортишувига айланади дейиш мумкин. Мафкуравий таъсир ва акс таъсир ўртасидаги муносабат қай йўсинда юзага келади, яъни мафкуравий таъсирга қарши ўлароқ акс таъсирнинг ҳаракатга келиши қандай номоён бўлади? Энг аввало мақсад ва манфаатлар-нинг бир-бирига мос келмаганида ана шундай вазият пайдо бўлади. Бунга оддийроқ мисол: Талаба кечқурун «Интернет синфи» га бориб, мутахассислиги бўйича янгиликларни тўпламоқчи эди. Шунда курсдош ўртоғи унинг хонасига кириб, унга дискотекага боришни, спиртли ичимликлар билан ҳордиқ чиқаришни таклиф қилди. Талаба унамади, курсдош ҳам бўш келмади, уни астойдил кўндиришга киришди, қизиқтира бошлади. Талабанинг бугун ва кечқурунги нияти, кичик «ғояси» нинг амалга ошиши хавф остида қолди. Мана шу кичик типик вазиятда ҳам ўзига хос таъсир ва акс таъсир намунаси мужассам. Талабани «Интернет синфи»да ишлаш, билимини ошириш нияти, қарори, ғояси мустаҳкам бўлса, у ушбу ғоясини ҳимоя қилиб, акс таъсир кўрсатишга ҳаракат қилади. Натижада, курсдош ўртоғи даъват қилаётган дискотекага бориш ғояси енгилади. Талаба эса, ўзининг касбий, илмий карьераси йўлида яна бир қадам олдинга кетади. Мафкуравий акс таъсир муайян ғоялар тўкнашган вазиятларда намоён бўлади.

Мафкуравий таъсир жараёнида фикрга, соғлом ғояга эга бўлиш – масаласининг бир жиҳатидир. Унинг бошқа бир муҳим

жиҳати ана шу фикрларни баён этиш қобилиятидир. Шу сабабли қадимги Греция риторика мактаблари ташкил этилган ва Шарқда войизлар махсус қоидалар ва қонунлар асосида омма олдига чиқиб, сўзлашга ўргатилган. Муайян ғоя одамлар онгига шу йўл билан сингдирилган.

Ўрта асрларда Марказий Осиёда войизлик санъатининг шаклланиши ўз тарихига эга. Мутафаккир ва сўз устаси Ҳусайн Войиз Кошифий ҳам ўз санъатига бағишланган қатор асарларида муайян қонун-қоидаларни ишлаб чиққан бўлиб, улар бизгача етиб келганлиги тарихий манбалардан маълум. Лекин XX асрга келиб, риторикага оид классик ёндашув ҳам қайта кўриб чиқилди. 60- йиллардан бошлаб Американинг Ел шаҳридаги риториканинг тажриба мактаби кўплаб тадқиқотлар ўтказиб, мафкуравий таъсир ва акс таъсир масаласида ҳамда сиёсий тарғиботда сўз ва нутқ мутлақ самарали деб бўлмаслигини исботлади. Чунки, омманинг сиёсий қарашлари ва онгига таъсир кўрсатишнинг бошқа механизмлари борлиги тажрибаларда асосланди. Олимларнинг эътироф этишларича, мафкуравий фикрлар маълум қарашлар тизими бўлиб, унда мантиқ етакчи ўрин тутди. Маълум бўлишича, одамнинг ўзи ишониши хоҳламаган нарсага ишонтириш ўта мушкул иш экан. Чунки у ўзининг қарашлари, манфаатларига мос келадиган нарсаларга ишонади.

Шундай қилиб, мафкуравий таъсир ва акс таъсир масалалари муайян далиллар асосида томонларнинг ишончи ва эътиқоди асосига қурилганидагина самарали бўлади.

Мафкуравий кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлишида миллий истиқлол ғояси негизлари муҳим роль ўйнайди. Агар мафкуравий таҳдид сезилганда нима қилиш кераклигини ўйлаб ўтирмай ва айрим ҳаракатларга алоҳида диққат қилиб ўтирмай, ғояга ғоя билан жавоб бериш амалда бажариладиган бўлса, мафкуравий акс таъсир шаклланди, деб ҳисоблаш мумкин.

Миллий ғояларга шахснинг ишончи мустаҳкам иродаси, ўзга мафкуравий таъсирларга нисбатан акс таъсир манбаи ҳисобланади. Бундай мафкуравий акс таъсир кўрсатиш қобилиятига эга бўлган шахс ёт мафкуралар таъсирига берилмайди. Чунки, миллий истиқлол ғояси мафкуравий акс таъсир кўрсата олишнинг ўзига хос имкониятлари ва хусусиятларига эга. Демак,

мафкуравий акс таъсирни шакллантириш, муайян вазиятдан инсоннинг ўзи, халқи, Ватани манфаатлари бирлигидан келиб чиқиб, ёт ғояларга қарши тура оладиган малакадир.

Мафкуравий таъсир натижасида ғоявийлик, ғоявий бўшлиқ ва ғоясизлик каби ҳолатлар вужудга келиши табиий.

Миллий истиқлол ғояларини одамлар онига сингдириш борасида олиб бориладиган мафкуравий таъсирларнинг самарадорлиги фуқароларимизда ғоявийликни таъминлашга хизмат қилади. Ёт мафкуравий таъсирларга нисбатан акс таъсир, яъни ғояга қарши ғоя билан жавоб бериш имконияти чекланганда ғоявий бўшлиқ пайдо бўлиши табиий.

Бугунги кунда ўзга ҳудудларни забт этиш учун уларнинг аҳолисини жисмонан маҳв этиш шарт бўлмай қолди. Зеро, турли мафкуравий таъсирлар оқибатида онги ва шуури забт этилган, қараш ва кайфиятлари «маъқул» йўналишига ўзгартирилган ерлик аҳоли кўмаклигида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгалик қилиш мумкин. Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳозирги давр ғоявий қарама - қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан хавфлироқ бўлиб бораётган даврдир. Хусусан, мамлакатимиз ичида ўзларининг зарарли ғояларини тарқатишга ҳаракат қилган ёшларни чалғитиш, онгини заҳарлаш, улар ёрдамида мамлакатни ўз тараққиёт йўлидан четлатишга ҳаракат қилаётган ваҳобийлар, **«Ҳизб ут-таҳрир»** — чиларнинг ҳаракатларини ана шундай баҳолаш мумкин. Уларнинг ортида кишиларни, энг аввало маънавий - мафкуравий жиҳатдан тобе қилиш, натижада эса буткул қарам қилиш мақсади ётади. Бу катта-катта ҳудудларни, айниқса бой табиий ресурсларга эга бўлган минтақаларни эгаллашнинг энг қулай ва кам харж усулидир.

Мафкуравий қарашлар кучайган бугунги кунда ёшлар қалбида она Ватанимизга, бой тарихимизга, миллий кадриятларимизга, миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилимизга, ота-боболаримиздан мерос муқаддас динга соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, уларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Фақат ана шундай шароитдагина турли хил ёт ғоявий- мафкуравий таъсирларга қарши ўлароқ акс таъсир кўрсатиш имконияти туғилади. Шундагина турли хил

«даъват»чиларнинг алдовларига учрамайдиган, ўз юрти, Ватани ва миллати учун фидойи инсонларни тарбиялаган бўламиз.

Юқорида таъкидланганидек, мафкуравий таъсир ва акс таъсирлар намоён бўлишига қараб икки турга: шахсий ва ижтимоий даражага бўлинади. Мафкуравий таъсир ва акс таъсирларнинг шахсий даражада намоён бўлишини имкон қадар таҳлил қилиб ўтдик. Ижтимоий даражадаги ёки ижтимоий субъектлар орасидаги (қатламлар, партиялар, миллатлар, давлатлар ва бошқалар) мафкуравий таъсир ва акс таъсирларнинг намоён бўлиш хусусиятлари ҳақида мулоҳаза юритадиган бўлсак, бу – муайян ғояни илгари сурувчи, тарғибот ва ташвиқотнинг турли усул, воситалари орқали халқимиз, айниқса ёшлар онги ва руҳиятига таъсир этувчи жамоалар уюшмаси, ташкилот ёки муассасаларнинг мафкуравий фаолияти демакдир. Ўзининг ҳаракатлари, мақсадига қараб маълум сиёсий партия, гуруҳ, жамоалар уюшмаси ёки давлат ижтимоий субъектлар ядросини ташкил этиш мумкин. Бу ижтимоий субъектлар ўз ҳаракат дастури, мафкурасини тарғиб қилиш воситалари, усулларига эга бўлиб, унда муайян ғояга ишонтириш, уюштириш, сафарбар этиш, маънавий руҳий рағбатлантириш, ғоявий тарбиялаш, мафкуравий иммунитетни сақлаш кабилар воситаси орқали мафкуравий таъсир ўтказишга ҳаракат қиладилар.

Жаҳон тажрибасидан шу нарса маълумки, турли мафкуравий ижтимоий субъектлар муайян мафкуравий марказлар ёки гуруҳлар тимсолида ўз фаолиятларини, яъни мафкуравий таъсирларини оммага нисбатан амалга оширишда яширин ёки ошкора йўл тутадилар. Масалан, фашизм ўз мақсадларини ошкора эълон қилиб, зўравонлик йўли билан сингдиришга ҳаракат қилган, ёки бугунги диний экстремизм ва диний ақидапарастлик ғояларини тарғиб қилувчилар ҳам исломий давлат ёки халифалик тузумини қарор топтириш мақсадида гоҳо яширин, гоҳо ошкора террор йўли билан қилган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси мисолида кўпчиликка маълум, кишилиқ тарихида ғоявий таъсир ўтказишнинг яширин тарзда олиб борган турли даражадаги кўринишлари кўплаб учрайди. Масалан, эрамиздан олдинги VI асрда хитойлик файласуф ва ҳарбий кўмондон Сун Цзи шундай деган эди:

- «Сиз рақиб мамлакатдаги барча яхши нарсаларни буздинг, айнитинг;
- рақиб давлатдаги атоқли арбобларни шерик қилиб олиб, жинойатга бошланг;
- рақиб мамлакат одамлари орасида келишмовчилик жанжаллар чиқаринг;
- душманингиз анъаналарини қадрсизлантиринг, худоларга ишончини сўндиригинг;
- бузуқ аёлларни юборинг, уларни янада кучлироқ айнитинг.
- рақиб томон ҳақида маълумот олишга бу ишда улар орасидан шерик топишга, уларга пул тўлашга жуда сахий бўлинг;
- умуман пулни ҳам, ваъдаларни ҳам аяманг, чунки улар ажойиб натижалар беради».

Бу каби мисоллар мафкуравий иммунитетни сингдириш, бўшлиқ ҳосил қилиб, ўз ғоясини сингдириб, халқнинг онги ва қалбини эгаллаш, ғояни оммалаштиришнинг жуда кўп мисолларини учратиш мумкин. XIX асрнинг иккинчи ярмида Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатида Туркистон нафақат сиёсий, иқтисодий, балки маънавий мустамлакага айлантириш режаси турар эди. Буни уларнинг ўзлари ҳам яширмас эдилар. Бу ҳақда М. А. Муровпиев 1882 йил 30 августда Тошкент ўқитувчилари анжуманида **«... мусулмонларимиз маорифининг асосида уларни руслаштириш... ислом динини бузиш... умуман диний жиҳатларни бузиш...»** ётмоғи лозим, деган бўлса; Туркистон генерал - губернатори Куропаткин эса ўз кундаликларида: **«Биз эллик йил туб - жой аҳолини тараққиётдан четда... тутдик»,** - деб қайд этган бўлса, Туркистон ўлкасини ўз мустамлакасига айлантирган Чор Россиясининг генерали Туркистоннинг биринчи генерал - губернатори бўлган М.Г.Черняевнинг подшога ёзган махфий хатида шундай сатрлар бор: **«Бу ерда ҳар қандай қўшинни тўзғитиб юборадиган бир кудратли куч бор: бу туркистонликларнинг кечмиш тарихи... демакки, Туркларни биргина ўзини енгитиш кифоя эмас. Уларнинг хотирасини, тарихини ҳам енгмоқ керак».**

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, бугунги кунда турли йўллар билан ўз мафкуравий таъсирларини ўтказишга ҳаракат қилаётган мафкуравий марказларга қарши акс таъсир сифатида жамиятимизда мавжуд бўлган ижтимоий сиёсий қатламлар: таълим -тарбия даргоҳлари, сиёсий партиялар, илмий, маданий - маърифий муассасалар, турли жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари фаолияти муҳим ўрин тутди. Бу соҳада фан ва илмий муассасаларнинг аҳамияти катта бўлиб, улар аҳолининг ижтимоий-руҳий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мафкуравий тарбиянинг самарали йўлларини тадқиқ қилиш, турли мафкуравий таҳдидлардан хавфининг олдини олишнинг илмий - назарий асосларини ишлаб чиқиш билан шуғулланадилар.

Шунингдек жамоатчилик фикри, аҳолининг турли қатламлари, уларнинг руҳияти, интилишлари, қизиқишлари, қарашлари турли социологик тадқиқотлар, анкета сўров усуллари орқали ўрганиш ва таҳлил қилиб бориш ҳам турли зарарли ғояларни тарқатадиган ижтимоий даражадаги субъектларга қарши акс таъсир кўрсатишга хизмат қиладиган муҳим воситалардан ҳисобланади.

Назорат учун саволлар

1. Мафкуравий таъсирнинг моҳияти, йўналишлари, меъёр ва даражалари.
2. Мафкуравий таъсир ва акс таъсирнинг мақсадли фаолият эканлиги.
3. Дунё, минтақа, муайян ҳудуд ёки давлатнинг мафкуравий манзараси ҳамда дунё харитасида таъсир ва акс таъсирларнинг намоён бўлиши.
4. Ижтимоий субъектлараро ғоявий таъсир ва акс таъсирлар.
5. Марказий Осиё ва Ўзбекистонга нисбатан мафкуравий таъсирларга қарши фаолият ва акс таъсир масалалари.

III боб. ГЛОБАЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ҒОЯВИЙ МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Мафкуравий майдон ва полигонлар

Таянч тушунчалар:

Мафкуравий майдон, мафкуравий полигон, дунёнинг мафкуравий манзараси, икки қутбли мафкура, буюк давлатчилик шовинизми, диний экстремизм, халифалик, «бўлиб ташила ҳукмронлик қил» тамойили, имтиёзли ҳамкорлик

Инсоният XX аср охири XXI аср бошларига келиб дунёда қарама-қаршилиқлар мураккаблашиб, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган чегара билмас муаммоларга дуч келди. Уруш ва тинчлик, экологик фалокатлар, маънавий қашшоқлик, наркобизнес, терроризм каби муаммолар ана шулар жумласидандир. Шу билан бирга дунёда глобаллашув, ахборот оқимининг тезлашуви ва интенсивлашуви, универсал технологиялар билан боғлиқ умумбашарий жараёнлар ҳам бормоқда. Ер юзида одамлар бир макон тарзида яшайдилар. Аммо тарихда мавжуд чегараларни ўзгартириш, муайян ҳудудларни босиб олиш учун сон-саноксиз урушлар бўлгани маълум.

Кишилиқ жамияти тарихи инсонда олижаноб фазилатларнинг шаклланиши ва ривожланишига ҳам, айна пайтда ғайриинсонийликнинг хилма-хил кўринишлари илдиз отиб, ўзининг мудҳиш қиёфасини намоён қилишга ҳам кўп бор гувоҳ бўлган. Афсуски, инсониятнинг бутун тарихи давомида бундай иллатлар унга ҳамроҳлик қилиб келди, турли даврларда янги шакл-шамойил, хусусият касб этди. Бугунги кунда уларнинг энг ёвузлари ер юзидаги тинчлик ва тотувлик, ҳамкорлик ҳамда ҳамжиҳатликка ва охир-оқибатда инсониятнинг ягона бирлик сифатида эркин тараққий қилишига катта хавф туғдирмоқда.

Бугун дунёнинг мафкуравий манзарасини ўз мақсадлари йўлида ўзгартирмоқчи бўлаётган мафкура шакллари ва йўналишлари Президент И.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари» номли асарида кўрсатиб берилган. Дунёнинг мафкуравий манзарасининг ўзгаришига сабаблардан бири XX аср охирида юз берган туб ўзгаришлар – икки қутбли дунёнинг барҳам топиши, нисбий мувозанатни бузиб, жаҳоннинг мафкуравий манзарасини тубдан ўзгартириб юборди.

Бугун «икки қутбли мафкура» ўртасидаги курашга барҳам берилган бўлса-да, аммо дунёда мафкуравий курашлар тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча, жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар турли йўللار билан содир бўлмоқда. Ўзларини «дўст», «миллатдош», «ватандош», «диндош» этиб кўрсатиш орқали ўз ғояларини амалга оширишга уринмоқдалар.

Шулардан бири **буюк давлатчилик шовинизмидир**. Буюк давлатчилик шовинизмини И.Каримов таъкидлаганидек: **«Муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлик деб ёки миллатлараро ва давлатлараро, минтақавий муносабатларда унга интилиш деб таърифлаш мумкин.**

Шовинизм баъзи кўп сонли миллатларнинг нафақат кўп миллатли империя доирасида, балки уни ўраб турган жуғрофий-сиёсий маконда ҳам ўзининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатиш учун курашда намоён бўлади».¹

Кўриниб турибдики, буюк давлатчилик шовинизми ғайриинсоний характерга эга. Зеро, у ўз моҳиятига кўра миллий тенгсизликни оқлаш, тарғиб қилиш ҳамда ҳимоя қилишнинг ўзига хос шаклидир.

Афсуски, бизнинг ўлкамиз ҳам буюк давлатчилик шовинизмининг ҳалокатли таъсиридан четда қолмади. **«У ҳам узоқ вақт давомида шовинистик ва агрессив миллатчилик ғояларининг бутун жафоларини тортиб келди, - деб ёзади И.Каримов. – Ўзбекистон чор Россияси империяси, сўнгра эса собиқ Совет империяси таркибида мажбуран ушлаб турилган мураккаб даврни бошидан кечирди».**²

¹ Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. –Т.: «Ўзбекистон», 1997, 67-бет.

² Ўша асар, 111-бет.

Бугунги кунда инсон онги ва қалби учун кураш кескин тус олаётган экан, хилма-хил қарашларнинг мафкура майдонида ҳукм-ронлик қилишга интилиши табиий. Бунга эътиқод умумийлигига асосланган ҳолда якка мафкура ҳукмронлигини таъминлаш орқали жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан ўзига қарам қилишга бўлаётган хатти-ҳаракатларни мисол келтириш мумкин. **Диний экстремизм** шулар жумласидандир. Масалан, улар ижтимоий, миллий хусусияти, қайси давлатга мансублигидан қатъи назар, барча мусулмонларнинг бирлашуви ғоясини илгари сурадилар. Улар ҳеч қандай маъмурий-жўғрофий ҳудудни тан олмайдилар, ер юзидаги барча мамлакатларда ягона мусулмонлик бирлиги ва уларнинг диний ва дунёвий ҳокимиятини ўзида мужассамлаштирган **«халифа»** раҳбарлигидаги ягона мусулмон давлати қуришни кўзлайдилар. Бу шартни бажармоқ, ниятга етмоқ учун ҳар қандай хунрезликка ва биродаркушликка фатво берадилар.

Ҳозирги кунда тил, маданият, урф-одатлардаги умумийлик, этник бирликка асосланган ҳолда ягона мафкуравий майдонни юзага келтириш борасидаги қарашлар ҳам мавжуд. Бундай қарашларнинг шаклланиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бугунги кунда уларнинг ҳар бири ўзига хос тарзда дунёнинг мафкуравий манзарасида муайян ўринни эгаллашга уринмоқда.

Бугунги кунда халқларнинг лисоний бирлигига таянган ҳолда уларнинг маънавий-маърифий бирлигини таъминлаш байроғи остида тақдим этилаётган ғоялар ортида ҳам аслида ғаразли мақсадлар яширинганлигини унутмаслик лозим.

Шундай қилиб, мафкура ва мафкуравий тарбия масаласи ўз мустақиллигини қўлга киритган мамлакатимиз учун ҳам муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Зеро, кўзланган мақсадларга миллий мафкура ва унга асосланган тарбия тизимисиз эришиш мумкин эмаслиги аниқ. **«Мен,— деб ёзади Президентимиз, — Абдулла Авлониининг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир» деган фикрини кўп мушоҳада қиламан.**

Буюк маърифатпарварнинг бу сўzlари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса,

ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир».¹

Жамият ҳаётида мафкуравий омилларнинг сезиларли таъсири мавжудлигини бир қарашдаёқ сезиш мумкин.

Ғаразли геосиёсий мақсадларга эришиш йўлида мафкуравий таъсир ўтказишда энг аввало **«Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил»** деган қадимий тамойилга амал қилишга уринишни таъкидлаш зарур.

Бу тамойилни рўёбга чиқаришнинг биринчи йўли мамлакат ичида ижтимоий парокандаликни келтириб чиқаришдир. У жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларида ўзига хос кўринишда намоён бўлмоқда. Масалан, мамлакатимизга нисбатан бу усул ўтиш давридаги ижтимоий-сиёсий қийинчилик-ларни бўрттириб кўрсатиш орқали аҳолининг мавжуд ҳолатдан норозилигини уйғотиш, ўз ноғораларига ўйнайдиган муҳолифатчи кучларни юзага келтириш йўли билан сиёсий беқарорликни келтириб чиқаришга бўлган ҳаракатларда намоён бўлди. Бу йўлда диний омилдан фойдаланишга уринишлар ҳам кузатилди. Ана шу ҳолат ҳам **«мақсад воситани оқлайди»** деган ақиданинг геостратегик манфаатларни рўёбга чиқаришнинг асосий қондасига айланаётганини кўрсатади.

«Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» тамойилини амалга оширишнинг иккинчи йўли минтақа давлатлари ўртасида турли зиддиятларни юзага келтиришдир. Бу йўлнинг энг кенг тарқалган усули гўёки минтақада гегемонликка талабгор бўлган давлатнинг борлигини асослаш, таъбир жоиз бўлса, шундай давлат образини яратишдир. Бундай образларнинг яратилиши ер юзининг турли минтақаларидаги низоли, кам деганда давлатлараро муносабатларда тангликни юзага келтирганлиги тўғрисидаги мисолларни келтириш мумкин. Бундай **«образлар»** яратилиши натижасида мамлакатларнинг моддий-молиявий, маънавий-интеллектуал салоҳияти жамият тараққиётини таъминлаш ўрнига ана шу **«образ»** таъсирининг олдини олишга йўналтирилмоқда. Натижада иккинчи асосий мақсадга – муайян давлатни заифлаштириш орқали ўз «иттифоқчисига» айлан-тиришга эришилмоқда.

¹ Каримов И. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. –Т.: «Ўзбекистон», 1998, 23-бет.

«Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» тамойилини амалга оширишнинг учинчи йўли халқаро майдонда муайян мамлакат ҳақида нотўғри, ноҳолис тасаввурларни шакллантиришдир. Халқаро муносабатлар майдонидан айрим мамлакатларнинг вақти-вақти билан *«қувғин»* қилиниб турилиши ана шундай ҳаракатлар натижасидир.

Имтиёзли ҳамкорни белгилаш муайян минтақада геостратегик манфаатларни амалга оширишга хизмат қиладиган яна бир тамойилдир. Албатта, муайян сабаблар, айтайлик, диний, лисоний бирлик, маданий яқинлик ёки бошқа сабабларга кўра ҳар бир давлат қайсидир давлат билан имтиёзли ҳамкорлик қилиши мумкин. Бу табиий ҳолат. Аммо гап *«имтиёзли ҳамкор»*дан минтақа давлатлари ўртасида айирмачиликни шакллантириш, *«номақбул»* давлатлар имкониятларини чеклаш йўлида фойдаланиш, шу билан бирга *«ҳамкор»* давлатнинг минтақадаги бошқа давлатлардан қайсидир жиҳатдан устунлигини таъминлашга қаратилган интилишлар ҳақида бормоқда. Аслида у ёки бу кўринишдаги устунликни таъминлаш ҳам асосий мақсад эмас. Бош мақсад – муайян минтақага таъсир ўтказиш – плацдармга эга бўлишдир. Бундай плацдармга эга бўлишга интилиш ўз навбатида ушбу минтақанинг геостратегик имкониятлари билан белгиланади, имтиёзли ҳамкорликни белгилашда ана шундай узоқни кўзловчи ғаразли геосиёсий ва геостратегик мақсадлар ҳам ётиши мумкинлигини унутмаслик лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда, *«имтиёзли ҳамкор»* тамойили **«Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил»** тамойилининг тўлдирувчиси сифатида юзага чиқади.

Тенг ҳуқуқли ва ўзаро ҳамкорлик тамойилига амал қилиш – геостратегик манфаатларни рўёбга чиқариш ва давлатлараро алоқаларни мустаҳкамлашнинг энг оқилона ва тўғри йўлидир. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигининг биринчи кунлари-данок ана шу тамойилга амал қилиб келмоқда. Негаки, бу тамойил геостратегик манфаатлардаги уйғунликка эришиш ва жаҳон миқёсида тараққиётни таъминлаш омилидир.

Мафкуравий ҳимояланиш шахс томонидан Ватан, миллат учун кўнгилли, ғоявий асосланиб амалга ошириладиган кундалик ишларда намоён бўлади. Бу фаоллик миллий бирлик, маънавий юксалишга ҳалақит бераётган сифатлар, ёт қарашлар, миллий хавфсизлигимизга, ички ва ташқи таҳдидларга очиқ ва мардона

қарши туришни ҳам ўз ичига олади. Бошқача қилиб айтганда, - элим, юртим деб яшашнинг ҳар бир кишида, жамоада намоён бўлишини англатади. Бу эса миллий ғояни амалий кучга айлантириш ва бузғунчи мафкуравий таъсирлардан аҳолини, ёшларни ҳимоя қилишнинг шартларидан биридир. Зеро, *«фикр ва сўз амалиётга йўналтирилганда, уларнинг ҳар иккиси ҳам моддиятга – нарсага айланади»*.¹

Ёт ва бегона мафкуралар тарғиботининг *«меҳрибонлиги»*, *«холислиги»* ва *«бетарафлиги»*, *«ёқимлилиги»*, *«дўстоналиги»*нинг ортида нима ётганини ёшларимиз доимо билишлари лозим. Яъни уларнинг замирида мустақил Ўзбекистон Республикасининг ривожланиб кетишига қараб мунтазам тактикасини ўзгартириб турувчи жонсарак ақидапарастлик тарғиботи натижаси ва амалиёти ётганини, уларнинг анъанавий фундаменталистик назария ва ғояларини замонавий усулларда *«жонлантираётганини»* тушунишлари зарур.

Шу билан бирга, айрим ёшларимиз ҳар хил ёт ғояларни холис ахборот манбаи сифатида қабул қилаётганликларини ҳам таъкидлаш керак. Ёт ва бегона мафкураларни кўр-кўрона қабул қилиш зарарли оқибатларни келтириб чиқариши муқаррар. Шунинг учун ҳар бир киши, миллат, халқ, давлат ва жамиятнинг ҳам аниқ мақсадлари бўлиши шарт. Шу билан бирга бу мақсад англандан, уни амалга оширишда собитқадамлик даркор. Ана шундай аниқ мақсад бўлмас экан, хоҳ алоҳида инсон, хоҳ миллат ёки жамият бўлсин, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги мафкуравий тазйиқларга бардош бериши амримаҳолдир.

Шундай экан, вояга етаётган ёшларни, умуман, халқимизни маънавий баркамол, иродаси бақувват, имони бутун, кучли мафкуравий ҳимояга эга шахс сифатида тарбиялаш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолаверади. Зеро, уларни миллат, давлат, Ватан шаъни дахлсизлиги учун истаган пайтда намоён бўладиган ишончли фазилатлар билан қуроллантириш лозим.

Назорат учун саволлар

¹ Ван Янмин. Ҳақиқат манзаралари: 96 мумтоз файласуф. –Т.: 2002, 230–372-бетлар.

1. «Дунёнинг мафкуравий манзараси» тушунчаси. Унинг жаҳон сиёсий харитаси билан узвий алоқаси, унга мос келиши, фарқ қилиши.

2. Мафкуравий майдон тушунчаси ва унда турли ғоя ва мафкуралар тўқнашуви, зиддият ва ўзаро ҳамкорликнинг акс этиши.

3. Мафкуравий полигон тушунчаси унинг намоён бўлиш хусусиятлари.

4. Мафкуравий полигонларнинг таъсир кучи, таъсир кўрсатиш усуллари ва воситалари.

5. Мафкуравий полигонлар таъсиридан ҳимояланиш ҳамда мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш ва профилактика масалалари.

3.2. Мафкуравий муносабатлар, ғоявий зиддият ва мафкуравий толерантлик

Таянч тушунчалар:

Ғоявий зиддият, ғоявий кураш, мафкуравий бағрикенглик, ғоявий плюрализм, «Ғояга қарши фақат ғоя» тамойили, «Бағрикенглик тамойиллари декларацияси», сиёсий ислоҳотлар, кўппартиявийлик

Ғоявий зиддият – турли манфаат, мақсад ва интилишларни ифодаловчи ғоялар ва уларга таянадиган куч ва ҳаракатлар ўртасидаги қарама-қарши муносабатни ифодаловчи тушунчадир. Бундай зиддиятларнинг замирида талаб-эҳтиёжлар, мақсад-муддаолар, уларни қондириш усуллари, йўллари ва воситаларининг ҳар хиллиги ётади. Озодлик, мустақиллик ва адолат ғоялари билан босқинчилик, тажовузкорлик ва мустабидлик ғоялари ўртасидаги кураш бунинг ёрқин мисолидир. Инсон ва жамият бор экан, эзгу ғояларнинг қарама-қаршиси бўлган зулм ва зўравонлик, қабоҳат ва жаҳолат янги-янги шаклларда намоён бўлишга уринади. Бунга тарихдан кўплаб мисоллар топилади. Лекин улар инсоннинг адолат, тинчлик ва биродарлик, тараққиёт

ҳамда фаровонлик ғояларига таяниб, олий мақсадлар сари интилишини асло тўхтата олмайди.

Ғоявий зиддиятлар ва курашлар тарихини ўрганиш шундан далолат берадики, неча минг йиллар давомида эзгу ва тараққийпарвар ғояларга қарши қурол, куч, макр-ҳийла ишлатиб келинди. Қарам халқларга қуллик психологияси сингдирилди. Босқинчиларнинг динлари, қадриятлари зўрлаб ўтказилди. Эрк ва мустақиллик, адолат ва ҳаққоният ғоялари шафқатсиз бўғиб қўйилди. Инсоният ўзлигини англай бошлаган ҳозирги замондаги ғоявий зиддиятларни демократия ва плюрализм тамойили асосида ҳал қилиш имкониятлари очила бошлади.

Шунинг учун ҳам юксак маданият мужассам этган жамиятда ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳақидаги тамойил майдонга ташланди.

Ислом Каримов томонидан мазкур тамойил ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги даврдаги мафкуравий курашнинг янгича усули сифатида исботлаб берилган.

Президентимиз асарлари асосида ғоявий зиддият ва қарашлар тарихини ўрганиш шундан далолат берадики, неча минг йиллар давомида эзгу ва тараққийпарвар ғояларга қарши қурол, куч, зўравонлик ва макр-ҳийла каби турли усул ва воситалар ишлатиб келинганлиги ҳақида юқорида эслаб ўтилган эди.

Ҳозирги кунда диний экстремизм, террорчилик, миллатчилик, шовинизм, маънавий қашшоқлик, ахлоқсизлик ғояларини тарғиб қилиш жиддий мафкуравий хавф сифатида намоён бўлмоқда. Сўнгги йилларда бу борада интеллектуал ва оммавий ахборот воситаларидан ҳам фойдаланилмоқда. Муайян мафкуравий полигонларнинг муттасил тарқатаётган ахборотларидаги ёвуз ва зарарли ғоялар оқими, жангари фильмлар, болаларга мўлжалланган бузғунчи ғоялар асосида ишланган ўйинлар, компьютер тармоқлари дастурларини ишдан чиқарадиган «вирус» ларни тарқатиш бунга мисол бўла олади. Шунингдек, ҳозирги глобллашув шароитида ғоявий қарамликка солишнинг хилма-хил усуллари қўлланилмоқда, турли «овоз»лар, оммавий ахборот воситалари, ахборот технологиялари ёрдамида мафкуравий тажовузлар уюштирилмоқда.

Мустақилликка эришган мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси учун ҳам бундай хавфларни бартараф этиш

масалалари ғоявий муаммолар доирасига киради. Ғоявий зиддият ҳамда мафкуравий кураш тобора мураккаблашиб бораётган, унинг янги-янги усуллари ўйлаб топилаётган ҳозирги кунда ушбу таҳдид ва таъсирларга фақат кучли ва эзгу ғоя, ўзликни англаш, соғлом мафкурагина қарши тура олиши мумкин.

Шунинг учун ҳам Ислом Каримов томонидан юксак мафкуравий маданиятни мужассам этган ғоявий зиддиятларга қарши тура оладиган **«Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш»** ҳақидаги тамойил назарий жиҳатдан асослаб берилди ва у мамлакатимизда муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Шу маънода, миллатимиз, ўзбек ёшлари, уларнинг онги эркин, мустақил фикрлаш, умуман ғоявий дунёқараш тамойиллари руҳида тарбия топмоғи лозим. Зеро, бугунги ёшлар халқимизнинг эртанги тақдири ва истиқболи, орзу-умидларидир.

Мафкуравий толерантлик (бағрикенглик) – *хилма-хил қараиш, интилиш, ёндашувга эга бўлган турли мафкуравий позицияда турувчи кучларнинг жамият ва миллат манфаатлари йўлида ҳамкорлик қилишни, эзгу мақсадларни кўзлаб, ҳамжиҳат фаолият юритишни ифодаловчи тушунчадир.* 1995 йил 16 ноябрда Парижда ЮНЕСКОнинг XXVIII сессиясида қабул қилинган **«Бағрикенглик тамойиллари деклорацияси»** ер юзидаги барча мамлакатларда мафкуравий бағрикенгликни шакллантиришнинг умумназарий асосидир.

Мафкуравий толерантлик ғоясининг асосий хусусияти шундан иборатки, у жамиятда асрлар давомида шаклланиб келган бунёдкор ғоялар, эзгу ниятлар ва мақсадларнинг руёбга чиқиши учун замин яратиб беради.

Ҳозирги даврда мафкуравий толерантлик ғояси жамиятдаги барча қатлам, ижтимоий гуруҳ ва миллатларнинг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутди ва мамлакатда тинчлик, барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси халқи демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти курмоқда. Барпо этилаётган жамияти кучли фуқаролик жамиятининг сиёсий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган ва кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланаётган бугунги кунда, эзгу мақсадларга йўналтирилган мафкуралар фаолияти учун бир хил шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Шаклланаётган миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири – ижтимоий ҳамкорлик ғоясининг мазмун-моҳияти айнан шу фикрларни тасдиқлайди. Унда жамиятимизда барча қатлам, ижтимоий гуруҳлар ва миллатларнинг озод ва обод Ватан барпо этиш йўлидаги ижтимоий ҳамкорлик акс эттирилган.

Қарашлар ранг-баранглиги, ғоялар хилма-хиллиги, сўз ва фикр эркинлиги жамиятни соғломлаштирувчи, уни мустаҳкамловчи ўта муҳим омилдир. Бироқ – бу, хаёлга келган гапни айтиш, кўнгил тусаган ишни қилиш, ўз манфаати учун ҳамма нарсага тайёр туриш, дегани эмас. Бундан ташқари, эркин фикр дегани, албатта, тўғри фикр дегани ҳам эмас. Эркинликнинг ўзи эса англаб олинган заруратдир. Демак, фикр эркинлиги умумманфаат, умумжамият тараққиёти йўлидаги соғлом ҳаракат, соғлом фикр юритиш, имон-эътиқод юзасидан иш тутиш, демакдир.

Ижтимоий ҳамкорлик жамиятда барча кишилар, партиялар, тоифалар бир хил фикр юритсин, дегани эмас. Аслида ҳар бир ижтимоий кучнинг дунёқараши, манфаатлари турлича бўлади, бинобарин, улар бир-биридан фарқ қилади. Лекин булар учун умумий мақсад – ягона Ватан равнақи, тинчлиги, халқ фаровонлиги бўлиб қолаверишига эришиш ниҳоятда муҳим.

Аҳолининг турли қатламлари орасидаги муносабатлар ва ўзаро ҳамкорликни яхшилаш жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлашда замин яратади. Аксинча, ана шу ҳамкорликнинг издан чиқиши ёки муносабатларнинг ёмонлашуви бу барқарорликнинг бузилишига олиб келади, ижтимоий беқарорлик, сиёсий ва ғоявий парокандалик ва миллий бошбошдоқликни келтириб чиқаради.

Шундай қилиб, мафкуравий толерантлик – ҳамкорлик, муроса фалсафаси бўлиб, хилма-хил ғоялар ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва дин, сиёсий партияларга мансуб шахс ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигини таъмин-лайдиган кучдир. Бу борада Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг улкан ишлар бажарилди, ҳуқуқий кафолатлар яратилди.

Мафкуравий толерантлик тушунчаси **«Мафкуравий плюрализм»** тушунчаси билан узвий боғлиқ бўлиб, ўзаро яхлитликни билдиради.

Мафкуравий плюрализм (лотинча хилма-хиллик, ранг-баранглик) – ижтимоий-сиёсий ҳаётда турли қатлам, партия, гуруҳлар манфаатларини ифода этувчи ғоявий ранг-барангликни, қараишлар ва фикрлар хилма-хиллигини ифодаладиган тушунча. Мамлакатда илғор ғоялар мафкуралар қанча кўп бўлса, яъни мафкуравий плюрализм ҳукмрон бўлса, тараққиётнинг самарали йўлини танлаб олиш учун имконият шунчалик кенг бўлади. Фикрий кураш, мафкураларнинг маъно-мазмун жиҳатидан бойишига, бир-бирини тўлдиришига хизмат қилади.

Мафкуравий плюрализм ижтимоий тараққиётга хизмат қиладиган янгидан-янги ғояларнинг пайдо бўлишига турли халқлар, элатлар, миллатлар ва сиёсий гуруҳларнинг манфаатларини умумий тарзда руёбга чиқаришда шароит яратади. У муқаррар суръатда кўп партиявийлик тизимини тақозо этади. Сиёсий партиялар эса ўзлари мансуб бўлган қатламлар, сиёсий гуруҳларнинг манфаатлари, интилишлари, орзу-умидларини умумлаштирган ҳолда ўз ҳаракат дастурлари орқали намоён қилади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида барпо этилаётган кучли фуқаролик жамият ва бу ерда олиб борилаётган сиёсий ислохотлар ўз маъно-мазмун билан бу масалага ойдинлик киритади. Шу маънода Президент Ислом Каримовнинг қуйидаги мулоҳазаси муҳим аҳамиятга эга: **«Шунга эришиш керакки, мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги кўп партиявийлик муҳити қарор топиши даркор. Ҳар бир партия муайян ижтимоий қатламга таянган ҳолда, ана шу тоифа манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг аниқ ва равшан дастурига эга бўлиши керак. Унда ҳар қайси партиянинг мақсад ва вазифалари, жамият тараққиёти борасидаги муқобил таклифлар ўз ифодасини топиши лозим.»**¹

Хуллас, бугун мамлакатимизда сиёсий ислохотлар самараси ўлароқ, фикрлар плюрализм муҳити қарор топмокда. Бир неча сиёсий партиялар фаолият кўрсатиб, сиёсий ҳаётда фаол иштирок этмокдалар.

Жамият сиёсий ҳаётини янада демократлаштириш, унинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш—мамлакатимизда

¹ Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т.: «Ўзбекистон», 2000, 73-бет.

амалга оширилаётган **сиёсий ислохотларнинг** энг асосий йўналишидир.

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, унда миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган сиёсий маданиятини шакллантириш сиёсий ислохотларнинг қон томири ҳисобланади. Миллий истиқлол ғоясининг сиёсий соҳадаги хусусиятларининг моҳияти ана шуларда намоён бўлади.

Ижтимоий тараққиётга интилаётган, сиёсий ва иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш йўлидан бораётган ҳар қандай жамият ҳуқуқий маданияти юксак, озод ва эркин шахсни тарбиялашга интилади. Зеро, шундагина эркин дунёқараш ва виждон эркинлиги, плюрализм ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш, гуманизм ва умуминсоний қадриятларга амал қилиб яшаш тамойили жамият ҳаётининг асосий мезонига айланади.

Сиёсий ислохотларнинг асосий йўналишларидан яна бири — жамиятимиздаги турли манфаатлар, мақсад-муддаолар, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизмни шакллантириш, сиёсий ҳаётда ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик тамойилини қарор топтиришдир.

Мулк шакллари хилма-хиллиги ва ижтимоий табақаланиш жараёнига мос ҳолда турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ҳамда ҳаракатлар ҳам пайдо бўлмоқда. Мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши бунинг яққол далилидир.

Ҳозирги ўтиш даврида мулкчиликнинг нодавлат шакллари ва сиёсий партиялар кундан-кунга кучга тўлиб, ўз мавқеларини ошириб бормоқда.

Шу ўринда, Президент И.Каримовнинг шу борадаги мулоҳазаларини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир: **«Шунга эришиш керакки, мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик муҳити қарор топиши даркор. Ҳар бир партия муайян ижтимоий қатламга таянган ҳолда, ана шу тоифа манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг аниқ ва равшан ҳаракат дастурига эга бўлиши керак. Унда ҳар қайси партиянинг мақсад ва вазифалари,**

жамият тараққиёти борасидаги муқобил таклифлари ўз ифодасини топиши лозим».¹

Шу маънода, турли манфаатлар, қарама-қарши куч ва ҳаракатлар мувозанатини таъминлайдиган маънавий омил бу – миллий ғоядир. У ижтимоий гуруҳлар манфаати ва мафкурасидаги умумийликни, яъни умуммиллий манфаатларни ва ягона олий мақсадни акс эттирувчи ғоядир. У миллатнинг жипслиги, консолидациясига хизмат қилувчи маънавий кучдир.

Зеро, ана шундай шароит мафкуравий плюрализм ҳамда эркин дунёқарашни шакллантириш учун қулай имконият ҳисобланиб, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришда, унинг сиёсий ҳаётини такомиллаштиришда қўл келади.

Назорат учун саволлар

1. Ғоявий зиддият ва кураш, мафкуравий таъсир ҳамда акс таъсирнинг намоён бўлиш шакли сифатида.

2. «Мафкуравий толерантлик» тушунчаси ва турли ижтимоий субъектлар ўртасида бағрикенглик муносабатлари.

3. «Мафкуравий плюрализм» тушунчаси, унинг замонавий талқини.

4. Ўзбекистонда мафкуравий плюрализм ва унинг ҳуқуқий асослари.

5. Эркин дунёқарашни шакллантириш вазифалари, йўллари ва имкониятлари.

3.3. Мафкуравий инқироз ва ғоявий бўшлиқ

Таянч тушунчалар:

Глобаллашув, мафкуравий инқироз, мафкуравий ҳукмронлик, ғоявий парокандалик, мафкура яккаҳокимлиги, маънавий бузилиш, Э.Фромм, Ф.Фукуяма, аморализм, анархия, волюнтаризм, ғоявий заифлик, ғоявий саводсизлик, ғоявий қарамлик

¹ Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т.: «Ўзбекистон», 2000, 81-бет.

Бугун дунёдаги глобаллашув шароитида ранг-баранг дунёқарашлар, турли миллий, диний, сиёсий оқимларнинг ўзига хос ғоялари мавжуд. Уларнинг баъзилари ўзаро уйғун ҳолда бир-бирларини тақозо этса, айримлари бир-бирига мутлақо зиддир. Ғоялар, мафкуралар таъсири натижасида дунёнинг айрим минтақаларида оммавий қирғинлар, фожеалар юз бераётган бўлса, бошқа ҳудудларда баъзи давлатларнинг юксак даражада ривожланаётганини кузатиш мумкин. Демак, ҳар қандай давлат ёки мамлакатнинг тақдири кўп жиҳатдан мафкуравий муаммоларнинг қандай ҳал қилинишига, ушбу соҳада инқироз ва таназзулга йўл қўйилмаслигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

«Ғоялар фалсафаси» фанида ўрганиладиган мавзулар доирасида жамият ҳаётидаги бундай жараёнларни, одамларнинг фаолияти ва турмуш тарзида бузғунчилик майлларини устувор қиладиган мафкуравий инқироз ва ғоявий таназзул ҳолатларини ифодалайдиган баъзи тушунчалар ҳам қўлланилади. **«Мафкуравий инқироз»** тушунчаси кишилик жамиятига хос муайян салбий ҳолатни изоҳлаш учун қўлланиладиган ана шундай тушунчалардан биридир. У маънавий соҳадаги тамойилларнинг қадрсизлангани, ғоявий парокандалик ва мафкуравий беқарорлик ҳолати, мавжуд ғоялар тизимининг ўз қадри ва аҳамиятини йўқотгани, бузғунчи ва бегона ғоялар таъсирининг кучайгани каби маъноларни англатади.

Маълумки, ҳар қандай мафкура муайян ижтимоий қатлам, миллат, давлат, жамиятнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсад-муддаолари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган тизимдир. Жамият тараққий этар экан, бу тизим ҳам такомиллашиб, янгиланиб бориши лозим. Шундагина у ҳаёт талаблари, ижтимоий тараққиёт қонунларига жавоб бера олади. Акс ҳолда, у янги замон реалликларига мос келмай қолади ва тарих саҳнасидан тушиб кетади. Собиқ коммунистик мафкуранинг инқироzi бунга мисол бўла олади.

Тарих далолат берадики, жамиятнинг янгиланиши арафасида одатда эски тизим, эски турмуш тарзи билан биргаликда ўша тизим мафкураси ҳам юз тубан бўлади, бундай ҳол маълум даражада мафкуравий инқирозни юзага келтиради. Ана шундай

шароитда мафкуравий бўшлиқ ва мафкуравий беқарорлик ҳамоҳанг аҳамият касб этади, Чунки бундай пайтда вазиятдан фойдаланиш илинжида турли ғаразли мақсадларни кўзлаган мафкуралар ҳам бош кўтаради. Агарда ана шундай ҳолатда эҳтиётсизликка йўл қўйилса, жамият ҳалокат ёқасига келиб қолиши мумкин. Том маънодаги мафкуравий инқироз ана шунда пайдо бўлади. Юзага чиққан турли бегона, ёт мафкуралар билан янгидан шаклланаётган ғоялар ўртасида муросасиз кураш боради. Бу кураш томонларнинг ўзаро вақтинчалик муваффақиятлари тарзида кечиши мумкин. Бундай ҳолат сиёсий ва ижтимоий ҳаётга жуда катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасида маънавий ва мафкуравий муаммоларни ҳал қилиш йўлида самарали ишлар олиб борилмоқда. Бу, аввало, мустабид мафкура асоратларини бутунлай бартараф этиш, миллий тараққиётга хизмат қиладиган, халқнинг дунёқарашига мос бўлган соғлом мафкурани, яъни миллий истиқлол ғоясини аҳолининг турли қатламлари қалби ва онига сингдириш, уни тараққиётимизнинг асосий омилларидан бирига айлантиришга ҳаракат қилиш билан боғлиқдир. Зеро, Президентимиз уқтирганидек: **«....мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаердаки мафкуравий бўшлиқ бўлса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин. Бунинг исботи учун хоҳ тарихдан, хоҳ замонамиздан кўплаб мисоллар келтириш қийин эмас».**

Мафкуравий инқироз намоён бўлишининг ўзига хос даражалари бор. Бу даражалар орасида бутун жамиятни қамраб оладиган умумий ғоявий инқироз энг кўп салбий оқибатларга олиб келиши ва кенг кўламга эга бўлиши билан характерланади. Бундай ҳолатда мафкуравий инқироз умумиҷтимоий таназзулнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади ва жамиятнинг барча соҳалари ҳамда қатламларини қамраб олади, унинг тараққиётига тўсиқ бўлиб қолади.

Мафкуравий инқирознинг ижтимоий даражаси кўп ҳолларда муайян жамиятнинг умумий таназзулини, унинг ҳаёти, шу жамият аъзоларининг фаолият мезонлари замон талабларига мос келмай қолганини англатади. Бу эса ўз навбатида, мавжуд ғоялар

тизими, мафкуравий воситалар ва усуллар мажмуининг кадрсизлангани, ўз аҳамиятини йўқотганини кўрсатади.

Мафкуравий инқирознинг индивидуал даражаси алоҳида шахсларнинг маънавий дунёси ва ижтимоий қиёфасининг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Бундай ҳолатда муайян шахс учун у яшаётган даврдаги баъзи ғоялар ва мафкура тамойилларининг аҳамияти йўқолиши, кадрсизланиши рўй беради. Мавжуд ғоялар ва мафкура тизими шу киши учун ҳаёт кечириш ва амалий фаолият мезони сифатидаги аҳамияти ва таъсирини йўқотади.

Мафкуравий инқироз кўп ҳолларда муайян бир давлат ва жамият тизими замон талабларига жавоб бермай қолган, унинг ўзгариши ва умуман, бирон-бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан бошқасига ўтиш арафасида ҳам юзага келади. Шу нуқтаи назардан олганда, мафкуравий инқирозни муайян тарихий шароитда юзага келадиган ғоявий турғунлик ҳолати ва ғоялар тизимининг ўзгариши арафасидаги жараён, деб аташ мумкин.

Ҳар қандай мафкуравий инқироз ғоявий парокандалик ҳолатининг натижаси ва ифодасидир. Муайян жамият, халқ, ижтимоий қатламларнинг ўз мақсадларини аниқ-равшан белгилаб олмагани, орзу-интилишлари ва манфаатларини ифода этадиган мафкура яратмагани сабабли ижтимоий онгда ва маънавий ҳаётда юзага келадиган ғоявий бошбошдоқлик ва беқарорлик ҳолати **ғоявий парокандалик**, деб аталади.

Ғоявий парокандалик одатда муайян сиёсий тизим ўз ҳаётини тугатган, бир тузумдан бошқасига ўтилаётган, ижтимоий сиёсий қутбланиш ва зиддиятлар кучайган, жамият турли табақаларга бўлиниб, ҳар бир ижтимоий-сиёсий куч ўзининг тор манфаатлари доирасида ўралашиб қолган вазиятларда рўй беради. Бу ҳолат жамиятни янада тарқоқ қилишга, бир-бирига душман тарафларга ажратиб юборишга олиб келади. Мамлакатда ички зиддиятлар кучайган, қатлам, тоифа, миллий-этник бирликлар ўртасидаги қарама-қаршилик зўрайган ҳолларда ҳам ана шундай ҳол рўй беради.

Тарихдан маълумки, ғоявий парокандалик туфайли давлатлар ва халқлар қарамликка, иқтисодий ва мафкуравий исканжага тушиб қоладилар, таназзул ва тушкунликка йўликадилар. Жамиятдаги барча қатлам ва гуруҳларни умумий мақсадлар ва

туб манфаатлар йўлида бирлаштирадиган ягона, умумхалқ мафкурасигина ғоявий парокандаликка барҳам беради. Демак, мафкуранинг ижтимоий ҳаётдан узилиб қолиши жамият тараққиётига тўсиқ бўлади ҳамда ғоявий турғунлик ва шу жабҳадаги инқироз ҳолатини келтириб чиқаради. Бу жараён кўп ҳолларда давлат ва жамиятда мафкура яккаҳокимлиги ўрнатилган, мазкур жабҳада мафкуравий ранг-баранглик ва ғоявий плюрализмга йўл қўйилмаганининг оқибатидир. Муайян бир давлат, жамият ёки ижтимоий гуруҳ давлатларда ягона мафкуранинг тўла ҳукмронлигини унга хос тамойилларнинг ўзгармас ақидалар тарзида жамият ҳаётида қатъий ва мутлақ тартибда ўрнатилиши **«Мафкура яккаҳокимлиги»** тушунчаси орқали ифодаланади.

Мафкура яккаҳокимлигининг моҳияти шундаки, бунда бирон-бир ғояга асосланган мафкуравий тизим жамиятдаги барча қатламлар манфаатларини ифода этувчи ягона илмий, энг адолатли мафкура деб эълон қилинади. Ўзининг моҳияти ёки бирон-бир жиҳати билан ундан фарқ қилувчи ғоя ва қарашларга эса ёт ва душман мафкуралар сифатида қаралади. Оқибатда миллионлаб кишиларда мутелик, лоқайдлик, боқимандалик, маҳдудлик, ўзга ғояларга ҳадиксираб қараш руҳияти шакллантирилади, жамиятнинг маънавий ривожига, илм-фан равнақига жиддий зарар етказилади.

Тарихий тажриба шундан далолат берадики, яккаҳокимликка интилган, мутлақ ҳақиқатни даъво қиладиган мафкуранинг истиқболи йўқ. Чунки у яккаҳукмронлик ўрнатиш баробарида, ўзини бойитиб борадиган манба – фикрлар ранг-баранглиги ва қарашлар хилма-хиллигидан узилиб қолади. Собиқ иттифок даврида етмиш йилдан зиёд яккаҳукмронлик қилган коммунистик мафкуранинг таназзули бунинг яққол исботидир.

Франциялик сиёсатшунос Жак Баранинг фикрича, баъзи мамлакатларда иқтисодий фойда кетидан қувиш ғояси маънавий кадриятларни йўқ қилиб юборилишига олиб келмоқда. Уларда оила, жамоа, миллат тушунчалари ниҳоятда қадрсизланиб кетган, одамларнинг аксарияти фақат бугунги кун ва фойда олиш учун яшайди, эгоизм ва эгоцентризм майллари кучайиб кетган. Биз яшайдиган минтақада, дейди у, маънавий-ахлоқий таназзул нафақат оддий одамлар, балки халқлар ва давлатлар бошига

кўпдан-кўп фалокатларни солди, сиёсий инқироз эса миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қуритган иккита жаҳон урушини келтириб чиқарди. Таназзул масалалари олимлар ва мутахассисларнинг ҳам диққат марказида турибди, уларнинг баъзилари бу борадаги муаммоларнинг ечимини топиш мушкуллигидан тушкунликка ҳам тушмоқдалар. Кейинги юз йилликда шу йўналишда чоп этилган таниқли олимлар қаламига мансуб баъзи китобларнинг номланиши ҳам бу фикрнинг ҳақиқат эканини яққол кўрсатади: **«Европанинг сўниши»** (О.Шпенглер, 1918), **«Эркинликдан қочиш»** (Э.Фромм, 1941), **«Қуллик сари йўл»** (Ф.Хайек, 1944), **«Онгнинг емирилиши»** (М.Хоркхаймер, 1947), **«Цивилизация тарих ҳукми олдида»** (А.Тойнби, 1952), **«Мафкуранинг емирилиши»** (Дж. Белл, 1960), **«Лигитимлик инқироzi»** (Ю. Хабермас, 1973), **«Эркин жамият сукунати»** (П.Фейерабанд, 1978), **«Тарих интихоси»** (Ф.Фукуяма, 1985), **«Ёруғликдан зулмат сари»** (2000), **«Ғарбнинг ўлими»** (П.Ж.Бьюкенен, 2001).

Ушбу китоблар номларига эътибор берсангиз мафкуравий таназзул маънавий бузилишнинг оқибати бўлиши ҳам мумкинлигига ишонч ҳосил қиласиз. **«Маънавий бузилиш»** умуминсоний ва миллий ахлоқ, қадрият, маданият, дин ва тарбия асосларига зид бўлган, инсон шахсининг тубанлашуви, ижтимоий, маънавий-ахлоқий меъёрларга риоя этмаслик, инкор этиши ёхуд уларнинг илдизларини емиришга қаратилган ёвуз хатти-ҳаракатларни англатувчи тушунчадир. У муайян кучлар, марказлар, шахслар томонидан ўз манфаатларини гоёвий-мафкуравий жиҳатдан таъминлаш, гаразли мақсадларни кўзлаб, мамлакати ва ўзга давлат халқи, айниқса, ёшларини чалғитиш, уларнинг онгига гайриинсоний ва гайриахлоқий гоё ва қарашларни сингдиришга хизмат қилади.

Маълумки, XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошларида кўпгина Ғарб мамлакатларида маънавий бузилиш (палапартиш жинсий муносабатлар, гиёҳвандлик, никоҳсиз оила, оммавий беҳаё клиплар, ахлоқсизлик, куч ва зўравонликни тарғиб этувчи фильмлар ва бошқалар) жамият ҳаётининг барча жабҳаларида яққол нимоён бўлди. Бу жараённинг чуқурлашуви, даҳшатли тус олаётгани Ғарб олимлари, махсус марказ ҳамда ОАВ томонидан амалга оширилган кўплаб тадқиқот натижаларида акс эттирилган.

Масалан, бир гуруҳ америкалик олимлар амалга оширган тадқиқот натижасига кўра, тартибсиз жинсий ҳаёт кечираётган ўсмирларнинг 30 фоизи бахтсизлиги, умидсизлиги, ҳаётдан қониқмаслигини тан олган. Уларнинг маълум қисми жинсий хасталикка учраган, бошқалари эса чуқур руҳий тушкунлик ҳолатига тушиб қолган. Шунингдек, тадқиқотда америкалик ўсмирлар ўртасида жинсий-ахлоқий бузғунчилик, автомашиналарни олиб қочиш, ўғирлик, зўравонлик, вандализм каби ҳолатлар кўпайиб бораётгани аниқланган. Америкалик социолог Ф.Фукуяма Ғарб жамияти дуч келаётган жиддий муаммоларнинг сабаблари ҳақида тўхталиб, улар, аввало, оила институтининг инқирозга учрагани билан боғлиқ, деган хулосага келади. Фукуяма назарида, *«оила — ижтимоий капиталнинг муҳим манбаи»*, яъни айнан оилада фуқаролик ахлоқининг асослари яратилади, унинг ўрнини ҳеч қандай қонунчилик актлари билан тўлдириб бўлмайди». Д.Вилкерсон эса Ғарб жамиятида ахлоқий бузуқлик авж олиб бораётганига сабаб кабель телевиденияси орқали намоиш этилаётган беҳаё сахналар, гомосексуализм, садизм ва мазохизм каби ғайриинсоний иллатлар кенг тарғиб этилаётгани деб таъкидлайди. Энг хатарлиси шундаки, Ғарб мамлакатлари ўз дунёқараши, андозалари ва ҳаёт тарзини турлитуман воситалар, хусусан, ғоявий-мафкуравий таъсир этиш ўзга миллат ва халқлар турмушига тикиштиришга уринмоқда.

Мафкуравий инқироз ва ғоявий таназзул даврини характерловчи хусусиятлар орасида бевосита аҳолининг маънавий қиёфаси, одамларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларга муносабати орқали намоён бўладиган белги ва хусусиятлар ҳам мавжуд. Улар орасида бундай таназзул рўй бераётган жойдаги одамлар орасида меҳр-оқибат, меҳр-шафқат, бағрикенглик, ижтимоий фаоллик каби хислатлар камайиб боради, аксинча эса лоқайдлик, бепардлик, безорилик, бераҳмлиқ ва айниқса, бепарволик каби иллатлар кўпаяди.

Мафкуравий инқироз даврида маънавий бузилиш ва **аморализм** (юнонча. *а* — йўқ, инкор этиш ва латинча *«moralis»* — ахлоқий) тамойилларининг салбий таъсири ҳам кучаяди. Аморализм жамиятдаги хулқ-атвор нормаларини инкор этади. Масалан, инсон, жамият, миллат ишига бепарво ва совуққонлик билан ёндашиш, салбий муносабатда бўлишни ифодаловчи

маънавий иллатлардан бири лоқайдлик ғоявий таназзулнинг доимий ҳамроҳи, десак хато бўлмайди. Муайян кишининг гоҳида ўз ҳаёти, ўзгалар фаолияти, атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга бефарқлигини англатувчи тушунча бўлган лоқайдлик ҳаётининг позициянинг аниқ эмаслиги, долзарб вазифалардан ўзини олиб қочиш, эл-юрт, жамият ва миллат ташвишларидан четда туриш кабиларда намоён бўлади. Бепарволик эса кишидаги ўзгалар ҳаётига, атроф-воқеликка бефарқлик, эътиборсизлик, лоқайдликни англатувчи тушунчадир. Айниқса, давлат ва жамият ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўлаётган, Ватан тақдири ҳал бўлаётган паллаларда кишилардан юксак фаоллик, масъулият талаб қилинган шароитдаги бефарқлик ва лоқайдлик, нафақат иллат, балки жиноят ҳамдир.

Мафкуравий инқироз даврида намоён бўладиган иллатлардан яна бири **безорилик** бўлиб, у маънавий талаблари ва ахлоқ қоидаларини бузиш каби хатти-ҳаракатларда ифодаланади. У менсимаслик, ўзга кишиларга ҳақоратомуз муомала ва шилқимлик қилиш, сўқиниш, яланғоч ҳолда юриш, жониворларга шафқатсиз муносабатда бўлиш, ўсимликларга зарар етказиш кабиларда намоён бўлади. Хулқ-атвор қоидаларига ҳурматсизлик, ўзганинг мулкига жиддий зарар етказиш ёки уни нобуд қилиш, уриш-дўппослаш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар ҳам безорилик ҳисобланади.

Шундай иллатлардан бири **бемехрлик** инсоннинг бошқаларга нисбатан салбий ёки нейтрал тус олган ҳиссий муносабатини ифода этади. Уни икки маънода талқин этиш мумкин: биринчидан, одамларга нисбатан салбий муносабат, тажовуз ва шафқатсизликни англатса, иккинчидан, бефарқлик, тошбағирлик шакли сифатида намоён бўлади. Бемехрлик одамда ўзгаларга нисбатан кўпинча лоқайдлик, бефарқликда яққол намоён бўлади. Масалан: касал одамга куюнмаслик, муҳтож одамга ёрдам қўлини чўзмаслик ёхуд ҳалокатли ҳодисани индамай кузатиб туриш шунинг аломатидир. Бола тарбиясига эътиборсизлик, кўрс ва кўпол муносабатда бўлиш, камситиш, оилада ота-она ва фарзанд муносабатларидаги ҳиссий ғариблик унинг ҳаётида ўзгаларга нисбатан меҳр ҳиссининг етарли даражада шаклланмаслигига сабаб бўлади.

Ахлоқ-одоб қоидаларига зид бўлган хусусиятлардан яна бири **беодоблик** бўлиб, у ғоявий таназзулнинг ҳосиласи сифатида инсоннинг бошқалар билан бўлган муносабатида намоён бўлади, имон, инсоф, андиша, шарму ҳаё, инсонпарварлик каби ахлоқий мезонлар чегарасидан чиқишини англатади. У муайян мақсад йўлида ва мақсадсиз амалга оширилиши мумкин. Бошқа бир тасниф бўйича беодоблик анланган ва анланмаган кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Анланган беодобликни одам билиб туриб, ёмон ниятда амалга оширади. Анланмаган беодобликка одам ахлоқий мажбуриятни нотўғри тушуниши сабабли йўл қўйиши мумкин. Беодоблик меъёри муайян хатти-ҳаракатнинг мазмунига, унинг амалга оширилишидаги шарт-шароитлар, шунингдек, уни шу ишни қилишга мажбур қилган мотив ва ниятларга боғлиқ. У туғма хусусият эмас, балки тарбиясизлик маҳсулидир. Шунинг учун халқимизда «**Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин**» деган нақл бор. Бундай иллатларга қарши кураш, замон даъватларига ҳозиржавоб ва давр билан ҳамнафас, маънан баркамол кишиларни тарбиялаш бу соҳадаги долзарб вазифадир. Демак, мафкуравий инқироз муайян мафкура тизимидаги такомиллашиш ва янгиланиш жараёнининг тўхтаб, мафкуравий ақидаларнинг реал ҳаёт, амалиётдан узилиб қолиши натижасида рўй беради. Бундан фарқли тарзда мамлакатимиз Раҳбари томонидан асослаб берилган миллий истиқлол ғояси юртимизда бирон-бир мафкуранинг мутлақлашуви, яккаҳоким ақидага айланишига йўл қўймайди. У фикрлар ранг-баранглигига асосланади, ижтимоий ҳаёт, сиёсий ташкилот, мафкураларнинг хилма-хиллигига таянган ҳолда, жамиятнинг самарали ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Бундан фарқли равишда мафкуравий инқироз сиёсий ҳаётда **анархия** (*гр.-бебошлик, ҳокимиятсизлик*) тарзида ҳам рўй бериши мумкин. «**Анархизм**» ҳар қандай ҳокимият ва давлатнинг тартибларини инкор этувчи, ҳар ким ўзига ўзи хўжайин, деган қарашни асос қилиб олувчи ғоялар асосида шаклланган ижтимоий-сиёсий оқимдир. У жамият тараққиёти умумий манфаатларини фуқароларнинг индивидуал, яъни ўзига хос манфаатларига қарама-қарши қўйиш, умумий манфаатларни ҳисобга олиб, жамиятни бошқарувчи, бирлаштирувчи, тартибга солувчи давлат ҳокимиятини тан олмаслик ғоясига таянади.

Мафкуравий инқироз баъзида **волютаризм** (лотинча «*voluntare*» – *ирода*) тамойилларига ортиқча аҳамият берилиб, уларнинг устуворлиги мутлақлаштирилиб юборилган ҳолларда ҳам рўй бериши мумкин. Бунда сиёсий ва ғоявий соҳаларда жамиятда инсон онгидан мустақил бўлган объектив қонуниятларни инкор этиш ва асосан, муайян шахснинг субъектив иродаси тараққиётни белгилайди, деб билиш устувор тамойилга айланади. Мафкуравий инқироз жамиятда учрайдиган бошқа салбий ижтимоий қусурлардан холи равишда, алоҳида ҳолда содир бўлмайди. Балки ақидапарастлик, тоталитаризм, фашизм, шовинизм каби салбий жараёнлар билан узвий алоқадорликда намоён бўлади. Масалан, тоталитаризм шароити халқаро талаб ва тамойиллар билан мутлақо ҳисоблашмасдан, давлатни идеологик бошқариш учун шароит яратади. Бундай шароитда халқни оломонга айлантириш, бунга рози бўлмаганларни жисмонан йўқотиш, террорчилик, қўрқитиш, зўрлаш ёки банди қилиш йўлидан борилади. Собиқ иттифоқда – Сталин, Германияда – Гитлер, Италияда – Муссолини, Испанияда – Франко диктаторлик қилган даврлар бунга мисол бўла олади.

Мафкуравий инқироз фикр қарамлиги ва тафаккур қуллигини ҳам вужудга келтиради. Муайян давлат ёки жамиятда кишилар фикри, тафаккури устидан муайян ғояларнинг ҳукмрон мавқега эгаллигини, инсоннинг содир бўлаётган воқеаларни мустақил баҳолаш имкониятидан маҳрум бўлганини «**Фикр қарамлиги**» тушунчаси орқали ифодаланади. Аслида инсоният доимо мустақиллик, озодлик ва эркинликка интилиб яшаган. Ижтимоий муносабатлар шаклларига мос равишда иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий эркинликлар, энг аввало, фикр эркинлиги тарзида намоён бўлган. Шунинг учун ҳам бошқа миллатлар, давлатлар устидан ҳукмронлик қилган мамлакатлар сиёсати ҳамиша босиб олинган халқларни тафаккур қуллигига маҳкум этишга қаратилган.

Инсоннинг муайян мафкурага, сиёсатга фикрий қарамлиги мустамлакачилик сиёсати ва унинг оқибатида вужудга келадиган мафкуравий инқирознинг энг машъум кўринишидир. Чунки фикр қарамлиги инсонни ўз-ўзини англашдан маҳрум қилиб, ундаги ижтимоий масъулият ҳиссини сўндиришга, сиёсий воқеликка нисбатан лоқайдлик кайфиятининг кучайишига олиб келади.

Айни пайтда, бошқача қарашлар билан ҳисоблашмайдиган мутаассиблар пайдо бўлишига замин яратади. Тафаккур қуллигидан озод бўлиб, фикрлар хилма-хиллигига, плюрализмга эришиш эса тараққиётнинг оқилона йўлини танлаш имкониятини беради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасида ислохотларнинг дастлабки босқичиданоқ кишиларнинг тафаккурини уйғотиш, ташаббускорлигини, сиёсий фаоллигини ошириш маънавий ўзгаришларнинг марказига қўйилди. Чунки собиқ мустабид тузум, *бир томондан*, тафаккур қарамлигини рағбатлантирувчи, *иккинчи томондан*, эркин фикрловчи кишиларни жазолаш, жисмонан йўқ қилишнинг мукамал мафкуравий механизмини яратган эди. Шунинг оқибатида кишилар онгида сақланиб қолган юқоридан кўрсатма, буйруқ ва қарорлар кутиш каби фикр қарамлиги кўринишлари, айтиш мумкинки, ислохотларни амалга оширишдаги қийинчиликларга сабаб бўлди.

Мафкуравий инқирознинг энг асосий белгиларидан бири ғоявий бўшлиқдир. **«Ғоявий бўшлиқ»** тушунчаси муайян шароитда жамият, ундаги тоифа ва қатламларнинг онгида содир бўладиган ғоясизлик, мафкуравий вакуум ҳолатини ифодалайди. Муайян ақидалар, фикр ва ғоялар замон танқидига учраганида ёки янги пайдо бўлган ижтимоий-сиёсий кучлар томонидан инкор этилганда, давр талабига жавоб берадиган ғоя ва мафкура тўла шаклланиб улгурмаган ҳолларда жамиятда ғоявий бўшлиқ вужудга келади. Унинг юзага келиши чуқур ижтимоий-сиёсий, маънавий психологик муаммо ва жараёнлар билан боғлиқ. Одатда янги ғоялар турлича таъсир кучига эга бўлади. Айрим гуруҳлар уларни жуда тез қабул қилади, баъзи тоифаларнинг аввалги мафкуравий ақидалардан юз ўгириши ва янги ғояларни қабул қилиши эса қийин кечади.

Ғоявий бўшлиқ жамият учун жиддий хавф солади. Агар ғоявий бўшлиқ пайдо бўлса, сўзсиз унинг ўрнини шу халқнинг табиатига бегона турли хил мафкуравий тазйиқлар эгаллаб олиши ва ўз таъсирини ўтказиши муқаррар. Шунинг учун ўз келажагини ўйлаган ҳар бир давлат ва жамият ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, эскирган ақидалар ва бегона қарашларни инкор этиш билан бирга, илғор фикрлар, улугвор мақсад ва эзгу орзуларни одамлар онги ва қалбига сингдиришга ҳаракат қилади.

Жамият, давлат ёки халқнинг мафкуравий масалаларда уюшмагани, маънавиятга етарли эътибор бермагани, тарбия соҳасида ўзибўларчиликка йўл қўйилгани натижасида содир бўладиган ғоявий ожизлик ҳолати ҳам мафкуравий инқирознинг асосий белгиларидан биридир. Бундай ҳолат мафкура соҳасидаги фанларда **«Ғоявий заифлик»** тушунчаси орқали ифодаланади. *Ғоявий заифлик халқ оммасининг туб манфаатларини ва кўнглидаги орзу-интилишларини ифода этадиган, уни тараққиёт сари, улкан мақсадлар йўлида жипслаштирадиган ҳаққоний ва жозибали ғоянинг, мафкуранинг йўқлиги, ишлаб чиқилмаганлиги натижасида ҳосил бўлади. У кўп ҳолларда маънавий беқарорлик ва ғоявий парокандаликка олиб келади. Ғоявий заифлик ва мафкуравий беқарорлик миллатнинг бирдамлиги, давлатнинг қудратига путур етказади, унинг тараққиётини орқага суриб юборади. Масалан, Чингизхон босқини, чор истилоси даврларида айрим ҳукмдорларнинг халқни бирлаштириб, курашга сафарбар этмагани ўлкамизнинг қарамлик чангалига тушиб қолишига сабаб бўлди.*

Мафкуравий инқироз ғоявий мутаассибликда ҳам яққол намоён бўлади. **«Ғоявий мутаассиблик»** тушунчаси тўғри деб ҳисобланган муайян фикр, ғоя, ақида ва йўлдан бошқа ҳамма нарсани нотўғри, ёлгон деб билишга, кўр-кўрона инкор этишга асосланган қарашлар ва амалиётни англатади. Турли йўналиш ва эътиқоддаги кишиларга хос бўлса-да, ғоявий соҳадаги мутаассиблардаги умумийлик ўзга ғоя ва эътиқодни ёлгон ҳисоблашда, ўз қарашларини мутлақлаштиришда, унга қўшилмайдиганларга қарши фаолият олиб бориш, уларни йўқ қилишга қаратилган ҳаракатларда яққол кўринади. Ўрта асрлардаги инквизиция, баъзи Ғарб мамлакатларидаги неофашизм ғоялари тарафдорлари ҳаракатлари ғоявий мутаассибликка мисол бўла олади.

Ғоявий мутаассиблик мусулмонлар орасида ҳам бор. Баъзи мутаассиблар динни худди Пайғамбар алайҳиссалом даврларидаги каби ҳолатга келтириш керак, десалар, баъзилари ўрта асрлардаги халифаликни барпо қилиш керак, деган нотўғри қарашда маҳкам турадилар. Натижада, ўз ғояларини амалга оширишга қарши чиққанларни йўқ қилишга уринадилар. Ғоявий мутаассибликка қарши курашнинг энг асосий йўли маърифат, ҳурфикр-лилик бўлиб, унинг асосида одамларнинг қалбларига эзгулик,

ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, тотувлик тушунчаларини сингдириш ётади.

Мафкуравий бўшлиқ бошқа кўплаб омиллар билан бирга, ғоявий саводсизликнинг оқибати бўлиши ҳам мумкин. Мафкуравий жиҳатдан етарли билим, малака, кўникмага эга бўлмаган инсонларга хос бўлган хусусиятлар мажмуи **«Ғоявий саводсизлик»** тушунчасининг мазмун-моҳиятини белгилайди. Ғоявий саводсизликнинг асосини мустақил фикрга, собит эътиқодга, мустаҳкам ирода ва дунёқарашга эга бўлмаслик ташкил этади. Бундай киши жамиятда ўз ўрнига, ўзининг аниқ ҳаётий позициясига эга бўлмайди. Натижада у турли зарарли ғоялар, ёт, бегона мафкуралар таъсирига жуда осон тушиб қолади.

Мафкуравий инқироз ўз навбатида ғоявий қарамликни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Тарихда ғоявий қарамлик асорати, мустамлакага айлантирилган халқларни ўз маданияти, тили ва динидан узоқлашишига, уларни унутишга олиб келган. Вақт ўтиши билан шу халқнинг илғор вакиллари, фидойи фарзандлари, ҳатто ўз жонини қурбон қилиб бўлса-да, озодлик ва мустақиллик учун курашган, қарамликнинг ҳар қандай кўринишига қарши оммани кўзғатган.

«Ғоявий қарамлик» тушунчаси миллат, жамиятнинг ўз манфаатлари ва мақсадларига мос келмайдиган, унга зид бўлган ғоявий оқимларга боғлиқлиги, ёт ва бегона ғояларга бўйсунини характерловчи ҳолатни ифодалайди. У ғоясизлик, ғоявий бўшлиқ ёхуд парокандалик оқибатида келиб чиқади. Ғоявий қарамликнинг юзага келишига ташқаридан ўтказиладиган ғоявий таъсирлар ҳам сабаб бўлади. У мафкуравий қарамлик ҳолати билан чамбарчас боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

«Мафкуравий қарамлик» тушунчаси инсон ва жамият онгу тафаккурининг бўйсундирилиши, қарам этилиши, мафкуравий тамойилларнинг заифлашуви, мустақил ривожланиш имкониятларининг чеклангани, тараққиётдан ортда қолиш, ўзгаларнинг ғоявий-мафкуравий тазйиқи оқибатида содир бўладиган салбий ҳолат ва жараённи ифодаловчи тушунчадир. Ушбу тушунчани инсон, шахс, фуқаро, оила, миллат, халқ ва мамлакатга нисбатан қўллаш мумкин. Ундан кўзланган асосий мақсад ғоявий устунликка эришиш, ўзгалардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишдир. Ана шундай хатарли жараённинг юзага

келиши оқибатида шахс ўзлигидан, фуқаро мустақил фикр юритиш, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши, ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиш имкониятидан маҳрум бўлиши натижасида, оила, миллат, халқ ва мамлакат барбод бўлиши мумкин.

Ҳозирги глобаллашув шароитида ғоявий қарамликка солишнинг турли усуллари қўлланилмоқда, хилма-хил «овоз»лар, оммавий ахборот воситалари, информацион технологиялар ёрдамида мафкуравий тажовузлар уюштирилмоқда. Бундай таҳдид ва таъсирларга фақат кучли ғоя, ўзликни англаш, соғлом мафкурагина қарши тура олади. Мафкуравий полигонлар ядро полигонларидан хавфлироқ бўлиб бораётган бу вазиятда миллий истиқлол ғояларини ёшлар онги ва қалбига сингдириш ниҳоятда муҳим. Истиқлол ғояси фуқароларни тафаккур қуллигидан қутқаради, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва фаровон турмушни таъминлашга ёрдам беради, мустаҳкам мафкуравий иммунитет ҳосил қилишга хизмат қилади.

Назорат учун саволлар

1. Мафкуравий инқироз ва ғоявий бўшлиқнинг намоён бўлиши.
2. Ғоявий парокандалик, жамиятда юз берадиган ғоявий бошбошдоқлик ва беқарорлик ҳолати сифатида.
3. Мафкура яккаҳокимлиги ўзгармас ягона мафкуранинг тўла ҳукмронлиги эканлиги.
4. Маънавий бузилиш маънавий-ахлоқий меъёрлардан чекиниш ва инкор этилишининг оқибатлари эканлиги.
5. Мафкуравий бўшлиқ тушунчаси ва унга олиб келадиган омиллар.
6. Ғоявий заифлик ва ғоявий мутаассиблик тушунчалари.
7. Ғоявий ва мафкуравий қарамлик тушунчалари уларнинг мазмуни.

3.4. Мафкуравий иммунитет ва ғоявий профилактика

Таянч тушунчалар:

Мафкуравий иммунитет, мафкуравий профилактика, маънавий баркамоллик, ғоявий ташаббус, ички ва ташқи ғоявий таҳдидлар, тарғибот субъектлари, тарғибот объектлари, мафкуравий тарбия

Мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан бири бу ғоявий тарбияни кучайтиришдан иборатдир. Бу борада кишиларимизда ёт ва зарарли ғояларга қарши курашиш учун мафкуравий иммунитетни шакллантириш зарур. Албатта, мафкуравий иммунитетни шакллантириш кишилар онгида бир хил ғояни зўр бериб тикиштириш эмас, балки одамларга оқ-қорани ажратиш, зарарли ғояларга қарши хушёр ва огоҳ бўлиш хусусиятларини тарбиялаш демакдир. Жамият, миллат ўз ғоясида мустаҳкам турса ғоявий таҳдидлардан қўрқмаса, бундай миллатни енгиш мумкин эмас. Аксинча, жамият ичида ғоявий парокандалик, бўлинишлар бўлса душманларга, уларнинг ёт мафкураларига йўл очиб беради. Бундай миллатни енгиш, мустамлака қилиш осон кечади (бунга тарихда мисоллар кўп). Шунинг учун барқарорлик ва хавфсизлик жамиятнинг онглигига, англанган тўғри тушунча ва билимларга фаол амал қилишга, фикрий, ғоявий бирлигига, булар эса хавфсизлик маърифатига таянади.

Миллий истиқлол ғояси эзгулик ва бунёдкорлик ғояларига таянар экан, ана шу ғояларга қаратилган **ташқи ва ички таҳдидлар** мавжуд бўлиб, **ташқи таҳдидлар** Ўзбекистонга четдан кириб келувчи, **ички таҳдидлар** эса ўз Ватанига, ватандошига зарар етказишга қаратилган ғоя, фикр, хатти-ҳаракатлардир. Носоғлом маҳаллийчилик, «**Маънавий эмиграция**» (*бахтни ўз Ватанидан эмас, ўзга жойлардан қидириш, ашаддий миллатчилик, меркантилизм (олиб-сотарлик), лоқайдлик, ўзликни англамаслик каби ички таҳдидлардан* иборат. Улар қанча кенг ёйилса, миллатимиз ғоявий бирлигига шунча кўп зарар етказади, парокандалик қилади. Ғоявий бирлиги мўрт миллатнинг давлат хавфсизлиги ҳам мўрт бўлади.

Шундай қилиб, «**Мафкуравий иммунитет - маънавий баркамол, иродаси бақувват, имони бутун шахсни тарбиялашда, ҳар қандай реакцион, бузғунчи характердаги ғоявий ташаббусларга бардош бера оладиган ёшларни тарбиялашда қўл келади**» — деб таъриф берилади фалсафий қомусий луғатида. Иммунитет, ўз навбатида одамни тўғри йўлдан «озиш»дан, турли

йўлларга адашиб, кейин пушаймон бўлишлардан, бахтсизликдан, миллатни эса парокандаликдан, парчаланишлардан, синфий ёки маҳаллий бўлинишлардан асраб қолади. Демак, мафкуравий иммунитет — давлат ва миллатнинг маънавий бирлиги, маънавий соғломлигини ҳимоя қилувчи ғоявий қалқон вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек: **«Фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур»**.¹

Мафкуравий иммунитет маънавий, маърифий, сиёсий, иқтисодий билимларни оддийгина қабул қилиб олишини эмас, балки уларни онгли равишда тушуниб етишни, бу билимларни замонавий ижтимоий воқеаларга мафкуравий курашлар воқелигидан келиб чиқиб, муносабат билдириш кўникмаларини шакллантириш, айрим носоғлом ғояларга жавоб бериш, уни қабул қилмаслик ҳолатидир.

Мафкуравий кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлишида миллий ғоя негизлари муҳим роль ўйнайди. Агар мафкуравий таҳдид сезилса, нима қилиш кераклигини ўйлаб ўтирмай ғояга ғоя билан жавоб бериш амалда бажариладиган бўлса, мафкуравий иммунитет амалий шаклланади, деб ҳисоблаш мумкин.

Миллий истиқлол ғояларига шахснинг мустаҳкам ишончи, иродаси унинг мафкуравий иммунитетини манба ҳисобланади. Бундай мафкуравий иммунитетга эга бўлган шахс ёт мафкуралар таъсирига берилмайди, чунки миллий истиқлол ғояси мафкуравий иммунитетни шакллантиришда ўзига хос имконият ва хусусият-ларга эга.

Мафкуравий иммунитет миллий мустақилликнинг афзалликларига бўлган ишонч асосига қурилади. Бу ишонч эса ишонтириш, тушунтириш натижасида ҳосил бўлади. Масалан, Ўзбекистон — дунёвий давлат. Дунёвий давлат фаолиятининг асосий тамойиллари, афзалликлари унинг диний давлат билан қиёслаганда тўлиқ тушунчалар беради. Бу эса дунёвий миллий- демократик тузумнинг моҳияти ва афзалликларини англаб етишга олиб келади.

¹ Каримов И. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-провард мақсадимиз. 8-жилд. —Т.: «Ўзбекистон», 2000, 113-бет.

Демак, мафкуравий иммунитетни шакллантириш муайян вазиятда инсоннинг ўзи, халқи, Ватани манфаатлари бирлигидан келиб чиқиб, ёт ғояларга қарши тура олиш малакаларидир.

Инсоният тарихида мафкуравий кўникмани мустаҳкамлаш, бунга эришилмаганда бу қандай фожеаларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида битиктошларда қолдирилган миллатга оғохлантириш даъватлари мавжуд: **«Самимий, носамимийни ажратмайсан, ким қаттиқ гапирса, самимийни ҳам танимайсан. Ўшандайлигинг учун тарбият қилган ҳоқонинг сўзини олмайин ном-нишонсиз кетдинг» (Кул тигин битиги).**

Бу каби тарихий битикларда мафкуравий иммунитетни синдириш, бўшлиқ ҳосил қилиб, ўз ғоясини сингдириб, халқнинг онгини ва қалбини эгаллаш, ўз ғояларини оммалаштиришнинг жуда кўп намуналари учрайди. Чунки мафкуравий курашлар тарихи жуда олисларга бориб тақалади.

Макуравий профилактика – ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган турли шаклдаги ғоявий-мафкуравий ишлар мажмуи бўлиб, у бутун ғоявий тарбия тизимини қамраб олади. Мафкуравий профилактика ғоявий бўшлиқни тугатиш, мафкуравий профилактиканинг олдини олиш ёки бирор-бир ҳудуд, қатлам, гуруҳни ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан халос қилиш мақсадида амалга оширилади. Бунда ғоявий таъсирнинг хилма-хил усул ва воситаларидан фойдаланилади.

Мафкуравий профилактика тезкор ва қисқа суръатда ёки аста-секин, босқичма-босқич амалга оширилиши мумкин. **Биринчи ҳолатда** зудлик билан чора-тадбирлар қўллаш лозим бўлса, **иккинчи ҳолатда** доимий ва собит қадамлик билан иш олиб бориш кўпроқ натижа беради. Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда ҳам мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. Зеро, у моҳиятан ёт ғояларнинг кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирларга таянади. Таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқот тизими мафкуравий профилактикани амалга оширишга ёрдам беради.

Соғлом мафкурани халқ қалби ва онгига сингдиришга хизмат қиладиган ижтимоий тузилмалар, оила, мактаб, маҳалла, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳам унда ўз ўрнига эга. Шунингдек, Ватан, халқ мафаатларини, дўстлик ва биродарликни, ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликни тарғиб-ташвиқ этувчи эртаклар-у

достонлар, кўшиқлар-у рақслар, турли кўринишдаги ва мазмунга эга бўлган маънавий-маърифий тадбирлар мафкуравий профилактикани амалга ошириш шаклидир.

Юқорида таъкидланганидек, мафкуравий профилактика мафкуравий иммунитет тушунчалари узвий алоқадор бўлиб, муайян бир яхлитликни ўзида ифода этади. Зеро, тарғибот ва ташвиқот ишлари, унинг усул ва воситалари мафкуравий иммунитетнинг шаклланишига олиб келади.

Халқни, айниқса ёшларни у ёки бу мақсадга йўналтириш, тар-биялаш икки томонлама жараён бўлиб, бунда **тарғибот субъектлари** (*тарғиботчилар, ТВ, радио, матбуот*) ва **тарғибот объектлари** (*шахс, аҳоли*) иштирок этади, бу эса ўз ўрнида профилактика ишларининг самарадорлигини белгилайди. Тарғибот ва ташвиқот самарадорлиги халқ, жамоа сиёсий онгида **тарғиботгача** ва **тарғиботдан кейинги даражалар** орасидаги фарқда билинади. Жамоа мафкурасидаги ўзгаришлар илмий ютуқларга асосланган ҳолда олиб борилса, тарғибот ва ташвиқот самарасини аниқлаш ҳамда такомиллаштириш мумкин бўлади.

Мафкуравий профилактика самарадорлиги, энг аввало жамиятни мафкуравий тарбиялашдан натижа қандай бўлиши керак эканлигини аниқ белгиланишига боғлиқ.

XXI асрда ҳам ғоявий зиддиятлар ва тортишувлар тўхтамаяпти, балки мураккаблашмоқда. Шу боис халқимизнинг мафкуравий иммунитетини таъминлаш ғоявий тарбиянинг изчил, доимий асосга қўйилишини тақозо этади.

Миллий мафкуравий иммунитет ҳар бир йигит-қиз, фуқародаги мустақилликнинг сиёсий моҳияти, Президент И.Каримов асарларида кўтарилган сиёсий ғоялар, ислохотлар ютуқлари ва муаммолари, ички ва ташқи сиёсатга доир чуқур билимларга таянади. Ҳар бир киши ёки жамоа, жамият мафкуравий иммунитетни **беш даражага** бўлиб ўрганиш, баҳолаш ва шу асосда такомиллаштириш мумкин. Бунда:

Биринчи, яъни мафкуравий иммунитетнинг қуйи даражаси—шахс, жамоа, жамият юқоридаги билимлардан хабардор эмас; бузғунчи мафкуравий ғояларга бефарқ, лоқайд.

Иккинчи даражаси - билимлар бор, лекин улар ҳис қилинмаган, системалашмаган, шу сабабли уларни бузғунчи мафкуравий ғояларга қарши ишлатишга тайёр эмас.

Учинчи даража – мафкуравий билимларга эга, лекин улар назарий, шахс, жамият уларни қўллашга қийналади.

Тўртинчи даража – асосий билимларга эга, вазиятни тўғри баҳолай олади, ички ва ташқи сиёсий, мафкуравий таъсирларга қарши иммунитетни шакллантирган ва уни онгли равишда ишлатади.

Бешинчи – олий даража - мукаммал ғоявий, сиёсий, иқтисодий билимларга эга ва бу билимларни бемалол амалда қўллаб, бузғунчи мафкуравий, сиёсий ғояларни доимо ҳамма жойда фаол фош қила олади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кейинги йилларда айрим ёшларда миллатга, Ватанга фойда келтиришни ўйлаш, мустақилликни мустаҳкамлашда фойдали инсон бўлиб етишиш ҳисси махсус, илмий асосда шакллантирилмаганлиги туфайли шахсий манфаатни ўйлаш, енгил йўллар билан тўқис ҳаётга интилиш ҳисси намоён бўлмоқда. Шу билан бирга, айрим фуқаролар орасида маънавий чекланганлик, дунёқарашнинг торлиги, миллий одоб меъёрларига риоя қилмаслик, сўз ва иш орасидаги тафовут, миллий ғурурнинг сустлиги каби нохуш кўринишлар учраб турадики, уларни биргалашиб бартараф қилиш лозим.

Мафкуравий иммунитет шахс томонидан Ватан, миллат учун кўнгилли, ғоявий асосланиб амалга ошириладиган кундалик ишларда намоён бўлади. Бу фаоллик миллий бирлик, маънавий юксалишга ҳалақит бераётган сифатлар, ёт қарашлар, миллий хавфсизлигимизга, ички ва ташқи таҳдидларга очиқ ва мардона қарши туришни ҳам ўз ичига олади. Бошқача қилиб айтганда, - элим деб, юртим деб яшашнинг ҳар бир кишида, жамоада, жамиятда намоён бўлишини англатади. Бу эса миллий ғояни амалий кучга айлантириш ва бузғунчи мафкуравий таъсирлардан аҳолини, ёшларимизни ҳимоя қилишнинг шартларидан биридир. Зеро, **«Фикр ва сўз амалиётга йўналтирилганда, уларнинг ҳар иккиси ҳам моддиятга – нарсага айланади.»**¹

Мафкуравий таъсир ва таҳдидлар ҳақида гап кетар экан, уларни аниқлаш, баҳолаш хусусиятлари ва мафкуравий иммунитетни ҳосил қилишнинг таъсирчан ҳамда самарали усул ва воситаларини яққол кўрсатиш лозимдир. Президентимиз И.Каримов томонидан илмий муомалага бир қатор тушунчалар киритилганини қайд этиш лозимки, улар қаторида **«мафкуравий**

¹ Ван Янмин. Ҳақиқат манзаралари: 96 мумтоз файласуф. –Т.: 2000, 33-бет.

иммунитет», «мафкуравий профилактика» кабилар бор. Ана шу тушунчаларнинг мазмунини ойдинлаштиришда ҳозирги дунёда кечаётган мафкуравий жараёнларнинг характери янада яққолроқ тасаввур қилиш имкони туғилади.

Нима учун кишилар онги ва қалбини забт этиш турли мафкураларнинг бош мақсадига айланиб қолди? Гап шундаки, муайян ғоя том маънода ғоя бўлиши учун кишилар онгини эгаллаши, уларнинг қалбидан жой олиши шарт. Ғоя фақатгина инсон қалбини эгаллагандагина, инсон маънавий-руҳий ҳолатининг узвий қисмига айлангандагина ҳаракатга даъват этувчи, рағбатлантирувчи кучга, ҳаракат учун қўлланмага айланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда нафақат инсон онгини, балки қалбини эгаллаш мафкуравий курашнинг бош мақсади бўлиб қолмоқда.

Айнан шунинг учун ҳам ер юзининг турли минтақалари халқларининг онги ва қалби турли ғояларни синаш майдонига бошқача айтганда мафкуравий полигонга айлантирилмоқда.

Мафкуравий полигонларда синовлардан ўтаётган, моҳиятан ғайриинсоний бўлган ғояларга қарши тура оладиган, юқорида таъкидланганидек, мафкуравий иммунитетни аҳолида, ёшлар онгида шакллантириш ўта долзарб масала бўлиб қолмоқда, негаки, дунёнинг икки қутбли нисбий мувозанати бузилиб, минтақамизга, хусусан мамлакатимизга бўлган ғоявий-мафкуравий хуружлар, таҳдидлар кўпаймоқда. Бунга 1999 йилги ва 2004-2005 йилги воқеалар мисол бўла олади. Аввало, инсоннинг кўплаб хусусиятлари туғма бўлса, мафкуравий иммунитетни шакллантириб бориш зарур бўлади.

Мафкуравий иммунитетнинг ҳосил қилинишида, унга муайян тизим сифатида ёндашиб, ундаги унсурларнинг ролини усул ва воситалар мисолида баҳолаш лозим. Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва **биринчи унсури, бу билимдир**. Аммо билимлар кўп. Масалан, буюк давлатчилик шовинизми ёки агрессив миллатчилик мафкураси ва амалиёти тарафдорлари ҳам муайян **«билим»**ларга таянадилар ва уни бошқаларга сингдиришга ҳаракат қиладилар. Шундай экан, бир томондан *мафкуравий иммунитет тизимидаги билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятининг бойишига ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Иккинчидан, бу билимлар ўз моҳият-эътиборига кўра, Ватан,*

халқ манфаатлари, умуминсоний қадриятлар устуворлиги билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак.

Мафкуравий иммунитет тизимининг **иккинчи асосий қисми** ана шундай билимлар асосида шаклланган **қадриятлар тизимидир**. Зеро, билимлар қанчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келган қадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Бир сўз билан айтганда, шахс, миллат ёки давлатнинг қадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб беради ва мафкуравий тажовузлар қаршиисида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қилади.

Аммо билимлар ва қадриятлар тизими ҳам мафкуравий иммунитетнинг моҳиятини тўлиқ ифода эта олмайди. Зеро, бу икки унсур мафкуравий иммунитетнинг учинчи муҳим унсури, яъни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги аниқ мўлжал ва мақсадлар тизими билан боғлиқдир. Яъни ҳар бир киши каби, халқ, давлат ва жамиятнинг ҳам аниқ мақсади бўлиши шарт. Шу билан бирга, бу мақсад англаган, уни амалга оширишда собитқадамлик даркор. Ана шундай аниқ тизим бўлмас экан, хоҳ алоҳида инсон, хоҳ миллат ёки жамият бўлсин, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги мафкуравий тазйиқларга бардош бериши амримаҳолдир.

Бундай мафкуравий иммунитетни шакллантиришда юқорида таъкидлангани каби мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. Зеро, у ўз моҳиятига кўра, ёт ғояларнинг кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олади. Демак, мафкуравий профилактика хилма-хил шаклларда ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган ғоявий-тарбиявий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ишлар мажмуини, бир сўз билан айтганда, бу соҳада тўғри ташкил этилган таълим-тарбия тизимини ўз ичига қамраб олади.

Шундай экан, вояга етаётган ҳар бир фарзандимизни маънавий баркамол, иродаси бақувват, имони бутун, кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс сифатида тарбиялаш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолаверади.

Назорат учун саволлар

1. «Мафкуравий иммунитет» тушунчаси, унинг намоён бўлиш хусусиятлари.
2. Мафкуравий иммунитетни ҳосил қилишда замонавий усул ва воситалар.
3. Мафкуравий профилактика-маънавий соҳадаги фаолиятнинг таркибий қисми сифатида.
4. Мафкуравий профилактикани амалга ошириш йўллари.
5. Мафкуравий иммунитет ва профилактиканинг ўзаро боғлиқлиги.

3.5. Мустақиллик ва янги ғоялар тизимининг шаклланиш жараёни

Таянч тушунчалар:

Мустақиллик мафкураси, собиқ иттифоқ мафкураси- коммунистик мафкура, «йўлбошчи ишчилар синфи», миллийлик -миллатчилик, «байналмилалчилик», миллий макура , жамият мафкураси

Узоқ ва яқин инсоният тарихининг гувоҳлик беришича, муайян даврларда муайян жамият, давлатлар тараққий топган бўлса, баъзилари эса, аксинча, зўравонлик асосига қурилган давлатлар вақти-соати келиб инқирозга дучор бўлади. Бунга сабаб, ўша жамиятнинг ғоялари, мафкурасининг емирилиши билан боғлиқдир. Аввало, мафкураси ўз таъсир кучини йўқота бориб, сўнгра шу мафкурага асосланган жамият инқирозга юз тутди. Бундай ҳолатнинг ўзига хос объектив сабаблари бор, албатта. Яъни эски ғоя ва мафкура ўз умрини ўтаб, тарихга айланади. Шу маънода собиқ иттифоқ мафкураси ана шундай аҳволга тушганини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Собиқ иттифоқ мафкураси шўролар ҳокимияти раҳбарлигида зўрлик билан амалга оширилган бўлиб, натижада бу мафкура якка ҳукмрон бўлиб қолган эди. У XX асрнинг 80-йилларида таназзулга юз тутди. 1991 йилда собиқ Иттифоқ тарқалиб кетиши билан узил-кесил инқирозга учради. Бунинг сабаблари нималардан иборат эди?

Биринчидан, у ўзини инсоният тафаккури эришган энг юксак чўққи, мутлақ ҳақиқат ифодаси деб ҳисоблаб, бошқа мафкураларни тан олмас, улар бизнинг душманимиз, деган ақида асосида мурасасизларча иш тутар эди.

Иккинчидан, бу мафкура зўравонликка асосланган бўлиб, «мажбур қиламиз» қабилида иш тутар, унинг ғоялари ҳамма жойда, ҳамма вақт ҳеч истисно ва тўхтовсиз тарғиб қилинар, халқнинг эркин яшаши ва фикр юритишига йўл қўйилмас эди. Кимки бу тартибга (аслида тартибсизлик ва ваҳшийликка) қарши чиқса, шафқатсиз жазоланар, бутун давлат механизми ана шу жазони турли шаклларда амалга ошириш учун ишга киришар эди.

Учинчидан, бу номигагина ижтимоий гуруҳлар мафкураси эди. Аслида собиқ иттифоқ даврида зиёлилар, деҳқонлар, хизматчилар, қолаверса, «йўлбошчи синф» бўлган ишчиларнинг орасида ҳам бу мафкурадан норози бўлганлар жуда кўплаб топилар эди. Лекин метин мафкуравий девор ортидан уларнинг овози эшитилмас эди.

Тўртинчидан, бу мафкура ҳеч кимга виждон эркинлиги, ўз фикрини очик баён этиш, жумладан, хориж фуқаролари билан холисона мулоқотда бўлишга йўл қўйилмас эди. Бордию, кимдир шунга журъат этса, «халқ душмани», «буржуазия малайи» деган тамға босишга мувофиқ кўрилар эди.

Бешинчидан, у миллийликдан бутунлай холи эди. Унда мавҳум байналмилаллик зўр бериб куйланарди. Кимки миллий кадриятлар тўғрисида гап очса, дарҳол «миллатчи»га чиқариб қўйилар эди. Миллий тафаккурга эга бўлган шахс, мутахассис, зиёли, олим ва бошқалар «қолоқ», «шубҳали киши» ҳисобланарди.

Олтинчидан, унда миллий тарих, хусусан, Ўзбекистон тарихи, унинг ўтмиш мероси мутлақо тан олинмас эди. Наридан борса, улар кўпинча умумий тарзда қайд этиларди, холос.

Еттинчидан, халқларнинг динига, диний меросига, диний кадриятларига нисбатан мутлақо нотўғри муносабат ўрнатилган эди. Жумладан, улуғ сиймолар Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Маҳмуд Замахшарий, Имом Мотуридий, Сўфи Оллоёр каби алломаларнинг бой диний меросини ўрганиш, улардан фойдаланиш тақиқланган эди.

Шундай қилиб, давлат мустақиллигига эришишимизга қадар мавжуд бўлган коммунистик мафкура Ўзбекистон тараққиёти эҳтиёжидан келиб чиққани йўқ, уни бизга большевизм четдан олиб келган эди. Марксизм-ленинизм таълимотига асосланган коммунистик мафкура асоратидан барча миллатлар қатори ўзбек миллати ҳам катта жабр кўрди. У бизни мулкдан, ҳокимиятдан, сиёсий, иқтисодий, маданий мустақиллик ва эркиндан, миллий урф-одатларимиздан, анъаналаримиз ва кадриятларимиздан, она тилимиздан бутунлай маҳрум қилмоқчи бўлди.

Мафкуравий ҳукмронлик давларида Ўзбекистон марказга хомашё етказиб берувчи қарам республикага айлантирилди.

Юқоридан таъкидланганидек, коммунистик мафкура миллатлар эркинлиги, инсон ҳуқуқлари, ҳурфикрликни бўғиб ташлади. Байналмилалчиликни ўзига шиор қилиб олган коммунистик мафкура алоҳида бир миллатнинг – «улуғ рус» халқининг тили, тарихи, маданиятини тарғиб-ташвиқ қилди. «Катта оға» манфаатларини ҳукмрон сиёсатга айлантирди. Коммунистик мафкура тоталитар тузум учун, марказий ҳокимият учун хизмат қилган мафкура эди.

Шунинг учун ҳам одамларнинг унга бўлган ишонч ва эътиқоди анча сўниб кетган эди. Марксизм-ленинизм таълимотини ягона илмий мафкура деб изоҳлаш, унга эътиқод қилишни одамлардан зўрлаб талаб этиш ўзининг ҳеч қандай самарасини бермади.

Тарих ҳукмига биноан, кўплаб халқлар ва миллатларни ягона тузумга мажбурлаб бўйсундириб, уларни кишанга солиб, тазйиқ ва зўравонлик остида ушлаб турган Шўро ҳокимияти парчаланиб, емирилиб кетгандан сўнг, унинг учун 70 йилдан кўпроқ вақт давомида хизмат қилиб келган коммунистик мафкура ҳам йўқ бўлди.

Буларнинг барчаси большевистик-коммунистик мафкуранинг тараққиёт талабларига зид эканини яққол намоён этди. Шу боис у янги замонавий талабларга дош беролмай, ўз давлати билан бирга тарихга айланди.

Мустақиллик туфайли ўз тарихий тараққиётининг тамомила янги босқичига қадам қўйган Ўзбекистон Республикаси олдида ҳозирги пайтда ҳал этилиши зарур бўлган муҳим, ўта жиддий масала турибди. Бу – миллий истиқлол, миллий тикланиш мафкурасини яратиш ва ҳаётга татбиқ этиш ҳақидаги масаладир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини мустаҳкамлашни, янги жамият қуришни амалга оширишни, улкан масъулиятли вазифаларни бажаришда оммани сафарбар этишни мафкурасиз тасаввур этиш мумкин эмас. Мафкура оммани, халқни янги жамият қуришга йўналтиради ва уюштиради.

Миллий истиқлол мафкурамиз жамиятимиз тараққиётининг объектив талабларидан ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда яшаётган жамики элатлар, миллатлар ва халқларнинг, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, партиялар ва уюшмаларнинг, тадбиркорлар, ёшлар, фахрийлар, аёллар ва диний

уюшмаларнинг, иқтисодий, ижтимоий, маданий, сиёсий манфаатларидан келиб чиқади ва уларни ҳимоя қилади. Бугунги кунга келиб, жамиятимиз тараққиётининг туб устувор муаммоларни ҳал этилишининг илмий асосларини белгилаб берадиган янги ғоялар ва фикрлар тизими ишлаб чиқилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Президент И.Каримов биринчи бўлиб мафкура масаласига халқимизнинг эътиборини тортган эди. У Олий Кенгашнинг 1993 йил 6 мартдаги ўн иккинчи сессиясидаги нутқида мафкура соҳасида бўшлиқ вужудга келганини, миллий истиқлол мафкураси ҳозирча йўқлигини, уни яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этиш олдимизда турган энг муҳим, долзарб масала эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Миллий истиқлол мафкурасининг жамият ва халқ ҳаётида тутган ўрни бекиёс эканлиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида ҳам яна бир бор таъкидланди: **«Мустақилликка эришганимиздан сўнг биз сохта мафкуранинг якка ҳокимлигидан қутулдик. Маънавиятни, мафкурани зулмлардан озод қилиб, эркин фикрга, миллий тафаккурга кенг йўл очдик. Эндиги асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганишига, ўзига ишончнинг орта боришидадир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур, тазйикдан, қуллиқдан қутулмаса, инсон тўла озод бўлмайди»**.¹ Президент И.Каримов ўзининг мустақиллик йилларида яратган қатор асарларида, маъруза ва нутқларида миллий истиқлол ғоямиз ўз моҳиятига кўра, тараққиёт талабларини ўзида ифода этадиган, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий омилларнинг ундаги ўрни, миллий-маънавий қадриятлар, умуминсоний тамойиллар каби устувор масалаларни қамраб олган назарий асосни исботлаб берди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, дунёдаги биронта ҳам халқ ва миллат ўзидан бошқа халқлар ва миллатлардан, умумжаҳон цивилизациясидан ажралган ҳолда, ўзининг алоҳида илми, фани, маданияти ва тарихига эга бўлган ҳолда яшай олмани сингари унинг миллий ғоялари ҳам ўзга халқлар ва миллатларнинг ютуқларидан ижодий ва танқидий асосда фойдаланмай туриб юзага келмайди ва ривожланмайди. Шунинг

¹ Каримов И. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. –Т.: «Ўзбекистон», 1994, 93-бет.

учун ҳам ҳар бир жамият, ҳар бир миллат ва унинг миллий ғоялари ўз доирасида чекланиб қолмай, бошқа миллат ва халқлар ютуқларидан баҳраманд бўлган ҳолда тараққий этади. Шу маънода миллий истиқлол ғоямиз ҳам умуминсоний кадриятларни ўзида акс эттиради.

Халқимиз маданияти ва маънавиятининг, хусусан, миллий истиқлол мафкурамизнинг тарихий ва фалсафий илдизлари ниҳоятда чуқур ва қадимий, пойдевори жуда мустаҳкам ва бақувват экани Президентимиз асарларида, маърузалари ва нутқларида такрор-такрор таъкидланиб келинмоқда. Зеро, пойдевори баланд ва бақувват бўлган бино гирдобу-бўронда ҳам, даҳшатли зилзилада ҳам қуламасдан мустаҳкам ва собит турганидек, маънавий, ахлоқий, фалсафий, илмий заминларга асосланган миллий истиқлол ғоямиз ҳам шаклланаётган миллий истиқлол мафкурамизнинг мустаҳкам маънавий-илмий пойдеворидир.

Юқорида таъкидланганидек, миллий истиқлол ғояси халқимизнинг юксак маънавияти, анъана ва удумларига таянади, адолат, эркинлик, мустақиллик билан боғлиқ туйғуларни акс эттиради. Президент И.Каримов таърифига кўра, у **«халқнинг мақсад-муродларини ифодалайди, тарих синовларидан ўтишда унинг руҳини кўтариб, суянч ва таянч бўлади, шу миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳаётий ва маънавий муаммоларга жавоб излайди. У инсонга фақат моддий бойликлар ва неъматлар учун эмас, аввало, Аллоҳ таоло ато этган ақл-заковат, имон-эътиқод туфайли юксак маънавиятга эришиш учун интилиб яшаш лозимлигини англатадиган, бу мураккаб ва таҳликали дунёда унинг тараққиёт йўлини ёритадиган маёқдир»**.¹

Миллий истиқлол ғояси халқнинг ўтмиши ва келажагини бир-бири билан боғлайди, орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қилади. Унинг моҳияти – мақсади асрлар мобайнида интилиб келинган ва ана шу узоқ йиллик кураш орқали эришилган мустақилликни асраш ва мустаҳкамлашдир. У Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши керак. Унинг сафарбарлик кучи мамлакатнинг ҳар бир фуқароси қалбида Ватанга – Ўзбекистонимизга муҳаббат,

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: 2001, 112-бет.

мустақиллик ғоясига садоқат руҳида тинмай меҳнат қилишда намоён бўлади.

Миллий истиқлол ғояси дини, эътиқоди, жамиятдаги қайси табақага мансублигидан қатъи назар, шу юртда яшаётган барчанинг умуммиллий мақсадини белгилаб беради, уни рўёбга чиқаришга чорлайди. Фуқаролари бадавлат мамлакатгина моддий ва маънавий тўқис бўлади. Шундай экан, миллий истиқлол ғоясининг муҳим тамойилларидан бири инсон қадр-қимматини ҳар томонлама юксалтириш, халқ фаровонлигини оширишдан иборат. Бунга эришиш учун халқимиз, юртимиз фуқароларининг ҳамжиҳатлиги ва бирдамлигини янада мустаҳкамлаш талаб этилади. Бу вазифа миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини — мағзини ташкил этади.

Мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, мавжуд муаммоларни ҳолисона таҳлил қилиш, тегишли хулоса ҳамда сабоқлар чиқариш — миллий ғоянинг зарурлиги ва аҳамиятининг тобора ортиб боришини кўрсатмоқда. Мамлакатимиз Президенти И.Каримов миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини шакллантириш ҳақида мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ фикр юритиши тасодифий ҳол эмас эди. Негаки, **«Миллий мустақил давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар».**¹

Демак, миллий ғоянинг зарурлиги, энг аввало, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун зарурдир. Унинг зарурати қуйидаги мақсадларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади:

- олдимизга қўйган олижаноб мақсад-муддаоларимизга, яъни озод ва обод Ватан, фаровон ҳаёт барпо этиш;
- эски мафкуравий асоратлардан батамом халос бўлиш;
- ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик;
- узок даврлар мобайнида одамлар онгида ҳукмрон бўлган бегона ва ёт ғояларнинг яна қайтадан тикланишига йўл қўймаслик;

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. —Т.: 2001, 121-бет.

– халқимиз табиатига зид бўлган ўзга ғоялардан, айниқса, ёш авлодни ҳимоя қилиш;

– ҳар қандай тажовузкор ғояларга қарши тура оладиган, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш;

– мустақил давлатимизнинг ҳар бир фуқаросида Ватан тақдири учун масъуллик туйғуси бўлиши учун ҳам зарурдир.

Мустақилликни мустаҳкамлашда миллий ғоядан кўзланган мақсадларнинг кенг қамровли илмий-назарий ва амалий йўналиш-лари Президент И.Каримовнинг асарларида, нутқ ва маърузаларида ўзининг аниқ концептуал ифодасини топган.

Мустақилликни мустаҳкамлашда миллий ғоянинг зарурлиги ва унинг аҳамияти ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатимиз истиқболлари, самарадорлиги билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан миллий ғоянинг зарурлиги жамиятимизни тараққий топган демократик мамлакатлардаги каби эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш билан ҳам боғлиқ. Демак, миллий ғоянинг негизидаги муҳим устувор мақсад – мустақилликни бундан кейин ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверар экан, унинг зарурлиги ҳеч бир даврда ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Мустақилликни мустаҳкамлашда миллий истиқлол ғоясининг намоён бўлиши ўзининг бир қатор хусусиятларига эга бўлиб, самарали омилар сифатида қуйидаги талабларга жавоб бера олишдек вазифаларни бажариши шарт:

Миллий мафкура – авваламбор, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англашга ёрдам бериши, жамиятимиз олдида қўйган олий мақсадларни ва вазифаларни қамраб олиши шарт.

Жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил қарашлар ва ғоялар, эътиқод ва дунёқарашдан қатъи назар, уларнинг барчасини муштарак миллий байроқ атрофида бирлаштириб, эл-юртни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган миллий истиқлол ғояси – мафкураси бўлиши керак.

Миллий мафкура ҳар қандай тажовузкор миллатчилик ва шунга ўхшаш унсурлардан мутлақо холи бўлиб, қўшни давлат ва халқлар, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевор бўла олиши лозим.

Миллий мафкура ёш авлодни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва

одамийлик каби фазилатларни пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши лозим.

Мустақилликни мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикаси учун миллий истиқлол мафкурасининг тарихий зарурлиги ва унинг демократик жамият қуришдаги ўрни яна бир қатор мавжуд муаммоларни ҳал этиши билан боғлиқ. Улар қуйидагилардан иборат:

– **биринчидан**, миллий мафкура кишиларда миллий маданият-нинг, миллий онгнинг, миллий ғурурнинг ўсиши ва ривожлани-шини таъминлаш омили сифатида мустақилликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга;

– **иккинчидан**, миллий мафкура кишиларда миллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик туйғусини шакллантириш орқали ёшларда ватанпарварликни тарбиялайди, мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қилади;

– **учинчидан**, мустақил Ўзбекистон Республикаси учун миллий мафкура халқни меҳнатни севиш ва қадрлашга даъват этиш, меҳнатсиз ризқ-насиба, моддий-маънавий бойлик ва келажак йўқ эканлигини, мустақиллигимиз барқарорлиги ва тақдири ҳам унга боғлиқлигини одамлар онги ва қалбига чуқур сингдиради.

Шундай қилиб, миллий мафкура кундалик машаққатли ишларимизда ва бунёдкорлик фаолиятимизда кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшиб, ҳақиқатан ҳам келажаги буюк давлат қураётганимизга мустаҳкам ишонч бағишлайди. Президент И.Каримов таъкидлаганидек: **«Мафкурасиз ҳар қандай жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Қаердаки, мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин».**

«Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин».

Назорат учун саволлар

1. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш жараёнида ғоя ва мафкура соҳасидаги туб ўзгаришлар.

2. Мамлакатда янги ғоялар тизимининг шаклланиши учун объектив ва субъектив омилларнинг вужудга келиши.

3. Ислом Каримов асарларида истиқлол даврида янги ғоявий тамойиллар концепцияси.

4. Миллий истиқлол мафкурасида миллий, умуминсоний ва демократик бунёдкор ғояларнинг устуворлиги.

5. Мустақилликни мустаҳкамлашда мафкуравий омиллар самарасини ошириш йўллари, имконият ва вазифалари.

3.6. Глобаллашув ва инсоният истиқболи

Таянч тушунчалар:

*Инсоният истиқболи, башорат қилиш, истиқболни
англаш, жамиятни мафкуравий тушуниш, идрок,
баҳолаш, прогнозлаш, дунёнинг ўзгарувчан
мафкуравий манзараси, бунёдкор ва бузғунчи
ғоялар, диний секталар, ирқчилик, ксенофобия,
глобаллашув интеграциялашув, Темур
тузуклари, Ўзбекистон келажаги буюк давлат*

Келажакни олдиндан билишга интилиш инсониятни ҳамиша қизиқтириб келган. Бу интилиш моҳиятан инсон ҳаётий-амалий эҳтиёжларининг инъикоси ҳисобланади. Зотан, мақсадли фаолият кўрсатадиган инсон ҳамиша муайян орзу-умидлар билан яшайди, уларнинг рўёбга чиқишини интиқлик билан кутади, бу йўлда тинмай меҳнат қилади. Мазкур жараёнда келажакнинг идеал лойиҳаси бўлган ғоя ва уни воқеликка айлантириш йўлидаги ҳаракатлар – амалиёт диалектикасини кўриш мумкин.

Келажакни олдиндан кўришга бўлган бундай қизиқиш ижтимоий-иқтисодий муаммолар чуқурлашиб кетган ва жамиятда кескин ўзгаришлар содир бўлаётган даврларда айниқса кучли бўлади. Кишилиқ жамияти ривожининг дастлабки босқичларида бундай қизиқишни башорат қилиш, фолбинлик каби ҳодисаларнинг пайдо бўлишига, кейинроқ илмий билимларга таянган ҳолда истиқболни олдиндан кўришга замин яратди.

Илмий олдиндан кўришнинг гносеологик асоси илгарилаб боровчи инъикосдир. Илмий олдиндан кўришнинг воқеликда ҳали мавжуд бўлмаган, лекин объектив ва субъектив омиллар кўринишида потенциал мавжуд бўлган воқеа, ҳодиса, жараёнлар ҳамда номаълум, тажрибада кузатилмаган ҳодисалар ҳақидаги билимлар кўринишидаги турларини фарқлаш мумкин. Масалан, бугунги кунда репродуктив ёшдаги фуқароларнинг сонига қараб мамлакат аҳолисининг яқин келажакдаги миқдорини айтиб бериш *биринчи турдаги*, Менделеев ўзининг кимёвий элементлар жадвалида ўрганилган кимёвий элементларга хос хусусиятларга

таяниб, ҳали маълум бўлмаган элементларнинг табиатда мавжудлигини айтиб бергани *иккинчи кўринишдаги олдиндан кўришга мисол бўлади.*

Инсоният тараққиёт зинапояларидан юқори кўтарилиб боргани, ижтимоий ривожланиш темплари тезлашгани сари келажакни олдиндан илмий кўра билишнинг аҳамияти ўсиб боради.

Мутахассислар фикрича, сиёсий ҳодисалар, социал-иқтисодий ўзгаришлар, технологик янгиликларга бойлиги фан ва маданият алоқаларининг интенсивлик даражаси нуқтаи назаридан XX асрнинг сўнгги йиллари XIX асрнинг 10 йилига, антик ва ўрта асрларнинг 100 йилига, қадимги даврнинг 1000 йилига тенгдир.

Бу инсоният истиқболини муҳим ҳаётий-амалий аҳамиятга эга фалсафий муаммо сифатида ўрганиш зарурлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Хусусан, бугунги кунда тарихда халқ оммаси ролининг ўсиши, илмий билимларнинг ривожини ҳамда иқтисодий, маданий, сиёсий алоқаларнинг кенгайиши ва интенсивлашуви натижасида ижтимоий тараққиёт янада тезлашмоқда.

Инсоният бугун ўзи эришган фан ютуқларига таянган ҳолда яқин, кузатиладиган ва узоқ келажакда юзага келадиган воқеликни олдиндан кўриш имконига эга. Аммо келажак ҳақидаги билим ҳозирги даврдан қанчалик узоқлашадиган бўлса, унинг тўғрилиги камайиб, эҳтимоллиги шунчалик ортиб боришини ҳам унутмаслик лозим.

Бундай эҳтимолликнинг ортиб бориши, реал тарихий жараённинг хилма-хиллиги, ижтимоий ҳаётнинг айрим ҳодисалари ривожланишини олдиндан кўриб бўлмаслиги ҳамда давомлиликнинг бузилиши билан боғлиқ бўлади.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқилса, яқин келажак ўзининг кўп жиҳатларига кўра ҳозирда мавжуд дейиш мумкин. Лекин бундан ҳозирги воқелик келажакни тўла-тўқис белгилаб беради, деб хулоса чиқариш ўринли эмас. Масалан, мутахассислар бугунги кунда Ер юзида 6,3 млрд. одам яшаётганини ҳамда туғилиш ва ўлишнинг нисбати, умр узоклиги каби омилларни инобатга олиб, 2025 йилда бу кўрсаткич 8 миллиардни ташкил этади, деб тахмин қилишади.

Яқин келажакдан фарқли равишда кузатиладиган келажак ҳақидаги билимлар ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Чунки унинг қандай бўлиши яқин келажакда рўёбга чиқади, деб ҳисобланган ҳодисаларнинг амалга ошиши ёки ошмаслигига боғлиқ бўлади. Хусусан, мутахассислар 2025 йилга татбиқан прогноз тўғри чиқса, 2100 йилга келиб Ер юзи аҳолиси 10-12,5 миллиардни ташкил этади, деб ҳисоблашади. Узоқ келажак ҳақидаги билмаслигимиз билишимиздан кўпроқдир.

Умуман олганда, олдиндан белгилаб, чизиб қўйилган келажак йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Унинг қандай бўлиши кишиларнинг фаолиятига, объектив ижтимоий қонунлар амал қилишини нечоғлиқ тўғри ва чуқур тушуниб олишларига боғлиқ бўлади. Бу жараёнда экстраполяция, тарихий аналогия, сценарий тузиш, эксперт баҳолаши, компьютер моделлаштириши каби илмий методларнинг аҳамияти беқиёсдир. Жумладан, экстраполяция методида предмет ҳодисанинг маълум бир қисми ҳақидаги хулоса унинг бошқа қисмларига, бутун ҳодисага, предметга кўчирилади. Хусусан, мантикий экстраполяция ёрдамида бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг ҳаётида кузатилаётган айрим тенденцияларга асосланиб, уларнинг яқин истиқболдаги кўриниши қандай бўлиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Юқорида келтирганимиз, Ер юзи аҳолисининг истиқболи ҳақидаги тахминлар эса «статистик экстраполяция» методига асосланади.

Тарихий аналогия методи ҳам ижтимоий жараёнлар ривожини истиқболини кўришда ўзига хос қимматдорлик касб этади. Масалан, тарих кўплаб давлатлар ўз ҳудудини, таъсир доирасини мунтазам кенгайтиришга интилиши, мамлакат бошлиқлари ва сиёсий кучларнинг бутун дунёга ҳукмронлик қилишдек ҳаёлий орзулари натижасида ўзининг ички имкониятларини сарфлаб бўлиб, ҳалокатга юз тутганидан далолат беради. Бундай воқелик бугунги кунда дунёга ҳукмронлик қилишга интилаётган айрим давлатлар ўзларининг гегемонистик сиёсатини давом эттирадиган бўлсалар уларнинг яқин истиқболдаги тақдири аянчли бўлиши мумкинлиги ҳақидаги хулосани чиқариш имконини беради.

Келажакни олдиндан билиш у ёки бу тарзда кишилар онги ва хулқига таъсир қилади. Жумладан, ижтимоий прогнозлар ижобий мазмунига эга бўлганда кишиларда фаоллик ва рухий

кўтаринкилик устуворлик қилса, салбий моҳиятга эга башоратлар унинг олдини олиш ёки «*нима бўлса бўлди*» қабилидаги пассивликни келтириб чиқариши мумкин.

Изланиш характеридаги прогнозлар тарихий жараённинг мавжуд реал баҳосига асосланган ҳолда келажак қандай бўлишини баён этишга асосланса, норматив прогнозлар маълум бир мақсадга эришишга қаратилган бўлади. Шу маънода уларда бажарилиши лозим бўлган қатъий кўрсатмалар мавжуд бўлади.

Аналитик прогнозлар келажакни тадқиқ қилиш воситалари ва методларининг қимматини аниқлаш учун илмий мақсадни кўзлаб амалга оширилса, огоҳлантирувчи прогнозларда нохуш нарсаларнинг олдини олишга қаратилган кўрсатмалар мавжуд бўлади.

Илмий олдиндан кўришни фаннинг маълум бир соҳаси билан боғлаш тўғри эмас. Илмий олдиндан кўриш фақат гуманитар, табиатшунослик ва техник фанларнинг ҳамкорлигидагина амалга оширилиши мумкин.

Жамият ва алоҳида олинган инсонлар ҳаётида воқеликни муайян мафкуралар доирасида шаклланган қарашлар доирасида тушуниш, идрок этиш ва шундан келиб чиққан ҳолда реал ижтимоий жараёнларни баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур жараёнлар шунчалик қимматдорлик касб этадики, инсонлар бу йўлда ўз ҳаётларини қурбон қилишга ҳам тайёр бўладилар. Хусусан, буюк мутафаккир Нажмиддин Кубронинг Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида ўз жонини ҳам қурбон қилгани фикримизнинг исботи бўла олади. Аммо бу барча мафкураларнинг ҳам ана шундай қудратга эгалигини билдирмайди. Айни пайтда, бундай қудратга эга мафкураларнинг барчаси ҳам ана шундай қурбонликларга лойиқ эканини ҳам англатмайди. Босқинчиликни асословчи мафкуралар бунга мисол бўла олади.

Юқоридаги мулоҳазалардан, жамият ривожини идеологик тушуниш, идрок этиш, баҳолашнинг ҳаётий-амалий аҳамиятини англаб етиш мумкин.

Шу билан бирга, ҳар қандай мафкура нафақат кишилар ва жамият ҳаётини белгилаб беришини, балки уни назорат қилишнинг муҳим омили эканини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Собиқ Шўро даврида коммунистик мафкура нафақат ижтимоий ҳаётни ташкил этиш, балки уни бошқариш ва назорат қилишнинг муҳим бўғинини ташкил этганида ҳам бунинг исботини кўриш

мумкин. Шундай экан, унга хос хусусиятларни ўрганиш ҳар бир инсонга ўз фаолиятини тўғри ташкил этиш имконини беради, дейиш мумкин.

Ўзга ҳудудларни забт этиш мақсадида олиб бориладиган ҳаракатлар доимий такомиллашиб, қўлланадиган усул ва воситалар мукаммаллашиб борган. Бугунги кунда эса ушбу воситаларнинг миқдорий ва сифатий кўрсаткичлари янада мураккаб характер касб этмоқда. Инсоният тўплаган уруш қуроллари бутун Ер сайёрасидаги ҳаётни бир неча марта йўқ қилиб ташлаш даражасига етди. Шундай бўлсада, кишилиқ жамияти тараққиётининг ҳозирги даврида турли сиёсий кучлар ва ҳаракатларнинг мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилиши оқибатида мутлақо янгича сифатга эга бўлган жараёнлар ҳам кузатилмоқда. Бу ўз ривожланиш тарихига эга дунёнинг мафкуравий манзарасининг бугунги кундаги ўзига хос хусусиятларини белгилаб бермоқда.

Инсоният тараққиётининг илк даврларида деярли барча халқларда мифология универсал характерга эга бўлган бўлсада, бир томондан, ўзига хос хусусиятларга эга ижтимоий гуруҳлар ва уларнинг айрича манфаатлари ифодаси бўлган том маънодаги мафкуравий тизимлар шаклланмагани, иккинчи томондан, Ер юзининг турли нуқталари ўртасидаги алоқалар ривожланмагани, кишилиқ жамияти ягона организмни ташкил этмагани учун дунёнинг яхлит мафкуравий манзараси ҳақида гапириш мумкин эмас.

Халқлар, давлатлар ўртасидаги ижтимоий алоқалар кучсиз бўлган бир даврда монотеистик динларнинг юзага келиши, уларнинг ўз ҳукмронлигини ўрнатиш йўлида олиб борган кураши натижасида эса дунёнинг диний қарашлар устувор бўлган илк мафкуравий манзараси шаклланди.

Жаҳон динлари тарқалган ҳудудлар нисбатан барқарорлашган (*тўғрироғи муайян диний таълимотларни ёйиш учун олиб борилган урушлар асосан тўхтаган*) бир шароитда дунёда иқтисодий ҳукмронлик учун курашнинг бошланиши, илмий билимларнинг ривожланиши, халқлар, давлатлар ўртасидаги алоқалар қамровининг кенгайиши диннинг ғоявий регуляторлик ролининг аста-секин пасайишига олиб келди.

Қисқа вақт давомида алоҳида мавқега талабгорлик қилган нацизмни инобатга олмаганда, асосан социалистик ва буржуа мафкуралар орасида борган кураш эса (*«учинчи йўл»га даъвогарлик қилганлар ҳам аслида у ёки бу даражада уларнинг таъсири остида эди*) дунёнинг мафкуравий манзараси ривождаги янги босқични бошлаб берди. У ҳукмронлик учун курашда ғоявий омилнинг ўрни ва аҳамияти янада ошганини кўрсатиш баробарида глобал конфронтация асосига қурилган мафкуравий манзаранинг шаклланишига олиб келди.

Ушбу ғоявий тизимлар ўртасидаги кураш барҳам топган ҳозирги даврда эса ўзига хос хусусиятларга эга дунёнинг янги мафкуравий манзараси қарор топиб бормокда.

Дунёнинг мафкуравий манзарасига хос жараёнларнинг юқорида амалга оширилган таҳлили уни яхлит ижтимоий феномен сифатида таърифлаш имконини беради.

Энг умумий маънода, *дунёнинг мафкуравий манзараси деганда, жамият тараққиёти қонунлари, унинг ривожланиш тенденцияларини муайян ижтимоий гуруҳ, этник бирликлар, сиёсий кучларнинг ўзига хос манфаатларидан келиб чиқиб талқин қилиш ва унга асосланган ҳолда инсоният истиқболини белгилашга қаратилган мафкуравий тизимлар мажмуи тушунилади.*

Дунёнинг мафкуравий манзарасига хос ана шу моҳиятни чуқурроқ ва теранроқ англаш инсон онги ва қалби учун олиб борилаётган тинимсиз курашнинг асл мақсадларини тўғри тушуниб етишга, мамлакатимиздаги мавжуд ижтимоий ҳамкорлик, миллий бирлик ва ҳамжиҳатлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликка таҳдид солувчи ғояларнинг олдини олишга қаратилган тегишли маърифий ишларни изчил ва тизимли ташкил этишга хизмат қилади.

Бугунги кунда аксарият давлатларнинг мафкураси умуминсоний кадриятлар ва демократик тамойилларга, тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлиги, миллий ва диний тотувлик ғояларига асосланади

Шундай бўлсада, инсоният истиқболини белгилашда универсалликка даъвогарлик қилаётган ва трансмиллий характерга эга ғоявий қарашлар дунёнинг мафкуравий манзараси мазмунини белгилаб беришда устуворликка интилаётганини ҳам таъкидлаш зарур.

Кишилик жамияти тараққиётининг ҳозирги даврида «... турли хил эски ва янги мафкураларнинг ўзаро кураши ҳар қачонги-дан ҳам кўра шиддатли тус олмоқда, - деб таъкидлайди Президентимиз. – Ранг-баранг, баъзан бири-бирига мутлақо зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда, одамлар бошига беҳисоб қайғу-кулфатлар солмоқ-да».

Инсон онги ва қалби учун кураш янги сифатий хусусият касб этган бир даврда, эътиқод умумийлигига асосланиш, этник бирликка урғу бериш ҳамда ягона ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий маконда яшаш натижасида юзага келган боғлиқликни рўқач қилиш асосида якка мафкуралар ҳукмронлигини таъминлаш орқали жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар кузатилмоқда.

Албатта, бундай мафкура шакллари бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасини тўлалигича белгилаб бермайди. Зеро, неофашизм ва коммунизм, ирқчилик ва диний экстремизм, тажовузкор миллатчилик каби мафкура шакллари мавжудлигини ҳам унутиб бўлмайди.

Миллатлараро тотувлик, ҳамкорликка ва охир - оқибатда инсониятнинг ягона бирлик сифатида эркин тараққий қилишига катта хавф туғдирувчи ана шундай мафкура шаклларида бири буюк давлатчилик шовинизмидир.

И.А.Каримов ўринли таъкидлаганларидек, буюк давлатчилик шовинизмини **«Муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлик деб ёки миллатлараро ва давлатлараро, минтақавий муносабатларда унга интилиш деб таърифлаш мумкин.**

Шовинизм баъзи кўп сонли миллатларнинг нафақат кўп миллатли империя доирасида, балки уни ўраб турган жуғрофий-сиёсий маконда ҳам ўзининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатиш учун курашда намоён бўлади».

Бир сўз билан айтганда, буюк давлатчилик шовинизми ғайриилмий ва ғайриинсоний характерга эга. У ўз моҳиятига кўра, миллий тенгсизликни оқлаш, тарғиб - ташвиқ ҳамда ҳимоя қилишнинг ўзига хос шаклидир.

Тарихга назар ташласак, буюк давлатлар мақомига эга бўлган айрим мамлакатлар кўпгина минтақаларни ўзларининг «ҳаётий манфаатлари» ҳудуди сифатида босиб олиб, узоқ вақт колониал сиёсат юргизганига ишонч ҳосил қиламиз. Босиб олинган ҳудудларнинг табиий, хомашё ресурсларидан фойдаланиш, моддий ва маънавий ютуқларини ўзлаштириш уларга улкан ва қудратли давлатга айланишга имконият яратди.

Бунинг оқибати ўлароқ, ўз атрофидаги мамлакатлар ва халқлар билан муносабатда устунликка даъвогарлик, ўзини улар ичида танҳо, ягона деб билиш, инсоният тақдири ва халқлар келажагини белгилашда алоҳида мавқега талабгорликнинг ифодаси бўлган мумтозлик мафкураси тарих сахнига чиқди. Унинг давлат сиёсати асосини ташкил қилиши эса, бутун бир минтақаларнинг вайрон бўлиши, кўплаб халқларнинг қарам қилинишига олиб келган қонли урушларни келтириб чиқарган.

Тарих афсуски, мумтозлик мафкураси авлоддан - авлодга ўтиб ўзига хос тафаккур тарзи ва психологиясининг шаклланишига, миллатлар ва давлатлараро муносабатларда янгидан - янги қалтис вазиятлар, низоларнинг келиб чиқишига хизмат қилишини кўрсатмоқда.

Воқелик иқтисодий имкониятлари заифлашган, социал беқарорлик, ички зиддиятлар кучайган, Ватан, миллат тақдиридан ўзининг тор гуруҳий манфаатларини устун қўядиган, ҳокимиятга даъвогарлик қилишда ўзаро келиша олмаётган сиёсий кучларнинг мавжуд муаммоларни ташқи кучлар ёрдамида ҳал қилишга уриниши ва маънавий-руҳий парокандалик, эртанги кунга ишончсизлик ҳукмрон бўлган мамлакатлар буюк давлатчилик шовинизми нишонига айланишини кўрсатиб турибди.

Буюк давлатчилик шовинизмининг хавфи бундай позицияда турган кучлар, давлатларнинг иқтисодий, сиёсий ёки ҳарбий салоҳиятининг катталигидагина эмас, балки ахборот орқали ва мафкуравий йўл билан тазйиқ кўрсатиш имкониятларининг кенглигида, улар қўлидаги ғоявий таъсир ўтказиш восита ва механизмларининг хилма-хиллигида ҳамдир. Бунда оммавий ахборот воситалари орқали психологик таъсир ўтказишда янгидан - янги усуллар қўлланилаётгани фикримизнинг исботи бўла олади.

Инсон онги ва қалби учун эътиқод умумийлигига асосланган ҳолда якка мафкура ҳукмронлигини таъминлаш орқали жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан ўзига қарам қилишга бўлаётган хатти-ҳаракатлар ҳам мавжуд. Масалан, ислом динини қурол қилиб олган ақидапарастлар ижтимоий, миллий хусусияти, қайси давлатга мансублигидан қатъи назар, барча мусулмонларнинг маънавий бирлиги ҳақидаги тасаввурларга таяниб, уларнинг ягона халифалик остида, содда қилиб айтганда, диний асосда сиёсий бирлашуви ғоясини илгари сурадилар. Улар ўз қарашларини аксарият ҳолларда диний-маънавий заминдаги уйғунлик мамлакатларнинг иқтисодий, маданий-маърифий, илмий-техник соҳалардаги ҳамкорлиги, улар салоҳиятининг бирлашиши тараққиётга йўл очади деган «беозор» шаклда тақдим этишга ҳаракат қиладилар.

Аммо жиддий эътибор бериладиган бўлса, *биринчидан*, улар миллий суверенитетдан воз кечиш ёки уни йўқотиш ҳисобига ягона ислом давлати тузишни кўзлаётганлари маълум бўлади. *Иккинчидан*, мусулмон халифалигини тиклашга, унинг тўғри эканини асослашга уринувчилар, бу ҳол айнан миллат сифатида ўзлигимизни англашга йўл қўймаслигини яширадилар. Бу ғояни сингдириш йўлидаги ҳаракатларда эса бизнинг ислом динига эътиқод қилишимизга алоҳида урғу берадилар. Масаланинг нозик жиҳати шундаки, бундай кучлар шу йўл билан ўз тарихимиз, тилимиз, бетакрор маданиятимиз, жаҳон халқлари ўртасидаги ўзига хос ўрнимиз ҳамда ўз тараққиёт йўлимиз борлигини инкор этишга ҳаракат қиладилар.

Бундан ташқари, ақидапарастлик халифалик байроғи остида бирлашишни ноисломий дунёга қарши туриш мақсади билан ҳам боғлашини таъкидлаш зарур. Бундай ёндашув ўта хавфли экани ҳеч кимга сир эмас. Зеро, у инсониятнинг диний асосда қарама-қарши қутбларга бўлиниб кетишига, баъзан «*цивилизациялар тўқнашуви*» деб аталадиган ҳодисанинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳозирги пайтда дунёда диний - экстремистик характердаги секта ва ҳаракатлар, уларнинг инсон онги ва қалби учун кураш йўлидаги фаолиятининг жонланиши кузатилмоқда. Хусусан, оммавий ахборот воситалари хабарларига кўра, биргина Россиянинг ўзида «**Богородичий центр**», «**Церковь объеди-**

нения», «Церковь Иисуса», «Церковь Нового Завета», «Белое братство», «Божественный орден Первого Ангела» каби ўнлаб диний секталар ноқонуний равишда фаолият олиб бормоқда. «Култ сатани» деб аталадиган секта ҳам кенг тарқалган. Айрим маълумотларга кўра, ўта хавфли бўлган бу сектанинг ер юзида 5 миллиондан ортиқ тарафдорлари бор. 1992 йилда Хитойда Лю Хунчжи томонидан тузилган ва 2 миллиондан ортиқ тарафдори бўлган «Фалуныгун» сектасини ҳам ана шу қаторга киритиш мумкин.

Улар аҳолининг диний билимлари пастлигидан фойдаланиб, охиратнинг яқинлиги билан кўрқитиш, асосан ёшлар ва моддий ахволи ночор бўлганлар ичида иш олиб бориш йўли билан ўз тарафдорларини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бундай секталарга асос солган «авлиё»лар ўз издошларини алдаш йўли билан уларнинг мол-мулкларига эгалик қилишга уринмоқдалар. Яширин фаолият олиб бориши, секта ичида бўлаётган воқеаларнинг кўпчиликка маълум бўлиб қолмаслигининг қаттиқ назорат қилиниши улар фаолиятидан жамоатчиликнинг беҳабар қолишини келтириб чиқармоқда.

Бундай секталарнинг барчаси инсоннинг ожизлиги, маънавий ва жисмоний камолотга эришишга бўлган интилиши, кишилар ҳаётда дуч келадиган қийинчиликлардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланади.

Ҳозирги кунда тил, маданият, урф-одатлардаги умумийлик, бошқача айтганда, этник бирликка асосланган ҳолда ягона мафкуравий майдонни юзага келтириш борасидаги қарашлар ҳам мавжуд. Бундай қарашларнинг шаклланиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бугунги кунда уларнинг ҳар бири дунёнинг мафкуравий манзарасида муайян ўринни эгаллашга уринмоқда.

Инсоний яқинлик асосида турли халқларни бирлаштиришни тарғиб қилувчи ғоявий қарашлар тизимининг келиб чиқиши жаҳон сахнида юзага келган кескин ўзгаришлар билан боғлиқ. Муайян халқларнинг бошқа этнослар лисоний бирлиги ҳақидаги ғоя объектив ҳақиқат. Аммо лисоний яқин бўлган халқлар тарихан турли ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатлар доирасида ҳаёт кечирганликларини унутмаслик лозим. Бу ҳол улар ҳаётида бир-биридан кескин фарқ қилувчи жиҳатлар ва хусусиятларни келтириб чиқарган. Диннинг турли халқлар

маънавияти, маданияти ва руҳияти ривождаги роли каттадир. Чунончи, турли халқлар ичида мусулмонлар, насронийлар, буддавийлар борлигини кўрамиз. Шундай экан, лисоний бирликни мутлақлаштириш ўринсиздир.

Айни пайтда, бу ғоя моҳиятан ягона давлатга уюшиш, тўғрироғи, муайян давлат раҳбарлиги ва раҳнамолиги остида бирлашувни асосий мақсад сифатида белгилайди. Бундай ёндашув охир-оқибатда бирор бир халқнинг гегемонлигини асослаш, муайян халқларнинг миллий суверенитетини тан олмаслик, рад этишни келтириб чиқаради.

Инсоний бирликка таянган ҳолда халқларнинг маънавий-маърифий бирлигини таъминлаш байроғи остида тақдим этилаётган ғояларнинг турли кўринишлари ортида аслида шундай пировард мақсад яширинган. Юқоридаги мафкура шакллари билан бир қаторда юзаки қараганда тарих сахнидан тушиб кетгандай туюлган, ғайриинсоний моҳиятга эга бўлган неофашизм ва ирқчиликдек мафкуралар ҳам янгидан бош кўтара бошлаганини таъкидлаш зарур.

Жаҳоннинг турли нуқталаридан ривожланган мамлакатларга кўчиб келишнинг кучайиб бориши бу давлатларнинг туб аҳолиси, айниқса, ёшлари орасида ирқчилик ғояларининг янгидан ёйилишини келтириб чиқармоқда.

Хусусан, европаликларнинг муайян қисми ўзларини қийновчи муаммолар ичида ишсизлик ва терроризмдан кейин учинчи ўринда айнан иммигрантларнинг кўпайиб бораётганини қайд этишлари бундай қарашларнинг Европада илдиз отиб бораётганини кўрсатади. Умуман олганда, Европа Иттифоқига кирувчи давлатлар аҳолисининг учдан бири ўзини у ёки бу даражада ирқчи, деб ҳисоблайди. Фактлар бундай жараёнлар Россияда ҳам жонланиб бораётганини кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси ирқчилик ва унинг замирида юзада келаётган **ксенофобия**, зўравонлиқнинг хавфи нақадар кенгайиб бораётганини яна бир бор исботлайди.

Дунёнинг мафкуравий манзараси ривожланишининг истиқболлари. Бугун кечанинг, эрта бугуннинг давоми бўлганидек яқин истиқболда дунёнинг мафкуравий манзараси қандай бўлишини ҳозирги кунда жаҳон мафкура сахнида кечаётган айрим жараёнларда ҳам кўриш мумкин. Хусусан, баъзи ҳолларда

юқорида қайд этилган вайронкор мафкураларнинг ўзига хос омухталашуви кузатилмоқда. Бу, бир томондан, миллатчилик ва иркчилик, бошқа томондан, ашаддий миллатчиликнинг диний ақидапарастлик билан қўшилиб кетаётганида яққол кўринмоқда. Бунинг оқибати ўлароқ омухталашган ғоявий қарашлар билан қуролланган кучлар ўз мақсадлари йўлида кўплаб фожиаларни келтириб чиқараётган террорчилик ҳаракатларини содир этмоқдалар. Натижада миллий озодлик ва диний қадриятлар тушунчасининг ўзи обрўсизлантирилмоқда, жаҳон афкор оммасида салбий стереотип ва қарашларнинг шаклланишига олиб келмоқда.

Диний-экстремизм ва террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш учун уларнинг моддий-молиявий ва ташкилий асосларига барҳам беришнинг ўзи етарли эмас. Чунки, ғоявий кураш, диний экстремизмнинг мафкуравий асосларини енгиш тобора муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этиб бормоқда. Буни бугунги кунда дунёнинг етакчи давлатлари мутахассислари, сиёсатчилари ва давлат раҳбарлари ҳам эътироф этмоқда.

Инсониятнинг ягона бирлик сифатида ривож топишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай омил ғоявий жиҳатдан асосланган ва ижтимоий онгга изчил тарзда сингдириб борилган тақдирдагина ҳақиқатан ҳам кишиларни бир-биридан айирувчи омилга айланади.

Глобаллашувнинг мафкуравий жараёнлар ривожига таъсири. Бугунги кунда глобаллашув аҳоли сонининг тез ўсиб бориши шароитида уларни боқиш, эҳтиёжларини қондириш, табиатнинг зўриқиши билан боғлиқ масалаларни яхлит ҳолда ифодаловчи демографик–экологик муаммоларда ўзлигини намоён қилмоқда.

Ҳеч қандай миллий чегараларни тан олмайдиган, дунёда умумий технологик ва ахборот майдони юзага келаётганини характерловчи техносферанинг глобаллашуви ҳам глобаллашувнинг яна бир характерли хусусиятидир.

Иқтисодий ва сиёсий глобаллашув билан бир қаторда фан, маданият, таълим, ахлоқ, мафкура соҳасидаги глобаллашувни характерловчи ижтимоий-маданий глобаллашув ҳам содир бўлмоқда.

Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида содир бўлаётган ўзгаришлар мафкура жабҳасидаги глобаллашувни ҳам келтириб чиқарди.

Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши, услуб ва воситаларининг такомиллашуви, янги техник ва технологик тизимларнинг юзага келиши натижасида унга Ер юзининг барча минтақалари тортилганини, ғоявий таъсир ўтказиш ва мафкуравий кураш умумбашарий микёс касб этганини ифодалайди.

Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашувида бир-биридан тубдан фарқ қиладиган икки йўналиш, тенденция намоён бўлмоқда. Биринчидан, муайян ҳудудда юзага келган, умуминсоний мазмунга эга кадриятлар, моддий ва маънавий неъматлар ўзи шаклланган тарихий макон доирасидан чиқиб байналмилаллашиб, универсаллашиб бормоқда. Иккинчидан, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ривожланиш даражасидаги турфа хиллик, этник, маданий, конфессионал, синфий, ирқий, ҳудудий, минтақавий ёки бошқа шакллардаги ўзига хосликларни мутлақлаштириш инсоният истиқболига жиддий хавф туғдирадиган салбий ҳодисаларнинг мафкуралашган ҳолда глобаллашувига олиб келмоқда. Бирон бир ҳудуд ёки мамлакатда пайдо бўлаётган ғоялар тез фурсатда бутун жаҳонга ёйилмоқда. Натижада инсоният маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларига хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли мафкуравий марказларнинг босимини доимий равишда сезиб яшамоқда.

Бу жараённинг энг муҳим хусусиятларидан бири турли мамлакатларни мафкуравий забт этиш ғоят катта иқтисодий манфаатлар билан чирмашиб кетганидир. Мафкуравий глобаллашув савияси паст аудио ва видеокассеталар, ахлоқсизлик, тубанлик ва ёвузликни тарғиб қиладиган «*санъат асарлари*»нинг ҳам кенг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Ғоявий-мафкуравий тазйиқ ва тажо-вузларнинг олдини олиш учун эса ҳар бир миллат, давлат ўзининг ғоявий-мафкуравий дахлсизлигини таъминлайдиган чора-тадбирларни кўриши зарур бўлиб қолмоқда. Ана шундай тадбирлар изчил амалга оширилганда мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ғоявий қарашлардаги муайян фарқлардан қатъи назар, умуминсоний кадриятлар, тинчлик ғояларига

содикликнинг камол топишига шароит яратади, кишилик жамияти тараққиётининг муҳим омилига айланади.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг ғоявий-мафкуравий вазифалари. *«Ҳаётимиз – саёҳат, ғоя эса йўлчи юлдуз»,-деб ёзган эди В.Гюго.* Ғоянинг улуғлиги эртанги кун буюклигини таъминлашнинг заминидир. Айни пайтда, ғоя қанчалик улуғ бўлса, уни амалга ошириш шунчалик куч-қудрат, улкан матонат ва шижоатни талаб қилади.

Озод бўлмаган юрт обод бўлолмайди, эркин бўлмай туриб фаровон ҳаёт қуриб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек мўлжалимиз Ўзбекистоннинг келажаги буюклигини таъминлаш билан узвий боғлиқдир. Бунда **«Ўзбекистон – келажаги буюк давлат»** ғоясининг мазмуни билан боғлиқ қуйидаги жиҳатларни тўғри англаб олиш ниҳоятда муҳим.

Ўзбекистон – кўп миллатли давлат. Демак, унинг буюк келажаги мамлакатда истиқомат қилаётган халқларнинг ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлигидан ташқарида воқе бўлиши мумкин эмас. Шу билан бирга, ўзга миллатлар ва элатлар эҳтиёжи ва манфаатларини тўғри англаш, уларга нисбатан одилона муносабатда бўлиш миллатнинг етуклигини белгилаб берувчи, ўзига ўхшаганлар ичида тенглигини англаганини кўрсатувчи муҳим омил ҳисобланади.

Ҳар бир халқнинг инсоният тарихида ўзига хос, ноёб ва бетакрор ўрни бор. Шу маънода уларнинг ҳар бири буюқдир. Аммо буюқлик сифати фақат ноёблик, бетакрорлик каби хислат, фазилатлар билан ҳам чекланмайди. Буюқлик инсоният илм-фани, адабиёти, санъати, умуман маданияти ривожланишига қўшган, қўшаётган ва қўшиши мумкин бўлган ҳиссаси ҳамда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий салоҳияти ва имкониятлари, давлатлараро муносабатларда, минтақа ва дунё даражасида ўйнай оладиган улкан роли каби бир қатор омиллар билан ҳам белгиланади.

Ғоя ўз моҳиятига кўра объектив характерга эга бўлади. Ҳар бир ғоянинг қиммати унинг мана шу объективлиги, яъни етилган эҳтиёж ва заруриятни, тарих, замонавий воқелик ва истиқболни нечоғлик тўғри акс эттириш даражаси, амалиёт ривожигаги ўрни ва аҳамияти билан белгиланади. Агар мана шу мантиқдан келиб

чиқадиган бўлсак, юқоридаги ғояда эркин ва фаровон ҳаётни, Ватан озодлиги ва ободлигини таъминлашга, буюк келажакка эгалик қилишга асос яратадиган реал ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий омилларни билиш, ўрганиш ва яратишга чақириқ мавжудлигини кўрамиз. Унда бундай истиқбол учун замин бўла оладиган улуғ тарихга эгалигимиз ҳам ботиний тарзда ўз ифодасини топган. Айни пайтда, юқоридаги ғоя фаолиятимиз парадигмаси сифатида чиқади, мақсадимизни аниқ аён этади. Бир сўз билан айтганда, эртанги кунимизга ишонч туйғуларини тарбиялашга, ўз йўлимиз, истиқлолимиз ва истиқболимиз йўлида мустаҳкам эътиқод ва кучли ирода билан ҳаракат қилишга ундайди. Энг муҳими, бундай мақсадни кўзлашимиз учун барча асослар мавжуд бўлиб, ўзининг ҳаётий илдизларига эгадир.

Кишилар ўз тарихларини ўзлари яратадилар. Инсон, унинг фаолиятидан ташқарида тарих ҳам, тараққиёт ҳам бўлмайди. Ана шу тарих халқ оммаси билан бир қаторда ижтимоий ривожланишда алоҳида олинган шахсларнинг ўрни ва роли ниҳоятда катта эканидан ҳам далолат беради. Табиатшуносликнинг кўпгина тармоқларини Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Беруний, фалсафа фанини Форобий, тиббиёт ривожланишини Ибн Сино, фалакиёт фанини Мирзо Улуғбек, адабиёт - сўз санъати ривожланишини Алишер Навоий, исломшунослик илмлари тараққиётини Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий тимсоли, асарлари ва фаолиятисиз тасаввур қилиш ниҳоятда қийин. Зеро, бу каби даҳолар ўзлари фаолият кўрсатган соҳаларнинг кескин даражада гуркираб ўсишига улкан ҳисса қўшганлар, инсон билими, тафаккури ривожланишининг устувор йўналишларини белгилаб берганлар.

Миллатимиз босиб ўтган йўлга назар ташлар эканмиз, маданият, маориф, санъат, ахлоқ каби ўнлаб соҳаларда яратилган ўлмас асарлари, ижодлари билан инсоният маънавиятининг бугунги қиёфаси шаклланишига кучли таъсир кўрсатган бундай даҳолар сиймосида маънавий бойлигимизни кўрамиз. Уларнинг асарларисиз жаҳоннинг бугунги илм-фани, маърифати, инсоннинг маънавий-руҳий изланишларини, умуман олганда, маданияти ва маънавият ривожини тасаввур қилиш амалий жиҳатдан мумкин эмас.

Аммо жамиятга, унинг тарихига ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил соҳаларининг пардаси ортидан эмас, балки яхлит бир тизим ва уни бошқарув нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, Мирзо Улуғбек, Бобур каби буюк аждодларимиз сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланади. Улар салтанатни моҳирона бошқариш, билан бир қаторда илму фан, адабиёт ва санъат ривожланишига ҳам муносиб улушларини қўшдилар. Агар ижодий фаолият билан давлат бошқарувини узвий қўшиб олиб борган арбобларга инсоният тарихи унчалик бой эмаслигини эслайдиган бўлсак, бобокалонларимизнинг буюк инсонлар бўлганига яна бир марта имон келтириш мумкин.

Айни пайтда, Амир Темур ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби аждодларимиз асос солган буюк давлатчилик тарихи ҳам бор. Бунда айниқса, Амир Темурнинг ўрни алоҳида ва айрича эканини таъкидлаш зарур. Зеро, у фан, маданият, адабиёт, санъат даҳоларидан фарқли ўлароқ ўзининг тафаккур қудрати, кучли иродаси билан ижтимоий ҳаётни бир бутун ҳодиса, хилма-хил соҳаларнинг ўзаро чамбарчас бирлиги ва узвийлигида олиб қараб салтанатни бошқарди. **«Куч - адолатда»**, – деб билган буюк бобомизнинг **«Тузуқлар»**ини эса жамият, давлатни бошқаришни ташкил этишнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ахлоқий асослари яратилган, таҳлил қилинган қомус, сиёсат ва бошқарув илмига қўшилган улкан ҳисса, деб баҳолаш учун барча асосларга эгамиз.

Амир Темур ҳаёти ва фаолияти буюк давлат арбобларининг ўз даврининг фарзанди сифатида вақт қўйган муаммоларни бошқалардан кўра чуқурроқ ва олдинроқ кўра олишларининг, уларни ҳал қилишнинг оқилона йўлларини таклиф қилганликларининг яққол намунаси ҳисобланади.

Шундай қилиб, **«Ўзбекистон – келажаги буюк давлат»** деган ғояда улуғликка даъвогарлигимиз теран тарихий илдизларга эгалигига ишора, уни билиш, англаб етишга чақирик ва муносиб ворис бўлишга даъват мавжуд.

Узоқ вақт истибдод остида бўлдик. Халқимизнинг кўплаб асл фарзандлари, даҳолари беғуноҳ қурбон бўлди. Тарихимизнинг кўплаб саҳифалари ўрганилмади. Буюклик сарчашмаларидан бебаҳра бўлиб келдик. Кўплаб маданият дурдоналари изсиз йўқолиб кетди.

Мустақиллик туфайли ана шундай сиёсат ва амалиёт барҳам топди. Унинг иллатлари эса тугатилди ва тугатилмоқда. *Бу ўз давлатига эга Эркин Халқ, Озод Ватан бўлганимиз натижасидир. «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» деган гояда ана шу ҳурликка ишора, уни кўз қорачигидек асрашга ва қўлга киритилган мустақилликни ҳар томонлама мустаҳкамлашга даъват мавжуд.* Зеро, ҳур бўлмаган халқ ҳеч қачон буюк бўлолмайди.

Ғоя, унинг олдиндан айтиб бериш функцияси, у ёки бу даражада ҳали маълум бўлмаган ҳодисани очиб беришга хизмат қилади. Бунда олдин мавжуд бўлган, аниқ ва тушунтирилган ҳодисаларга таянилади. Демак, ғоя ўзи акс эттираётган воқеликнинг мавжуд моҳияти, ривожланиш қонуниятларидан келиб чиқиб, айрим тенденцияларда намоён бўла бошлаган унинг кейинги ривожланиш босқичларини олдиндан айтиб беришга хизмат қилади.

Мазкур методологик аҳамиятга эга қоидадан буюклик фақат ўтмишда қилинган улуг ишлар, қўлга киритилган ютуқлар билангина чегараланмайди, деган хулоса келиб чиқади.

Бугунги кунда маданиятимиз дунёга юз тутаётгани, математика, биология, геология, медицина каби қатор фан соҳаларида катта муваффақиятларга эришаётган илмий мактабларимиз жаҳоннинг буюк давлатлари илмий мактаблари билан бўйлаша бошлагани ва дунё илм-фани саҳнида ўз ўрнига эга бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам улкан муваффақиятларга эришилаётгани юқоридаги ғоянинг мустаҳкам замонавий асосга эга эканини яна бир бор тасдиқлайди. Спортчиларимиз қитъа ва жаҳон шохсупаларини тобора кўпроқ ва хилма-хил соҳаларда биринкетин эгаллаб бормоқдалар. Жаҳон тажрибасида кузатилмаган, таълим тизимининг ўрта, ўрта махсус ва олий таълим каби уч босқичини қамраб олган **«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада»** ўйинларининг ташкил этилиши ва кенг миқёсда ўтказилишининг ўзи ҳам бу йўналишдаги ўзгаришларнинг қўламини ёрқин кўрсатиб бера олади.

Ўзбек курашининг дунё саҳнига чиққани, жаҳон чемпионатларининг ўтказилиши ва 70 дан ортиқ давлатларда кураш

федерациялари ва ассоциацияларининг тузилиши ҳам мазкур жараённинг нечоғли қамровли эканидан далолат беради.

Фан ва таълим, соғлиқни сақлаш ва маданиятни янада кенг ривожлантириш учун ҳам барча ишлар қилинмоқда. Янгидан-янги академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси улкан интеллектуал ва маънавий-маърифий салоҳиятимиздан далолат беради.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги янгиланиш ҳам чуқурлашиб бормоқда ва ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлади. Хусусан, бугун **«Ўзбекистонда тайёрланган»** тамғаси босилган маҳсулотларни дунёнинг турли чеккаларида учратиш мумкин. Буларнинг барчаси буюкликка даъво қилишимиз замонавий заминга ҳам эғалигининг далолатидир. Демак, **«Ўзбекистон – келажаги буюк давлат»** деган ғоя ҳар томонлама ривожланган буюк давлат қуришдек мақсадимизни аниқ аён этади. Бир сўз билан айтганда, бу ғоя эртанги кунимизга ишонч туйғуларни тарбиялашга, ўз йўлимиз, истиқлолимиз ва истиқболимиз йўлида мустаҳкам эътиқод ва кучли ирода билан ҳаракат қилишга ундайдиган куч сифатида чиқади.

Ғоя воқеликни ўзгартириш, такомиллаштириш заруриятидан келиб чиқади. Аммо унинг аниқ ифодаланиши, ҳаётий жараёнларни тўғри акс эттиришининг ўзи унинг воқеликка айланиши учун етарли эмас. Форобий **«Бахт – саодатга эришув ҳақида»** асарида: **«Инсон бахт-саодат нимадалигини тушунган бўлса-ю, унга эришишни мақсад қилиб олмаса, ғоя ва хоҳишига айлантирмаган бўлса, унга нисбатан озгина бўлса-да, шавқ ва завқ сезмаса, истак ва мулоҳазасини, куч ва қувватини бошқа нарсаларга сарфласа, бу қилмишлари ёмон ва ноўриндир.**

Инсонлик моҳияти ҳақиқий бахт-саодатга эришув экан, инсон бу мақсадни ўзининг олий ғояси ва истагига айлантириб, бу йўлда барча имкониятлардан фойдаланса, у бахт-саодатга эришади»,-деб ёзади.

Демак, ғоянинг воқеликка айланишида ишонч, эътиқоднинг ўрни ниҳоятда катта. *«Ҳаётий меъёрларимиз тўғрилигига ишонч ҳосил қилмасдан яшашимиз мумкинми? Йўқ, инсон ишончсиз*

сўқир ва ҳимоясиздир. Эътиқодсиз инсонни даҳшат ва таҳликали қўрқув қамраб олади», – деб ёзган эди Э.Фромм.

Мазкур фикрлар ижтимоий ғояга татбиқан олинганда, у жамиятдаги барча ижтимоий ҳаракатлар, сиёсий кучлар учун бирдай кадрли бўлиши, қўллаб-қувватланиши кераклигини, акс ҳолда у қанчалик жозибали бўлмасин ғоялигича қолиб кетишини англатади. Чунончи, Афғонистон учун аҳамиятли бўлган «*Миллий келишув*» ғояси ҳануз шиор бўлиб қолаётгани фикримизга далил бўла олади. Бунинг акси ўлароқ «**Ўзбекистон – келажаги буюк давлат**» деган ғоя ёшларимиз онгидан мустаҳкам ўрин эгаллаб бормокда.

Юқоридаги мулоҳазалардан «**Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт**» деган ғоя ёшларимиз онгига сингдирилган, ундан чуқур жой олган, эътиқод даражасига кўтарилгандагина ўзининг улкан яратувчилик салоҳиятини, ҳаракатлантирувчи кучини намоён қила олади, деган хулоса келиб чиқади. Мана шу ҳолатни назарда тутган ҳолда И.А.Каримов таъкидлайдики: «**мафкура-нинг ҳаётийлиги унинг халқ табиатига, турмуш ва тафаккур тарзига нечоғли мос бўлиши, энг муҳими, жамиятнинг миллий манфаатларини, орзу интилишларини қай даражада акс эттириши билан ўлчанади. Фақат шундай мафкурагина ҳаёт ва давр синовларига бардош беради, одамлар унга ишониб, ўзининг имон-эътиқоди сифатида қабул қилади. Шундагина у замонавий қуроладан ҳам кўра кучли рухий-маънавий қудрат касб этади**».

Шундай экан, бугунги озодлик ва эркинликни, қарор топган ва тобора чуқурлашиб, кўлам касб этиб бораётган, яқин истиқболда янада ёрқинроқ намоён бўладиган ободлик ва фаровонликни ифодаловчи миллий ғоямиз мустақил тараққиётимизнинг буюк келажагини таъминлашга хизмат қилувчи парадигма сифатида чиқади.

Назорат учун саволлар

1. Инсоният истиқболи фалсафий муаммо сифатида.
2. Жамият истиқболини англашга интилишнинг инсон билимлари тизимида тутган ўрни.
3. Келажакни башорат қилиш методлари.

4. Жамият ривожид мафкуравий тушуниш, идрок этиш, прагнонлаш, назорат қилиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.

5. Дунёнинг мафкуравий манзараси ва унинг ўзгарувчан характери.

6. Бугунги кундаги дунёнинг мафкуравий манзарасида бунёдкор ва бузғунчи ғояларни ўрни, уларнинг тарихий илдизлари ва намоён бўлиши.

7. Глобаллашувнинг мафкуравий жараёнларга таъсири.

8. Ўзбекистоннинг интеграциялашувнинг ғоявий — мафкуравий вазифалари.

3.7. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш мафкуравий муаммо сифатида

Таянч тушунчалар:

Ахборот хавфсизлиги, кибернетика, ахборотлашган глобал тизим, ахборот тизим, ахборот хуружи, мафкуравий ҳимояланганлик, ахборот-психологик хавф, ахборот уруши, ахборот қарама-қаршилиги, тарғибот Аллен Даллес, Афғонистон, Ироқ, Ливия, ахборот хавфсизлигининг ҳуқуқий асоси

Аслини олганда ахборот тушунчаси дунёқарашни ифодаладиган барча билимлар соҳасида қадимдан мавжуд бўлган. Кибернетиканинг келиб чиқиши ва ривожланиши бу тушунчани «алоқа» ва «бошқарув» тушунчалари билан бирга кенг қўлланилишига олиб келди. Ҳозирги вақтда ахборотларни ҳосил қилиш, қайта ишлаш, сақлаш, кўпайтириш ва тарқатиш алоҳида илмий соҳани - информатика соҳасини ташкил этади. Ушбу сўз дастлаб лотинчада таништириш, тушунтириш, бугунга келиб эса хабар, ахборот бериш маъносини билдиради.

Ялпи ахборотлашган глобал тизимнинг вужудга келиши миллатлар, халқлар ва бутун инсоният тақдирини бир-бирига боғлаб қўйди. Ахборот олиш, уни ишлаш, сақлаш ва тарқатиш технологиясининг мисли кўрилмаган тараққиёти нафақат ахборотлар олиш, узатиш соҳасида, балки инсоният ҳаётининг барча жабҳаларида улкан имкониятлар эшигини очиш билан бирга бугун жиддий ташвишлар ҳам туғдирмоқда. Чунки ҳозирги замон компьютерларининг энг сўнгги авлодининг протсессорида 80-100 миллион транзистор бўлиб, ҳар сонияда икки миллиардгача вазифани бажара олади. Ахборот технологиясининг ана шундай мўъжизаси туфайли ҳар бир инсон Ер юзининг хоҳлаган нуқтаси билан сонияларда алоқа ўрнатиши, маълум муаммони лаҳзаларда ҳал этиши мумкин.

Инсониятнинг келажакдаги тақдири ва истиқболи хусусида ўйлар эканмиз, ахборот технологияси моҳияти, унинг тараққиёти

инсон ва инсоният ҳаётига таъсир ўтказиш омилларини чуқур ўрганишни тақозо этади.

Хусусан, ҳар қандай ахборот мазмуни, моҳияти, таъсир этиш даражаси, жамиятга фойда ёки зарари, кишини эзгуликка ёки ёвузликка даъват этиши билан «шахс-жамият-давлат» мутаносиблигига у ёки бу тарзда таъсир этади. Ана шу жиҳатдан қараганда, миллий манфаатларни асраш ва ривожлантиришда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг роли яна ҳам ошади.

Ахборот хавфсизлик – бу бевосита инсон руҳиятига таъсир ўтказиш орқали уни ўз ақидаларидан, муқаддас идеалларидан, эътиқодидан айирадиган бузғунчи ғоялардан асрашдир. Демак, ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашга эҳтиёж, энг аввало, бевосита инсон ва жамият, инсон ва давлат, шахс ва унинг дахлсизлиги, миллат ва миллий қадриятлар, жумладан, урф-одатлар, анъаналар, тарихий ва маданий мерос, авлодлар ворисийлиги, миллатнинг истиқболи билан боғлиқ бўлган қадриятларга маънавий-руҳий таъсир, бузғунчи ғоялар ва тажовузкор мафкураларнинг мавжудлигидан келиб чиқади.

Ахборот хавфсизлик тушунчаси маълум бир халқ, миллат, мамлакат ҳаётида жиддий ижтимоий хавф туғдириши мумкин бўлган замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан тинчлик ва барқарор тараққиёт йўлида унумли фойдаланиш, уни бошқариш, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий манфаатларга сиёсий тус бермаслик усулларида фойдаланишни тақозо этади.

Бизнинг назаримизда, ахборот-психологик хавфсизлик – бу бевосита сиёсий можароларнинг олдини олиш, энг аввало, инсоннинг ўзини ўзи тушуниши ва фуқаролараро муносабатларни юксак маънавий-маърифий мезонлар асосида шакллантириш, ахборот кўмагида замонавий инсонпарвар тафаккурни, ижодкорлик руҳини, яратувчилик қобилиятини, бунёдкорлик имкониятларини шакллантиришни тақозо этади.

Жамият аъзоларининг интеллектуал билими ва мафкуравий ҳимояланганлик даражаси етарли ривожланган бўлиши лозимки, фуқаролар тигиз ахборотлар бозоридан умуммиллий манфаатга хизмат қиладиган, унинг тараққиётига ёрдам берадиган ахборотни танлай билсин. Ахборот олиш кафолати, бу – бевосита шахсий манфаатдан устун турадиган, умуммиллий манфаатга дахлдор бўлган қадриятга айланмоғи лозим. Ана шундай шароитда

жамиятнинг психологик ҳолатига салбий таъсир этувчи, ижтимоий, миллий, этник, диний тафовут ва келишмовчиликларни кучайтирувчи, зўравонлик ва урушни тарғиб этувчи, порнография, маиший бузуқлик, шахслар мавқеига, обрўси ва шаънига салбий таъсир этувчи ахборотлар тарқатилишини чегаралашнинг норасмий, инсон виждони билан боғлиқ бўлган, соғлом ақл ва юксак тафаккурга таянган маънавий-руҳий меъёрлари вужудга келади.

Демак, ахборот хуружи тобора авж олиб бораётган, якка тартибда ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон онгига кучли таъсир ўтказаётган, кенг миқёсда олганда эса жамият тараққиёти ва миллат тақдирини ҳал қилиши мумкин бўлган, глобал миқёсда эса бутун инсоният ҳаётини кафолатлайдиган, унинг тараққиёти ёки таназзулини белгилашга қодир бўлган тифиз ахборот тизимини бошқариш, тартибга солиш, ундан фойдаланиш меъёрларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Ахборот-психологик хавф авж олаётган бир пайтда, турли бузғунчи ғоялар инсон онги ва тафаккурига ўз таъсирини ўтказаётган бир шароитда сиёсий можароларни келтириб чиқариши мумкин бўлган манбаларни ўрганиш, омилларни аниқлаш ҳамда унинг натижасида жамиятда шаклланиши мумкин бўлган жамоатчилик фикри, сиёсий қарашлари, руҳияти ижтимоий-сиёсий психология изчил равишда ўрганиб борилмоғи лозим.

Баъзи бир давлатларнинг ахборот бозоридаги ҳукмронлигининг ошиш тенденцияси, халқлар, давлатлар ва маданиятлар хусусида уларнинг шахсий қарашларини шакллантиришга интилиши. Маълумки, бугунги кунда ахборот оқимлари ҳаддан ташқари жадал ва кенг кўламли бўлган. Охирги эллик йил ичида жамиятда айланадиган ахборот ҳажми миллион марта кўпайди ва кундан-кунга янада ошиб бормоқда. Бу шундай бир катта рақамки, уни тўла даражада англаб олиш ҳам қийин. Шунини айтиш зарурки, бундай имкониятлар ҳамма давлатларга ҳам хос эмас.

Демак, техникавий жиҳатдан қудратли бўлган давлатлар кучли ахборот технологияларига эга. Шунинг эвазига улар ўзлари ишлаб чиққан ахборотни тарқатиш йўли билан бошқа мамлакатлар устидан олдин ғоявий, кейин эса сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳукмронлик қилишга ҳаракат қилмоқда. Бундай давлат-

лар сирасига энг аввало ривожланган мамлакатлар киради. Мазкур мамлакатларнинг ахборот манбалари сифатида биринчи ўринда давлат ахборот марказлари ва миллий ОАВ хизмат қилади.

Ахборий ҳукмронликнинг мақсади битта – ахборот тарқатадиган мамлакатнинг мафкурасини бошқа давлатлар ва халқлар ўртасида кенг тарқатиш ва тарғиб қилиш. Лекин бундай вазифа борлиги ҳақида улар очик-ойдин айтмайди, аксинча, уни ҳар хил йўллар билан яширади. Масалан, инсон ҳуқуқлари ёки демократик андозалар ниқоби остида ва ҳоказо.

Ахборот қарама-қаршиликлари ва урушлари. Инсоният тарихида кўп сонли давлатлараро, динлараро, миллатлараро қарама-қаршиликлар бўлган. Афсуски, замонавий жамият ҳам ушбу қусурдан ҳоли эмас. Ахборотлашган жамиятларда қарама-қаршиликларнинг анъанавий турларига янги ахборот технологиялари воситасида вужудга келган турлари кўшилди. «Ахборот қарама-қаршилиги» тушунчаси 80-йилар ўрталарида пайдо бўлди. Ушбу термин оммавий ахборот воситаларида 1991 йилда Ироққа қарши АҚШ ва унинг иттифокдошлари томонидан ўтказилган «Саҳродаги бўрон» операциясидан кейин кенг ёритила бошлади. Бу ерда биринчи марта ахборот технологияларидан жанг ҳаракатлари воситаси сифатида фойдаланилди. «Ахборот қарама-қаршилиги» термини очик ёки махфий кўринишдаги материал соҳада манфаат кўриш мақсадида томонларнинг бир-бирига информацион таъсир ўтказиш маъносини англатади. Масалан россиялик етакчи мутахассислар ёзишича, ахборот уруши (information war) – стратегик мақсадларни амалга ошириш учун рақибнинг ахборот майдонига информацион таъсир кўрсатиш ҳаракатидир деб изоҳ беришади.

Ахборот уруши «тарғибот» (пропаганда) атамасига бевосита боғлиқ. «Тарғибот» атамасини Рим Папаси 1622 йили, католиклар ва протестантлар ўртасидаги ўттиз йиллик урушда илк бор қўллаган. Папа мағлуб бўлаётган католикларнинг жанговор руҳини кўтариш мақсадида махсус конгрегация – имон тарғиботи бўлимини ишга туширган тарихан маълум.

1622 йилдан биринчи Жаҳон урушигача тарғибот атамаси диний маънода қўлланилган. Душман қўшинлари ва кучларига таъсир қилиш учун махсус бўлинмалар илк бор ана шу урушлар давомида пайдо бўлди.

«Ахборот уруши» атамаси илк бор 1967 йили тилга олинган бўлиб, бу иборанинг муаллифи собиқ Совет иттифоқига қарши бошланган ахборот урушининг асосчиларидан бири Аллан Даллес Конгрессда АҚШнинг Совет иттифоқига қарши кураш стратегиясини қуйидагича баён қилган: «Биз нимага эга бўлсак, яъни ҳамма олтинларимиз, моддий бойликларимизнинг барчасини уларни лақиллатиш ва алдаш учун сарф қиламиз! Инсон онги, инсонларнинг фикрлаши ўзгариб туришга мойил. Алғовдалғовлик билан уларнинг қадриятларини сохта нарсаларга алмаштириб, шу сохта нарсаларни қадрият сифатида қабул қилишга мажбур қиламиз. Қандай қилиб дейсизми? Биз фикрдош ва иттифоқчиларимизни Россиянинг ўзидан топиб оламиз». «Ахборот уруши» сўзларининг асосчиси физик-олим Томас Рон ҳисобланиб, 1976 йилда у ахборотни ҳарбий кучларнинг энг заиф бўғини деб таърифлаб, ушбу масалага барча давлат миқёсидаги масъул кишиларни эътиборини қаратди. Шундан бери мазкур сўзларнинг аҳамияти кундан-кунга кучайиб келмоқда. 1985 йили ахборот уруши атамаси Хитойда ҳам қўлланганлиги, 1992 йили эса АҚШ ҳарбий кўмондонлиги Форс кўрфазида амалга оширилган «Саҳродаги бўрон» амалиёти учун «Ахборот уруши» деб номлаган алоҳида ҳужжат ҳам ишлаб чиқилган эди.

Ахборот уруши – рақиб саналган мамлакат раҳбариятига, унинг жамоатчилик ёки диний ташкилотларига ва улар қабул қиладиган қарорларга таъсир кўрсатиш, ижтимоий фикр ва жамоатчилик онгини ўзига керакли йўналишда шакллантиришга уринишдир.

Таъсир қилишнинг асосий дастаклари

- китоблар,
- кинофильмлар,
- телевидение,
- интернет,
- ОАВ нашрлари ҳисобланади.

Ахборот урушининг муҳим жиҳати – рақибнинг раҳбарига психологик босим ўтказиб, уни «керакли» қарорларни қабул қилишга мажбур қила билишдир. Мисол учун, керакли лақаблар ўйлаб топилади (кофир, тоғут, мунофиқ, ваҳҳобий ва ҳоказо), турли хил дезинформация, яъни ҳақиқатан йироқ ахборотлар

тарқатилади. Ёлғон мақсадлар сари йўналишга мажбур қилувчи хатти-ҳаракатлар ва ваҳима уйғотувчи услублар қўлланилади.

Ахборот таъсири – далилларни (фактларни) бузиб кўрсатиш ёки рақибнинг табиий идрок қилиш қобилиятини сўндириш, унинг фикрини ҳис-туйғулар (эмоциялар), кучли ҳиссиётлар таъсирида ушлаб туриш, яъни «жаҳл чикса, ақл кетади» деган ҳолатга олиб келиш.

Мисол учун, Ғарб оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ва «Ал-Жазира» телеканалининг Қаддофий самолётлари «тинч» намоёишчиларни «бомбардимон қилгани» оқибатида Ливия кўчаларида юзлаб ўликлар ётгани, бегуноҳ халқ аёвсиз қирилаётгани ҳақидаги ахборотлардан сўнг БМТ махсус резолюция қабул қилишга «мажбур» бўлди. Ҳақиқатан йироқ бу ахборотлар таъсири остида НАТО Ливияни бомбардимон қилиши ва яқин келажақда бу мамлакат Афғонистон ва Ироқ каби босиб олиниши мумкин бўлиб қолди...

Ахборот ҳужумлари ҳатто мусулмон оламининг машҳур ва нуфузли олими Юсуф Қарзовийни ҳам четлаб ўтмади. Шайх Қарзовий ҳам ёлғон ахборот (дезинформация) қурбонига айланиб, Қаддофийнинг ҳокимиятда қолишига қарши фатво бериб юборди. Баъзи имомлар эса Қаддофийни Аллоҳнинг ва диннинг душмани деб, унга такфир эълон қилишди.

Ахборот қарама-қаршилиги асосида психологик ва дунёқараш факторлари ётади; унинг методологияси ахборот технологияларига таянади. Бундай қарама-қаршилиқда инфорацион таъсир объектлари сифатида ахборот инфраструктураси ва душман психологияси хизмат қилади. Информацион қарама-қаршилиқ қарши томон давлат бошқаруви тизими, унинг ҳарбий-сиёсий бошқаруви, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилиги, алоҳида шахсларига нисбатан комплекс таъсир ўтказишни ўз ичига олади. Дезинформация, ахборотларни яшириш, ҳаддан зиёд ортиқча маълумот тарқатиш – бу ахборот қарама-қаршилиги усуллариининг тўла бўлмаган рўйхатидир. Системали тарзда ташкил қилинган инфорацион таъсир қарши томоннинг инфорацион таъсир ўтказаётган томон учун фойдали бўладиган қарор қабул қилишига олиб келади. Бунга қарши томон ахборот тизимларига таъсир кўрсатиш ва шу билан бирга ўз ахборот хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўли билан эришилади. Ахборот қарама-қаршилиги оғир кўриниши - ахборот

уруши ҳодисасидир. Ахборот урушларининг асосий объектлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

–Давлат органлари томонидан фойдаланилувчи алоқа ва ахборот-ҳисоблаш тармоқлари;

–Аскарларни бошқариш масалаларини ҳал этувчи информацион инфраструктура;

–Банклар, транспорт, саноат корхоналарини бошқарувчи информацион ва бошқарув структуралари;

–Оммавий ахборот воситалари;

–Бузилиши рақибга зарар келтириши мумкин бўлган ихтиёрий бошқа ахборот тизимлари.

Охирги йиллар тажрибаси технологик жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг ҳарбий келишмовчиликларда информацион урушнинг барча усулларида фойдаланаётганларини кўрсатмоқда.

Ахборот технологияларнинг ҳаётнинг барча соҳаларига оммавий татбиқ этилиши XX аср охири – XXI аср бошларида инсониятнинг янги жамият формацияси бўлмиш «Ахборотлашган жамият» нинг бошланғич босқичига қадам қўйишига олиб келди. Ривожланган ахборотлашган жамият янги технологиялар, ахборот ресурслари ва уларни қайта ишлаш воситаларига эга бўлиб, ўзидан олдин мавжуд бўлган жамиятдан иқтисодий, ижтимоий соҳаси, маданияти, таълим тизими, маиший ва бошқарув соҳалари жиҳатидан катта фарқ қилади. Инсоният олдидаги муҳим вазифа ушбу фарқларнинг одамлар учун фойдали бўлишига эришишдан иборат.

Жамият ривожланишининг ҳозирги замон босқичи ўзида ахборотлар йиғиндисини, ахборот инфраструктурасини, ахборотларни йиғиш, шакллантириш, тарқатиш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи субъектларни, шунингдек, бунда юзага келадиган жамоатчилик муносабатларини бошқариш тизимларининг ўсиб бораётган ролини характерлайди. Ахборотлашган муҳит жамият ҳаёт тизимини шакллантирувчи омили бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг сиёсий, иқтисодий, маънавий, муҳофаа ва бошқа хавфсизликни таъминловчи таркибий қисмларига фаол таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги ахборот хавфсизлигини таъминлашга жиддий тарзда боғлиқ ва техника тараққиётининг бориши

жараёнида бу боғлиқлик ўсиб боради. «Хавфсизлик тушунчаси,- деб ёзади И.А.Каримов, – фақат ҳарбий соҳа билангина чегараланиб қолмаслиги барчага маълум. Кейинги пайтда хавфсизликнинг сиёсий, иқтисодий, инсонпарварлик ва бошқа белгиларини ўз ичига оладиган ҳарбий бўлмаган жиҳатларини англаш анча кўпайди. Давр хавфсизликнинг яхлитлигини ҳамда энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган иш сифатида уни таъминлаш воситалари муаммосини шакллантиради».

Жамият ҳаётига нисбатан таҳдидлар тарихий ҳодиса бўлиб, улар тараққиётнинг барча босқичларида мавжуд бўлади. Шу нуқтаи назардан, таҳдидлар бир-биридан фарқ қилувчи турли маданий тизимлар, давлатчилик анъаналарининг шаклланиши, улар ўртасидаги табиий ва ижтимоий ресурслар учун кечадиган доимий кураш ва рақобат турли йўналишлардаги таҳдидларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган дейиш мумкин.

Мафкуравий таҳдид мафкуравий хавфсизликни тақозо этади. Сўнгги йилларда нашр этилаётган луғатларда ушбу тушунчаларнинг таърифлари ўрин олган. Жумладан, уларнинг бирида «мафкуравий хавфсизлик – шахс, миллат, жамият, давлатнинг хилма-хил шаклларда намоён бўладиган мафкуравий тажовузлардан турли мафкуравий марказларнинг бузғунчилик таъсиридан ҳимояланганлик даражасини тавсифловчи тушунча» экани баён қилинган. Яна бир луғатда эса, мафкуравий таҳдид «...ижтимоий-сиёсий ҳаракат, оқим ёки сиёсий куч ўз манфаатини ифодаловчи мафкурасини кўрқитув, зўрлик йўли билан бошқаларга тикиштириши жамият, давлат ёки халқ, миллат ёки элат тақдирига хавф солиб турган, фожеали оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мафкуравий хавф-хатарлар мажмуи» сифатида талқин этилган.

Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлиги деганда унинг шахс, жамият ва давлатнинг тенглаштирилган манфаатлари йиғиндисини белгиловчи ахборот муҳитида миллий манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати тушунилади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида мамлакатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашни мукаммаллаштириш борасида қатор чора-тадбирлар комплекси амалга оширилди.

Мамлакатимизда ахборот хавфсизлигининг ҳуқуқий таъминлаш базаси шакллантирила бошланди. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат сири ҳақидаги» Қонуни, Ўзбекистон Республи-

касининг архив фонди ва архивлар ҳақидаги қонунчилик асослари, «Ахборотлар, ахборотлаштириш ва ахборотлар ҳимояси ҳақида», «Халқаро ахборот алмашувларда қатнашиш ҳақида» ва бошқа қатор қонунлар қабул қилинди, ахборот доирасида жамоатчилик муносабатларини тартибга солувчи (бошқарувчи), уларни реализация қилиш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш механизмларини яратиш бўйича ишлар йўлга қўйилди.

Давлат ҳокимияти органларида мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирлар амалга оширилди. Давлат ҳокимияти органлари манфаатларини кўзлаб, махсус вазифаларни бажарувчи ҳимояланган ахборот-телекоммуникация тизимлари яратилмоқда.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларини муваффақиятли ҳал қилиш ахборотларни ҳимоялашнинг давлат тизимларига, давлат сирини сақлаш тизимлари, давлат сирларини ва ахборотларни ҳимоялаш воситаларини сертификатлаш соҳасидаги фаолиятларини ҳимоялашга ёрдам беради. Ҳозирги даврдаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жамиятнинг ахборотларни эркин алмашувини кенгайтиришдаги талаблари ва уни тарқатишда алоҳида эътибор бериш лозим.

Назорат учун саволлар

1. «Ахборот хавфсизлиги» тушунчаси ва унинг ижтимоий-маънавий талқини.

2. Ахборот хавфсизлигини таъминлашда ҳолатий омилларининг ўрни.

3. Ахборот қарама-қаршилиги, ахборот уруши ва глобал ахборот тизимидаги объективлик масалалари.

4. Ахборот урушининг таъсир ўтказишнинг асосий дастаклари .

5. Ўзбекистонда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ижтимоий- фалсафий таҳлили.

6. Ўзбекистонда ахборот хавфсизлигини таъминлашни мукаммалаштиришнинг ҳуқуқий асослари.

3.8. Мафкуравий тарбия: муаммо ва ечимлар

Таянч тушунчалар:

Мафкуравий тарбия, мафкуравий профилактика, мафкуравий таъсир, мафкуравий бағрикенглик, мафкуравий плюрализм, оила ва маҳалла, демократия, таълим, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»

*Инсон, жамият, ижтимоий гуруҳ, миллат дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларини ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга қаратилган жараён – **мафкуравий тарбия** дейилади. Жамиятдаги ҳар бир ижтимоий куч ёки аҳоли қатламлари ўз манфаат ва мақсад-интилишларини ифода этувчи ғоялар тизимини яратгач, бошқа гуруҳларни ҳам шу ғоялар таъсирига тортишга, ўз тарафдорлари сафини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Ғоялар адолатли ва ҳаққоний бўлиб, кўпчиликнинг талаб-эҳтиёжларига мос келса, бу соҳадаги тарбия воситалари, таъсирчан, тарбиячилар эса фаол ва фидойи бўлса, кўзланган мақсадга эришилади. Жамият, халқ ҳали ўз манфаатларини англаб етмаган, ўз мафкурасини шакллантириб, мақсадлари сари сафарбар бўлмаган ҳолларда бегона ва зарарли ғоялар таъсирига берилиш эҳтимоли ортиб боради. Бу эса ғоявий тарбияни йўлга қўйиш, соғлом мафкура тамойилларини халқимиз қалби ва онгига муттасил сингдиришни долзарб вазифага айлантиради. Ўзбекистон шароитида мафкуравий тарбиянинг асосий вазифалари – халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асосий орзу-истаклари, мақсадларини, миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтиришидир, ва айниқса, ёшлар онгига сингдиришидан иборатдир.*

Мафкуравий тарбия жамиятда, авваламбор, оила, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, мактаблар, лицей, коллежлар, олий ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотларининг биргаликдаги фаолиятини тақозо этади. Узлуксиз таълим тизими мафкуравий тарбияни олиб боровчи асосий бўғиндир, зеро, мафкуравий мақсадларни кишилар,

айниқса, ёшлар онгига сингдириш вазифаси, асосан таълим тизими орқали амалга оширилади.

Мафкуравий тарбия ҳақида гап кетар экан, унинг мафкуравий профилактика, мафкуравий таъсир тушунчаларининг ўзаро алоқа-дорлигини назардан қочирмаслик лозим. **Мафкуравий профилактика** олдинги мавзуларда таъкидланганидек, ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган турли шаклдаги ғоявий-тарбиявий, маънавий мафкуравий ишлар мажмуи бўлиб, у бутун мафкуравий тарбия тизимини қамраб олади. Хусусан, таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот тизими мафкуравий профилактикани амалга оширишда ёрдам беради. Ўз ўрнида мафкуравий профилактика мафкуравий тарбияни таъминлашда фаол иштирок этади. Бу қисқа таърифдан англаш мумкинки, *мафкуравий тарбия ва мафкуравий профилактика тушунчалари бир-бирини тақозо этадиган ва тўлдираётган алоқадорликда бўлиб, ўзаро объект-субъект, субъект-объект муносабатида бўладиган жараён дейиши мумкин.*

Мафкуравий таъсир – мафкуравий тарбиянинг энг муҳим хислатларидан биридир. Мафкуравий таъсирсиз (турли хил шакллари, усуллари, воситалари) мафкуравий тарбия ҳақида фикр юритиш табиий равишда мантиқсизликдир. Мафкуравий тарбиянинг самарадорлигини оширишда мафкуравий таъсирнинг объекти ва субъектига кўп нарса боғлиқ. Чунончи, мафкуравий таъсир самарадорлиги мафкуравий таъсир ўтказилиши лозим бўлган кишиларнинг (объект) билим даражаси, маданий савиясига боғлиқ бўлса, ўз навбатида мафкуравий таъсир ўтказаётган идоралар, тарбиявий муассасалар, тарғибот ва ташвиқотлар (субъект) амалга ошираётган мафкуравий тадбирлар мазмуни ва шаклига, мафкура ходимларнинг профессионал маҳоратига инсоний фазилатларига, хислатларига боғлиқ бўлади. Демак, айтиш мумкинки, мафкуравий таъсир тушунчаси мафкуравий тарбияни ҳаракатга келтирувчи асосий куч сифатида намоён бўлади.

Бундай ўзаро алоқадорлик мафкуравий тарбиянинг мағзини ташкил этиб, мафкуравий таъсир доирасига тушадиган ҳар бир шахс ўша таъсир асосида фаолият кўрсата бошлайди.

XXI асрни ахборот асри, ахборот технологиялари асри деб аташ тобора расм бўлмоқда. Чунки асримизда кенг қамровда ва жадал суръатларда тарқалаётган информациялар, яъни

ахборотлар инсоннинг истакларини, дидини ўзгартиришга, фикрига таъсир қилиши аниқ ва муқаррар. Тан олиш керак, томоша қилинаётган телесериалдан тортиб, болакайларга айтиб берилаётган эртақкача, ўқиётган китобларимиз ҳам қандайдир мафкуравий таъсир самарасига эга, уларда муайян ғоялар тарғиб қилинади.

Пухта ишлаб чиқилган стратегик йўналиш давлатнинг истиқболини белгилайди. Ўзбекистоннинг стратегик мақсадлари И. Каримовнинг жумладан, **«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари»** ва **«Ўзбекистон XXI асрга интиломда»** ҳамда бошқа асарларида белгилаб берилган. Шу мақсадлар сари инсонларни сафарбар қилиш уларни ғоялар шаклида сингдириш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг тақдири, сўзсиз, ҳар бир фуқаро, аниқроғи, инсоннинг фаоллигига боғлиқ. Бу эса ислохотларнинг моҳиятини халққа тушунтиришни талаб қилади. Шунинг учун ривожланган мамлакатларда мафкуранинг тарғиботи *«ҳукумат сиёсатининг таъсироти»* кўринишида амалга оширилади. Давлатнинг бош ислохотчи эканлиги ҳам Ўзбекистон ҳукуматининг сиёсатини махсус тарғиб қилишни талаб этади. Бундай тарғибот ислохотларини мафкуравий асосда таъминлашга хизмат қилади.

Ҳозирги даврда инсон онги ва қалбини забт этиш учун кураш бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ёт ғоявий таъсирларга қарши курашда узилишларга йўл қўйиб бўлмайди. Бундай шароитда бегона ғояларнинг қўпоровчи таъсирига қарши доимий ва узлуксиз аксилтарғиботни ташкил этиш муҳим саналади. Чунки бундай мафкуравий курашни нафақат мамлакатимиз ичкарасида, балки халқаро майдонда ҳам олиб бориш талаб этилади.

Миллий истиқлол ғоясини сингдиришнинг усуллари, технологиялари, устувор йўналишлари XXI асрда инсоният ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги палласига қадам қўйганлиги билан баҳоланиши лозим. XXI асрда ишлаб чиқаришда жорий этилган янги технологиялар меҳнат самарадорлигини мисли кўрилмаган даражада ўстириб юборди. Бироқ янги технологиялар фақат саноат ва қишлоқ хўжалигида қўлланилмаяпти, балки маънавий-мафкуравий жараёнларда ҳам шу нуқтаи назардан

ёндашиш миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилишда замонавий технологиялардан фойдаланиш заруратини кўрсатади. Миллий ғояни халқ қалби ва онгига сингдириш муайян технология асосида олиб борилганда тадбирларнинг кетма-кетлиги, миқёси, меъёри, давомийлиги ва тамойиллари сингари жихатлар қамраб олинади. Уларнинг муҳимлиги шундаки, тарғиботда меъёрнинг бузилиши, миллий мафкура тўғрисида ҳадеб ва ноўрин гапиравериш меъёрни билмаслик тескари самара бериши мумкин. Тарғибот технологиясини миллий мафкура мазмун-моҳиятига мос бўлган тақдирдагина кутилган натижага эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида мафкуравий жараёнларни ташкил этишни устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- белгиланган тадбирларнинг юқори даражада уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлаш;
- миллий истиқлол ғоясининг тарғиботи сифатини мунтазам ошириб бориш;
- давр талабидан келиб чиққан ҳолда мафкуравий ишларни ташкил этишнинг янги, самарали йўллари излаш;
- бу соҳада эски услубларни мутлақлаштиришга, андозалаштиришга йўл қўймаслик;
- мафкуравий жараёнларни ташкил этишда ижтимоий муҳитни ҳисобга олиш;
- мафкуравий жараёнларни ташкил этишда учрайдиган расмийлик, мажлисбозлик кўринишларига барҳам бериш;
- мафкуравий фаолиятнинг қанчалик самарали олиб борилаётганлигини билиш мақсадида унинг мониторингини ташкил этиш.

Миллий ғоянинг тарғибот-ташвиқотини ташкил этишда қуйидаги ташкилий тамойилларга амал қилиниши мақсадга мувофиқ:

– **кенг камровлилик**, бунда жамиятнинг барча аъзоларига ғоялар хилма-хиллиги асосида мафкурани сингдириш, бу жараёнда аҳолининг барча қатламларини қамраб олиш назарда тутилади;

– **узлуксизлик** – миллий истиқлол ғоясининг тарғиботи маконда ва замонда доимийлигини, унинг яхлит тизим шаклига келтирилишини англатади. Бу таълим тизимидаги ўқув режалари, дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, синф ва

аудиториялар, кўргазмали куруллар миллий истиқлол ғоясига уйғун бўлишни талаб этади;

– **кетма-кетлик** – ҳар бир босқич учун тараққиёт ва инсон камолотига хизмат қиладиган қадриятларни сингдириш мақсадида мафкуравий ташвиқот режалаштирилади;

– **босқичма-босқичлик** – миллий мафкурани тарғиб қилишнинг руҳий жиҳатлари билан боғлиқ бўлиб, ҳам тарғиб қилувчи, ҳам қабул қилувчининг муайян тайёргарлик босқичидан ўтишини тақозо қиладди. Масалан, бошланғич синф ўқувчисига миллий мафкуранинг фалсафий ва этник илдизлари тўғрисида гапириш ноўрин бўлишдан ташқари мутлақо самарасиз ҳамдир. Шунинг учун боғчада, бошланғич синфларда, юқори синфларда, академик лицей, касб-хунар коллежларда, олий ўқув юртлари ва меҳнат жамоаларида мафкуравий ишлар тингловчи ва ўқувчи-талабаларнинг ёши, савияси, маълумоти каби жиҳатларини ҳисобга олиб, аниқ белгиланган режа асосида олиб борилиши керак;

– **меъёрийлик** – аксилтарғиботни келтириб чиқарадиган, ҳаётдан узилиб қолишга олиб келадиган баландпарвозлик, расмийчилик ва такрорланишга йўл қўймайди.

Мафкуравий тарбияни шакллантиришда **мафкуравий плюра-лизм ва мафкуравий бағрикенглик** тушунчалари катта аҳамиятга эга. Мамлакатда илғор ғоялар, мафкуралар қанча кўп бўлса, жамият тараққиётининг самарали йўлини танлаб олиш учун имконият шунча кўп бўлади. **Мафкуравий плюрализм** тараққиётга хизмат қиладиган янгидан-янги ғояларни пайдо бўлишига, турли халқлар, элатлар, миллатлар ва сиёсий гуруҳларнинг манфаатлари асосида, умумий тарзда рўёбга чиқишга шароит яратади. У муқаррар суръатда кўппартиявийлик тизимини тақозо этади. Шу маънода айтиш мумкинки, бугун Ўзбекистон Республикада бир неча сиёсий партиялар фаолият кўрсатиб мамлакатимиз сиёсий-ҳаётида фаоллик кўрсатмоқдалар.

Олдинги мавзуларда таъкидланганидек, ҳозирги даврда **мафкуравий бағрикенглик** жамиятдаги барча қатлам, ижтимоий гуруҳ ва миллатнинг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутати ва мамлакатда тинчлик, барқарорликни таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси халқлари дунёвий давлат, кучли фуқаролик жамияти қурмоқда. Буларнинг барчаси мафкуравий тарбия жараёнда ўз аксини топмоғи лозим.

Кишиларни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш мафкуравий жараёнларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бунга **оила, маҳалла, муассаса ва ташкилотлар**да олиб борилиши лозим бўлган тадбирлар амалий аҳамият касб этади. Мафкуравий тарғибот ишларида булардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, ўзбек оиласида бола онгида соғлом ғоя ва билимларнинг шаклланиши жараёнида оиланинг катталари – боболар, момолар, яқин қариндош-уруғлар ҳам бевосита иштирок этади. Улар оиладаги маънавий муҳитнинг бошқарувчилари ҳисобланади.

Хуллас, ота-она ўз боласининг ахлоқи ва маданияти учун жамият олдида жавобгардир. Ота-оналик бурчига эътиборсиз қараш, фуқаролик масъулиятини ҳис этмаслик муҳим ижтимоий бурчни бажармаслик билан тенгдир. Чунки болани дунёга келтиришдан кўра, уни жамиятга нафи тегадиган, соғлом эътиқодли, солиҳ фарзанд қилиб тарбиялаш мушкулроқдир.

Маҳалла – ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели бўлиб, у халқимизнинг азалий удумлари, анъаналарига таянган ҳолда, улкан тарбиявий вазифани бажаради. Кексаларнинг панд-насиҳати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги мисолида одамлар онгида эзгулик ғоялари сингдириб борилади.

Маҳалла, аввало, соғлом ижтимоий муҳитдир. Бу ерда кучли таъсирига эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Шу маънода, маҳалла *Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳақиқий демократия дарсхонасидир.*

Таълим-тарбия соҳалари миллий истиқлол ғояларини ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг устувор йўналишларидир. Таълим тарбиянинг ҳар бир алоҳида босқичи ўз навбатида миллий истиқлол ғояларини ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг ўзига хос омилларини назарда тутди. **Мактабгача таълим муассасалари, бевосита таълим берувчи муассасалар (мактаблар, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари)** мафкуравий тарбиянинг асосий ўчоқларидир.

Мафкуравий тарбиянинг маънавий-маърифий вазифалари ҳақида гап борганда, оммавий ахборот воситалари, фан, адабиёт, санъатнинг бунёдкор ғояларни амалга оширишдаги ўрни, барка-

мол авлодни тарбиялаш ва **«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»**ни амалга оширишнинг ғоявий омиллари назарда тутилади.

Оммавий ахборот воситалари – энг асосий, қудратли ва таъсирчан мафкура воситасидир. Чунки оммавий ахборот воситалари оммани ўзига хос тарбиячиси бўлиб, долзарб муаммоларни ҳал қилишнинг таъсирчан қуроли бўлиб хизмат қилади. Айнан оммавий ахборот воситалари орқали миллий қадриятлар, миллий ғоя ва демократик тамойиллар тарғиб-ташвиқ қилинади. Тоталитар тузумда оммавий ахборот воситалари ахборот узатиш воситаси ва яккаҳукмрон ғояни сингдириш қуроли бўлиб хизмат қилганлигини ҳам яхши биламиз.

Охирги пайтларда информацион хуружларнинг тез-тез уюштиралаётгани аслида урушга муносабатнинг ўзгарганидан, қуролнинг янги тури кашф қилинганидан дарак беради. Бу қурол – ахборотдир. Шу маънода аксилтарғибот *«ғояга қарши ғоя билан қурашиши»* тамойилига мос равишда олиб борилиши керак. Бунда давлатимиз сиёсатига қарши кучларнинг ғоявий хужумларини қайтариш талаб этилади. Бунда оммавий ахборот воситаларининг роли беқиёсдир.

Мафкуравий тарбияни шакллантиришда фаннинг, хусусан, **ижтимоий фанлар** алоҳида ўрин тутadi. Бу ўринда ижтимоий фанлар миллий ва умуминсоний қадриятлар эзгу ва бунёдкор ғоялар, жаҳон цивилизациясининг илғор илмий намуналари акс этган билимларни ёшлар тарбиясида унумли қўллашлари керак. **Адабиёт ва санъат** соҳаларида ҳам одамлар онгига кучли таъсир этган ва реал воқелик тамойилига асосланадиган, бунёдкор ғоялар замирида шаклланган миллий ва умуминсоний қадриятлар каби ғояларни ўзида акс эттирадиган асарлар ҳам шулар қаторига киради.

Баркамол авлодни тарбиялаш бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган экан, бунда **«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»** долзарб характер касб этиб, баркамол авлод тарбияси ғоясига асосланган бир неча босқични ўз ичига олади. Айни замонда таълим муассасаларининг барча соҳаларида олиб борилаётган дастлабки натижаларни санаб ўтиш мумкин. Қувонарлиси шуки, бугунги ёшларда мустақил дунёқараш, эркин фикрлаш миллий мерос ва қадриятларга бўлган ижобий ўзгаришлар ўзини намоён қилмоқда.

Назорат учун саволлар

1. «Мафкуравий тарбия» тушунчаси, унинг мазмуни ва намоён бўлиш хусусиятлари.
2. Мафкуравий таъсир, мафкуравий тарбия ва мафкуравий профилактика тушунчаларининг ўзаро алоқадорлиги.
3. Мафкуравий тарбиянинг йўналишлари ва маънавий-маърифий вазифалари.
4. Ғоя ва мафкуралар соҳасида плюрализм ва толерантликни тарбиялаш.
5. Оила ва маҳалла, муассаса ва ташкилотларда кишиларни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш масалалари.
6. Мафкуравий тарбия ва ёшларда зарарли ғояларга нисбатан иммунитетни шакллантириш вазифалари.
7. Глобаллашув, ахборотлаштириш, универсал технологияларнинг амал қилиш шароитида мафкуравий тарбия самарасини ошириш йўллари.

ХУЛОСА

Юқоридагилардан умумий хулоса шуки, ҳозирги воқеликда миллий истиқлол ғояси ва ёт мафкуралар орасидаги муносабатлар мафкуравий кураш, мафкуравий қарши туриш, психологик уруш шаклларида кечмоқда. Ёт мафкуралар мафкуравий курашнинг минг йиллик услубларини, шунингдек, замонавийлаштирилган услублари: *ахборот майдонини эгаллаб олиш, мафкуравий инфилтрация мафкуравий диверсия, дезориентация, мафкуравий қўпоровчилик ҳаракатларини қўллаш орқали халқимизда Ўзбекистоннинг буюк келажагига ишончсизлик уйғотишга, давлат сиёсатини обрўсизлантиришга, одамларнинг ўзини Ватан, миллат ҳимоясидан четга тортишга, лоқайдликка эришишга интиладилар. Бунда бирор хусусий фактни умумлаштиришга (экстрополяция), ёлгонни ҳақиқатга ўхшатиб тасвирлаш, кичик муаммодан катта ёлгон ясаш, бир нарсани такрорлайвериш, туйғуни ақлдан устун қўйиш, тингловчининг шахсий манфаатини биринчи ўринга қўйиб (унга дўст бўлиб кўриниш), «ҳасратлашиш», ҳукуматларни халқларга ёмон кўрсатиш, миллат душманларига раҳмдиллик, ҳамфикрлик туйғусини уйғотиш, одамларга таниш маълумотларни ишлатиб «фалон жойда фалон воқеа бўлди», деб ростга ёлгонни улаб юбориш услублардан мафкуравий курашда фойдаланаяпти.*

Ҳар қандай жамият бундай маккор таҳдидларни енгиш учун ўзида огоҳлик, мафкуравий ҳафвсизлик, тўқислик, жанговарлик, сафарбарлик, умумиллий бирлик каби ижтимоий сифатларга бўлиш керак. Бунинг учун миллий истиқлол мафкурасининг ёт мафкураларга қарши кураш услублари, жумладан, бузғунчи ғоялар моҳиятини фош этишга қаратилган тарғибот, мафкуравий мониторинг ва таҳдидлар моҳиятини халқимиз онги ва қалбига етказиш, жаҳолатга қарши маърифат тарқатиш услубларидан доимо ва ҳамма жойда фойдаланиш тақозо қилинади.

Бизга таҳдид солаётган мафкуралар **«мафтункор»** ва **«оммабон»** бўлиб, кўринсада, улар пухта, илмий-технологик асосга қурилганини англаш қийин эмас. Чунки, уларнинг тарғиботи олдинги ва ҳозирги замонавий мафкуравий кураш усулларига эга. Фақат ғоя ва мақсаднинг шакли ўзгарган. Масалан, ана шундай ғоялардан бири **«халифалик давлатини тузиш»** ғоясидир. Бу

ғоянинг мазмун ва моҳият жиҳатдан зарарли эканлигини чуқур англаш зарур.

«**Халифа**» сўзининг луғавий маъноси – «**ўринбосар**», терминологик маъноси «**мусулмон жамоаси ва мусулмон давлатининг диний ҳамда дунёвий борлиги**» деб талқин қилинади. Халифалик давлати мутлақ монархия типигаги давлат бўлиб, давлатни халифа бошқаради. Халифалик давлатининг бошқарув тизими ислом-шариат қонунлари билан белгиланади. «**Ҳизб ут-тахрир**» даъво қилган халифалик давлати эса «**Ислом низоми**» номли китобда баён этилган қонунларга асосан бошқарилади. Ваҳоланки, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) дан ривоят қилинган Ҳадиси шарифда аниқ айтилган: *«Халифалик мендан сўнг умматим ичида 30 йилдир, ундан кейин подшолик бўлади»*. Бу мўътабар саҳиҳ Ҳадис Имом Термизий ва Абу Довуддан ривоят қилинган. Ҳозирда «**Ҳизб ут-тахрир**» тарафдорлари минглаб бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилсада, халифалик барпо этилишини мажбурий, деб даъват этмоқдалар.

Бу ҳаракатлар моҳияти ҳақида Президент И.Каримов «**Инсоният тарихида диний онгнинг ажралмас қисми бўлган одамлардаги эътиқоддан фақат бунёдкор куч сифатида эмас, балки бузғунчи куч, ҳатто фанатизм (ўта кетган мутаассиблик) сифатида фойдаланганлигини кўрсатувчи мисоллар кўп. Айнан фанатизм иллатига йўлиққан одамлар ёки уларнинг гуруҳлари жамиятда беқарорлик тўлқинини келтириб чиқаришга қодир бўладилар**»¹ дея алоҳида таъкидлайди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиёдаги ўрнини ҳисобга олиб, улар диний оқимлар Ўзбекистонда ривожлантирилса, бунинг таъсири тезда Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларига ёйилишига умид қиладилар. Чунки диний алломалар айни Мовароуннаҳрдан чиққанлиги, бу ўлка халқи миллий характери, маънавиятининг шаклланишига сезиларли ҳиссасини қўшганини биладилар. Шу асосда улар диний ниқоб остида ёшларнинг мафкуравий иммунитетини сусайтириб, уларга давлатимизнинг демократик сиёсий тамойилларини қоралаб, давлат ва халқ ўртасида зиддият келтириб чиқаришга умид

¹ Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: «Ўзбекистон», 1997, 137-бет.

қиладилар. Шу сабабли «**Ҳизбут-таҳрир**» дастлаб ёшларда сохта исломий фикрларга ишонишини оширишни ўзининг асосий вазифаси деб билди.

Мафкуравий тарбия самарадорлигини аввало жамиятни мафкуравий тарбиялашдан натижаси қандай бўлиши керак эканлигини аниқ белгиланишига боғлиқ. Шу маънода, ёшларни у ёки бу мақсадга йўналтириш, тарбиялаш икки томонлама жараён. Илгари таъкидланганидек, бунда тарғибот-ташвиқот ишларини бир зум бўлсада, тўхтатиб туриб бўлмайди. Шу ўринда, тарғибот субъектлари (тарғиботчилар, таълим-тарбия тизими, оила, маҳалла, ТВ, радио, матбуот) ва тарғибот объектлари (шахс, аҳоли) иштирок этади. Турғибот ва ташвиқот ишларининг самарадорлиги халқ, жамоа сиёсий онгида тарғиботгача ва тарғиботдан кейинги даражалар орасидаги фарқда билинади. Жамоа мафкурасидаги ўзгаришлар илмий ютуқларга асосланган ҳолда олиб борилса, тарғибот ва ташвиқот самарасини аниқлаш ва такомиллаштириш мумкин бўлади.

Шундай қилиб, миллий мафкуравий иммунитет ҳар бир айниқса, ёшлардаги, фуқародаги, мустақилликнинг сиёсий моҳияти, Президент И.Каримов асарларида кўтарилган сиёсий ғоялар, ислохотлар ютуқлари ва муаммолари, ички ва ташқи сиёсатга доир чуқур билимларга таяниши лозим.

Хуллас, вояга етаётган ҳар бир фарзандимизни маънавий баркамол, иродаси бақувват, имони бутун, кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс сифатида тарбиялаш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолаверади.

ГЛОССАРИЙ

Ақидапарастлик – муайян шароитда, бирон-бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни, бошқа шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўрона қўллашга уриниш. Бу атама фақат салбий маънода қўлланиб, муайян олим ёхуд оқим томонидан баён этилган қонун ва қоидалар таъсир доирасини сунъий равишда кенгайтиришга уринишни англатади.

Аксиология – (юн. «*axio*» - қадрият ва «*logos*» - фан, таълимот) – қадриятшунослик; қадриятлар ҳақидаги фан.

Анъана – жамият ҳаёти турли соҳаларининг, моддий ва маънавий фаолият шакллариининг, кишилар ўртасидаги алоқалар ва муносабатларнинг авлоддан-авлодга ўтиши, аجدодлар ҳаёти, белгилари ва хусусиятларининг такрорланиш тарзи.

Бозор иқтисодиёти – иқтисодий алоқаларнинг йиғиндиси бўлиб ўз қонунларига эга, яъни: эркин рақобат, эҳтиёж ва ишлаб чиқариш, талаб ва таклифларнинг миқдори ва таркибини бир-бирига мувофиқлаштириш, хусусий мулкчилик шакллариининг хилма-хиллиги, мулкка эгалик, хўжалик юритиш ишларига фақат иқтисодий усуллар билан таъсир кўрсатиш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш каби иқтисодий қонунларга бўйсунди. Бозор иқтисоди халқнинг ижоди ва меҳнат имкониятларини юзага чиқариб, тадбиркорлик ва ишбилармонлик учун кенг йўл очади.

Бунёдкор ғоялар – жамият ва одамларни, турли гуруҳ ва қатламлар, миллат ва давлатларни тараққиёт сари етакловчи, халқни эзгу мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилишга ундовчи ғоялар.

Вайронкор (бузғунчи) ғоялар – 1) бунёдкор ғояларга зид бўлган, ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиладиган ғоялар мажмуини ифодалайдиган тушунча; 2) инсонни ва жамиятни тубанликка бошлайдиган, одамларни ғаразли ният ва қабих мақсадларга ундайдиган, халқлар ва давлатларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этадиган ғоялардир.

Ватан равнақи – ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирувчи, уни халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилишга ундовчи бунёдкор ғоядир.

Ватан туйғуси – Ватан туйғуси бўлган кишидагина ватанпарварлик жўш уради. Президентимиз Ислом Каримов айтганидек: «Ватанга муҳаббат ҳисси одамнинг қалбида табиий

равишда туғилади. Яъни инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғусини илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанчалик чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади».

Ватанпарварлик – Ватанга нисбатан садоқат, унга хизмат қилиш, юрт тинчлигини асраш, Ватан равнақи учун фаол бўлишга ундайдиган ижтимоий, маънавий-ахлоқий фазилат.

Глобалистика – глобаллашув ва унинг оқибатлари моҳиятини англаб етишга қаратилган илмий ва фалсафий тадқиқотлар фанлараро соҳаси.

Глобаллашув – ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида яхлит тузилмаларнинг дунё миқёсида шаклланиш жараёни.

Ғоявий тарбия – инсон, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараён. Ғоявий тарбия ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий тарбиянинг асосини ташкил этади. Ғоялар адолатли ва ҳаққоний бўлса, кўпчиликнинг талаб-эҳтиёжларига мос келса, бу соҳадаги тарбия воситалари таъсирчан, тарбиячилар эса фаол ва фидойи бўлса, ғоявий тарбиядан кўзланган мақсадга эришилади. Жамият, халқ ҳали ўз манфаатларини англаб етмаган, ўз мафкурасини шакллантириб, мақсадлари сари сафарбар бўлмаган ҳолларда бегона ва зарарли ғоялар таъсирига тушиш эҳтимоли ортиб боради. Бу эса ғоявий тарбияни йўлга қўйиш, соғлом мафкура тамойилларини аҳоли қалби ва онгига муттасил сингдиришни долзарб вазифага айлантиради.

Ғоянинг турли кўринишлари – мазмун-моҳияти ва намоён бўлиш шаклларида кўра илмий, фалсафий, диний, бадиий, ижтимоий-сиёсий, миллий ва умуминсоний ғояларга бўлинади.

Ғоя – муайян фикр, мақсад сари етакловчи куч. Илмий адабиётларда «ғоя», «мафкура», «идея» ва «идеология» тушунчалари кенг ишлатилади. «Идея» ва «идеология» кўпроқ ғарб давлатларида ҳамда рус тилидаги манбаларда учрайди. Идея ибораси юнон тилидаги «idea» сўзидан олинган. У идеология сўзининг ўзаги бўлиб ҳисобланади ва тушунча ёхуд фикр маъносини англатади.

Давлат – бутун мамлакат миқёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув аппарати таянадиган, барча учун қонунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган сиёсий ташкилот.

Демократик институтлар – жамиятнинг демократик тузумини барпо этишга хизмат қилувчи омил бўлиб, унга қуйидагилар киради. 1) сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар. 2) юридик мақомга эга бўлган муҳолифат, 3) мулкчилик институти.

Демократия – халқ ҳокимияти.

Детерминизм – барча воқеалар ва ҳодисаларнинг қонунийлиги ва сабабий боғланганлиги ҳақидаги фалсафий таълимот.

Диалектика – ҳаракат, ривожланиш, ўзгариш ҳақидаги фалсафий таълимот.

Дидактика – педагогикани бўлими бўлиб, маълумот ва таълим-тарбия бериш назариясини баён қилади; билим, малака, кўник-маларни ўзлаштириш ва эътиқодларни шакллантириш қонуният-ларини очиқ беради, маълумот ҳажми ва мазмуний структурасини белгилайди, таълим методларини ва ташкилий шакллари, ўқув жараёнининг ўқувчи-талабаларга кўрсатадиган тарбияловчи таъси-рини такомиллаштиради.

Диний бағрикенглик – хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши.

Дифференциация – бутуннинг турли-туман қисмлар, босқичлар, шаклларга бўлиниши, парчаланиши, ажралиши.

Идеал – мутлақ баркамоллик, бундай баркамоллик ҳақидаги тасаввур.

Ижтимоий демократия – бугунги давр демократияни ислохотлар жараёнига айлантириш.

Ижтимоий ҳамкорлик – турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлиги.

Иммунитет – латинча «*immunitatis*» сўзидан олинган бўлиб, бирор нарсадан халос, озод ва фориғ бўлиш, қутилишни, муайян касалликни қўзғатувчи вирусга, дардга қаршилик кўрсатиш қобилятини (масалан, инсон танаси иммунитети) билдиради. «Иммунитет» сўзининг маъноси организмнинг доимий ички барқарорлигини сақлаш унинг турли хусусиятларга ва таъсирларидан ҳимояланиши, қаршилик кўрсатиши, резистентлигини билдиради. Шунингдек, у дахлсизлик маъносини ҳам англатади, (масалан, депутатлик иммунитети, дипломатик иммунитети). Демак, мафкуравий иммунитет - давлат ва миллатнинг маънавий бирлиги, маънавий соғломлигини ҳимоя қилувчи ғоявий қалқон вазифасини бажаради.

Инсон – онгли мавжудот. Онгни шартли равишда икки катта қисмга бўлиш мумкин: биринчиси, инсоннинг руҳий олами: иккинчиси - фикрий олам, яъни тафаккур оламидир. Руҳий олам (бу соҳани руҳшунослик илми - психология тадқиқ этади) ўз таркибига сезгилар, идрок, тасаввур, кечинма, ҳис-ҳаяжон, диққат, хотира ва бошқаларни қамраб олади. Тафаккурнинг мантиқий шаклларига тушунча, ҳукм ва ҳулоса киради (буларни логика, яъни мантиқ фани ўрганади).

Интеграция – бирлашиш, бирикиш, яхлит бир бутуннинг шаклланиши.

Интеграция – миллий иқтисодиётларнинг сифат жиҳатидан янги шароитларга эга бўлиши ва мамлакат тараққиёти имкониятларини кенгайтириш мақсадида, ихтиёрий равишда бирлашиши, бир-бирларига ўзаро таъсир этиши жараёни.

Ирқчилик – одамлар ўртасидаги ижтимоий тенгсизлик, босқинчилик, зўравонлик ва урушларни кишиларнинг турли ирқларига мансублиги билан оқлашга хизмат қилувчи ғайримиллий таълимот. Ирқчилар инсонларнинг ижтимоий моҳиятини уларнинг биологик – ирқий (кўзи, сочи ва терисининг ранги, бош ва юз тузилиши каби ташқи, иккинчи даражали жисмоний) белгилар билан боғлаб, уларни олий ва қуйи, бекаму кўст ва норасо ирқларга ажратадилар.

Истиқлол мафкураси – ҳар бир кишининг жамият ҳаётидаги фаолияти, юрти, миллати, ўзи ва оиласи олдидаги бурч ва масъулиятини қай даражада ҳис этаётгани ва бажараётганини белгилайдиган маънавий мезон ҳамдир.

Ички таҳдидлар – ўз Ватанига, ватандошига, ватандошларига зарар етказишга қаратилган ғоя, хатти-ҳаракатлардир.

Қадрият – умумбашарий, умуминсоний, миллий, минтақавий, шахсий, диний турларга бўлинади.

Комил инсон – инсоннинг эзгуликка, ижтимоий бахт-саодатга, гуманистик ғояларга муносабати.

Комиллик – инсоннинг камолотга эришув жараёнидаги баркамоллиги даражасини ифодаловчи тушунча. Комилликнинг ҳар бир даврга хос мезонлари мавжуд. Нодонга нисбатан оқил, лоқайдга нисбатан сергак, бахилга нисбатан сахий, танбалга нисбатан серғайрат, қўрқоққа нисбатан ботирлик каби хислатлар ўзига хос ўлчов воситасини ўтайди.

Консерватизм – (лот.*conserv*– сақлаб қолмоқ) – ижтимоий ҳаётнинг мавжуд ҳолатини, тартиб қоидаларини, эскиликни сақлаб қолиш ва янгиликка, ўзгаришга қаршилик қилиш.

Космополитизм – (юн. *kosmopolites*– жаҳон фуқароси) – Ватанпарварлик, миллийлик (тарих, тил, маданият) омилларини менсимаслиги, ҳатто уларни инкор этиш билан амалдаги байналмилаллик руҳига зид равишда ҳаракатга ундайдиган дунёқараш.

Либерализм – (лот. *Liberalis*– эркинлик)– ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эркинлик устувор бўлишини, жамиятнинг эволюцион ривожланиш йўлини эътироф этувчи ва асословчи назария ва амалиёт, ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий оқим, леберализм ғояси, ўзининг мазмун моҳиятига кўра, муроса фалсафаси бўлиб, валютаризмнинг, субъективизмнинг, догматизмнинг, радикализмнинг ва абсолютизмнинг ҳар қандай кўринишларини рад қилади.

Материализм – дунёнинг моддийлигидан ва онгдан қатъи назар мавжудлигидан келиб чиқадиган фалсафий йўналиш.

Мафкура (араб. - фикрлар мажмуи) – муайян ижтимоий гуруҳ ё қатламнинг, миллат, жамият ёки давлатнинг манфаатлари, орзу-истак, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоявий-назарий қарашлар ҳамда уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимидир. Унда манфаатлари ифодаланаётган куч ва қатламларнинг ўтмиши, бугунги куни ва истиқболи ўз ифодасини топади. Президентимиз Ислам Каримов мафкурага шундай таъриф берган: *«Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараш ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги куни ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан»*¹. Бинобарин, миллий мафкура ҳар қандай халқни халқ, миллатни миллат қиладиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан чароғон этадиган маёқдир.

Мафкуравий иммунитет – лотинча (*immunitatis*) сўзидан олинган бўлиб –бирор нарсадан озод этиш маъносини англатади. Шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоялашга хизмат қилувчи тизим.

Мафкуравий плюрализм (лот. *Pluralis* - хилма-хиллик, ранг-баранглик) – ижтимоий-сиёсий ҳаётда турли қатлам, гуруҳлар манфаатларини ифода этувчи ғоявий ранг-барангликни, қарашлар ва фикрлар хилма-хиллигини ифодалайди. Инсон ва жамият

¹ Каримов И. Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни миллат қилишга хизмат қилсин. Т.7. –Т.: «Ўзбекистон», 1999. 89-бет.

ҳаётида ғоялар ва мафкуралар хилма-хиллигининг намоён бўлиши ижтимоий-маънавий эҳтиёж ифодасидир.

Мафкуравий профилактика – мафкуравий иммунитет тизимини шакллантирувчи бош омилдир. У ўз моҳиятига кўра ёт ғояларнинг кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олади. Демак, мафкуравий профилактика хилма-хил шакллар ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган ғоявий-тарбиявий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ишлар мажмуини, бу соҳада тўғри ташкил этилган таълим-тарбия тизимини қамраб олади.

Мафкуравий эътиқод – жамиятдаги кишилар, турли ижтимоий гуруҳ, бирлик ва тоифалар фаолиятини тартибга солувчи ғояларга қаттиқ ишончдан иборат руҳий-маънавий куч; ғоя(лар)нинг ижтимоий-маънавий ҳаёт тамойилларига айланган ҳолати. У жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳит, ғоявий таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот таъсирида шаклланади. Кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятида ўзига хос руҳий-маънавий ҳаёт тамойили сифатида амал қилади. Мафкуравий эътиқоднинг шаклланишида ғояларга, ундаги мақсад ва орзу-идеалларга ишонч алоҳида ўрин тутди. Яъни умуман, ғояларнинг ҳаққонийлигига ва уларнинг рўёбга чиқишига бўлган ишонч ҳар қандай мафкуранинг ҳамда у билан боғлиқ барча хусусиятларнинг шаклланишида асосий роль ўйнайди. Шунинг учун жамиятдаги умумий мақсад, орзу-идеалларга ва уларни рўёбга чиқариш йўлларида халқ ишончини шакллантириш – миллий мафкурани ривожлантириш ва ундаги ғояларни амалга оширишнинг муҳим шартидир.

Маънавият – (араб. – маънолар мажмуи) – кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи.

Маърифат – маърифатнинг луғавий маъноси билиш, таниш, билим демакдир. Бошқача айтганда маърифат билмоқ, кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия жараёнидир. Маърифат сўзининг кўпчиликдаги маъноси маорифдир. Маърифат атама сифатида – табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли-туман билимлар, маълумотлар мажмуасини билдиради.

Менталитет – (лотинча «mens» - ақл, идрок) – жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил

этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий қуввати.

Методика – таълимий мақсадга эришишда қўлланиладиган педагогик усул ёки чора-тадбирларни қўллаш йўриқномаси.

Миллатлараро тотувлик – муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакилларининг баҳамжиҳат яшаши, ҳамкорликда фаолият юритиши

Миллатчилик – ўз миллатининг манфаатларини бошқа миллатлар ҳақ-ҳуқуқларидан юқори қўйиб ҳал этишга интилувчи сиёсий оқим.

Миллий ғоя – миллатнинг асосий мақсад ва орзу-идеалларини ифодалаб, тараққиётга хизмат қиладиган ижтимоий ғоя шакли. Бу, бизда, ***Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш***, деб айтилади. Миллий ғоя – инсон ва жамият ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган, янгича дунёқараш ва эътиқод асосларини шакллантирадиган фикрлар мажмуидир. Миллий ғоя – халқнинг туб манфаатларини ифода этадиган, уни ўз олдига қўйган мақсадлари сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган ғоядир. Ўз тарихи ва тараққиётининг туб бурилиш даврларида ҳар қандай миллат ва халқ келажагини белгилайди, унга етишнинг ўзига мос йўллари танлайди. Ана шу жараёнга хос ижтимоий, иқтисодий, сиёсий йўналишлар билан барча ғоявий тамойилларини ҳам белгилаб олади. Бунда бутун миллат учун умумий бўлган ғоялар ниҳоятда катта аҳамият касб этади. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов томонидан назарий жиҳатдан асослаб берилган: «Ватан равнақи», «Юрт тинчлиги», «Халқ фаровонлиги», «Комил инсон», «Ижтимоий ҳамкорлик», «Миллатлараро ҳамжиҳатлик», «Диний бағрикенглик» каби ғоялар ана шундай умуммиллий ғоялар қаторига киради.

Миллий ғурур – шахс, ижтимоий гуруҳнинг миллий ўз-ўзини англаши асосида шаклланадиган, аجدодлари қолдирган моддий, маънавий меросдан, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, ўша миллатлар олдидаги кадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссини ифодаловчи тушунча. Шунга кўра, миллий ғурур ҳар бир кишида, ўзи мансуб халқ - миллат тарихини, ўтмиш аجدодлари томонидан яратилган ва мавжуд юксак миллий кадриятлар, ижобий урф-одат ва анъаналарни, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъатда ҳамда давлат ва жамият қуришда эришилган улкан

ютукларни чукур билишда, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиб, беҳад қадрлашда, шунингдек, турмушидаги амалий муваффақиятлардан фахрланиш тарзида намоён бўлувчи ўзига хос фаол ва ижобий туйғудир.

Миллий истиқлол ғояси – Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элат вакилларининг туб манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-идеалларини, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади.

Миллий истиқлол мафкураси – ҳар бир ватандошимизнинг оиласи, жамият, эл-юрт олдигаги бурч ва масъулиятини қай даражада адо этаётганини белгилайдиган маънавий мезондир.

Миллий ифтихор – миллий ғурурнинг зоҳири, намоён бўлиш шакли; миллат маънавий камолотининг барча жиҳатларини, мероси ва бугунги қадриятларини ўз ичига олади. Миллий истиқлол натижасида эришилган ва эришилажак иқтисодий ва маънавий ютуқлар кўпайган сари Ўзбекистон билан фахрланиш ҳисси – миллий ҳис шунчалик кўпайиб бораверади.

Миллий қадрият – миллат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ қадрият шакли.

Миллий мафкура – миллатнинг ўз олдига қўйган олий мақсад ва орзу-идеалларини ҳамда уларни рўёбга чиқариш йўллариини ифодаловчи ғоялар, назария ва қарашлар тизими. Бизда бу тизим, бош ғоя – ***Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш*** ҳамда у билан боғлиқ асосий ғоялар: «*Ватан равнақи*», «*Юрт тинчлиги*», «*Халқ фаровонлиги*», «*Комил инсон*», «*Ижтимоий ҳамкорлик*», «*Миллатлараро тотувлик*», «*Диний бағрикенглик*» каби ғояларни ўз ичига олади.

Миллий мафкуранинг асосий ғоялари – Ватан равнақини таъминлаш ва юксалтириш; Юрт тинчлигини таъминлаш ва асраш; Халқ фаровонлигини таъминлаш; Комил инсонни тарбиялаш; Ижтимоий ҳамкорликни таъминлаш; Миллатлараро тотувликни таъминлаш; Динлараро бағрикенглик (толерантлик);

Миллий мафкуранинг бош ғояси – Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир.

Миллий характер – ўзбек характери, миллий руҳияти, миллий ўзига хос томонлари асрлар давомида шаклланган ҳамда аста-секин уларнинг қонига ва жонига жойлашиб кетган.

Миллий ҳис – бу миллат манфаати билан яшаш, ўзи кимлигини танимоқ. Ўзлигини танимаган инсонда миллий ифтихор

сўнади. Миллийлик, миллатга мансублик – бу умумжаҳон тараққиётининг Қонуниятидир, миллий ғурурсиз ҳеч бир миллат миллат сифатида шаклланмайди.

Миллийлик – муайян халққа хос бўлган, уни бошқалардан фарқини кўрсатувчи хусусиятлар мажмуи. Миллийлик миллатнинг тарихи, қадриятлари, анъаналари, маданияти, яшаш тарзида яққол намоён бўлади.

Моддийлаштириш – маъно структуралари, схемалар, лойиҳаларнинг инсон фаолиятида гавдаланиши.

Модернизм – диндаги замонавий фан-техника ютуқларидан фойдаланишни ёқлаб чиқувчи оқим.

Мустақиллик – 1) Тазйикдан, назоратдан холи бўлиш, эркинлик; 2) иқтисодий, сиёсий, маънавий тобе бўлмаслик. Ўзбек тилида Мустақиллик атамаси одатда истиқлол сўзи билан яқин маънода қўлланилади ва узлуксизликни англатувчи чуқур, кенг қамровли жараённи акс эттиради.

Муҳолифат – (арабча «муҳолафат» - келишмовчилик, тескарилашиш, қарама-қаршилик, зиддият) – расмий сиёсатга, ҳукмрон қарашларга мос бўлмаган нуқтаи назар, алоҳида сиёсий йўл, демократиянинг муҳим белгиси. Муҳолифат уч хил бўлиши мумкин: а) парламент доирасида; б) ундан ташқарида; ёхуд в) сиёсий партиялар ичида.

Негатив – салбий, бирор нарсага зид.

Нигилизм – (лот.*nihil*–ҳеч нима, ҳеч қандай)–**ижтимоий** ҳаётда шаклланган, одат тусига кирган ҳар қандай қоида, тамойил ва қонунларни инкор қилувчи нуқтаи назар.

Ноанъанавий усул – анъанавий усулнинг муқобили, баъзан эса тескарисини бўлиб, унда «ақлий ҳужум», «бахс - мунозара», интервью, интерфаол ва ҳоказолардан фойдаланилади.

Ноосфера – ақл-идрок соҳаси ёки биосферанинг шундай бир ҳолати, бунда одамларнинг оқилона фаолияти биосфера ривожланишининг муҳим омилига айланади.

Обод Ватан – фуқаролари эркин, озод, яратувчилик фаолияти билан банд бўлган, хавфсизлиги таъминланган фаровон ҳаёт қуриш макони.

Озодлик – барча демократик эркинликларга эришишнинг, ҳақ-ҳуқуқлари қафолатланган ва таъминланган жамиятнинг бош шартини.

Пантеизм – Худони табиат билан тенглаштирувчи фалсафий таълимот.

Парадигма – мазкур даврда илмий ҳамжамият томонидан эътироф этилган муайян илмий тадқиқот йўналишини белгиловчи принциплар мажмуи.

Педагогика – шахс тарбияси тўғрисидаги фан; тарбия ҳақидаги таълимот, тарбиялаш санъати; тарбиянинг моҳияти, мақсади, вазифалари ва қонуниятларини, унинг жамият ҳаёти ва шахс тараққиётидаги ролини, таълим жараёнини аниқлаб беради. У тарбия назарияси, дидактика ва мактабшуносликни ўз ичига олади. Ҳозирги даврда турли тармоқларга эга: болалар педагогикаси, профессионал таълим педагогикаси, оила тарбияси педагогикаси, ҳарбий педагогика, дефектология, маданий-оқартув ишлар педагогикаси ва бошқалар.

Прагматив – ўз амалий фаолиятида кўпроқ фойда олишни ўйлайдиган ва шунга кўпроқ фойда олишни ўйлайдиган ва шунга кўпроқ аҳамият бериш зарур деб билгувчи шахс.

Рационализм – ақлни билиш ва одамлар хулқ-атворининг негизи деб эътироф этадиган фалсафий йўналиш.

Сиёсий демократия – жамият сиёсий тизимини халққа яқинлаштириш, сиёсий адолатсизликларнинг олдини олиш.

Социализм – Европа ижтимоий-фалсафий ва сиёсий аънасидаги ижтимоий тушунчалардан бири бўлиб жамият ҳаётидаги барча соҳаларига давлатнинг кўпроқ аралашувини тақозо этадиган жамиятнинг ташкил этиш моделларидан бири.

Субстанция – биринчи асос, барча нарсалар ва ҳодисаларнинг моҳияти.

Табу – бирон-бир нарса, ҳаракат, сўзга нисбатан белгиланадиган диний тақиқ.

Тамойил – нарса-ҳодисаларнинг моҳияти ва намоён бўлишига хос устувор хусусиятлар тушунилади. Масалан, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари деганда, миллий ғоямизнинг асосий қонуният ҳамда белгиларини ўзида акс эттирадиган билим ва тасаввурларни, унинг моҳияти ва намоён бўлишига хос устувор хусусиятларни англаймиз.

Тарғибот-ташвиқот – инсонни бирор ҳаракатга рағбатлантириш ва кишида бирор нарсага шавқ уйғотишга йўналтириш. Ғоявий таълим-тарбияда тарғибот ва ташвиқот алоҳида ўрин тутadi. Яъни бошқа таълим-тарбия шаклларида фарқли ўларoқ ғоявий таълим-тарбия тарғибот-ташвиқотга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, бу унинг узвийлиги ва самарадорлигини оширишнинг асосий омили

ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ғоявий-мафкуравий ишларда тарғибот ва ташвиқот масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Тасаввуф – исломдаги диний-фалсафий оқим. VIII асрда араб мамлакатларида пайдо бўлган. Бу таълимот ўша даврда савдогарлар ва косибларнинг манфаатини кўзлаган. Тасаввуфнинг асосий моҳияти инсон ва унинг Худога муносабатидир, яъни солиҳнинг Худо васлига етишишидир.

Тафаккур – (араб. - фикрлаш, ақлий билиш) – предмет ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хусусиятларини аниқлайдиган, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқалар, яъни қонуний боғланишларни акс этадиган билишнинг рационал босқичи.

Ташқи таҳдидлар – ташқи таҳдидлар асосан ғоявий бўшлиқ туфайли содир бўлади.

Традиционализм – анъанавийлик. Диний ақидаларни ва концепцияларни фан-техника ва ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга қараб қайта кўриб чиқишни рад этувчи оқим.

Умумбашарий муаммолар – бутун дунё, барча давлатлар ва халқларнинг иштирокисиз ечиш мумкин бўлмаган муаммоларга айтилади.

Умуминсоний қадрият – барча халқлар учун ижобий аҳамият касб этувчи, моддий ва маънавий манфаат, мезонлар мажмуи.

Урф-одат – кишилар турмушига сингиб кетган, доим такрорланиб турадиган хатти-ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган ҳуқ-атвор қоидалари ва кўникмалар.

Усул – мақсадга эришишда қўлланиладиган чора-тадбирлар.

Ушбу тушунчалар ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, амалиётда улар бири иккинчисини тўлдириб туради ва мазмунан бир мақсадга хизмат қилади. Шунингдек, айрим қарашларда улар диффенициал мазмунига кўра, фарқланади. Масалан, «тарғибот» тушунчасининг мазмунида кишиларни бирор иш-ҳаракатни амалга оширишга даъват қилиш асосий ўрин тутди. Яъни тарғибот деганда, одамларга муайян нарса ёки ҳодиса ҳақидаги фикр, қараш ва таълимотнинг ғоявий мазмуни ва мақсадларини англатиб, уларни шунга ишониб, эргашишга даъват қилиш – чорлаш тушунилади. Ташвиқот эса, қисқа қилиб айтганда, ўша ғоя ёки таълимотга зид фикр-қараш ва ҳаракатлардан қайтариш демакдир.

Фанатизм – бирон ғояга, шахсга унинг мазмунини, моҳиятини чуқур англамасдан жоҳилларга ишониш ва унга эргашишидир ва у ҳаётда турли соҳаларда учрайди.

Феномен – (юн. Phainomenon – юз берувчи) – 1) кўзга кўриниб турган ҳол; 2) ноёб, кам учрайдиган ҳол ёки буюк, ягона бўлган инсон; 3) ҳиссий билиш, тажрибада берилган маълум бир ҳолни англатувчи фалсафий атама; ҳиссий тажриба ёрдамида пайқаладиган ва англанадиган ҳодиса, жонли мушоҳада объектини билдирадиган тушунча.

Фуқаролик жамияти – иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёт соҳасига тўғри келадиган тушунчадир. Фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий соҳаси кўламига ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар, фуқароларнинг турли шаклдаги фаолияти, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳам мансубдир.

Фундаментализм – маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш ва бу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин деган фикрни илгари суриш.

Халқ фаровонлиги – ҳар бир шахс ва оила фаровонлиги инсоннинг шахсий манфаатлари жамият манфаатлари билан уйғунлашиб кетади.

Шарқона демократия – урф-одат, қадриятларга асосланган ўзига хос демократия.

Шовинизм – миллатчиликнинг ўзига хос шакли, бошқа миллатларни менсимаслик ва ўз миллатининг уларга нисбатан устунлигини асослашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими ва амалиёти.

Экзистенциализм – диққат марказида ҳаётнинг маъноси, инсон эркинлиги ва масъулияти муаммолари турувчи фалсафий йўналиш.

Экологик муаммо – жонли организмларнинг атроф-муҳит билан мувозанатининг бузилиши.

Экстремизм – ўз мақсади йўлида ҳар қандай кескин тадбир-чоралар кўришга тарафдорлик.

Эмпиризм – ҳиссий идрок этиш ва тажрибани билишнинг асосий манбаи деб ҳисоблайдиган фалсафий таълимот.

Эмпирик – тажрибада кўрилган.

Эҳтиёж – инсон талаблари асосида пайдо бўладиган табиий хусусият; жонли мавжудот ҳаёт кечиришининг яққол шарт-шароитларга, унинг шуларга боғлиқ эканлигини ифода этувчи ҳолат.

Юрт тинчлиги – мамлакат барқарор тараққиётининг асосий шарти. Тинчлик – инсоннинг ҳаётий эҳтиёжи, эмин-эркин яшаши ва камол топишининг энг зарур омилидир.

«ҒОЯЛАР ФАЛСАФАСИ» ФАНИДАН РЕФЕРАТ МАВЗУЛАРИ

1. Мустақиллик шароитида миллий ғоя ва мафкурага эҳтиёжнинг ошиши.
2. Мустақил Ўзбекистонда миллий давлат, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий тараққиётининг ўзига хос йўли.
3. Тараққиётнинг «Ўзбек модели» ва унинг ғоявий асослари.
4. Шахс ижтимоийлашувида мафкурaviй омилнинг аҳамияти.
5. Мафкурaviй жараёнлари ижтимоий билишнинг моҳияти, даражалари ва методлари.
6. Реидеологизация ва деидеологизация тушунчаси.
7. Мафкурaviй прогноз ва унинг ўзига хос хусусиятлари
8. Мафкура маънавий маданиятнинг таркибий қисми сифатида
9. Демократик жамият қуришда миллий ғоянинг роли.
10. XX аср файласуфларининг мафкура тўғрисидаги қарашлари.
11. Ғоя дефиницияси.
12. Мафкура категориясининг ижтимоий-фалсафий таҳлили.
13. Темурийлар давлатининг мафкурaviй асослари.
14. Ижтимоий барқарорлик таъминланишининг ғоявий-мафкурaviй масалалари.
15. Жамиятнинг мафкурaviй соҳаси (идеосфера) ва унинг хусусиятлари.
16. Мустақил Ўзбекистонда ғоялар фалсафасининг ривожланиш истикболлари.
17. Жамият маънавий ҳаётининг такомиллаштиришнинг ғоявий асослари ва мафкурaviй омиллари.
18. Мафкурaviй жараёнлар ривожланишининг қонуниятлари ва уларнинг аҳамияти.
19. Жамиятнинг иқтисодий ва социал тараққиётида мафкуранинг роли.
20. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида миллий мафкуранинг асосий функциялари.
21. Демократик давлатда мафкуранинг ўрни ва роли.
22. Демократик жамиятда мафкурaviй плюрализмнинг тутган ўрни.
23. Миллий ғоя – жамият модернизациясининг асосий омили.
24. Президнт И.Каримов асарларида кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий йўналишлари ҳақида

25. Фуқаролик жамиятини барпо этишда мафкуравий плюрализмнинг ўрни.

26. Демократик давлатнинг мафкуравий аппарати.

27. Мафкуранинг асосий функциялари.

28. Мафкуралар классификацияси.

29. XX асрдаги суперидеологиялар.

30. Либерализм мафкурасининг асосий тамойиллари.

31. Консерватизм фалсафаси ва унинг асосий тамойиллари.

32. Социалистик мафкуралар.

33. Тоталитар мафкуралар типологияси.

34. Ҳуқуқий давлат, унинг моҳияти ва мафкуравий функциялари.

35. Дунёнинг мафкуравий манзараси.

36. Демократия асосий умуминсоний қадрият сифатида.

37. «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси»нинг мафкуравий аҳамияти.

38. Эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришда миллий мафкуранинг роли.

39. Демократик мафкуралар ривожланишининг тарихий динамикаси.

40. Шахс эркинлиги принципларининг ғоявий асослари.

41. Глобал муаммолар юмшатилишида мафкуравий омилнинг роли.

42. Халқаро терроризм – умумбашарий муаммо.

43. Дунёнинг мафкуравий манзараси ривожланишининг истиқболлари.

44. Мафкуравий хавфсизлик, унинг йўналишлари ва хусусиятлари.

45. Дунёнинг мафкуравий манзараси, унинг ўзгарувчан характери.

Ахборот қарама-қаршилиги, ахборот уруши ва глобал ахборот тизимида объективлик масалалари.

46. Рус давлатини барпо этишда «Учинчи рим» назариясининг аҳамияти

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛЛАР

1. Президент Ислом Каримов асарлари - ғоялар фалсафасининг назарий асоси.

2. «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарининг ғоявий мазмуни.

3. Идеология назариясининг предмети ва мақсади, бошқа фанлар билан алоқадорлиги.

4. Мафкуравий плюрализм – демократик жамият асоси.

5. Ғоялар фалсафасининг шарқона илдизлари.

6. Конституционализм, консерватизм ва либерализм ғоялари.

7. Тараққиётга идеологик ёндашув.

8. «Мафкура» категориясининг интегратив мазмуни.

9. Ғоя ва мафкуранинг узвий алоқадорлиги.

10. Мафкуралар социодинамикаси

11. Дунёнинг мафкуравий манзараси ва мафкуравий глобаллашув.

12. Жамият тузилиши ва ривожланиши босқичига ғоялар тизимининг мое келиши.

13. Янги ғоялар тизими шаклланишидаги инкор, ворислик ва янгиланиш жараёнлари.

14. «Мафкуравий полигон» тушунчаси ва унинг намоён бўлиш хусусиятлари.

15. «Ғоявий зиддият» ва «Мафкуравий кураш» тушунчалари.

16. «Мафкуравий толерантлик» ва «мафкуравий плюрализм» тушунчалари.

17. Мафкуравий инкироз ва ғоявий бушлик, уларнинг олдини олиш ва улардан чиқиш йўллари.

18. Мафкуравий иммунитет ва мафкуравий профилактика: ўзаро алоқадорлик.

19. Тарих ва тараққиётни идеологик тушуниш.

20. Умумижтимоий ўзгаришларнинг мафкуравий ўзгаришлар билан алоқадорлиги.

21. Ғоя ва мафкураларнинг ўзгариши ва ўрин алмашувида инкор ва ворислик.

22. Ҳозирги даврда мафкуравий жараёнлар мониторингини мунтазам олиб бориш зарурияти.

23 Мафкуравий тарбия ва унинг йўналишлари.

24. Мафкуравий таъсир, мафкуравий тарбия ва мафкуравий профилактика тушунчаларининг ўзаро алоқадорлиги.

25. Мафкуравий тарбия тизими, унда субъект ва объект диалектикасининг намоён бўлиши.

26. Мафкуравий тарбиянинг йўналишлари ва ижтимоий функциялари.

27. Мафкуравий соҳада плюрализм ва толерантликни тарбиялаш.

28. Мафкуравий тарбиянинг йўналишлари ва ижтимоий функциялари.

29. Баркамол авлодни тарбиялаш ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг ғоявий омиллари.

30. Мафкуравий тарбиянинг маънавий-маърифий функциялари.

31. Ёшларда зарарли ғояларга нисбатан мафкуравий тарбияни кучайтириш вазифалари.

32. Ғоявий тарбия таъсирчанлигини ошириш йўллари.

33. Мондиализм – геосиёсат, мафкура ва улар ўртасидаги детерминизм.

34. Феодал эксплуатациясига қарши халқ оммасининг кураши ва унинг сиёсий-ҳуқуқий мафкурада акс этиши.

35. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши жараёнида мафкуравий соҳадаги туб ўзгаришлар.

36. Мамлакатимизда жаҳон цивилизациясининг таркибий қисми бўлган янги ғоялар тизими шаклланиши учун объектив ва субъектив омилларнинг пайдо бўлиши.

37. Президент Ислом Каримов асарларида истиклол даврида янги ғоявий тамойиллар вужудга келишининг назарий асослаб берилганлиги.

38. Ўзбекистонда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Саммити минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи, 2009.
4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
5. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 12 ноябрь. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
6. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2010 йил 7 декабрь).
7. Каримов И.А. Ўзбекистон мустаилликка эришиш оstonасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
8. Каримов И.А. Буюк ва муқаддасан мустақил ватан. Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган маъруза. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
9. Абдусамедов А., Шоабдурахимова Ш. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий маърифий асослари. –Т.: ЎЗМУ, 2006.
10. Азизхўжаев А. Демократия ва маънавият. –Т.: Академия, 1998.
11. Алимова Д. Инсоният тарихи ғоя ва мафкуралар тарихидир.//Халқ сўзи 28 сентябрь, -Т., 2001.
12. Анохин П.К. Конструкция мозга. –М.: Иностранная литература, 1962, 232 с.
13. Атаманчук Г.В.. Теория государственного управления. –М.: Изд-во РАГС, 1997.

14. Ачилдиев А.С. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. –Т.: Ўзбекистон, 2004.
15. Балабанов И.Т. Интерактивный бизнес. – СПб.: Питер, 2001.
16. Барулин В.С. Социальная философия: Учебник. Изд. 2-е. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 1999.
17. Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования. – М.: Academia, 1999.
18. Белл Д. Мир и США в 2013 году. –М.: Academia, 1998.
19. Бергсон А. Два источника морали и религии. –М.: Канон, 1994.
20. Бжезинский З. Великая шахматная доска. –М.: Международные отношения, 1998.
21. Бобоев Х.Б. ва б. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Олий ўқув юртлари учун дарслик. –Т.: ТДЮИ, 2003.
22. Бобоев Ш., Ғофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий маърифий таълимотлар тараққиёти. –Т.: Янги аср авлоди, 2001.
23. Васильев Р.Ф. Охота за информацией. –М., 1973.
24. Гуревич П.С. Философия культуры. – М.: Nota bene, 2001.
25. Дэйсон Э. Жизнь в эпоху интернета. – М.: Бизнес и компьютер, 1998.
26. Дарендорф Р. После 1989. Размышления о революции в Европе. –М.: Ad Marginem, 1998.
27. Дубровский Д.И. Проблема идеального. Субъективная реальность. –М.: Канон, 2002.
28. Ёқубова М. Ахборот технологияларининг фалсафий асослари. –Т., 2008.
29. Ерасова Б.С. Социальная культурология. –М.: Аспект Пресс, 2000.
30. Заковоротная М.В. Идентичность человека. Социально-философские аспекты. – Ростов-на-Дону: СКНЦ ВШ, 1999.
31. Затуливерет Ю.С. Информационная природа социальных перемен. – М.: СИНТЕГ, 2001.
32. Ильин И.П. Постструктурализм, деконструктивизм, постмодернизм. – М.: Интрада, 1996.
33. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси // Инсон ҳуқуқлари. Ўқув қўлланма. –Т.: Адолат, 1997.
34. Ионин Л.Г. Социология культуры. – СП, Петрополис, 1996

35. Ислом. Энциклопедия. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.
36. Йўлдошев С. ва б. Қадимги ва Ўрта аср Ғарбий Европа фалсафаси. –Т.: Шарқ, 2003.
37. Кара – Мурза С.Г. Манипуляция сознанием. -М.: Алгоритм, 2000.
38. Карим Т. Муқаддас «Авесто» изидан. –Т.: Чўлпон, 2000.
39. Карпенков С.Х. Концепции современного естествознания. Учебник для вузов. – М.: Академический проспект, 2002
40. Қаҳҳарова Ш. Глобал маънавият–глобаллашув асоси.-Т.: Тафаккур, 2009.
41. Қувватов Н. Ўтиш даври тафаккури. –Т., 2002.
42. Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э. Ответственность образования в предупреждение и преодоление вызовов современности. –Т., 2003.
43. Кучкаров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар (сиёсий-фалсафий таҳлил). –Т.: Академия, 2007.
44. Лешкевич Т.Г. Философия науки: традиции и новации. –М.: ПРИОР, 2001
45. Ломброзо Ц. Гений и помешательство. –СПб.: Павленкова, 1989.
46. Мадаева Ш. Миллий менталитет ва демократик тафаккур. (20 аср сабоқлари ва 21 аср истикболлари). –Т.: 2007.
47. Маритен Ж. Знание и мудрость – М.: Научный мир, 1999.
48. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғат. -Т.: Ғофур Ғулом нашриёти, 2009.
49. Миллий истиклол ғояси. Бакалавриат босқичи учун дарслик. –Т., 2008.
50. Моисеев Н.Н. Судьба цивилизации. Путь разума. – М.: АГРАФ, 2000.
51. Моль С. Информационное воздействие в современном мире. – М.: Крымский мост, 2009.
52. Мудрых В. Теория эволюции разума. – М.: АГРАФ, 1999.
53. Мухамедова З. Таълимнинг инсонпарварлашуви.- Т.: ТошМИ, 2004.
54. Н. Винер. Человек управляющий. – СП Питер, 2001.
55. Назаров Қ. Ғоялар фалсафаси. Маърузалар матни.–Т., 2011.
56. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси. –Т.: Университет, 2004.

57. Назаров Қ., Холбеков А. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. –Т.: Академия, 2007.
58. Назаров Қ.Н. ва бошқалар. Миллий ғоя: назарий манбалар. –Т.: Академия, 2007.
59. Дугин А.Г. Конспирология. –М.: РОФ «Евразия», 2005.
60. Йейтс Ф. Розенкрейцеровское просвещение. – М.: Алетея; Энигма, 1999.
61. Йейтс Ф. Розенкрейцеровское просвещение.
62. Poulat Émile. Notre laïcité publique. Paris: Berg international, 2003; Idem. L'université devant la mystique. –Paris: Salvator, 1999.
63. Cohn Norman. The Pursuit of the Millennium: Revolutionary Millenarians and Mystical Anarchists of the Middle Ages. – London; New York: Oxford University Press, 1957.
64. Roosevelt C. The science of government, founded on natural law. – New York: Dean & Trevett, 1841.
65. Millin Sarah Gertrude. Rhodes. – London: Chatto & Windus, 1952.
66. Низомиддинов Н. Шаркий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом. –Т.: ЎзРФА Давлат Адабиёт музейи, 2006.
67. Ортега - и - Гассет Х. Идеи и верования // Избр. произв. –М., 1997.
68. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат.-Т.: Янги аср авлоди, 2008.
69. Отамуродов С., Мамашокиров С., Холбеков А. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар.- Т.: Янги аср авлоди, 2001.
70. Панарин А.С. Политология. О мире политики на Востоке и на Западе. –М.: Университет, 1999.
71. Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот.-Т.: Академия, 2008.
72. Сорокин П. Человек, цивилизация, общество. –М.: Политздат, 1992.
73. Спиркин А.Г. Философия: Учебник. – М.: Гардарики, 1999.
74. Узбекистан: модернизация и развитие политической системы. Под.ред Назарова. -Т.: Академия, 2005.
75. Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. Масъул муҳаррир Қ.Назаров. -Т., 2005.

76. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Т.: 1995.
77. Фалсафа қисқача изохли луғат. –Т.: Шарқ, 2004.
78. Фалсафа қомусий луғат. –Т.: Шарқ, 2004.
79. Фарман И.Л. Модель коммуникативной рациональности (на основе социально – культурной модели Ю.Хабермаса) Рациональность на перепутье, кн. 1. – М.: РОССПЭН. – 1999.
80. Чумаков А.Н. Глобализация. –М.: Наука, 2005.
81. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. –Т.: Шарқ, 2003.
82. Шарқ фалсафаси. –Т.: ТДШИ, 2006.

Фойдаланилган интернет сайтлар

www.gov.uz
<http://arxiv.uz>
<http://natlib.uz>
<http://txt.uz>
<http://tanlov.uz>
<http://www.infolib.uz>
<http://www.academy.uz>
<http://www.tuit.uz>
<http://ensiklopediya.uz>
www.polit.ru
www.ideology.ru
[http://www.Humfns.ru/humon 3 / 55 935 / h_print_view_t. pag](http://www.Humfns.ru/humon%203%2055%20935/h_print_view_t.pag) 1
ob 3.
www.odn.ru
http://www.ca-c.org/journal/cac-04-1999/st_27_podporenko.shtml
<http://www.un.org/russian/conferen/wssd/docs/decl-wssd/pdf>
<http://www.severinform.ru/index.php?paqenewsfull&date21-12-2004&newsid8785>

МУНДАРИЖА

Сўз боши

1.1. Ғоялар фалсафасининг предмети, мақсад ва вазифалари

I боб. Ғоялар фалсафаси ривожланишининг тарихий шакллари

1.1. Ғоялар фалсафасининг шарқона илдизлари

1.2. Ғоялар фалсафасининг ғарбдаги ривожланиш босқичлари

1.3. Киев Руси ва Рус марказлашган давлати даври сиёсий мафкуралари

1.4. Мондиализм ғояси, унинг тарихий илдизлари ва ҳозирги замон

1.5. Ҳозирги даврда Марказий Осиё минтақасида мафкуравий жараёнлар

II боб. Жамият тараққиётининг ғоя ва мафкуралар билан ўзаро алоқадорлиги

2.1. Мафкуравий онг ва дунёқараш ҳақида умумий тушунча

2.2. «Ғоя» ва «мафкура» категориялари таснифи

2.3. Ғоя ва мафкураларнинг намоён бўлиш шакллари

2.4. Тарихни идеологик тушуниш, ғоя ва мафкураларнинг тараққиётга боғлиқлиги

2.5. «Ғоявийлик» ва «ғоясизлик» тушунчалари

2.6. Мафкуравий фаолият ва ғояларнинг амалга ошиш жараёни

2.7. Мафкуравий таъсир ва акс таъсир

III боб. Глобалашув жараёнида ғоявий мафкуравий таҳдидларни бартараф этиш йўллари

3.1. Мафкуравий майдон ва полигонлар

3.2. Мафкуравий муносабатлар: ғоявий зиддият ва мафкуравий толерантлик

3.3. Мафкуравий инқироз ва ғоявий бўшлиқ

3.4. Мафкуравий иммунитет ва ғоявий профилактика

3.5. Мустақиллик ва янги ғоялар тизимининг шаклланиш жараёни

3.6. Глобалашув ва инсоният истиқболи

3.7. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш мафкуравий

муаммо сифатида

3.8. Мафкуравий тарбия: муаммо ва ечимлар

Хулоса

Глоссарий

Фойдаланилган адабиётлар

Реферат мавзулари

Мустақил таълим мавзулари

Ж. НОРБЕКОВ

ҒОЯЛАР ФАЛСАФАСИ

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2016

Мухаррир: М.Ҳайитова
Тех. муҳаррир: М.Холмуҳамедов
Мусаввир: Д.Азизов
Мусахҳиҳа: Н.Ҳасанова
Компьютерда
саҳифаловчи: Н.Раҳматуллаева

E-mail: tipografiyacent@mail.ru Tel: 245-57-63, 245-61-61.
Нашр.лиц. АИ№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 29.11.2016 йил.
Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табағи . Нашр босма табағи .
Тиражи . Буюртма №

**«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» da chop etildi.
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.**